

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

## ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

(Республика илмий-назарий анжумани материаллари)

№ 3

ТОШКЕНТ – 2009

Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Низомий номидаги ТДПУ ўзбек тилшунослиги кафедраси ҳамкорлигида 2009 йил 23 апрелда ўтказилган республика илмий-назарий анжумани материалларидан ташкил топган.

Тўплам материалларидан филолог мутахассислар, она тили ва адабиёти ўқитувчилари ҳамда магистратура ва бакалаврият талабалари фойдаланишлари мумкин.  
(Мақолаларнинг илмий савияси учун муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар)

#### Тахрир хайъати:

Хайдаров Ф.И.	– ТДПУ ректори
Хайдаров М.Э.	– ТДПУ проректори
Махмудов Н.	– ф.ф.д., профессор (масъул муҳаррир)
Аширбоев С.	– ф.ф.д., профессор
Тўхлиев Б.	– ф.ф.д., профессор
Расулов Р.	– ф.ф.д., профессор
Жамолхонов Х.	– ф.ф.н., профессор
Юнусов Р.	– ф.ф.н., профессор
Йўлдошев И.	– ф.ф.д., профессор
Азимов И.	– ф.ф.н., доцент
Йўлдошев М.	– ф.ф.н., доцент
Сапарниёзова М.	– ф.ф.н. (илмий котиб)

#### Тақризчилар:

Шамсиддинов Х.	– Ўзбекистон Миллий университети ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори, филология фанлари доктори.
Маҳкамов Н.	– ЎзР. ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти бўлим мудир, филология фанлари номзоди.

Техник муҳаррир: Аҳмедова Н.

Тўплам Низомий номидаги ТДПУ Илмий кенгашининг 2009 йил 26 мартдаги 9-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

## ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА МОРФЕМ ПАРАДИГМА МАСАЛАСИ

Морфеманинг ўз шакл ва мазмун (маъно) жиҳатига эга бўлган тил бирлиги экани тилшунослар томонидан эътироф этилган ва инкор этиб бўлмайдиган фактдир. Бу хусусияти билан у тил қурилишининг асосий бирликларидан бири ҳисобланувчи сўз (лексема)га ўхшайди. Шу ўхшашлик ўзбек тилшунослигида морфеманинг ва у билан боғлиқ тил ҳодисаларининг моҳиятига тўғри келмайдиган қарашларнинг ҳануз давом этаётганлигига сабаб бўлмоқда. Очiqроқ айтганда, морфемаларнинг шакл ва маънога кўра муносабатга киришуви тан олинмоқда, шу асосда морфемаларда ҳам полисемия, антонимия каби тил ҳодисалари мавжудлиги эътироф этилмоқда. Натижада бу ҳодисалар (аффиксал полисемия, аффиксал синонимия, аффиксал антонимия каби “ходиса”лар) ўқув қўлланмалари ва дарсликларда ҳам бериб келинмоқда. Бироқ сўз (лексема) билан морфема моҳиятан бир-биридан фарқли бўлган тил бирликларидир. Шунинг ўзиёқ бу икки тил бирлиги ва уларнинг амалиёти билан юз берадиган тил ҳодисалари бир хил моҳиятга эга бўлмаслигидан далолат беради. Ўзбек тили материаллари ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Бу ўринда мазкур ҳодисаларнинг барчасига тўхташни лозим топмаймиз, фақатгина полисемия, синонимия ва антонимия ҳодисаси мисолида ўз фикримизни асослаш билан чекланамиз.

Авалло айтиш керакки, ўзбек тилшунослигига оид адабиётларда, асосан, аффиксал полисемия, аффиксал синонимия, аффиксал антонимия кабилар ҳақида гапирилади. Бироқ тил бирлиги ҳақида гап борар экан, ясовчи бирликларга нисбатан *аффикс* ёки *қўшимча* сўзини (терминини) эмас, *морфема* терминини қўллаш тўғри бўлади. Чунки *аффикс*, *қўшимча* сўзлари тил бирлигини қайд эта олмайди (Морфема ҳақидаги таълимот аффикс ёки қўшимчалар ҳақидаги таълимот эмас) (1).

Морфема тил системасини шакллантирадиган бирлик (тил қурилиши бирлиги) эмас, балки у ясовчи бирликдир. Морфема ва унинг амалиёти билан боғлиқ барча ҳодисаларнинг моҳияти унинг ана шу хусусиятидан келиб чиқади, шу хусусияти билан асосланади.

Лексемаларнинг ўзаро маъно муносабати асосида турли типдаги лексик-семантик гуруҳлар, парадигмалар юзага келиши, шаклланиши маълум (Буни исботлашга, фактлар келтиришга эҳтиёж йўқ деб ўйлаймиз). Морфема ўз маъно жиҳатига эга тил бирлиги бўлгани учун ўзаро маъно муносабати асосида ҳам турли семантик гуруҳлар юзага келади, яъни полисемия, синонимия, антонимия каби ҳодисалар морфемалар учун ҳам хос деб қаралади. Биз ҳам шундай фикрда эдик. Лекин кейинги вақтларда морфемалар юзасидан олиб бораётган кузатишларимиз ҳақиқий ҳолат бундай эмаслигини кўрсатяпти.

Морфемалар мустақил тил бирлиги бўлмагани учун улар ўзаро семантик муносабатга кириша олмайди – бу қонуний ҳол.

Морфемаларнинг сўз ва сўз шаклини ясаши – ясовчи бирлик экани ҳақида кўп гапирдик. Уларнинг маъноси ҳам мустакил ҳолда эмас, балки ясама сўз ва сўз шакли таркибида воқеланади. Шу боис, морфемаларнинг вазифаси ва маъносини ясама сўзлар ва сўз шакллари доирасида ўрганиш тўғри бўлади. Шундай қилинганда, морфемалар ва уларнинг амалиёти билан боғлиқ тил ҳодисаларининг моҳиятини тўғри белгилаш осонлашади. Шу боис, морфемага хос деб қаралаётган полисемия, синонимия, антонимия ҳодисаларининг моҳиятини ясама сўз ва сўз шакли мисолида олиб кўрайлик.

Ўзбек тилидаги сўз ясовчилар ҳақида фикр юритилган ишларда, ўқув қўлланмалари ва дарсликларда баъзи сўз ясовчи аффиксларнинг кўп маънолилиқ хусусиятига эътибор айтилади (2). Баъзи ишларда эса, умуман, морфемаларнинг шундай хусусиятига эътибор алоҳида қайд қилинади ва бунинг сабаби ҳам айтилади: “Морфемада ҳам шакл ва маъно муносабати барқарор. Морфеманинг миқдори чекланганлиги бу муносабатнинг кенг камровлигидан далолат беради.

Морфемик полисемия. Морфемик полисемия кенг тарқалган. Бу морфеманинг полифункционалликка боғлиқдир. Мисол сифатида – *чилик* аффиксини олайлик. Дарслик ва қўлланмаларда куйидаги уч маъноси фарқланади:

1. Асосдан англашилган нарсани етиштирадиган соҳани ифодаловчи от: *пахтачилик, урувчилик, чорвачилик, узумчилик.*

2. Асосдан англишилган нарса-ҳодисанинг борлиқ ҳолатини билдирувчи от: *тишиқчилик, мўлчилик, арзончилик.*

3. Асосдан англашилган тушунча билан боғлиқ бўлган ишни билдирувчи от: *улфатчилик, тирикчилик, душманчилик.*

Аксарият морфема полисемик табиатлидир” (3).

Келтирилган парчада билдирилган фикрлар ҳақида куйидагиларни айтиш мумкин. Биринчидан, морфеманинг ўз шакли ва маъно жиҳатига эга бўлган тил бирлиги экани барча томонидан эътироф этилган. Лекин “Морфеманинг миқдори чекланганлиги бу муносабатнинг кенг камровлигидан далолат беради” деган жумла бирор тил ҳодисасини қайд эта олмайди. Иккинчидан, «Морфеманинг миқдоран чекланганлиги бу муносабатнинг кенг камровлигидан далолат беради» деган фикрга ҳам қўшилиб бўлмайди. Чунки “морфемаларда кўп маънолилиқ ҳодисаси мавжудлиги”ни бу тил бирлигининг миқдоран чекланганлиги билан асослаш мумкин эмас. Шунингдек, “Морфемик полисемиянинг “кенг тарқалганлигини” морфеманинг “полифункционаллик хусусияти” билан ҳам асослаб бўлмайди. Чунки морфеманинг вазифаси сўзни ва сўз шаклини ясаши экани маълум – шундан бошқа функцияси йўқ. Учинчидан, “Аксарият морфема полисемик табиатлидир” деган фикрни ҳам ўзбек тили материаллари тасдиқламайди. Биргина шахс оти ясовчи морфемалар мисолида фикримизни аниқ исботлаш мумкин.

Ҳозирги ўзбек тилида *-чи, -шунос, -кор, -соз, -фуруш, -хўр* морфемалари шахс оти ясади, яъни буларнинг барчаси шахс маъноли от ясади: *дўторчи, ҳуқуқшунос, тадбиркор, йўлсоз, дўттифуруш, норинхўр* каби. Демак, бу

морфемаларнинг асосий вазифаси сўз яшаш, сўз ясовчи бошқа морфемалардан фарқли хусусияти эса от туркумига мансуб шахс отлари яшашдир. Уларнинг шундан бошқа вазифаси йўқ. Шу вазифаси билан уларнинг “кўп маъноли” бўлишини исботлаб бўлмайди. Шу билан бирга, бу аффиксларнинг баъзилари ёрдамида ясалган шахс отлари (морфемаларнинг ўзи эмас!) ўзига хос маънолари билан бир-биридан фарқланади. Ана шу икки нарса, биринчидан, бу ясама сўзларга хос “шахс” маъноси сўз ясовчи морфемага хослигини кўрсатса, иккинчидан, улардан баъзилари ёрдамида ясалган сўз (от) ларнинг бир-биридан фарқли маънога эга бўлишини ҳам сўз ясовчи морфемага хос деб қаралади, яъни кўп маънолилик ҳам морфемага тегишли деб қаралади. Лекин ҳақиқий ҳолат бошқача.

Биринчидан, келтирилган морфемалар билан ясалган сўзларда “шахс” маъносининг шу сўзлар таркибидаги сўз ясовчи морфемага мансуб бўлишига шубха йўқ. Лекин, иккинчидан, морфемалар мустақил тил бирлиги эмаслиги боис мустақил қўлланмайди, “шахс” маъносини ҳам қайд эга олмайди. Морфемага хос маъно ясама сўз (шахс оти) таркибида намоён бўлади. Шу сабабли у ясама сўзга мансуб маъно ҳисобланади, яъни ясама сўз семемаси таркибидаги бир сема – шахс семаси мақомида бўлади. Шунинг учун ҳам ясама шахс отларининг барчасида шахс семаси мавжуд бўлади ва у умумий сема ҳисобланади. Демак, морфеманинг маъноси ҳақида гап борганда унинг ана шу моҳияти доимо эътиборда бўлиши керак. Масалани шу асосда ёндашилса ясама сўзларда ҳам семантик муносабат, ўзаро семантик муносабатга киришиш морфемага эмас, ясама сўзга (лексемага) хос бўлади, яъни ясама сўзлар бошқа сўз (лексема)лар билан ўзаро муносабатга киришади ва турли типдаги лексик-семантик гуруҳларнинг таркибий қисми бўлади.

Шахс оти ясовчи морфемалар ёрдамида ясалган сўзларнинг бир-биридан фарқли маънога эга бўлиши ва бу ҳодиса ҳам морфемага тегишли, морфеманинг кўп маънолилиги ходисаси деб қаралиши айтилди. Аслида, бу ходисалар ҳам морфемаларга тегишли эмас. Масалан, *-чи* морфемаси билан ясалган шахс отларининг барчаси “шахс” маъносига эга бўлади (Шундай маъноли от яшаш *-чи* морфемасининг вазифаси). Шу билан бирга, бу морфема ёрдамида ясалган шахс отлари ўзига хос маънолари билан бир-биридан фарқланиши ҳам айтилди. Масалан, *спортчи, курашчи, мусиқачи, экскурсиячи* шахс отларининг бир-биридан фарқли маънога эга эканлигини сезиш қийин эмас. Худди шу ходиса, яъни бир-биридан фарқли маънонинг мавжудлиги “кўп маънолилик” деб қаралади ва у (“кўп маънолилик”) шу ясама отларни ҳосил қилган *-чи* морфемасига тегишлилик тушунилади, охири-оқибат “*-чи* морфемаси кўп маъноли” деган хулосага келинади. Аслида, бундай ясама отларнинг ҳосил бўлишида *-чи* морфемаси сўз ясалиш асосидан англашилган нарса билан “шуғулланувчи шахс” маъноси билан қатнашади. Сўз ясалиш асосининг хусусиятига, нимани билдиришига кўра бундай ясама отлар маъно жиҳатидан бир-биридан фарқланади: *спортчи* – спорт билан шуғулланувчи шахс; *курашчи* – кураш билан шуғулланувчи шахс; *мусиқачи* – мусиқа билан шуғулланувчи (мусиқа чалувчи) шахс;

*экскурсиячи* – экскурсияда қатнашувчи шахс ва бошқалар (4). Шу ўринда яна бир фактга эътиборни қаратамиз. –*чи* морфемаси ёрдамида бир сўз (сўз ясалиш асоси)дан ясалган сўз икки хил маънога эга бўлиши мумкин. Масалан, *гулчи* ясама сўзи: 1)“гул етиштирувчи”, 2) “гул сотувчи” маъносини билдиради. Лекин бу икки маъно ҳам –*чи* морфемасига мос эмас, балки улар умумий ҳолатда англашилади. Бу айтилганлар фақат сўз ясовчи –*чи* морфемасига эмас, шахс оти ясовчи морфемаларнинг барчасига, фақат шахс оти морфемаларга эмас, умуман, сўз ясовчи морфемаларнинг барчасига тааллуқли. Бу факт сўз ясовчи морфемаларнинг кўп маънолилиқ хусусиятига эга эмаслиги ҳақида хулоса чиқаришга асос бўла олади.

Морфем синонимия масаласи. Морфемалар мустақил тил бирлиги эмаслиги боис улар ўзаро семантик муносабатга кириша олмас экан, морфемаларнинг синонимик муносабати, синонимияси ҳақида гапириб ҳам мумкин бўлмайди. Шу боис ҳам ўзбек тилшунослигига оид бирор ишда морфемаларнинг ўзаро маъно муносабатига киришиши – морфем синонимия ҳодисаси мавжудлиги исботланмаган ва шундай бўлиши табиийдир.

Проф. Ш.Раҳматуллаев морфем синонимия ҳодисаси, асосан, сўз ясовчи морфемаларга хослигини, унинг шакл ясовчи морфемаларда жуда оз учрашини алоҳида таъкидлайди: «Синоним бўлиш, асосан, лексема ясовчи морфемаларга хос... Шакл ҳосил қилувчи морфемаларнинг синонимик муносабатда бўлиши жуда оз учрайди» (5). Шу боис шакл ясовчи морфемалар синонимияси масаласига тўхталмай, фақат сўз ясовчи морфемалар синонимияси ҳақида ўз мулоҳазаларимизни билдириш билан чекланамиз.

Ўзбек тилида шахс оти ясовчиларнинг бирдан ортиклигини юқорида кўрдик. Ана шу морфемалар ўзбек тилшунослигида морфем синонимия ҳақида фикр юритилган ишларнинг деярли барчасида синоним морфемалар деб қаралади. Лекин, юқорида кўп бор таъкидлаганидек, мустақил тил бирлиги эмаслиги боис сўз ясовчи морфемаларда ҳам семантик муносабат, демакки, синонимия ҳодисаси ҳам бўлмайди. Масалан, –*чи*, –*кор*, –*соз*, –*паз*, –*фуруш* морфемалари “шахс” маъноли от ясади: *найчи*, *галлакор*, *уйсоз*, *ошпаз*, *мевафуруш* каби. Демак, “шахс” маъноси шу ясама сўзларга мансуб бўлади. “Шахс” маъноли муносабат ҳам морфемаларга эмас, улар ёрдамида ясалган лексемаларга тааллуқли бўлади – “шахс” маъноси асосида ясовчи морфемалар эмас, ясама сўзлар ўзаро муносабатга киришади, демак, ўзаро синонимлик морфемага эмас, лексемага хос ҳодиса ҳисобланади. Ясама сўз ёки ясовчи морфеманинг ўзаро синоним бўлиши масаласида ана шу факт, ана шу қонуният асосида иш кўриш керак бўлади. Бу эса тўғри хулосаларга келиш имконини беради.

Морфем антонимия масаласи. Бу масала юзасидан ҳам ўзбек тилшунослигида тўғри ва аниқ фикрга келинмаган. Мавжуд қарашларни, асосий моҳиятига кўра, уч турга ажратиш мумкин: 1) морфем антонимия ҳодисаси умуман тилга олинмаган ишлар (6); 2) морфем антонимия ҳодисасининг фақат сўз ясовчи морфемаларга хослиги эътироф этилган ишлар (7); 3) антонимия ҳодисаси сўз ясовчи ва сўз шаклини ясовчи

морфемалар учун, умуман, морфемалар учун хослиги тан олинган ишлар (8). Келтирилган ана шу фактнинг ўзиёқ ўзбек тилшунослигида морфем антонимия масаласининг қандай ҳал этилганлиги ҳақида аниқ тасаввур бера олади.

Морфемалар мустақил тил бирлиги эмаслиги боис ўзаро семантик муносабатга кириша олмаслигини юқорида айтдик ва кўп маънолилик, синонимия каби ҳодисалар морфем бирликлар учун хос эмаслигини исботлашга ҳаракат қилдик. Бу айtilган гапларнинг барчаси “қарама-қарши маъноли” морфемалар ва “морфем антонимия ҳодисаси”га ҳам тааллуқли, яъни морфем антонимия ҳақида ҳам гап бўлиши мумкин эмас. Лекин ўзбек тилида шундай ҳодиса борлиги тан олинган ишларда бунинг исботи учун фактлар келтирилган. Шу боис фактларнинг қай даражада талабга жавоб бериши ҳақида қисқача тўхтаб ўтишга тўғри келади.

Морфем антонимия ҳодисаси сўз ясовчи морфемаларга хослиги таъкидланган ишларда сўз (сифат) ясовчи *-ли* ва *-сиз* (*кучли* - *кучсиз*) морфемалари мисол сифатида келтирилади. Демак, бу ишларда ҳам антонимия ҳодисасининг сўз ясовчи барча морфемаларга хос эмаслиги, демакки, умумий ҳол эмаслиги тан олинади.

Ўзбек тилида *-ли* ва *-сиз* морфемаси билан ясалган сифатлар ўзаро зид маъноли (антоним) бўлади. Шу нарса ўзаро зидлик бу сўзлар таркибидаги *-ли* ва *-сиз* морфемаларига хос маъно ясама сўзнинг маъноси (семемаси) таркибига киради – ясама сўз семемасининг бир семаси ҳисобланади. *-ли* ва *-сиз* морфемаси билан ясалган сўзлар ана шу семалар билан бир-бирига зидланади: *кучли* – *кучсиз*, *бахтли* – *бахтсиз*, *асосли* – *асоссиз*, *саводли* – *саводсиз*... Демак, зидлик муносабати морфемага эмас, сўзга (лексемага) хос бўлади. Яна шунини ҳам эътиборга олиш керакки, бундай ясама сўзларда “бор - йўқ”, “эга - эга эмас” деган маъно ифодаланмайди. Агар шундай маъно ифодаланганида, *-ли* ва *-сиз* аффиксли *одобли* – *одобсиз* каби сўзларни ясама сўз (ясама сифат) эмас, балки отнинг “эгаллик” ва “эга эмаслик” маъносини билдирувчи шакли, яъни сўз шакли эканини тан олишга тўғри келадики, буни исботлаш мутлақо мумкин эмас(9).

Проф. Ш.Раҳматуллаев дарслиқда морфемалардаги синонимия, антонимия каби ҳодисаларни лексемалардаги, лексема шакллардаги шундай ҳодисалар ўрганилгандан кейин, яъни парадигмалар доирасида ўрганишни маъқул кўради. Бунинг сабаби бор, албатта, яъни, биринчидан, морфемалар ўзаро семантик муносабатга кириша олмаслигини кўрдик. Демак, ясама сўз ва сўз шаклидан алоҳида (ажратилган) ҳолда морфемаларда полисемия, антонимия каби ҳодисалар борлигини исботлаб бўлмайди. Парадигмалар масаласида ўзбек тилшунослигида мавжуд бўлган бир хатолик, морфем антонимиянинг мавжудлигини исботлаш имконини берадигандек туюлади. Аслида эса бу хатолик морфем антонимия масаласида ҳам нотўғри хулоса чиқаришга хизмат қилади.

Ўзбек тилшунослигида отнинг сон категорияси борлиги, унинг бирлик ва кўплик шакли парадигмани ҳосил қилиши; феълнинг бўлишли-бўлишсизлик категорияси борлиги, бўлишли ва бўлишсиз шакллар

парадигмани ҳосил қилиши эътироф этилади. Бу ишларнинг барчасида ўзбек тилида отнинг бирлик шаклини, феълнинг бўлишли шаклини ясовчи морфема йўқлиги тан олинади. Шундай экан, қандай қилиб ўзи йўқ морфема бирор морфемага, ўзи йўқ шакл бошқа шаклга зидланади, деган савол туғилиши табиий. Лекин бу саволга тўғри ва аниқ жавоб йўқ. Фақатгина парадигманинг шакл ясовчига эга бўлмаган кўриниши (шакли эмас) шакл кўрсаткичли шаклига нисбатан белгиланиши ҳақидаги қуруқ гаплар билан чекланилади. Парадигма ҳақидаги ана шундай ногўғри тушунча “морфем антонимия” масаласида ҳам ўзига хос хатога йўл қўйилишига сабаб бўляпти.

**Хулоса:** 1. Морфема шакл ва маъно жиҳатида эга бўлган тил бирлиги. Лекин мустақил тил бирлиги эмаслиги боис морфемалар ўзаро муносабатга кириша олмайди – семантик гуруҳларни, парадигмаларни ташкил эта олмайди.

2. Сўз ясовчи ва шакл ясовчи морфемалар ёрдамида ясалган ясама сўз ва сўз шакллари мустақил тил бирлиги ҳисобланади ва уларнинг ҳар бири, яъни ясама сўзлар ўзаро, сўз шакллари ўзаро семантик муносабатга киришади ҳамда ясама сўзлар ва сўз шакллари сўз ясалиши ва морфологик гуруҳларни, парадигмаларни ташкил қилади.

3. Сўз ясовчи морфемалар ясама сўз таркибида сўз ясалиши маъносини, шакл ясовчи морфема сўз шакли таркибида грамматик маънони шакллантиради.

4. Морфема ҳақида юқорида айтилганларнинг барчаси “семасиология тилшуносликнинг лексик семантика билан шуғулланувчи бўлими” деган фикрни (10), унинг морфемаларга даҳли йўқлигини тасдиқлайди.

#### **Адабиётлар:**

1. Бу ҳақда махсус мақоламизда фикр билдирилган: Ҳожиев А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари, (7-мақола) // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007, №4, 35-б.
2. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992, 207-б.
3. Сайфуллаева Р. ва б. Ҳозирги ўзбек тили. Ўқув қўлланмаси, – Тошкент, 2007, 146-б.
4. Булар ҳақида махсус ишимизда фикр билдирилган. Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. – Тошкент, 2007, 64-68-б.
5. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Кўрсатилган дарслик, 126-б.
6. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Кўрсатилган дарслик.
7. Шоабдурахмонов Ш. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980, 166-б.; Сайфуллаева Р. ва б. Кўрсатилган қўлланма, 147-б.
8. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Кўрсатилган дарслик, 126-127-б.
9. -ли ва -сиз морфемалари туркий тилларга оид баъзи ишларда отнинг эгалик ва эга эмаслик шаклини ясовчи экани ҳақида фикр юритилган. Лекин бу фикрни ўзбек тили тасдиқламаслиги, -ли, -сиз морфемаси сифат ясовчи морфема экани исботланган: Ҳожиев А. Сўз ясалиши ва лексика. – Тошкент, 1991, 35-84-б.
10. Лингвистический энциклопедический словарь, –М., 1990, с.440.



### УСЛУБ РАВОНЛИГИ УЧУН

Тилимизнинг салоҳияти ва нафислиги, кудрати ва бетакрорлиги, бойлиги ҳамда ифода қирралари, грамматик қурилиши ва услубий мўъжизалари тўғрисида ҳикмат айтмаган бирор тилшунос ёхуд файласуф, ёзувчи ёки мантиқ даҳоси бўлмаса керак. Махмуд Кошғарийдан то Навоийгача, Бобурдан Фитратгача, не-не сўз усталари она тилимизнинг гўзаллиги ва олмос қирраларини ифтихор билан қайд этганлар: уни тозалик ва қимматда гавҳарга, маънолар тўлкинида мавжвар денгизга, дилбарликда онага, меҳрда қуёшга қиёс қилганлар.

Шу тилда ёзилган асарлар Алишер Навоий, Бобур, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Орипов ва бошқа адиблар унинг фонетик жозибасини, луғатда сарф қилган билан тугамас хазинасини, синонимик қаторларнинг сўзда ҳам, шаклларда ҳам, синтактик имкониятларда ҳам уйғунлигини оламаро кўз-кўз қила олдилар.

Ўзбек тилини синчковлик билан тадқиқ ва таъриф этган кўплаб илмий ходимлар камол топди. Улар орасида академиклар, йирик профессорлар, фан номзодлари ё доцентлар, нуфузли мукофотлар соҳиблари борлиги бағоят қувонарлидир. Ана шу зукко олимлар ўзбек тилининг 80 мингга яқин сўзни ўз ичига олган изохли ва ўнлаб луғатларини туздилар, унинг грамматик қурилиши тўғрисида юзлаб бебаҳо асарлар ёздилар. Ўрта ва олий мактаблар учун ажойиб дарсликлар яратдилар.

Таассуфки, аммо баъзи нотиклар, шоирлар ва ёзувчилар, ҳатто филолог-олимлар ўзбек тилининг имло ва нутқ меъёрлари қоидаларини билсалар-да, унга мунтазам риоя этмаётирлар. Гап бўлаклари тартиби тўғрисидаги қоидалар анча ишланди. Шунга қарамай, китобларимиз – тилимиз қоидалари нашр этилаётган жойларда ҳамон *теришга борилди 18 апрель, босишга рухсат этилди 05.07.92*; расмий-оммавий эълонларда, пештоқларда: *Мулоқотни тўхтатма! Касса очиқ соат 17 да, № 5 мактаб, № 19 магазин* каби ёзувлар ҳамон давом этмоқда. Ушбу гапга нима дейсиз: *Очиқ кўзга ташланади, 11 метрлик тўпни очиқ дарвозага йўллаб...* Бу жумлаларнинг расо эмаслиги кўриниб турибди. Шу билан бирга *Эҳтиёт бўлсанг тиёда, умринг бўлур зиёда! Йўл қойдаси умр фойдаси!* каби ифодадалар ҳам қўлланмоқдаки, улар кишини қувонтиради.

Афсуски, ўзбек тилининг барча соҳалари юзасидан берилаётган қоида-меъёрлар ёзма нутқда ҳам, оғзаки нутқда ҳам озми-кўпми бузилаётгир. Масалан: *сенинг болангинг ҳам эртасини ўйлайман; А.Қаҳҳор повестининг асосий қаҳрамони “Бўстон” колхозининг партия ташкилотининг секретари Саида Алиеванинг образини яратади...*

Талаффуз меъёрларида ҳам муаммолар жуда кўп. Ўзбек тилида сўзлаётганларнинг кўпи ўз шеvasида гапирмоқдалар ёки қуйламоқдалар: *кевотти, борутти, кесамиз, келсак, олмиш, баласини, борларинг!* каби. Диалектолог-олимлар қанча кўпайган сари, шеvачилик ҳам кенг тус олаётгир. Урғу юзасидан ҳам кўп машқлар қилиш лозим бўлади. Биргина назарий

хулосалар кифоя этмайди. Мактаб кўрган хар бир ўқувчини, талабани урғу бўйича ҳам бетўхтов машқлардан ўтказиш лозим.

Ҳозиргача *ёндаш-ёндаш, ўқиб-ўқиб, тин-тин, таъқиб-таъқиб, хуш-хуш, ҳам-хам, шараб-шароф, ижодий-ижобий, аҳл-аҳил, ҳол-хол* каби сўзларни аралаштириб қўллаш учрайди. Сўзни нотўғри қўллашдек қусур ҳақида катта ҳажмдаги ва кўп фикрлар ёзилди; эътиборли конференциялар ўтказилди. Лекин ўзбек тили услуби ҳақидаги фанда қатъий тизим, ягона тартиб ва талаб бўлмагани учун сўз қўллашда ўзбошимчалик, ғайримеъёрий жумла тузиш каби жамики хатоларга йўл қўйилмоқда: *ноаниқ тўпни ошириб юборди, инкишоф даври, мухталиф фикрлар юради, эррайим, билқиллаган чанг, ялангоч қўл, мана бугун санъат нимасини кўрсатди, хор ижросини баҳо бериш учун сўз Ботир Умиджоновга берилади ... ишшойи беш баҳоланди, ўн беш кунлик ой деразамдан мўралайди, менингзи-да ҳолимни сўрмоқ, истайди.... Мана шу даврдан бери анча давр ўтди.... Белларига этак териб, пахтазорга қараб кетишиди... Сўз туркумлари юзасидан маълумот беришида ўқувчиларни грамматиканинг иккинчи бўлими синтаксисни ўрганишига тайёрлаб борилади... Хуллас, Навоий ижодида юморга бой лавҳалар жуда бисёр...*

Кўринадики, айрим сатрлар йирик маданият арбоблари ва филолог-олимлар қаламига мансуб. Биз уларнинг исм-фамилияларини келтиришни лозим топмадик.

Услуб ниҳоятда инжик, қайсар. Уни фақат меҳнат билан, ўқиш билан, қайта ёзиш билан, зехн ўткирлиги билан енгиш мумкин. Қўлимизда нима кўп – илмий адабиётлар кўп. Нима етишмайди – амал. Илм олиб амал қилмагач:

*Олимеким илми эрди беамал,  
Ё ганийким молига эрди ёр,  
Ўлдилар юз ҳасрату армон била,  
Элга бўлди ишларидан эътибор.*

(Алишер Навоий)

Шунинг учун, биринчидан, давлат тилимизнинг нутқ-ифода меъёрларини янада чуқурроқ ишлаш, иккинчидан, ана шу ягона эҳтиёж – қуролнинг ўткир бўлиши учун ишланган қондаларни ҳаммадан бир хилда талаб этиш бугуннинг долзарб вазифаси саналади.

**А. НУРМОНОВ,**  
профессор (АДУ)

## **ТИЛНИНГ АСОСИЙ БИРЛИКЛАРИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР**

1. Тилшунослик тарихида тил фаолияти тил ва нутқ бирлигидан ташкил топганлиги эътироф этилгандан буён тилнинг асосий бирликлари ҳақида хилма-хил фикрлар билдириб келинади. Булар орасида Америка тилшуноси Л.Блумфильднинг учта тил бирлигини ажратиши бир қатор баҳс-мунозаларга сабаб бўлди.

У тилнинг асосий бирликлари сифатида фонема, морфема, конструкцияларни эътироф этади. Конструкцияни морфемалар қўшилувидан

пайдо бўладиган ҳосила бирлик, фонемани эса морфемаларнинг ифода томонидан майда бўлақларга бўлинмайдиган энг кичик бирлиги деб баҳолайди. Шунинг учун ҳам тилнинг асосий бирлиги сифатида морфемага алоҳида эътибор берилади. Кўринадики, Блумфильд концепсиясида сўз тил бирликлари сирасига киритилмайди.

Тил бирликларига ана шундай қараш ўзбек тилшунослигига ҳам таъсир қилди ва сўзга лексеманинг нутқдаги воқеаланиши сифатида ёндашиш пайдо бўлди. Шу билан бирга морфемага ҳам энг кичик маъноли бирлик сифатида эмас, балки сўзнинг ясовчи ва ўзгартирувчи қисми сифатида таърифлаш майдонга келди (Ш.Раҳматуллаев).

2.«Морфема» атамаси дастлаб сўзнинг маъноли қисмларини ифодалаш учун И.А.Бодуэн де Куртенэ томонидан киритилган эди. Л.Блумфильд бу атамага янги мазмун берди ва тилшуносликнинг марказий тушунчасига айлантирди. Унинг фикрича, морфема - минимал тил шакли, тилнинг энг кичик маъноли бирлиги. Морфемани бундай тушунишда у бутун ҳам (*ўт, ўс, ўн, беш* сингари мустақил сўзларни ва *бирок, лекин* каби ёрдамчи сўзларни), бутуннинг қисмини ҳам (*дала-лар-ни* каби ўзақ ва аффиксларни) ўз ичига олади.

«Морфема» атамаси тилшуносликка киритилиши билан унга эътибор шу даражада кучайдики, у турли-туман мундарижага эга бўлди.

Вандриес морфеманинг асосий белгиси ёрдамчилик эканлиги асосида маъно ифодаловчи ҳар қандай ёрдамчи воситалар, жумладан, оҳанг, урғу, тартибни ҳам морфемалар сирасига киритади.

А.Мартине ва Л.Новиковлар эса морфема атамасининг мундарижасини анча торайтирдилар. Хусусан, А.Мартине энг кичик маъноли бирлик учун «монема» атамасини қўллаган ҳолда сўзнинг луғавий маъно ифодаловчи монемаси учун «лексема», грамматик маъно ифодаловчи монема учун «морфема» атамасини қўллашни тавсия этади (1). Бунга мувофиқ, *китоблар* сўзнинг *китоб* қисми лексема, *-лар* қисми морфема саналади.

Л.Новиков «морфема» атамасининг мундарижасини яна ҳам торайтиради. Лексик-семантик вариантни бутунлик сифатида изоҳлаб, унинг ифодаловчи томони учун «лексема», ифодаланмиш томони учун «семема» атамасини қўллаган ҳолда, семема томони семаларга бўлингани каби, лексема томони морфемаларга (*у+лар+нинг* каби) бўлинишини таъкидлайди (2). Кўринадики, Л.Новиков морфемани маънодан узиб қўяди.

3.Ўзбек тилшунослигида шу кунга қадар «морфема» атамаси гоҳ сўзнинг энг кичик маъноли бирлиги (Бодуэн талқини бўйича), гоҳ тилнинг энг кичик маъноли бирлиги (Блумфильд талқини бўйича) сифатида талқин қилиб келинди. Акад.А.Ҳожиевнинг «Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати»(2002)да ҳам морфема «тилнинг маъноли, бошқа маъноли қисмларга бўлинмайдиган энг кичик бирлиги»сифатида изоҳланади ва унинг лексик ва аффиксал турларга бўлиниши кўрсатилади (65-бет).

Проф.Ш.Раҳматуллаев эса ўзбек тилшунослигидаги морфема талқинига анъанавий ёндашувдан фарқли равишда, А.Мартине

концепциясига суянади ва “морфема” атамаси остида сўзнинг грамматик маъно ифодаловчи қисмини тушунади.

У “морфема ва лексема тил қурилишининг бошқа-бошқа босқичига мансуб тил бирликлари экани тилшуносликда, шу жумладан, ўзбек тилшунослигида аллақачон тан олинганини эътиборга олиб, “морфема” атамаси сўз ўзгартириш вазифасини бажарувчи энг кичик маъноли тил бирликларини билдиришини” (3) баён қилади.

Агар морфемага шу нуктаи назардан ёндашадиган бўлсак, ҳар қандай сўзшакл лексема ва морфемаларнинг синтагматик муносабатидан ташкил топади деган хулосага келинади. Лексема ва морфема, муаллиф таъкидлаганидек, алоҳида-алоҳида сатҳларнинг бирликлари ҳисобланса, у вақтда икки сатҳ бирлигининг синтагматик муносабатга киришини эътироф этган бўлаемиз. Бу эса синтагматика қонуниятига зид келади.

Аслида, “лексема тилнинг лугат таркибига хос бирлик, тил қурилишининг луғавий маъно англатувчи унсури”(А.Хожиев) сифатида номинатив бирлик бўлса, морфема лексема (ясама лексема) ва сўзнинг конструктив бирлигидир. Шунинг учун ҳам сўзни “фақат нутқ бирлиги, лексеманинг нутқда муайян грамматик шакл ва вазифа билан вокеланган кўриниши” сифатида баҳолаб бўлмайди.

Сўзни тил бирлиги сифатида инкор этувчи дескриптив лингвистика вакилларининг қарашларига эътироз билдирган функционал лингвистика намояндалари унинг объектив мавжудлигини эътироф этадилар. Лексема ва морфологик сўз (сўзшакл) тилнинг алоҳида-алоҳида сатҳ бирликлари сифатида тан олинар экан, ҳар бир сатҳ бирлигининг нутқда ўз вариантлари орқали вокеланиши ҳақида фикр юритиш лозим бўлади. Чунки ҳар бир моҳият ходисалар орқали вокелангани каби ҳар қандай ходиса муайян моҳиятни вокелантиради. Чунки моҳиятсиз ходиса бўлмайди.

#### **А д а б и я ё т л а р :**

1. Мартине А. Основы общей лингвистики / Новое в лингвистике. Вып. III. –М., 1969, с.379.
2. Новиков Л.А. Семантика русского языка. –М., 1982, с. 115.
3. Раҳматуллаев Ш. Систем тилшунослик асослари. –Тошкент: Университет, 2007, 32-33-б.

**Н. МАҲМУДОВ,**  
профессор (ТДПУ)

## **ШАЙХЗОДА СЎЗИНИНГ ЛИНГВОПОЭТИКАСИГА ЧИЗГИЛАР**

Сўзни ҳам сўйлатган, ҳам ўйлатган ва шунинг баробарида минг бир ишва билан ҳеч бир иддаосиз ўйнатган, тилнинг тафаккур ва тахайюл бобидаги инқониятларига фавқулдда кўлам ва қамров бахш этиб, уни бетакрор бадиият дейиладиган арши аълога кўтармоқдай мунтазам машаққатдан ҳамиша ҳузур ва ҳайрат туйган, бутун ҳаётининг мазмунини ана шу ҳайрат ва ҳузурни бошқалар билан бўлишмоқ, баҳам кўрмоқдан иборат деб билган ижодкорнинг умри боқийдир. Чунки ҳайрат ва ҳузур, инқоният пайдо бўлибдики, дунёнинг ҳамма минтақаларида ҳамма

замонларда юракнинг юмуши, қалбнинг қаъридаги қадр баланд тўлқин ва тиникиш сифатида намоён бўлади. Демакки, айна шу ҳайрат ва хузур ўзининг ижодкори учун ҳам инсонлар қалбидан жой ҳозирлайди, бу жой эса миннатсиз, аммо миннатдор қалбнинг энг мухташам ва маҳрам нуктасидир.

XX аср ўзбек адабиётининг забардаст намояндаси, шеърят оламининг, сўз санъати салтанатининг покдоман шайхи Максуд Шайхзода, ҳеч шубҳасиз, халқимиз қалбининг маҳрам нукталаридан жой олган ана шундай ижодкорлардан биридир. Шайхзодани бундай рутбага ноил қилган омилларнинг бошида, айтиш мумкинки, унинг сўзга асл эътиқоди ва эҳтироми туради. Ана шу эътиқод ва эҳтиром боис у сўзга шайхлик қилади, сўзни оидин мақсад сари етаклайди, сўзларнинг ўзаро тил топишилари, бир-бирларини батамом англашлари учун йўл кўрсатади, иттифоқига пухта замин ҳозирлайди, сўзлар оламидаги зоҳирий ва ҳатто ботиний интизомни фаоллаштиради, шу тарика, қисқа қилиб айтганда, маънан ва мантиқан “кўзи очилган” сўзлар ғаройиб мўъжизалар яратади. Қисқа қилиб айтганда, бу мўъжизалар сўзнинг лингвопозитик фаолияти маҳсулидир.

Атоқли олмон тилшуноси Вильгельм фон Гумбольдтнинг “Тилларнинг турли-туманлиги асло муайян бир нарсани турлича номланиши эмас, балки бу нарсани кўришдаги фарқлик натижасидир”(1) деган гапи бор. Бу гапдан шундай ҳақиқат англашиладики, бир тил эгаси дунёни бошқа тил эгасига нисбатан фарқли тарзда кўради, эшитади ва идрок қилади, тиллар ўртасидаги асосий фарқнинг моҳияти ҳам ана шунда. Сўз санъаткори муайян бир тилда дунёни бадий образлар орқали қайта гавдалантиради, аммо дунёни бундай бадий қайта гавдалантириш барча ижодкорларда айнан бир хил, айнан бир йўсинда бўладиган бўлса, бунинг оддий тақлидчиликдан фарқи қолмайди. Шунинг учун ҳам муайян бир тилда ижод қиладиган икки ижодкорнинг дунёни кўриши, эшитиши ва бадий идрок қилишида ўзига хос фарқ мавжуд бўлиши лозимлиги баркамол бадииятнинг азалий талабидир. Зотан, ана шу фарқ ижодкор маҳорати, унинг тил ва услубдаги усталиги, ўзига хослиги тарозисининг шайини бўлиб келади. Табиийки, дунёни ўзига хос кўриш, эшитиш ва бадий идрок этиш, энг аввало, бадий тилда зуҳур этади. Шайхзода шеърятни беназир сўз мўъжизалари сифатида бунинг тўлиқ ва бўлиқ шаҳодатидир.

Шайхзоданинг “Шоир қалби дунёни тинглар” шеърида шундай мисралар бор:

*Товушларнинг кичик, улуги,  
товушларнинг ҳиди – бўйи бор.  
Товушларнинг совуқ, илғи,  
товушларнинг ранги-рўйи бор.  
Товушларнинг ширин-аччиғи,  
бордир ҳатто юмшоқ, қаттиғи...*

Бу мисраларда шоир кўриш мумкин бўлмаган нарсаларни кўради, эшитиш мумкин бўлмаган нарсаларни эшитади, илғайди ва уларнинг барини яхлитгича ўзига хос тарзда бадий идрок этади. Натижада тилшуносликда синестетик метафоралар (бир сезги аъзоси билан билинадиган нарса, белги

номини бошқа сезги аъзоси орқали билинадиган нарса, белги номи билан туташтириши, яъни *товушларнинг кичиги, товушларнинг ҳиди, товушларнинг ранги, товушларнинг ширини, товушларнинг юмшоғи* каби) дейиладиган кўчимлар ҳаракати ўлароқ бетакрор сўз чақинлари юзага келади.

Шоир ўз шеърларида бундай метафоралардан катта маҳорат билан ва кўп бор фойдаланади, аммо, таъкидлаш жоизки, уларнинг биронтасида ҳам оригиналликни унутмайди, ўзини ўзи такрорламайди. Айниқса, шоирнинг ранг билан боғлиқ ана шундай метафоралари ҳам диққатга сазовор (Умуман, шоирнинг бадий тасвир арсеналида рангнинг, демакки, ранг билдирувчи сўзларнинг энг фаол унсурлардан эканлигини таъкидлаш мумкин.). Масалан, “Уфқлар” шеърда ўқиймиз:

*У нақадарзумрад уфқлар...*

*У ердаги кўк соҳилларда*

*Фируза ранг кўрфаз чайқалар*

*Ва ҳаво ранг назмаларанинг*

*мовий нақаротлари куйланади тилларда.*

Парчадаги ҳар бир мисрада ранг билдирувчи сўз бор, яъни *зумрад, кўк, фируза ранг, ҳаво ранг, мовий*, бу сўзлар умумий бир яшил-мовий рангнинг турли нозик жилваларини ифодалайдики, шоир уларни жамлаш орқали дунёнинг турфارانглиги, покизалиги, гўзаллигининг расмини чизгандай бўлади. Айниқса, *ҳаво ранг назма* ва *мовий нақарот* тарзидаги синестетик метафоралар ўзининг кутилмаганлиги, оҳорлилиги билан шоир бадий ҳаёлотининг нафис топилдиғи сифатида шеърхон диққатини дарҳол жилволлайди. Фаросатли ўқувчи *ҳаво ранг назмаларнинг мовий нақаротлари* ифодасининг мовийлиги гоҳ қуюқлашиб, гоҳ суюқлашиб долғаланаётган, чайқалаётган денгиз юзидаги бетиним тўлқинларнинг мунтазам (нақаротдай такрор-такрор) қатланиши расми эканлигини тасаввур этар экан, оддий сўзларнинг бундай сипо ва инжа тўлқинлари унинг қалбига ҳам хайрат шаклида охишта кўчади.

Шайхзоданинг аксарият шеърларида тирик табиатнинг нафаси, тиним билмаган дунё ҳаракатининг турли пардалардаги саслари мунтазам садолашиб туради, ҳали хануз инсон боласи охиригача англаб етмоқнинг уддасидан чиқолмаган тириклик тилсимотининг мураккаб симфонияси гоҳ жўшқин, гоҳ мискин ва гоҳида мажҳул бир оҳангларда эшитилади. Бундай таъсирли тасвирни юзага келтирмоқ учун шоир тилимизнинг бой бисотидан энг уйғун бирликларни битта-битталаб сайлаб-териб олади. Табиийки, у айни бадий ниятнинг реал рўёбига мувофик тарзда кўпроқ ўзаги товушга ёки образга таклиддан иборат сўзлар (*шовулламоқ, вовулламоқ, ялтирамоқ* каби), шунингдек, маъно таркибида “товуш, овоз” унсури мавжуд бўлган, яъни *gap, садо, ашула, назма, товуш, тингламоқ* каби “овозли” сўзларга мурожаат қилади. Шоирнинг “Товушлар” шеърдан олинган куйидаги парчаларда бундай сўзлар яратган симфонияни тинглаб, хузурланмасликнинг имкони йўқ: *Шўртепаннинг алоҳида бир гапти бор кечаси... Разм солиб тинглайман... Ҳар товушнинг бор ҳикмати ва ўз сабаби... Ана кўппак эснаб-эснаб увуллайди... Ана машинанинг ўлчовлик нафаси... Ҳаволанди ашула... Ана*

*товуш*: Сиччалаклар чийиллар, Чигирткалар чарчамасдан чириллар... Ана бошқа товушлар бор ҳовузда, Вақирлар қурбақалар... Қаҳқаҳалар янграб кетар олисдан... Визиллайди энди ювош шаббода... Фақат бу саволнинг акси садоси — “Ки-им ке-раааак...” Бориб қўнар теракларнинг шоҳига... Шариллайди сувлари ширин-ширин... Трактор тариллайди далада... Товушлар бор, демак, ҳаёт бор... Демак, биз ҳаммамиз тирикмиз... Қўзларни юмиб, уйғоқ дунёни Тингламоқ лозим!..

Шайхзода инсонни нафақат жамиятдан, балки табиатдан, ҳаттоки коинотдан ҳам айро ҳолда тасаввур этмайди, аксинча, уларнинг барини ягона бир бутунлик, бир-бирига қавм-қардош сифатида тушунади. Бунинг ифодаси учун теша тегмаган ташбеҳлар яратади. Масалан, куёшни “фазомизнинг раиси” (“Куёш, оқшом ва денгиз” шеъри), Ойни “Ернинг сингиси”, “одамзоднинг холаси”, Ерни “Ойнинг опаси” (“Ой билан суҳбат” шеъри) деб бадий номларкан, шоирнинг мазкур тушунчалари гўзал ифода топади. “Ой билан суҳбат” шеърдан олинган куйидаги парчада Ой ва инсон муносабатининг тириклиги тасвири учун тиришган тилнинг тиниклиги, айниқса, шоирнинг ўхшатиши ва бу ўхшатишдаги сўзларнинг ҳолат тасвиридаги бошқа сўзлар билан фавқуллодда мантикий-мазмуний мутаносиблиги ҳайратланарлидир:

*Ёки уша самовотда бўлиб ўроқ мисоли,*

*балки қулоқ мисоли —*

*тинглар эдинг Ер опангининг*

*қувончларин ва гуссаларин.*

*Ошиқларни кузатдинг*

*боғнинг хиёбонига.*

*Қулоқ солдинг уларнинг*

*пичирлаб-пичирлаб*

*ичган онт-паймонига.*

Ойнинг ўроққа ўхшатилиши адабиётимизда аллақачонлар урфга кирган, шунинг учун у қанчалик нафис ва гўзал бўлмасин, аъъанавий ўхшатиш мақомини олиб бўлган. Ойнинг кулоққа ўхшатилиши эса оригинал, бевосита Шайхзода нигоҳининг маҳсулидир. Айни пайтда таъкидлаш лозимки, нуктадон шоир бу ўринда кулоқнинг ярим ойга шаклий ўхшашлигинингина ишга солаётгани йўқ, балки шунинг баробарида, энг муҳими, қулоқнинг шеърдаги *тингламоқ*, *қулоқ солмоқ*, *пичирламоқ*, *онт ичмоқ* каби сўзлар билан мазмуний алоқаларини қамровли бир тарзда ҳаракатга келтирмоқда, зотан, бу сўзларнинг бари тилшуносликда бир мазмуний майдоннинг узвлари саналади. Бадий уйғунлик, бадий мантиққа кўра, Ернинг қувонч ва гуссаларини, ошиқларнинг пичир-пичирию ичган онтларини ўроққа ўхшаган ой эмас, балки фақат кулоққа ўхшаган ойгина эшитиши мумкин.

Шайхзоданинг жонлантириш асосидаги метафоралари ҳам кутилмаганлиги ва оҳорлилиги, ҳолат тасвири учун фавқуллодда уйғунлиги билан алоҳида диққатга сазовордир. Масалан, “Товушлар” шеърда *Ой жилмайиб қақиради чаманга*, *Сой йўталиб қақирар анжуманга* тарзидаги

гўзал мисралар бор. Албатта, ойнанинг жилмайиши унчалик ҳам янги ташбех эмасдир, ammo сойнанинг йўталиши фақат Шайхзодага хос оригинал ва ўткир, жонли ва жозибали метафорадир.

Маълумки, баҳор келиши билан тунлар қискармоққа, кунлар эса узаймоққа бошлайди. Танги табиатнинг тириклигини тараннум этмоқдан толмаган Шайхзода мазкур қонуниятни ҳам шунчаки эмас, балки тиник туйғу билан, бир чимдим интим интиқлик эпкинни билан, ёшаришнинг эрка авжигу эркин мавжи билан тасвирамкок учун сўзларга шайхона йўл кўрсатади, уларнинг чинакам каромат кўрсатишлари учун имкон яратади. Бунинг бетакрор намунаси мана будир:

*Ана, тупроқ тирилди  
ва уйғонди дарахтлар...*

*Кундан-кунга улғаяётган кундузлар  
кечаларнинг белини сиқиб,  
соатлардан, дақиқалардан*

*лола ранг уфқларга руҳсат сўрайди* (“Баҳор нашидаси” шеъри).

“Кундан-кунга улғаяётган кундузларнинг кечалар белини сиқиб, лоларанг уфқларга етмок учун югурик вақтдан изн истаб туриши” беҳад нозик ҳолат бўлиши баробарида сарҳадсиз мазмуний-хиссий қамровга ҳам соҳиб бадий тасвир, соҳир сўз мўъжизасидир.

Қуйидаги мисраларда ҳам кундуз, тун ва тонг образлари ҳақиқий сўз шайхининг тарбияси билан тириклик сувидан баҳраманд бўлиб, дилбар бир тасвирга кирган:

*Кундузлар тунларнинг сочин тарамай,*

*Ўполмас тонларнинг пушти ранг лабин* (“Йилларнинг саломин йилларга элтиб...” шеъри)

Мазкур шеърда *Бу йил осмонга етди бошимиз, Фазода учаркан ватандошимиз* мисралари бор. Таъкидламок жоизки, шоир *боши осмонга етмок* иборасини жуда ҳам усталик билан қўллаган, яъни бир пайтнинг ўзида мазкур иборанинг ҳам асосий маъноси (“ҳадсиз хурсанд бўлмок”) намоён бўлган ва айна пайтда бу иборанинг тўғри маъноси ҳам реаллашган. Демакки, мазкур бирлик тўлиғича шоирнинг бадий нияти рўёби учун хизмат қилган.

Шайхзода шеърларида сўзларнинг ғайриодатий бирикмалари ҳам бот-бот кўзга ташланади, шоир бундай бирикмаларни тузар экан, у тил қонуниятларига нописандлик ёки зўрлик қилмайди. Ҳассос сўзчи сифатида у тилнинг ботинида, туб қатламларида яширинган сўз қўшилиши имкониятларини бадий ниятига мувофиқ тарзда ишга солади. Бунинг натижасида қутилмаган сўз қўшилмалари юзага келади, улар шеърхон диққатини ўзига жалб қилади ва уни ўйлашга чорлайди, алал-оқибат ўқувчи бу қўшилмаларда пинҳон бўлган маъно инжаликларини инкишоф этади. Масалан, “Бинафша” шеърисида ошиқнинг туйғулар талошидан тилининг калимага келмаслигини тасвирлар экан, *Бу балки гўлликдир, агарда билмасанг, Бу соқов газалдир, суқутни анласанг* деб ёзади. Айтиш мумкинки, *соқов газал* ғайриодатий бирикмаси бетакрор бадийят билан



юкунган. Шоир шеърларидаги яна чол аср, хумпар куш, танбал дақиқа, шумшук ҳайкал, шеърга шинель кийдирмоқ, йўлсиз йўл каби кўплаб ана шундай бирикмаларни эслаш мумкин.

Шайхзоданинг тилдаги мавжуд қонуниятларни суниестемол қилмаган, балки теран ҳис этган ҳолда янги сўзлар ясаши ҳам ибратлидир. Шоир ясаган янги сўзлар (тилшуносликда “муаллиф неологизмлари” деб юритилади) тасвир аниқлиги, нарса-ҳодиса ёки белгининг муайян жиҳатларининг қабарик таъкиди, умуман, поэтик мақсад учун тўласича хизмат қилади. Масалан, “Ой билан суҳбат” шеърда тундалик сўзи бор:

*У чоқда ўқиймиз биз лирик дафтаринг,  
қундалик эмас,  
тундалик дафтаринг.*

Кўриниб турганидай, шоир қундалик сўзининг қолипи асосида тундалик сўзини ясаган, бу янги сўз “Ойнинг тундаги фаолиятини қайд этувчи дафтар” маъносини бемалол ифода этадики, бу айни ўриндаги бадний тасвир аниқлиги учун фавқуллода мувофиқдир. Шоир томонидан маҳорат билан ясалган бундай янги бирикларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин: *юлдузбоз, чўлистон, жангбоз, нафосатбоз, хилватий, жойпарастлик, ойбачча, қишбой, лаҳзадош, фазошумул, парвозкор, тиним қуни* (дам олиш қуни), *серкадар, жангий, шодмижоз, гайратманд, дамсоз, саломобод* каби.

Сўзга буюк эътиқод ва эҳтиром билан қараган, сўзнинг залвори ва қудратли зарбини тугал тасаввур қилган, унинг битмас-туганмас сиру синоат манбаи эканлигига тамоман имон келтирган Шайхзода қайси мавзуни қаламга олмасин, сўзга заргарона муносабатда бўлган, унинг шеърларида чинакам бадний юксиз, пахтавон сўзлар йўқ. Шайхзода шеърятини яхлитлигича сўздан беназир чақинлар яратиш, яъни сўз лингвопоэтикаси бобидаги улкан ибрат мактаби дейиш мумкин.

#### А д а б и ё т:

1. Гумбольдт В. Язык и философия культуры. –М.: Прогресс, 1985, с. 349.

**С.АШИРБОВ,**  
профессор (ТДПУ)

### МУҲАММАД КАРИМХОЖАНИНГ «ТУРКЧА ҚОИДА» АСАРИДА СИНТАКТИК КАТЕГОРИЯЛАР

Мулла Муҳаммадамин ибн Муҳаммад Каримхожанинг 1913 йил Тошкентда босилган «Туркча қоида» асарида синтаксис масалалари ҳам ёритилган. Унда сўз бирикмаси, гап ва унинг бўлаклари, гапнинг тузилиш жиҳатидан турлари ҳақида маълумот берилади.

Сўз бирикмаси. Асарда *сўз бирикмаси* термини учрамайди, аммо шу ходисанинг икки тури фарқланганини қўрамин (Сўз бирикмалари ҳақида маълумотлар сифат туркуми баҳсида берилади). Булар: а) сифат + от бирикмаси *жумлаи васфия* деб номланади. Унга *яхши от, семиз қўй, ёмон хотун* каби сўз бирикмаларини келтиради. Бундай бирикмадаги отнинг маъноси конкретлашишига эътибор бериб, у: «*жумлаи васфия бўлган исм аввалги ҳолидан жуда ҳам маълумроқ бўлур*» («Туркча қоида», 5-б.), - дейди.

Унингча, хотун дейилганда, унинг қандай эканлиги маълум эмас, сифат келтирилгач, у жуда равшан бўлади; б) сўз бирикмасининг *жумлаи изофия* турига қараткичли бирикмани келтиради. Буни муаллиф шундай изоҳлайди: «*Икки исм ёки исм бир замир бир-бири ила қутулуб, бири-бириники эканлигига далолат қилса, жумлаи изофия дейилур*». Шу таърифнинг давомида жумлаи изофиянинг структурасини кўрсатишга ҳаракат қилади. *Жумлаи изофиядаги калимани* (Туркча қоида, 24-б.) аввалгиси музоф бўлуб, *иккинчиси музоф-ул-лайҳ бўлуб, охирида – нинг (نك) калимаси келур*. (Туркча қоида, 7-б.) Ундан ташқари жумлаи изофиядаги сўз шаклларининг мослашув йўли билан боғланишига ишора қилиб: «*бири-бириники эканлигини далолат қилса*» деган иборани қўллайди.

Гап. Гапни *жумла* деган термин билан атайди. Муҳаммадамин гапга таъриф беришдан аввал унинг мантиқий бўлаklarини аниқлашга ҳаракат қилади. Маълумки, логикада фикр субъект, объект ва предикат каби мантиқий бўлақларга бўлинади. Ана шу ҳолат Муҳаммадаминнинг асарида ҳам ўз аксини топган. Чунки у фикрнинг субъектини *фоил*, объектини *мафъул*, предикатини (бажарувчисини) *феъл* деб номлаган. Келтирган мисолда шу уч логик ходиса бор. *Али қуръон ўқуди* гапида *Али* – фоил, *қуръон* – мафъул, *ўқуди* – феъл деб кўрсатади. Лекин гапда (жумлада) объектнинг (маффулнинг) бўлишини шарт эмас, деб ҳам айтади.

Сўнг у гапга шундай таъриф беради. «*Жумла икки уч калимадан мураккаб бўлган сўздан ҳосил булуб, шу жумладан бир маъни чиқар. Агарда маъни чикмаса, жумла бўлмайди*» (Туркча қоида, 45-б.). Мазкур таърифда гапнинг фақат фикр ифодалаш хусусияти кўзда тутилган.

Гап бўлақлари. Муҳаммадамин эга ва кесим ҳақида маълумот беради. Бу мавзуга махсус тўхталиб, эгани *мубтадо* (مبتدا), кесимни эса *хабар* (خبر) термини билан атайди. Унинг эгани тушуниши ҳозирги фикрларга анча яқин келади, чунки уни «*Ким ва нима деган калималар ила исмдан ёки сифатдан бир савол қилинса, жавоб бўлган нарса мубтадо...*» (Туркча қоида, 45-б.) -деб изоҳлайди. Демак, бу таърифдан фикрнинг кимга ва нимага тааллуқлилигини билдириш тушунчаси англашилади. Лекин кесим ҳақидаги фикри нисбатан тордир, чунки унинг фақат от ва сифат туркумидаги сўзлар билангина ифодаланишини қайд қилади. Унинг: «*Ким ва нима деган калималар ила исмдан ёки сифатдан бир савол қилинса, жавоб бўлган нарса мубтадо бўлуб, исм ила сифат мунга хабат бўладур*» (Туркча қоида, 45-б.) деган жумласидан кўриниб турибдики, кесимнинг феъл билан ифодаланишини эътироф қилмайди. Буни ҳатто келтирган *Ажсал яқиндур, Инсон зафлат уйқусидадур* каби мисолларидан ҳам билса бўлади.

Аниқловчи ва аниқланмиш. Муҳаммадамин аниқловчини *сифат* (صفت), аниқланмишни *мавсуф* (موصوف) деб юритади, шуни ҳам айтиш керакки, аниқловчи ва аниқланмишга махсус тема («*Мавсуф ва сифат*») ажратилган. Муҳаммадамин дастлаб аниқланмиш билан таништиради. Уни «*Мавсуф деб таъриф қилинган нарсани этилур. Мавсуф доимо таърифдан илгари келиб, гоҳо кейин келур*», (Туркча қоида, 45-б.) -деб изоҳлайди.

Муҳаммадаминнинг аниқловчини тушуниши ўзига хосдир, чунки у кесим вазифасидаги сифатларни аниқловчи деб ҳисоблайди: «Таъриф, яъни сифат мавсуфдан кейин келиб, они ҳолини билдирур». (Туркча қоида, 45-б.) Демак, бу таърифда белгини билдириши (ҳол сўзи белги маъносида қўлланган)ни қайд қилади, ваҳоланки, эгадан кейин қўлланган сифат туркумига оид сўзларнинг кесим бўлиб келиши ҳақида аввал маълумот берган эди. Бу синтактик ҳодисага *Зиёд олимдир*, *Бақр оқилдир* каби гапларни келтиради. Кўринадики, кесим ва аниқловчи масаласида Муҳаммадаминда изчиллик йўқ.

Юқоридаги гап бўлақларидан ташқари у содда ёйик гапни изоҳлаш давомида *ҳол ва жой* (جای) бўлақларини тилга олади. Гарчанд улар махсус изоҳланмаса-да, бу терминлардан ҳолни равиш ҳолига, *жой* эса ўрин ҳолига мувофиқ келишини пайқаш қийин эмас.

**Гапнинг тузилиши жиҳатидан турлари.** Муҳаммадамин содда ва қўшма гаплар ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилади. У *жумла* термини остида фақат йиғик содда гапни тушунади. Ёйик содда гап ва қўшма гапга нисбатан *узун жумла* (اوزون جمله) терминини қўллайди. Ёйик содда гапга шундай таъриф беради: «Гоҳо жумланинг ичида сифат, ҳол ва жой (جای) қўшилиб келса, узун жумла бўлур». (Туркча қоида, 24-б.) Бу фикрини қувватлаш учун «*Вали масжидда яхшилаб қуръон ўқиди*» гапини келтиради. Демак, ёйик содда гапни тушуниши ўринлидир.

Муҳаммадамин боғланган қўшма гап ҳақида маълумот бермайди. У эргашган қўшма гап маъносидаги узун жумлани шундай изоҳлайди: «Бир жумлада мазийи нагли бўлса, охирида *вақтики*, *вақтида* ёки – *да*, ёки – *ки* калималари бўлса, узун жумла бўлур». (Туркча қоида, 24-б.) Бу таърифда ўринли ва ўринсиз томонлар бор.

Ҳозирги ўзбек тили синтаксисининг йирик мутахассислари Муҳаммадамин кўрсатганидек, равишдош формаси, пайт билдирувчи сўзларнинг ўрин-пайт келишигидаги формалари эргаш гап кесими бўлиб келишини эътироф қилишади ҳамда –*ки* юкламасининг қўшма гап компонентларини боғловчи восита вазифасини бажара олишини қайд қилишади. (1) Аммо *вақтики* сўзи қатнашган гап ҳақида маълумот бермайдилар, чунки Муҳаммадамин кўрсатган «*Вақтики*, *Вали масжидда қуръон ўқурди*, *ҳамма одамлар йиғила бошладилар*» типидagi гап қурилиши ўзбек адабий тили нормаларига мос келмас эди. Бу каби ўзбек тили хусусиятларини бузиб кўрсатишини Й.Абдуллаев (2) ҳам танқид қилган.

Табиийки, бу типдаги гап қурилиши форсча-тожикча гап структурасига хосдир. Бундай ҳолларнинг асарда акс эттирилиши мантиқийдир, чунки Муҳаммадамин мазкур асарни яратишда Муҳаммадрасул Расулийнинг «Раҳбари форси» асарига асосланган. Демак, бу асардаги баъзи ғоялар Муҳаммадаминга таъсир этмасдан қолмаган.

Муҳаммадамин куйидаги эргаш гапларни кўрсатади:

1. Пайт эргаш гап. Эргаш гапнинг бу турини *вақт жумла* деб юритади. Уни шундай изоҳлайди: «Бош жумладан билинган иш ва ҳолни қайси замонда бўлишини билдирган жумланинг вақт жумла дейилур». (Туркча қоида,

25-бет) Бу таъриф ҳозирги тилшунослигимиздаги пайт эргаш гапга берилган таърифга анча мувофиқ келади. У келтирган «*Мой киргач, ҳаволар жуда мўътадил бўлдилар*» гапидаги «*мой киргач*» гапи ҳақиқатан ҳам пайт эргаш гапдир.

2. Сабаб эргаш гап. Бундай эргаш гапни *сабаб жумла* деб номлайди. Унга: «Бош жумлага сабаб бўлиб келган жумлани сабаб жумла дейилур, (Туркча коида, 25-бет). деб таъриф беради ва «*Ҳаво яхши бўлгани учун, роҳатланиб юрдим*» гапини келтиради.

3. Тўлдирувчи эргаш гапни *тамом жумла* термини билан атайди. Тўлдирувчи эргаш гапга келтирган мисолида бош ва эргаш гап боғланишида қатнашадиган –ки юкламаси кўринмайди. Уни шундай таърифлайди: «Бир жумлада нима ва нимани деган саволлар келса, ул жумланинг тамом жумла дейилар» (Туркча коида, 25-бет) ва *Мен кеча эшитдим, биров яхши ўқиди* мисолини келтириб, шундан *бирав яхши ўқиди* гапи тўлдирувчи эргаш гап (тамом жумла) эканлигини айтади. Чунки гапда «*Нима эшитдим?*» деган сўроққа шу гап жавоб бўлиб келмокда, деб кўрсатади.

Гарчанд, изоҳ тўлиқ бўлмаса ҳам, келтирган мисоли орқали тўлдирувчи эргаш гапни тўғри тушунган.

4. Шарт эргаш гап. Эргаш гапнинг мазкур турини *шарт жумла* деб атайди. Бу гапнинг таърифи илмий принципга анча яқин: «Бош жумладан билинган ҳол ва маънони бошқа нарсага боғланганлигини кўрсатган жумлани шарт дейилур» (Туркча коида, 26-бет) Бунга «*Агарда сен келмасанг, мен бормиман*» гапини келтиради.

Муҳамадамин яна сифатдош ва ўхшатиш ўрамларини ҳам эргаш гап сифатида тавсия этади.

Сифатдош ўрамини *айирғучи жумла* деб атайди: «Бир жумлада қандоғ деган савол бўлса, ул жумла айирғучи жумла деб аталур». (Туркча коида, 25-бет) Мисол сифатида *Ул ўзи хоҳлаган турмуш ила турғуси келур* гапини келтиради. Маълумки, ўзбек тилшунослигида шу типдаги ёйик гапларни аниқловчи эргаш гап сифатида қараш тенденцияси ҳам мавжуд.(3)

Ўхшатиш оборотини *равшан жумла* деб номлайди: «*Нимага ўхшаш ва нимадан савол бор жумлани равшан жумла аталар*»( Туркча коида, 26-бет). Бу таърифга *мен безгак ушлаган кишидек титрадим* гапини мисол қилади.

Шуниси эътиборлики, мазкур асардаги эргашган кўшма гапларни изоҳлашда *эргаш гап* терминини учратмасак-да, *бош гап* (жумла) терминининг ўзбек тилшунослигида шу даврдан кўллана бошлаганини кўрамыз, шунингдек, ўзбек тилига хос бўлган мураккаб синтактик ҳодисаларни илмий изчилликда, ўз моҳияти билан аташга ҳаракат қилади. Шу туйфайли ҳам *равшан жумла*, *айирувчи жумла* ҳақидаги фикрларини танқид қилишдан йироқ бўлишимиз керак ва, тўғрироғи, ўзбек тили синтактик ҳодисаларини ўрганишдаги унинг дастлабки изланишлари деб қарашимиз ўринли бўлади.

### Адабиётлар:

1. Абдурахманов Г. Основы синтаксиса сложного предложения современного узбекского литературного языка. -Ташкент, 1960, с. 29, 45; Асқарова М. Ҳозирги ўзбек тилида эргашиш формалари ва эргаш гаплар. -Тошкент, 1966, 51, 105, 113-б.
2. Абдуллаев Ю. Очерки по методике обучения грамоте в узбекской школе. -Ташкент, 1966, с.147.
3. Ҳозирги ўзбек адабий тили. II т. -Тошкент: Фан, 1966. 423, 424-б.

**Х. ДАДАБОВЕВ,**  
профессор (ЎзМУ)

## ОҒАҲИЙ ТАРИХИЙ АСАРЛАРИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ТЕРМИНЛАР ХУСУСИДА

Ўтган асрнинг 60-70-йилларидан туркологияда қардош туркий тиллар лексикасини тадқиқ этиш масаласига жиддий эътибор қаратилди. У ёки бу туркий тилга доир турфа лексик гуруҳларни ўрганишга бағишланган катор изланишлар юзага чиқди.

Лексикология доирасида яратилган тадқиқотларнинг аксарияти тилнинг ранг-баранг лексик-семантик гуруҳларини тавсифлаш, ижтимоий, сиёсий ҳамда турли соҳаларга оид терминларни таснифлашга йўналтирилди.

Шунга қарамадан, туркологиянинг ҳозирги тараққиёти босқичида туркий лексикология муаммоларини ўрганиш фонетика, морфология ва синтаксис масалаларини ечишга қараганда ортада қолмоқда. Чунончи, кўпгина туркий тиллар ва туркийда битилган ёдгорликлар лексик бойлигини тўплаш, системалаштириш хануз ўз низоюсига ётган эмас. (1) Мухтасар қилиб айтганда, туркий тиллар сўз бойлигини чуқур тадқиқ этиш учун, албатта, адабий тиллар ва диалектларга хос лексик материалларни тўлалигича жамлаш зарур. Туркий тиллар материаллари асосида сўз семантикаси, сўз маъноси қурилиши, сўз маъносидаги ўзгаришлар каби масалалар ҳам ўз ечимини топган эмас. (2)

Мухаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий қаламига мансуб насрий ва назмий асарларнинг маълум қисми адабиётшунослик, матншунослик, манбашунослик ва қисман, лингвистика аспектларида ўрганилган. Айни чоғда, таассуф билан таъкидлаш жоизки, Огаҳий асарлари тил хусусиятларини атрофлича тадқиқ қилиш ҳозирча ўзбек тилшунослигида талаб даражасида эмас. Шу нуқтаи назардан, Огаҳий тарихий асарлари (“Риёзуд-давлат”, “Зубдатут-таворих”, “Жомеул-воқеоти султоний”, “Гулшани давлат”, “Шоҳиди иқбол”) тил хусусиятларини атрофлича ва чуқур ўрганиш долзарб масалалардан ҳисобланади. (3)

Ушбу мақолада Огаҳийнинг номлари зикр этилган тарихий асарлари тилида қўлланишда бўлган ижтимоий-сиёсий терминлар тизими ҳақида олиб борилган кузатишларга (4) суянилган ҳолда мулоҳаза билдирилган.

Қайд этилган асарларда Хива хонлиги тасарруфида бўлган ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, туркман халқларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, диний, маиший ҳаёти, хонлиқнинг Бухоро амирлиги, Қўқон хонлиги, Афғонистон, Русия, Ҳиндистон билан муносабатлари, тижорий, дипломатик алоқалари, халқларнинг урфлари, удумлари ҳақида қимматли маълумотлар ўрин олган.

Огаҳий асарлари тили XVIII–XIX аср ўзбек адабий тили ижтимоий-сиёсий терминлар тизимини ҳам ўзида мужассам этган деган мулоҳаза юритишга асос бор. Зеро, муаррих томонидан қўлланилган соҳа терминлари ўша давр Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги тарихини акс эттирувчи ўзбек ҳамда форс-тожик тилидаги манбалар матнида мавжуд терминлар тизими га муайян даражада мос тушади. Масалан, маъмурий-худудий бирликлар (*мамлакат, салтанат, вилоят, улус, давлат, туман, шаҳар, қўрғон, қалъа* ва х.к.), муассасалар, идоралар (*ҳукумат, даргоҳ, девон, элчихона* ва х.к.), давлат бошлиғи (*подшоҳ, шоҳ, хон, волий, халифа* ва х.к.), сарой мулозимлари (*ясаулбоши, оталиқ, табиббоши* ва х.к.), маъмурий-бошқарув аппарати ходимлари (*вазири аъзам, девонбеги, девон, муҳрдор, доруға, иноқ* ва х.к.) номларини англатувчи истилоҳлар шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, айтиб бериш керакки, бир тушунчанинг Хива хонлигида Бухоро амирлиги ёки Қўқон хонлигидан фарқли термин билан ифодаланиши кўзга ташланади. Чунончи, Бухоро амирлигида солиқ йиғиш ишларига мутасадди шахс *амлакдор* термини билан номланган(5). Хоразм хонлигида бундай вазифани бажарувчи мансабдор арабча *омил* ўзлашмаси ёрдамида ифодаланганлигига Огаҳий асарлари гувоҳлик беради. Адиб асарларида фақат Хива хонлигидаги мансаблар иерархиясига хос терминлар ҳам ишлатилган.

Хонликдаги ҳарбий-маъмурий мансабларнинг олийларидан бири бийлик мансаби ҳисобланган. Бийлик мансаби амирул-умаролик лавозимига тенг келган: *Раҳмонберди тўраким, холо бийлик, яъни амирул-умаролик мансаби онинг гавҳари вужуди била музайян ва муътабардур* (Риёзуд-давла, 64). *Бий* термини ифодалаган мансаб *бек* истилоҳи англатган лавозимдан юқори бўлган. Изланишларимиз *бий* (дастлаб Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» маснавийсида қайд этилади) терминининг асосан Хива хонлиги тарихига хос манбаларда қўлланганини кўрсатади. Айтиб шундай фикрни «тартиб-интизом сақлашга масъул» маъносини билдирувчи *ясаул* терминининг маънодоши *сурдавул* истилоҳи хусусида ҳам билдириш мумкин.

Ижтимоий-сиёсий терминология умумлексиканинг асосий бўлаги ҳисобланади. У умумистеъмолдаги сўзлар билан узвий муносабатга киришган ҳолда шаклланади, тараққий этади. Айтиб пайтда ижтимоий-сиёсий терминлар умумсўзлардан фарқли ўларок, аниқ, яқка маънони ифодалаши билан характерланади. Огаҳий тарихий асарларидаги ижтимоий-сиёсий терминларни уч типга ажратиш жоиз:

- 1) умумистеъмолда бўлган лексик бирликнинг термин сифатида қабул қилиниши;
- 2) муайян тушунчани аташ учун ҳосил қилинган махсус терминлар;
- 3) ноқариндош тиллардан ўзлашган (арабча, форсча-тожикча, сўғдча, хитойча, мўғулча) сўз-терминлар.

Таҳлил этилаётган соҳа терминлари тизимида асл туркий (ўзбек)ча терминлар вазифа доирасининг кенгайиши (*йиғит* “жангчи”, *ақо* “олий мансаб”), ўзлашма (айниҳса, арабча, форсча-тожикча)ларнинг шиддат билан

Ўзбек тили луғат таркибидан жой олиши, уларнинг сермахсул туркий аффикслар билан янги терминлар ва лексемалар ясашидаги (*мироҳурлик, мироблик, қозилик* ва ҳ.к.) иштироки яққол кўзга ташланади.

Огаҳий тарихий асарлари тилидаги ижтимоий-сиёсий терминлар таркибида қадимги туркий тил ва эски туркий тил давридан фаол қўлланиб келаётган асл туркийча истилоҳлар ўз ифодасини топган (*хон, бек, юрт, улус, туман, ёрлик, улуг, ёзуқ, ёғи, элчи, ўрду* ва ҳ.к.). Бу сўз-терминлар бирламчи маъносини деярли айнан сақлаб қолишга эришган. Шу билан бирга VII–XIV асрларда кенг ишлатилган туб туркийча истилоҳларнинг маълум қисми Огаҳий даври ўзбек адабий тили сўз бойлигидан чиқиб кетган. Бунинг сабаби кўп сонли ўзлашмалар ва янгидан ясалган лексик birlikларнинг фаоллашуви билан боғлиқ бўлган. Халқ ҳаёти, турмуш тарзидан нарсасу предмет, воқеа-ҳодисаларнинг чиқиб кетиши муайян истилоҳларнинг тарихий сўзлар сафидан ўрин олишига олиб келган. Ўз навбатида, янги нарсасу предмет ёки воқеа-ҳодисани ифодаловчи тушунчаларнинг реаллашуви уларни англлатувчи терминларнинг сўз фондидан жой олишини таъминлаган.

Ҳар қандай тил таракқиёт босқичларида ноқариндош тилларга хос элементларни ўзлаштириши мумкин. Зотан халқлараро муносабатлар охиросқибат тиллар луғат таркибида янги сўз (ўзлашма)ларнинг пайдо бўлишига туртки беради. Ушбу ходиса XIX аср эски ўзбек адабий тили ижтимоий-сиёсий терминлар тизимига ҳам тегишлидир. Масалан, Хива хонлиги ва Русия ҳукмдори ўртасидаги сиёсий, дипломатик алоқалар *импиратур* “император, подшоҳ” истилоҳининг илк бор Огаҳий асарида қўлланишига замин яратган.

Огаҳий ҳукуматда мироблик вазифасини бажаргани боис салтанатда мавжуд рутба, лавозим ва мансаблар иерархиясини мукамал билган. Тарихий асарларида у хонликдаги мансабдорлар, амалдорларни ифодаловчи терминлар асосини ташкил қилувчи икки қатлам, яъни ўз ва ўзлашган қатламнинг ўзига хос томонларини синчковлик билан очиб берган. Ҳар бир терминнинг мазмун-моҳиятини тасвирланаётган воқеалар жараёнида моҳирона кўрсата олган.

Асл туркий (ўзбек)ча ва ўзлашмаларнинг ўзаро муносабатга киришуви оқибатида ижтимоий-сиёсий терминлар тизимида синонимия (*туман-ноҳия, ўрду-жайиш* “кўшин, лашкар”, *кўрунуш-истиқбол* “қутиб олиш”, *элчилик-рисолат* ва ҳ.к.), антонимия (*уруш-сулҳ, бой-фақир, мускин* ва ҳ.к.), омонимия (*ёрлик* “нома, мактуб” – *ёрлик* “дўстлик, биродарлик”), полисемия (*кадҳудо* “эркак, оила бошлиғи; раҳбар, оқсоқол” ва ҳ.к.) юзага чиққан.

Огаҳий тарихий асарларида ишлатилган ижтимоий-сиёсий терминлар XVIII–XIX асрлар учун долзарб бўлган. Ҳозирги ўзбек адабий тилида бу терминлар тизимига кирган лексик birlikларнинг аксарияти эскирганлик белгисига эгаллиги билан характерланади.

#### Адабиётлар:

1. Мусаев К. Основные проблемы изучения лексики тюркских языков // Советская тюркология. 1973, № 3, с.33.

2.Кўрсатилган асар, 34-6.

3.Огахий. Асарлар, 5-6 жиддлар. --Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.

4.Баскаков Н.А. Титулы и звания в социальной структуре бывшего Хивинского ханства // Советская этнология. 1989, № 1, с.63-71.

5.Мирза Бади-диван. Маджмаал-аркам. Факсимиле рукописи. Введение, перевод, примечания и приложения А.Вильдановой. –М., 1989, с.113; Семенов А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре // Советское востоковедение. т. V. 1948; Баскаков Н.А.Кўрсатилган мақола, 63-71-б.

**Д.ЛУТФУЛЛАЕВА,**

**ф.ф.д. (ТВДПИ)**

### **ЎЗБЕК ТИЛИДА СОНЛАРНИНГ ДЕЙКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

Ўзбек тилида дейксис (*дейксис* грекча *deixis* сўзидан олинган бўлиб, кўрсатиш, ишора маъносини англатади)ни ифодаловчи бирликлар мавжуд бўлиб, уларнинг ишоравий вазифасини прагматик аспектда ўрганиш бугунги ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Дейктик бирликларнинг ишора объекти гапда бевосита акс этмайди, унга контекст орқали аниқлик киритилади. Шу сабабли айрим ишларда дейктик бирликларнинг нутк субъектининг яширин мақсадлари ҳақида хабар бериши хусусида фикр юритилади.(1)

Кейинги йилларда тилшуносликда дейктик бирликларнинг ишора объектини кўрсатиш белгиси асосида дейксиснинг шахс дейксиси, замон ва макон дейксиси турлари ажратилиб, уни ҳосил қилувчи марказий воситаларга шахсларга ишора қилувчи олмошлар (Ўзбек тилида *мен, сен*; рус тилда *мы, вы*), ўрин (Ўзбек тилида *нарида, узоқда*; рус тилида *здесь, в этом лесу*) ва пайт равишлари (Ўзбек тилида *ҳозир, бугун, эрталаб*; рус тилида *сегодня, сейчас* кабилар) киритилди.(2) Айрим ишларда шахс, замон ва макон дейксисидан ташқари эмоционал ва дискурс дейксисининг мавжудлиги ҳақида фикр билдирилди.(3)

Куйида ушбу мақола доирасида ўзбек тилида айрим сон туркумига оид бирликларнинг дейктик вазифа бажариши хусусидаги мулоҳазаларимизни баён этамиз.

Илмий манбаларда сонларнинг предметнинг сон-саногӣ, тартибини англатиши қайд этилади. Аммо уларнинг нутқда шахс, нарса-предмет, пайт, ўрин кабиларга, шунингдек, муайян воқелик ифодасига ишора қилиши, уларни кўрсатиши хусусида фикр билдирилмайди.

Сон туркумидаги сўзларнинг ишора объектини кўрсатиши (дейктик вазифаси) нутқий қўлланишда контекст орқали юзага чиқади. Нутқий қўлланишда сон ишора қилган объектнинг тушунарли бўлишида контекст, нутк вазияти ва тил эгаларининг воқелик ҳақидаги умумий билимлари муҳим ўрин тутди.

Ўзбек тилида сон туркумига оид бирликларни дейктик вазифаси асосида қуйидаги функционал турларга ажратиш мумкин: 1) шахсга ишора қилувчи сонлар; 2) нарса-предметларга ишора қилувчи сонлар; 3) пайтга ишора қилувчи сонлар; 4) ўринга ишора қилувчи сонлар; 5) воқеа-ҳодисага ишора қилувчи сонлар.



Сонлар гапда шахс семаси асосида бирлашувчи *киши, одам, кимса* каби лексемалар билан боғланиб келганда шахс дейкисига ишора қилади. Масалан, *Экскаватор олдида уч киши турарди* (Т.Малик) жумласида қўлланган *уч киши* бирикмаси орқали шахсларга ишора ифодаланadi. Аммо айна гапда ишора қилинган шахсларнинг қимлар эканлиги мавҳум бўлиб, унга макроматн орқали аниқлик киритилади.

Сонларнинг отлашиб қўлланишида ҳам шахсларга ишора қилиш белгиси кузатилади. Қуйидаги матн парчасида отлашган сон шахс дейкисини ифода этади: *Булар эглаб қочшини ҳам биллашмайди. Яллаийб ётишини қара, – деди Қизил командирни имлаб кўрсатиб. – Яна битталаринг қани?* (Т.Малик.)

Англашиладики, сонларнинг ишоравий вазифаси матн семантик таҳлили орқали аниқланади. Матндан узиб олинган гапда соннинг ишора объекти мавҳум бўлиб қолади. Ушбу матн кўринишида ҳам сон ишора қилган шахснинг ким эканлиги мавҳум.

Сонларнинг пайтга ишораси вақт семасини англатувчи лексемалар билан боғланишида кузатилади. Пайтга ишора қилувчи сонлар замон дейкиси (темпорал дейкис)ни шакллантиради. Масалан, *Ўн беш йил берган бўлса, ўн беш йил ўтирмайди* (Т.Малик) гапда қўлланган сон *йил* лексемасига боғланиб пайтга ишорани ҳосил қилган.

Ўринга ишора қилувчи сонлар макон дейкисини шакллантиради. Қуйидаги нутқий қўлланишда сон отлашиб ўринга ишора қилган: *Ҳозирги Афғонистоннинг шимолий чегарасини ўша аҳмоқ белгилаган. Нега аҳмоқ деясанми? Шунинг учунки, яна бир зарб берилса, Афғонистон тўлалигича бизники эди. Ҳеч бўлмаса, ярми бизники бўларди.* (Т.Малик) Берилган матн кўринишида *ярми* лексемаси Афғонистонга ишорани шакллантирган.

Нутқда сонларнинг матннинг муайян воқеа-ҳодиса акс этган бирор қисмига ишора қилиши ҳам кузатилади. Баъзан ишора объектини таъкидлаш мақсадида сон олдида кўрсатиш олмоши қўлланади. Масалан: *...Эшикни биринчи бўлиб сиз очиб киргансиз, хабарни ҳам сиз бергансиз. Менинг одатим шунақа, шини шу биринчидан бошлаيمان.* (Т.Малик)

Ушбу матн парчасида қўлланган *шу биринчидан* бирикмаси матннинг олдинги қисмига, унда акс этган воқеликка ишорани ҳосил қилган. Бирикма англатган денотатив маънога макроматн орқали аниқлик киритилиши унинг дейктик бирлик эканидан далолат беради.

Тартиб сонлар (*биринчидан, иккинчидан* кабилар) гапда кириш сўз вазифасида келган ҳолатларда ҳам матннинг олдинги таркибий қисмига ишора қилиши кузатилади. Бундай ҳолатда матннинг манتيқий боғланиши ҳам таъминланади.

Шуни қайд этиш жоизки, соннинг ишоравий вазифаси айрим ҳолларда гап семантик тузилишига жиддий таъсир кўрсатади, сон иштирокида тузилган гап семантик жиҳатдан мураккаблашиб, полипропозитив гапга айланади. Бунинг натижасида гапда шакл ва мазмун номувофиқлиги юзага келади. Масалан, *Учовимиз ҳам талмовсираб қолгандик* (Ў.Ҳошимов) гапида сон ишора қилган шахс дейкисига қуйидаги макроматн орқали ойдinлик киритилади:

- Ростини айт, бола! Қачон сув обкегувдинг?
- Ой чиққанда! - Олимжон гоҳ менга, гоҳ Башор опага олазarak қаради.
- Худо урсин, кеннойимга сув обкеганим рост!
- Соат нечайди ўшанда?
- Қайқдан билай! - Олимжон бурнини тортиб, елкасини қисди. - Ой энди чиққанди.

Учовимиз ҳам талмовсираб қолгандик.

Ушбу матн таҳлилидан маълум бўладики, учовимиз жамловчи сони Олимжон, Башор опа ва сўзловчи шахс, уларнинг хатти-ҳаракатига ишорани ҳосил қилган. Шу сабабли ушбу гапда «Мен талмовсираб қолгандим», «Олимжон талмовсираб қолганди», «Башор опа талмовсираб қолганди» пропозициялари англашилади.

Сонларнинг ишоравий вазифаси айрим ҳолларда гапни семантик жиҳатдан мураккаблаштирамайди. Қуйидаги гапни киёсланг: *Бири юк ортиб омборга кетса, иккинчиси келиб туради.* (Ў.Ҳошимов) Бу гап сон туркумидаги birlikлар ҳисобига семантик жиҳатдан мураккаблашмаган. Гапда қўлланган *бири, иккинчиси* сонлари иш қуролига (арава) ишора қилади. Буни қуйидаги матн кўриниши орқали аниқлаймиз: *Иккита аравамиз бор. Биттаси қолхознинг ризвон араваси, биттаси бобомнинг эшак араваси. Бири юк ортиб омборга кетса, иккинчиси келиб туради.*

Сон туркумидаги сўзларнинг гапни семантик жиҳатдан мураккаблаштириши уларнинг ишора вазифасидан бошқа вазифаларида ҳам кайд этилади. Жумладан, сөн гапда иккиламчи предикат мавқеида келган ҳолатларда ҳамда атрибутив муносабатни ҳосил қилганда гапнинг семантик мураккаблашуви кузатилади.

Хуллас, ўзбек тилида айрим сон туркумидаги birlikлар нутқий қўлланишда ишора объектини кўрсатиб, дейктик вазифа бажаради. Сонларнинг дейктик вазифаси матн семантик таҳлили орқали аниқланади.

#### Адабиётлар:

1. Ҳакимов М. Ўзбек тилида маънийнинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. -Тошкент, 2001, 15-б.
2. [http://www.mirrorbot.com/work/work\\_37262.html](http://www.mirrorbot.com/work/work_37262.html); Шерматов А. Инглиз илмий-техник маънида дейксиснинг ифодаланиши: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. -Тошкент, 2008.
3. Сафаров Ў. Прагматингвистика. -Тошкент: ЎЗМЭ, 2008, 178-б.

**И. ЙЎЛДОШЕВ,**  
профессор (ТДПУ)

### КИТОБАГЧИЛИККА ОИД БАЪЗИ СЎЗЛАР СЕМАТИКАСИ

Ҳаётдаги ўзгаришлар ва унинг натижаси ўларок вужудга келган янги ходисалар, тушунчаларни ифодалаш учун доим янги сўзлар яратилавермаслиги ва бунинг қонунийлиги ҳаммамизга маълум. «...Агар объектив борлиқдаги ҳар бир конкрет нарса-ҳодиса алоҳида сўз билан аталадиган бўлса, у ҳолда сўз саноксиз даражада бўлар эди»(1). Ушбу ҳолатдан келиб чиқилса, сўзларнинг нарса-ҳодисаларни ифодалаш жараёнида хаётий эҳтиёж туфайли тилдаги бёр луғавий birlikлардан фойдаланиш зарурати пайдо бўлади. Бунинг натижасида сўзларнинг янги маънога эга бўла бориши ҳар бир тил учун характерлидир. Бу ўринда лингвистик омиллардан

ташқари экстралингвистик омилларнинг ўрнини ҳам ёддан чиқармаслик лозим.

Ўзбек китобатчилигида шундай сўзлар борки, жамият тараққиёти жараёнида ўзлари ифодалаб келган дастлабки маъноларини йўқотиб янги маъно ифодалай бошлаганини кўрамиз. Масалан, *жадвал* сўзининг дастлабки маъноси китобатчиликда энг кўп қўлланган безак турларидан бирини аниқлаётган бўлса, ҳозирда унинг семантикасида ўзгариш содир бўлган ва дастлабки маъносини йўқотган. Натижада, *жадвал* лексемаси ўзининг бугунги маъно аниқлаштириши жихатидан мустақил термин сифатида китобатчилик терминологияси тизимидан чиқиб кетди. У ҳозирги ўзбек адабий тилида «муайян шакл асосидаги маълумотлар; дарс, машғулот, фаолият, хатти-ҳаракатларнинг тартиб рўйхати» каби маъноларни ифодаламоқда(2). Худди шунингдек, *рақам* лексемаси ҳам аввалги «*ёзув, битиш*» каби аслий маъноларини бутунлай йўқотган. Тарихий тараққиёт жараёнида маъно ҳажмининг тамоман ўзгариши, лексик маънонинг аввалгисига нисбатан фарқли тушунчани билдириши туфайли янги маъно касб этган: 1) «сонни ифодаловчи график белги»; 2) «бирор сон билан ифодаланган миқдор, кўрсаткич»; 3) «бир турдаги предметларга тартиб билан қўйилган сон; номер». Ёки *муҳаррир* сўзини кўрайлик, дастлаб «асар ёзувчи, муаллиф», «таҳрир қилувчи» маъноларида қўлланган бўлса, бугун унинг «асар ёзувчи, муаллиф» маънолари йўқолган, фақат «таҳрир қилган ёки қилувчи» маъносигина сақланиб қолган. Айни шундай ҳодиса *унво* сўзида ҳам содир бўлган. У дастлаб китобатчилик соҳасида «кўлёманинг номи, сарлавҳаси, сарварақ, баъзи ҳолларда экслибрис, яъни китоб белгиси» каби маъноларни аниқлаётган бўлса, бугун унинг ўзбек тилидаги лексик маъноси бутунлай ўзгариб кетган. Энди у китобатчилик соҳаси билан боғлиқ бўлмаган бутунлай фарқли маънони билдирмоқда: «Бирор иш-фаолият соҳасидаги хизмат ёки мутахассислик даражасини белгиловчи махсус таъсис қилинган ном». Шунга ўхшаш, *тасниф* сўзининг «бирор асар яратиш» ёки «музыкада бирор куй яратиш» каби маънолари тамоман йўқ бўлган, унинг биргина «турларга, синфларга ажратиш, классификация» маънолари қолган, холос. *Таҳрир* сўзининг ҳам араб тилидаги «асар ёзиш» маъноси ўзгариб, энди «асарга тузатишлар киритиш» ёки илмий терминологияда унинг маъноси янада кенгайган ҳолда «нашрга тавсия этилаётган асарнинг бугунги ижтимоий, сиёсий, илмий, ғоявий, адабий талабларга шаклан ва мазмунан уйғун келиши, яъни асарнинг ижтимоий қийматини белгилаш ҳамда муаллифга асарни тўлиқ нашрга тайёрлашда ёрдам кўрсатиш жараёнлари» тарзида ифодаланади.

*Лавҳ, муниший, мусаввир, хаттот, иншо* каби сўзларда ҳам китобатчилик нуқтан назаридан маълум миқдорда маъно торайиши ҳодисаси содир бўлган. Бунинг акси ўлароқ, баъзи арабизмларнинг лексик маънолари аввалгисига нисбатан янада кенгроқ маъноларни ифодалайдиган бўлган, яъни уларнинг маънолари кенгайган. Масалан, *хат* лексемаси ўтмишда «*ёзув*» ҳамда «*мақтуб*» маъноларидан ташқари яна қуйидаги маъноларда қўлланган: «*чизиқ, йўл, из*»; «*соч, зулф*»; «*янги чиққан мўйлаб*»; «*қилич*

дами”; “хукм, фармон”. Ҳозирги ўзбек адабий тилида *хат* сўзи куйидаги маъноларни ифодаламоқда: 1) “ёзув, ёзилган, чизилган ёки ўйиб туширилган белгилар; матн”; 2) “ёзувда ишлатиладиган график белгилар; харфлар тизими”; 3) “бирор хабар бериш ёки фикр алмашиш мақсадида аниқ манзилга асосан почта орқали юборилган, матн ёзилган қоғоз”; 4) “харфларни ёзишдаги ўзига хос услуб, кўриниш, ёзув хили”; 5) “савод; харф таниш”; 6) “расмий қоғоз, ҳужжат”; 7) “сатр, мисра”. Кўришиб турибдики, *хат* сўзининг диахрон ҳамда синхрон аспектлардаги маъно англатиш доирасида муайян фарқлиқлар мавжуд.

*Қалам* сўзининг маъно англатиш қўламида ўзгариш содир бўлган ва у ҳам маъно кенгайиши туфайли аввал икки маънода қўлланган бўлса, ҳозир етти маънода қўлланмоқда. Шунингдек, *сафҳа*, *ҳошия*, *боб*, *лавҳа*, *жуз(в)* каби сўзларда ҳам маъно кенгайиши ҳодисаси содир бўлган. Масалан, араб тилида полисемантик ҳисобланган ва айни шаклда ўзбек тилига ўзлашган *сафҳа* сўзи куйидаги маъноларни ифодалаган: 1) “саҳифа, варақ, бет”; 2) “хар нарсанинг юза томони; 3) “ёқ, қирра”; 4) “(мажозий) китоб”. Ҳозирги ўзбек тили лексикасида бу сўзнинг *саҳифа* шакли қўлланади. Таъкидлаш лозимки, *саҳифа* сўзи *сафҳа* англатган барча маъноларни ифодаламайди, ундан фақат биринчи маъноси ўрнида фойдаланилади, холос. *Сафҳа* сўзининг қолган маънолари йўқолган. Уларнинг ўрнида бу маъноларни ифодалашда бошқа сўзлар муомалада мавжуд. Хусусан, унинг иккинчи маъносини ифодалашда асли туркий *уст*, *юза*, *сирт* ҳамда яна бир арабча *сатҳ* сўзлари, учинчи маъносида ҳам асли туркий *ёқ*, *қирра*, *томон* ва арабча *тароф* сўзлари ишлатилади. *Сафҳа* ёки *саҳифа* сўзининг тўртинчи, яъни «китоб» маъноси ўрнида арабча *китоб* ишлатилади.

Кўриб ўтилганидек, жамият ривожини ва унинг натижасини ўлароқ сўзнинг семантик тараққиёти жараёнида янги маънонинг майдонга келиши билан бирга сўз ифодалаб келган маънонинг йўқолиши ҳам қонуний бир ҳолдир.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981, 200-б.

2. Hozirgi o'zbek tili faol so'zlarining izohli lug'ati / Hojiyev A., Nurmonov A. va b. – Toshkent: Sharq, 2001, 91-b.

И. АЗИМОВ,

доцент (ТДПУ)

### НАВОЙНИНГ НАСРИЙ АСАРЛАРИДА САБАБ-НАТИЖА МАЗМУНИДАГИ ҚЎШМА ГАПЛАР

Туркий тиллар синтаксисига оид тадқиқотларда содда гапларнинг синтетик воситалар (равишдош, сифатдош, шарт майли каби) ёрдамида бириктириш туркий тиллар синтаксиси учун муҳим қонуният эканлиги таъкидланади. Шунга кўра, туркий тиллардаги қўшма гапларга нисбатан синтетик қўшма гаплар термини қўлланган.(1) Туркий тиллардаги қўшма гапларнинг ҳинд-европа тилларидаги қўшма гаплардан тубдан фарқ қилиши, ҳинд-европа тиллари учун боғловчилар муҳим грамматик восита бўлса, туркий тиллар учун аналитик воситалар унчалик муҳим эмаслиги кўплаб туркийшунослар томонидан эътироф этилган.(2) Қозоқ тили синтаксиси

бўйича тадқиқотлар олиб борган Т.Кордабаев козок тилида эргаштирувчи боғловчилар мавжуд эмаслигини, эргашган қўшма гаплар сифатдош, равишдош оборотлар асосида вужудга келишини айтади.(3)

Қўшма гаплар бўйича олиб борилган тадқиқотларимиздан шуни аниқладикки, хоҳ боғланган қўшма гаплар бўлсин, хоҳ эргашган қўшма гаплар бўлсин, хоҳ боғловчисиз қўшма гаплар бўлсин, уларнинг боғланишида айрим лексик элементлар семантикаси муҳим восита ҳисобланади. Ана шундай воситаларнинг ўрни ва аҳамиятини сабаб-натижа муносабатидаги қўшма гаплар таҳлили мисолида кўриб чиқамиз.

Сабаб-натижа муносабати ҳақида гапирар экан, Ғ.Абдурахмонов бундай муносабатнинг юзага келишида фақат боғловчилар эмас, балки содда гаплар таркибидаги айрим бўлақларнинг семантикаси роль ўйнашини айтади(4). Бу фикр биз эътироф қилаётган ҳодиса мазмунини белгилашда муҳим аҳамиятга молик.

Мисолларга мурожаат қилайлик: «*Минжоҳун-нажот*» қасидасида *ҳидоят тарийқин тузубмен ва залолат аҳлига нажот шоҳроҳин кўргузубмен* (МЛ 124). Ушбу мисолда *ҳидоят тарийқи – нажот шоҳроҳи сўз* бирикмаси оппозитив муносабатни юзага келтирмоқда. *ҳидоят тарийқи* сўз бирикмасининг семантикаси *нажот шоҳроҳи* орқали изоҳланмоқда. *ҳидоят тарийқи* лексик бирикмасининг мазмуни *тўғри йўлга етаклаш йўли ёки қондаси* демакдир. *Нажот шоҳроҳи эса нажотнинг катта йўлидир. Ҳидоят тарийқи – нажот шоҳроҳи* изоҳловчи-изоҳланмиш муносабати орқали сабаб-натижа мазмуни келиб чиққан. Демак, залолат аҳли учун нажот йўли бу ҳидоят тарийқидир, яъни уни ўрганиш, ундан огоҳ бўлиш. Залолат аҳли ҳидоят тарийқини ўрганиш орқалигина тўғри йўлга чиқиш мумкин.

Яна бир мисол: *Чун подшоҳ бўлди, яхши қавоид ва русум пайдо қилди ва отасининг зулм ва тааддисин ародин чиқарди* (ТМА 205). Мисолда *яхши қавоид ва русум – зулм ва таадди* (зўравонлик) оппозитияси денотатларнинг семантик боғланишини таъмин этган. Маълумки, *яхши қавоид ва русум* ҳамда *зулм ва таадди* лексемалари семантик жиҳатдан бир-бирига зид. Мана шу зид муносабат орқали сабаб-натижа маъноси реаллашмоқда. Албатта, агар подшоҳ яхши қондалар ва расм-одатлар жорий қилса, жабр-зулмга, зўравонликка қарши курашиши мумкин. Отасига ўхшаш золим бўлса, зулмни йўқ қилмайди, унга қарши курашмайди. Демак, иккинчи денотатнинг юзага келишига асосий сабаб *яхши қавоид ва русумдир*. Иккинчи денотат биринчи денотатга семантик жиҳатдан тобе ҳисобланади.

*Чун золим таъб киши эрди, зулмидин улуг эл озурда бўлдилар* (ТМА 214) гапини таҳлил қилайлик. Мисолдаги денотатларнинг семантик муносабатини *золим, зулм – озурда* оппозитияси юзага келтирмоқда. Ушбу оппозитиядаги лексемалар икки денотат таркибида келиб сабаб-натижа мазмунини ифодалаган. Чунки *золим, зулм, озурда* лексемалари семантик жиҳатдан бир-бирига яқин тушунчалар. Золимлик бор жойда зулм, озурда бор бўлиши мумкин, подшоҳ золим бўлса, халқ жабр-ситам, зулм чекиши муқаррар. Ёки бошқача қилиб айтганда, озурдалик, зулмнинг бўлишига сабаб золимликда.

Энди куйидаги мисолни кўрайлик: *Ва хужжат била анинг дини ботил экани анга собит қилди ва жамиъ атбоин тириклай чоҳларга сарнагун кўмдурди* (ТМА 225). Мисолдаги денотатларнинг семантик боғланишида ва сабаб-натига муносабатининг юзага келишида *дини ботил экани анга собит қилиш - тириклай чоҳларга кўмдириш* оппозицияси асосий восита бўлмоқда. Биринчи денотат асосида «у ва унинг атбоин, яъни кўл остидаги халқ диндан чиқиб янги дин ўйлаб топишди ва ўша динга эътикод кўйишди» деган тағбилим мавжуд. Уларнинг ана шу «дини»нинг «ботил экан»лиги (*сабаб воқеа*) иккинчи денотат (*ани ва жамиъ атбоин тириклай чоҳларга сарнагун кўмдурди*) (*натига воқеа*)ни келтириб чиқармоқда. Умунан олганда, иккала денотатни биринчи денотат таркибидаги *дини ботил* лексик бирикмаси боғлаб турибди.

Яна бир мисол: *Ва фақру фано сулукида куллий манозиллар қатъ қилдилар ва улуг мартабалар ва бийик мақомларга қадам қўйдилар* (ҲСҲА 83).

Биринчи денотат (*фақру фано сулуки барча манзилларини тўлиқ босиб ўтмоқ*) сабаб-воқеани, иккинчи денотат (*улуг мартабалар ва юқори мақомларга қадам қўймоқ*) натижа-воқеани ифодаламоқда. Чунки тарикатнинг барча амалларини бажарган инсон комил инсон саналади. Комил инсонлар – мугасаввуфлар подшолар орасида ҳам, оддий халқ орасида ҳам жуда катта ҳурматга, обрў-эътиборга сазовор бўлган. Демак, улуг мартаба ва юқори мақомларга эришишнинг бош сабаби фақру фано сулуки амалларни тўла бажаришдир. *Фақру фано сулуки - улуг мартабалар ва бийик мақомлар* оппозитив муносабати денотатларни боғловчи асосий восита ҳисобланади. Чунки *фақру фано сулуки* лексик бирикмаси семантик жиҳатдан *улуг мартабалар, бийик мақомлар* лексик бирикмалари билан ички боғланишга эга, улар ўзаро бир-бирини тақозо этади.

Яна бир мисол: *Чун саодатманд йигит эрди ва таҳсилда саъйлар қилди* (МН 83). Ушбу мисолда ҳам биринчи денотат (*саодатманд йигит эрди*) сабаб-воқеани, иккинчи денотат (*таҳсилда саъйлар қилди*) натижа-воқеани ифодалаган. Денотатларнинг боғланишида *саодатманд-саъйлар* оппозицияси муҳим восита бўлмоқда. Мантқан олиб қаралганда, саодатманд, ҳаракатчан инсонгина ўқиш учун, билим олиш учун тинимсиз изланиш, ҳаракат қилиши мумкин. Дангаса, ялқов бўлса, ҳеч қачон билим олишга ҳаракат қилмайди.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, кўшма гаплар таркибидаги содда гапларнинг боғланишида семантик хусусият етакчи ҳисобланади.

#### А д а б и ё т л а р :

1. Закиев М. Синтаксический строй татарского языка. – Казань, 1963, с.270.
2. Грунива Э.А. Некоторые вопросы синтаксиса сложноподчиненного предложения в современном узбекском языке/Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. III. Синтаксис. –М., 1961; Севортян Э.В. О некоторых вопросах структуры предложения в тюркских языках. Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. III. Синтаксис. –М., 1961; Абдурахманов Г. К истории развития сложных предложений. –Материалы XVI научн. конф. –Ташкент, 1967.

3. Кордабаев Т.Р. Синтаксис казахского языка (на материале XVI – XX вв.). – Алма-Ата, 1967, с.16-17.

4. Абдурахмонов Ф. Қўшма гап синтаксиси асослари. – Тошкент, 1958, 73-б.

**Б.ЙЎЛДОШЕВ,**

**профессор (СамДУ)**

### **“КОМПЬЮТЕР ЛИНГВИСТИКАСИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ**

Юртбошимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарига тил, жумладан, она тили ҳақида куйидаги муҳим фикрларни баён қилган: “Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетақдор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир”(1).

Кейинги йилларда она тилимизнинг ана шундай бетақдор жозибасини компьютер ёрдамида ҳам намоён этиш, бунинг учун ўзбек тилининг ўзига хос ахборот-компьютер услубини шакллантириш устида самарали ишлар олиб борилмоқда. Олий ўқув юртларида ўрганилиши йўлга қўйилган “Компьютер лингвистикаси” фани ана шу мақсадни амалга оширишга хизмат қилади. Мамлакатимизнинг бир гуруҳ таниқли тилшунослари тўғри таъкидлаганларидек, “ахборот технологиялари асрида ўзбек компьютер лингвистикасини йўлга қўйиш, унинг истиқболли режаларини белгилаш зарурати кучаймоқда.

Замонавий фанларнинг ютуқлари асосида бугунги кунда ўзбек тили далилларини компьютер технологиялари асосида қуриш ва қайта ишлаш, тилнинг қўлланилишини маълум бир шароит, муаммоли муҳит учун моделлаштириш, она тилимиз компьютер моделларини лингвистика ёки бошқа соҳаларда қўллаш, машина таржимаси, компьютер лексикографиясини йўлга қўйиш сингари муаммолар миллий компьютер лингвистикаси йўналишини ривожлантиришни тақозо этмоқда” (2).

Дарҳақиқат, мамлакатимиз олий ўқув юртларининг филология факультетлари ўқув режасига 2003 йилдан “Математик ва компьютер лингвистикаси” фани киритилди, 2006 йилдан эса бу фан “Компьютер лингвистикаси” деб номланмоқда. Бу фаннинг намунавий дастурига мувофиқ 2008-2009 ўқув йилида 1-курс талабаларига 28 соат маъруза ва 40 соат амалий машғулотлар ўтиш мўлжалланган.

“Компьютер лингвистикаси” фани талабалар онгига компьютер қурилмалари ёрдамида тил бирликларини ўраниш кўникмаларини сингдиришни кўзда тутлади. Шу кунга қадар бу фан бўйича Р.Г.Пиотровский, А.Пўлатов, С.Муҳамедова, С.Ризаев, Д.Ўринбоева, Б.Йўлдошевларнинг бир қанча ўқув-услубий қўлланмалари яратилган(3). Лекин бу ишларнинг барчасида ҳам “Компьютер лингвистикаси” фанининг мавзуларини янги педагогик технологиялар асосида ўтиш намуналари берилмаган.

“Компьютер лингвистикаси” фанини ўқитишда мактабда, академик лицей ва коллежларда “Информатика ва ахборот технологияси” фанидан олинган билимлар асосида компьютер ёрдамида товушлар, харфлар,

морфемалар, туб сўзлар, содда сўзлар, қўшма сўзлар, гаплар, сўз бирикмалари ёки бир бутун матн парчаларини формаллаштириш, уларнинг товуш, харф ва бўгин структурасини статистик таҳлил қилиш кўникмаларини ҳосил қилишга эътибор қаратиш лозим бўлади. Бунинг учун янги педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ қилиш, талабани таълим жараёнининг объектдан субъекти, бевосита иштирокчиси даражасига кўтариш, яъни фаоллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Таълимнинг ушбу юқори босқичида аввалги босқичларда берилган ахборот технологияларига, компьютер қурилмаларига доир маълумотлар янада мустаҳкамланади ҳамда улар тилшунослик фани хизматига йўналтирилади. Бунда, айниқса, ўқитишнинг инновацион усуллари, аудио-визуал воситаларнинг самарали қўлланиши яхши натижа беради. Кейинги пайтларда таълим жараёнига янги замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш кенг тарғиб қилинмоқда. Бу икки йўналишнинг камраб олиб, биринчиси аудио-визуал техник воситалар (магнитофон, телевизор, компьютер кабилар)ни машғулотларда фаол қўллаш; иккинчиси эса талабаларнинг ўзларини компьютерлар билан ишлашга ўргатиш, бу жиҳатдан уларни фаоллаштириш, “Компьютер лингвистикаси” фани бўйича намунавий дастурда кўзда тутилган мавзуларни ўрганишда таълимнинг турли инновацион усуллари қўллаш, таълим жараёнига давра суҳбати, баҳс-мунозара, муаллимлик дақиқаси, кичик гуруҳчалар мусобақаси сингари турли иш турларини киритиш орқали талабаларни ўқитиш жараёнининг объектдан фаол субъектига айлантиришдан иборатдир. Таълимнинг бундай инновацион усуллари қўллаш натижасида, биринчидан, талабада “Компьютер лингвистикаси” фанига қизиқиш кундан-кунга ортиб боради, иккинчидан, шахсий изланишлари асосида ўзлаштирган билим ва кўникмалари уларнинг хотирасида мустаҳкам ўрнашади, учинчидан, мустақил ақлий-таҳлилий усул билан ҳосил қилинган малака ва кўникмаларни амалга татбиқ эта олади. Ўқитувчи талабанинг мана шундай изланишларини бошқариб боради. Таълимнинг бундай замонавий педагогик усулида ўқитувчи олдида турган муҳим вазифа турли кўргазмали воситалар, таркатма материаллар, мустақил топшириқлар бериш йўллари билан талабаларнинг ўрганилаётган ҳодиса моҳиятини мустақил равишда очишга йўналтиришдан иборатдир. Фақат шу усул билангина олий ўқув юрти оstonасига эндигина қадам қўйган, 1-семестрда “Информатика ва ахборот технологияси”, “Олий математика” каби ёндош фанларни ўрганган биринчи курс талабаларига 2-семестрда компьютер лингвистикаси асослари бўйича мустақил фикрлаш кўникмаларини, гапларни, сўз бирикмаларини ва бошқа тил билликларини формаллаштириш, машина таржимасига оид ижодий тафаккур кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мумкин.

Бундай таълим жараёнида талаба фаол шахс сифатида ўзи ишлаши, лингвистик ҳодисаларни кузатиши, ҳар хил моҳиятли катор ҳодисаларни кузатиб, уларга баҳо бериб, таҳлил этиши натижасида мустақил равишда



хусусийликларни умумийликка бирлаштира олиш қобилиятларини ўзида ривожлантириб бориши лозим бўлади.

Биз, мураббий-ўқитувчилар “Компьютер лингвистикаси” фани бўйича талабаларга билим ва кўникмаларни берар эканмиз, аввало, ўзимиз компьютер ва ахборот технологиясидан мукамал билимга эга бўлишимиз, интернетга мустақил кира олишимиз, модулли таълим сирларини талабаларга ўргатиш кўникмаларга эга бўлишимиз талаб қилинади.

Талабаларга ҳозирги ХХI аср компьютер ва ахборот асри эканлиги, ахборотнинг чексиз оқимидан зарур қисмини компьютерда эгалламай туриб, чин маънода замонавий филолог мутахассис бўлиш мумкин эмаслигини тушунтиришимиз лозим бўлади. “Компьютер лингвистикаси” фанидан маъруза ва амалий машғулотларни шу тарзда ташкил этиш ҳар бир дарсда миллий истиқлол мафқураси, ахборот-коммуникацион воситалар асри олдимизга кўйган вазифаларни амалга оширишга яхши имконият яратади.

#### Адабиётлар:

- 1.Каримов И.А. Юсак маънавият – энгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008, 83-б.
- 2.Менглиев Б., Сайфуллаева Р., Боқиева Г., Маматов А. Миллий тилшунослик (мустақил ривожланиш йўлида) // “Маърифат” газетаси, 2008 йил 21 май.
- 3.Муҳамедова С. Компьютер лингвистикаси. –Тошкент: ТДПУ, 2007; Пўлатов А. Ўзбек компьютер лингвистикаси муаммолари ва уларни ечиш йўллари // Тилшуносликнинг долзарб масалалари. 1У-чиқиши. –Тошкент: ЎЗМУ, 2008, 81-87-б.

**Д.МУҲАМЕДОВА,**  
профессор (ТДПУ)

#### УМУМЛАШТИРУВЧИ ШАКЛЛАР ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Маълумки, синтактик боғланиш камида икки сўз (ёки гап) орасида воқе бўлади. Бунда сўзлар (ёки гаплар) тенг ёки тобе алоқага киришади. Сўзларнинг тенг алоқага киришувидан кўшилма ҳосил бўлади. Уюшувчилар том маънода *боғланмани* ҳосил қилмайди, шунга кўра, булар *уюшиқ қатор* деб юритилади. Уюшувчи сўзлар нутқда маълум синтактик вазифани бажариш талаби билан грамматик шаклланади ва бирор синтактик бўлакка айланади. Уюшиқ қатор маълум бир синтактик бўлакка айланар экан, унинг аъзолари мустақил ҳолда ёки яхлит ҳолда, умумлашган ҳолда шаклланади. Масалан, *Сафарга тайёрланган йигитлар... қариндошлари билан, болачақалари билан хайрлашдилар* (Ойбек) гапидаги воситали тўлдирувчи уюшиқ қатор билан ифодаланиб, унинг аъзолари мустақил ҳолда шаклланган, чунки тўлдирувчини шакллантирувчи «*билан*» кўмакчиси ҳар бир уюшувчи аъзода қатнашган.

*Қодирнинг (иши, турмуши) тўғрисида сўраб, хурсандлик изҳор қилди* (А.Қаҳҳор) гапидаги воситали тўлдирувчи уюшиқ қатор билан ифодаланиб, унинг аъзолари умумлашган ҳолда шаклланган, негаки воситали тўлдирувчини шакллантирувчи «*тўғрисида*» кўмакчиси фақат охириги уюшувчи аъзога кўшилиб келган.

Грамматик кўрсаткичлар аъзоларнинг охирига кўшилса, уюшиқ бўлакнинг шакли гўё қавслардан ташқарига чиқарилади: (*Қодирнинг иши, турмуши*) тўғрисида каби. Демак, бунда уюшиқ бўлак аналитик шаклда

яхлитлигича шаклланади, кўмакчили шаклда умумлашиш юз беради. Бу хилдаги мисолларда икки ёки ундан ортиқ сўз эмас, балки ундан ортиқ негиз уюшиб келади.

Умумлашган ҳолда шаклланган уюшиқ қатор гапда эга, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол ўрнини эгаллаганда, унинг аъзолари сифатида от, отлашган сўзлар келади. Уюшиқ қатор гапда кесим ўрнини эгалласа, унинг аъзолари сифатида феъл ва ундан бошқа сўз туркумлари қўлланади.

I. Уюшиқ қатор билан ифодаланадиган эга, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол учун умумлаштирувчи шакл сифатида куйидаги грамматик кўрсаткичлар қўлланади: 1) –лар кўплик ифодаси: (*Газета, журнал*) лар олиб турасиз? (Ў.Умарбеков). Келтирилган мисолда кўплик сон шаклида умумлашиш рўй берган; 2) эгалик аффикслари: *Ўзимдаги [ҳис- туйғулар, (ҳарорат ва фикр) лар] им кўпликка қўшилиб аралашиб кетди* (Т.Пўлатов). Мазкур гапда ҳам кўплик сонда, ҳам эгаликда умумлашиш юз берган; 3) келишиқ аффикслари: (*Ҳақиқат ва тўғрилиқ*)ни севадиган одам доим виждони фармонига итоат қилади («Оз- оз ўрганиб доно бўлур»); 4) –даги ўрин белгисини ифодаловчи аффикси: (*Бухоро, Самарқанд, Хива*) даги обидалар одамни ҳайратга солади (Ф.Мусаёнов). Бунда уюшиқ қатор сифатловчи ўрнини эгаллаб, отнинг ўрин белгиси шаклида умумлашиш содир бўлган; 5) –ники хосликни ифодаловчи аффикси: *Кўзиларнинг ўн саккизтаси Ортиқники, ўн учтаси (Турди билан Эшмурод аканинг ўзи)ники...* (П.Қодилов.) Ушбу гапда уюшиқ қатор кесим вазифасида келиб, умумлашиш хослик шаклида кузатишган; 6) –дай (-дек) кўмакчи-аффикси: *Ҳозир бунинг ҳаммаси (нодонлик ва бачкана) дай кўринади* (П.Қодилов); 7) кўмакчилар: (*Соғинч, севинч, меҳр*) билан гаплаша-гаплаша бордилар (Ойбек). 6-, 7- бандларда келтирилган мисолларда кўмакчили шаклда умумлашиш рўй берган.

Шундай қилиб, умумлашиш от, от типидagi сўзлар, отлашган сўзлардан тузилган уюшиқ қаторда умумлаштирувчи, яхлитловчи шакл сифатида категориал шакл ясовчи аффикслар, нокатегориал шакл ясовчилар, шунингдек, аффикс-кўмакчилар, сўз кўмакчилар қўлланади.

II. Аъзолари феъл, баъзан феълдан бошқа сўз туркумларидан тузилган уюшиқ қатор гапда кесим ўрнини эгаллайди ва у шаклланиш жиҳатидан уюшиқ қатор билан ифодаланган эга, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳоллардан фарқ қилади.

Уюшиқ қатор билан ифодаланган от кесимни шакллантирадиган умумлаштирувчи формантлар ва феъл кесимни шакллантирадиган умумлаштирувчи формантлар бир- бирдан фарқ қилади.

Уюшиқ қатор билан ифодаланган от кесимни шакллантиришда куйидаги умумлаштирувчи формантлар қўлланади: 1) шахс-сон аффикслари: *Сиз, ўртоқ Очиллов, кечаю кундуз (сафарда, далада)сиз* (А.Мухтор). (*Гоҳ худ, гоҳ беҳуд*)ман (Ў.Ҳошимов). Мисолларда уюшиқ қатор гапда от кесим бўлиб келиб, шахс –сон шаклида умумлашиш юз берган; 2) боғламалар: *Шу ҳам ўзига хос (адолат, ҳақиқат)дир* (Т.Пўлатов); *Унинг режаси (сода ва пухта) эди*. (Ф.Мусаёнов). Мисолларда аффикс боғлама ҳам, сўз боғлама ҳам уюшиқ қатор билан ифодаланган от кесимни яхлит ҳолда шакллантирган.

Уюшиқ қатор билан ифодаланган феъл кесимни шаклантиришда куйидаги умумлаштирувчи формантлар ишлатилади: 1) Шахс – сон аффикслари: *Сиз (бутунлай аралашиб кетмоқчи, лекин пок – покизалигингизча қолмоқчи)сиз* (Т.Пўлатов); 2) Тўликсиз феъл: *Сув ҳамон (бир текис оқар, сал нари бориб тошларга тегиб сапчиб ўтар)ди* (С.Ахмад); 3) Кўмакчи феъллар: *Мен ҳам (тушунгим, юрагимдан ҳис қилгим) келяпти* (Т.Пўлатов)

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, умумлаштирувчи, яхлитловчи шакллар уюшиқ қаторда белгиланадиган шакллар бўлиб, улар туркий тиллар учун, жумладан, ўзбек тили учун хосдир.

**Т.НАФАСОВ,**  
профессор (Қарши ДУ)

### ЎЗБЕК ЭТНОТОПОНИМЛАРИ

1. Ўймовут. Қашқа воҳасининг Чирокчи туманида иккита Ўймовут кишлоғи бор. Бири – Қашқадарёнинг ўнг қироғида. Иккинчиси – Қашқадарёнинг чап қироғида. Сўнгисининг аҳолиси XX асрнинг 50-йилларида дарё бўйидаги бўш ерларни ўзлаштириш учун Қумдарё қироғидаги лалми жойда жойлашган Ўймовут кишлоғидан кўчиб келишган. Кўчирилган аҳоли янғидан ташкил қилган кишлоғини аввалги кишлоғи номи билан Ўймовут деб аташган. Қишлоқ аҳолиси ўзларини манғит деб ҳисоблашади. Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида Ўймовут кишлоғи мавжуд. Ўймовут, Ўймавут, Ўймовут номли қишлоқ, маҳалла, овулларнинг республикамизнинг бошқа вилоят ва туманларида бўлиши табиий. Чунки ўзбек халқи таркибига қирган уруғ, қабилалар сирасида ўймовут этноними мавжуд, илк туркий этнонимлардан бири ҳисобланади. Шу боис барча насабномаларда зикрланган. Номлар ўймовут этноними билан боғлиқ. Этноним кишлоқ номига айланган. Номланиш мотивига кўра, қишлоқ, маҳалла, овул ё бошқа жойнинг номланишида шу ердаги аҳолининг этник мансублиги ва таркиби инobatга олинади. Қишлоқ халқининг уруғи – манғит, номи – Ўймовут. Ўймовут қабила, уруғи ўтмишда манғитлар таркибида бўлганлигини, манғитларнинг уруғи бўлганлигини қишлоқ номига асосланиб тахмин қилиш мумкин.

Абулғози Баҳодирхоннинг ёзишича, мўғулларнинг ҳам ўймавут уруғи бўлган. Халқ ўртасида талаффуз шакли ҳам бўлганлигини таъкидлаган. Ўймовут этноними ясама сўз. Ўй, мовут сўзларидан таркиб топган деб қисмларга ажратиш мумкин. Этноним таркибидаги икки сўз ҳам ҳозирги, эски ўзбек тили лугат ҳазинасида учрамайди. Бу ҳолат этноним асосидаги сўзлар ўзбек тилининггина эмас, туркий тилларнинг илк ўтмишига оидлигини исботлайди. Этноним охиридаги *-т* кўшимчиси ҳам бунни далиллайди: *Керайт, қўнғирот, месит, макрит, чуют, чилжувут, уйрат, жуйрат, тўлангит, бошқирт, боёвут, арлот, қирот, уёт, эсат, қиёт, бурқут*. Бу кўшимчанинг *-ат/-ит/-от/-ут* товуш вариантлари ҳам мавжуд бўлиб, этнонимлар таркибида жамлик, тўп, жамоа, кишилар гуруҳи, одамларнинг кичик уюшмаси маъносини аңглатган. Бу кўшимчанинг сўзларга кўшилиб, зикрланган маънони ифодалаш илк уруғчиликкача

бўлган давр - ибтидоий жамоачилик даврида юз берган. Шу боис таркибига шунчалик жипсланиб кетганки, кўпинча бу тур этнонимларни таркибий қисмларга ажратиш қийин. Қиёсий тадқиқ асосида ибтидоий этнонимларнинг таркибини, маъносини, яралиш мотивларини аниқлаш мумкин.

Этнонимнинг ибтидоий таркиби уч қисмдан иборат: *уй-мов-т*. *Ўй/уй/уд/ут* сўзи туркий тиллар ўтмишида «бука», «хўқиз», «сигир» маъноларини аниқлаган. Мўғул тилида бука, хўқиз *удус/ўдус* деб аталган: *уд/ўд-ус*, сўз таркибидаги *-ус* қўшимчаси жамлик, кўплик маъносини аниқлаган.

*Мовут* сўзи қадиман *музут/мўзут/бузут/бузут* шаклида бўлган. Бу сўз рус халқининг XI аср ёдгорлиги «Игор жангномаси»да этноним мақомида қўлланган. *Музут/музут* этноними ясама бўлиб икки қисмдан иборат. Этнонимга *бузу/бузу/музу/бўзу/бўзу/мўзу/мўзу* сўзи асос бўлган. Бу сўз кўпгина туркий тилларда бугу (ҳайвон тури)ни билдирган. «Кучли», «билагон», «доно», «зехнли» каби қўчма маъноларга ҳам эга бўлган. Бу қўчма маънолар бугунинг табиатидан келиб чиққан, қўчма маъно кўпинча одамларга нисбатан қўлланган. Ана шу сўзга *-т* қўшимчаси қўшилиб *музут/мўзут/музут/бузут/бузут* этноними юзага келган. Византия манбалари ва рус солномаларида половецларнинг *боовт/боут* деган туркий қабиласи номи тилга олинган. Мазкур икки сўз бир этнонимнинг товуш вариантларидир.

Тахлидан маълумки, *ўймовут* этнонимининг қадимий шакли *ўй/уй+бузут/музут* бўлган. Маъноси – «эркак бугу». Маълумки, жаҳон халқлари, жумладан, туркий халқларнинг илк ўтмишида турли ҳайвонлар, қушлар, ҳашаротлар, жониворларнинг маълум бир турлари мукаддаслаштирилган. Ҳар бир уруғ, қабиланинг ўзига хос мукаддас жониворлари (тотеми) бўлган. Ана шу жонивор тасвирини туғ-байроғига тушириб, у билан фахрланишган. Мазкур уруғ, қабил вакиллари илк ўтмишда эркак бугунинг тотем деб қабул қилишган. Шу жонивор ва унинг туғдаги тасвири асосида уруғ, қабил номи юзага келган. *Ўймовут* – эркак бугуга сифинувчи жамоа.

2. Қараман. Термиз, Шеробод, Сарийосиё, Жаркўрғон, Чирокчи туманларида *Қаҳрамон* номли қишлоқлар бор. Халқ нутқида – *Қараман*. Қорақалпоғистон республикасининг Амударё туманида бир қишлоқ номи *Қараман*. Ҳазорасп, Қўшқўпир туманларида *Қараман* – қадимий ва йирик қишлоқ. Урганч туманида эса – *Қарамон*. Қўшқўпир туманида *Қараманқала* деган қишлоқ ҳам бор, бундай мисолларни давом эттириш мумкин.

Туркий тилли улкан худудда тарқалган, бир асосдан урчиган номлар бир-бирига яқин шаклда: *Қаҳрамон, Қарамон, Гараман, Қараман, Қарамон*. Бу номлар туркий тилларнинг қарлук (ўзбек, уйғур), кипчок (қозок, қорақалпоқ, татар) гуруҳ тилларига хос бўлган имловий ва талаффуз шаклда. *Гараман* номи эса туркий тилларнинг ўғуз (турк, озарбайжон, гагауз, туркман) тармоғига мансуб лафзий шаклда.

*Қаҳрамон* – форс, тожик тилларига мансуб сўз. *Қаҳрамон* сўзи ўзбек тилига XIV асрдан бошлаб ўзлашган. VII-XIII аср ёдгорликларида *қаҳрамон*

сўзи учрамайди. Кишлоқ номларининг юзага келишига мазкур маънодаги қаҳрамон сўзининг дахли йўқ.

Кишлоқлар номларига асос бўлган сўз ўзбек халқининг қараман (қарамон), қурамон этнонимидир. Қараман (қарамон), қурамон сўзи турли манбаларда уруғ, қабила номи сифатида қайд қилинган. Фарғона кипчоқларининг қураман уруғи бўлган. Қараман (қарамон), қораман, қураман уруғ-қабила номининг муқобили оқман. Ўзбек халқининг оқман уруғи бўлганлиги маълум.

Қараман (қарамон, қораман) ва оқман этнонимлари қора, оқ ва ман/мон сўзлари бирикишидан ҳосил бўлган. Найман, дўрман, тўқман, алдашман, чағишман, туркман, баҳман/баҳман (Баҳмал тумани шу этнонимдан) каби ўзбек қабиласи, уруғ номларида ҳам -ман, мон узви маъносини йўқотган тил бирлиги сифатида такрорланган. Туркман (халқ номи), усмон (турк халқи тармоғи), қулман (қорақалпоқ халқининг уруғи), аларман, қуман (Волгабўйидаги туркий халқ) каби этнонимлар таркибида ҳам -ман узви бор.

Халқ, қабила, уруғ ва уларнинг тармоқлари номларидаги ман, мон узви тарихан мустақил луғавий маъноли сўз бўлган. Дастлабки маънолари—одам, киши. Сўнги маънолари – гуруҳ, тўп, жамоа, кишилар уюшмаси. Ана шу маънолар асосида барча этник бирликлар номланган ва этнонимлар яралган.

Қараман (қорамон, қарамон) ва оқман этнонимлари таркибидаги қора, оқ сўзларида ранг маъноси йўқ. Қара, қора сўзи ўтмишда тўда, кўп, тўп каби миқдорий белги маъносини билдирган. Ана шу маъно асосида қараман (қорамон) этноним яралган: қараман (қораман)—аҳолиси кўп миқдорда бўлган жамоа (уруғ). Киёсланг: қорамол - катта гавдали мол, қоракуч – кўп жисмоний қувватга эга бўлган (одам). Оқман этнонимининг яралишида жамоанинг нуфузи, мавқеи, бошқариш тизимидаги иштироки каби ижтимоий мотивлар оқ сўзида мужассамланган.

Қараман (қорамон, қарамон), оқман, найман, дўрман, чағишман, тўқман, алдашман, туркман, қулман этнонимларнинг барчаси Ўзбекистон ҳудудида кишлоқ, маҳалла, гузар номларига айланган: Қараман/Қаҳрамон, Оқман, Найман, Дўрман, Чағишман, Тўқман, Алдашман, Туркман, Қулман. Шу номдаги қабила, уруғ жамоаси ўтмишда шу ҳудудда яшаганлиги учун уларнинг кишлоғи, маҳалласи этник бирлик номи билан аталган.

**Х.ЖАМОЛҲОНОВ,**  
профессор (ТДПУ)

### **КОПЕНГАГЕН СТРУКТУРАЛИЗМИДА ФОНЕТИКА ВА ФОНОЛОГИЯГА ОИД ҚАРАШЛАР**

Копенгаген структурал тилшунослиги вакиллари тил назариясига ва семиотикага таянган ҳолда XX аср тилшунослигининг янги ғоялари тизимини яратишга ҳаракат қилдилар. Уларнинг асосий ғоялари Л.Ельмслевнинг “Тил назариясига оид мулоҳазалар” (1943) “Тилшунослиқда структурал таҳлил методи” (1950-1951), “Тил ва нутқ” (1942), В. Брёндальнинг “Структурал тилшунослик” (1939), Х.Ульдалнинг “Глоссематика асослари” (1957) каби ишларида ва бир катор мақолаларида

баён этилган. Бу асарларнинг барчасида тилшуносликнинг тадқиқот предмети тилнинг ички табиатидан келиб чиқадиган структуралар эканлиги, бундай структура тилнинг ифода ва мазмун жиҳатлари ҳамда шу жиҳатларнинг ҳар биридаги элементлар ўртасида мавжуд бўлган алоқадорликдан таркиб топиши айтилади. Тил структурасидаги бу жиҳатларни Л. Ельмслев қуйидагича таърифлайди:

1. Тилнинг мазмун ва ифода жиҳатлари бор.
2. Тил тадрижий, изчил тартибдаги қатордан ва системадан иборат.
3. Тилнинг мазмун ва ифода жиҳатлари коммутация талабларига кўра ўзаро боғлиқдир.

4. Матн билан система ўртасида маълум муносабатдорлик ҳам мавжуд.

5. Мазмун ва ифода жиҳатлари ўртасидаги мослик шу икки жиҳат элементлари ўртасида тўппа-тўғри (бевосита) мослик бор деган гап эмас, чунки тил белгилари янада майдароқ узвларга парчаланиши мумкин. Фонема белгининг аини шундай компоненти саналади, у ўз ҳолича мазмунга эга эмас, аммо мазмун жиҳати бор бўлган бирликларнинг, масалан, сўзларнинг таркиб топишида иштирок этади (Л. Ельмслев бунда фонемани “ифода жиҳатининг *таксемаси*” деб аташ тарафдори эканлигини ҳам айтади).(1)

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, глоссематикада (Копенгаген мактаби назариясида) асосий эътибор тилнинг структурал-семиотик аспектига қаратилади, қолган барча аспекти (ижтимоий, биологик, физик, психологик ва бошқа жиҳатлар) тилнинг “автоном тузилиши” билан боғлиқ эмас деб ҳисобланади. Бунда тилнинг моддий элементлари ҳам муҳим бўлмаган омиллар каторига киритилади, ҳатто товуш тилининг ўзи ҳам турли сигналлар (денгизчиларнинг байроқчалар воситасида берадиган сигналлари, Морзе алифбеси ва бошқа системалар) билан бир мавқега эга бўлган тизим ҳолатига, тилшунослик эса семиотиканинг бир қисми даражасига тушириб қўйилади. Демак, тилнинг барча муҳим жиҳатлари (товушлардан иборат моддий томони, айрим элементларининг ижтимоий қиймати, алоқа воситаси сифатидаги вазибалари, инсон тафаккурини ўзида қамраб олиш имкониятлари ва яна бир қатор хусусиятлари) аморф субстанциялар сифатида тилдан ташқарига суриб чиқарилади, тил моҳиятида ўзига хос бўшлиқ юзага келтирилиб, сўнг бу бўшлиқни ўйлаб топилган соф схемалар билан тўлдириш орқали ўрганишни тақлиф қиладилар. Глоссематикадаги аини шу қарашлар Прага функционал тилшунослиги вакиллари томонидан ҳақли равишда танқид қилинади.(2)

Копенгаген структурал лингвистикаси вакиллари тил таҳлили учун дедуктив методдан фойдаланишни тавсия этишади. Бу методга кўра таҳлил умумийликдан хусусийликка, синфдан сегментга томон олиб борилади, шу тарзда системани аниқлаш имкони яратилади. Масалан, бир бутун матн дастлаб периодларга, сўнг гапларга, гаплар эса ўз навбатида сўзларга, сўзлар бўғинларга, ниҳоят, бўғинлар фонемаларга ажратилади. Бундай бўлинишда фонема сўз ёки морфеманинг ифода жиҳатидаги энг кичик (бошқа бўлакка бўлинмайдиган) бирлик саналади, у мазкур мактаб терминологиясига биноан «фигура» деб номланади. Масалан, *ука* сўзининг ифода жиҳатида 3 та фигура

бор: “у”, “к”, “а” каби. Шу сўзнинг мазмун жиҳатида ҳам 3 та фигура мавжуд: 1) “туғишган” семаси; 2) “эркак” семаси; 3) “акадан кичик” семаси. Демак, мазкур мактаб терминологиясидаги «фигура» атамаси аслида тилшуносликдаги «фонема» ва «сема» атамаларига уйғун тарзда қўлланади.

Л. Ельмслевнинг таъкидлашича, тилдаги фигуралар миқдори чекланган-дир: ҳеч бир тилда фонемалар миқдори 70-80 тадан ошмайди, мазмун жиҳатидаги фигуралар миқдори ҳам у қадар кўп эмас. У “тил шундай қурилмаки, унда бир ховуч фигуралар ёрдамида ва шу фигураларнинг турлича жойлашуви натижасида сон-саноксиз белгилар таркиб топиши мумкин. Тилнинг шу хусусияти бўлмаганда, у ўз вазифасига нолайик қурол бўлиб қоларди” деб таъкидлайди.(3)

Оқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб, Копенгаген тилшунослиги назариясининг товуш ва фонемага оид қисмини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Муайян тилда тартиблаштирилган товушлар занжири шу тилнинг ифода субстанцияси бўлади. Фонема ана шу субстанция бирлигидир.

2. Фонема белгининг (масалан, сўзнинг ёки морфеманинг) ифода жиҳатига мансуб фигуралар. У белгининг фонетик таркибидаги энг кичик компонент саналади.

3. Фонеманинг мазмун плани йўқ. У мазмун плани бор бўлган бирлик таркибидагина лисоний қийматга эга. Масалан, *ич* ва *уч*, *тил* ва *дил* сўзларининг шакл ва маъно муносабатлари шу сўзлар таркибидаги *и-у*, *т-д* товушлари алмашинувига боғлиқ бўлгани каби. Демак, фонемалар белгилар системасига белгининг қисми сифатидагина қиради.

4. Глоссематика назариясига кўра система матн тахлили асосида аниқланади. Бундай таҳлил матннинг ички тузилишида бутун-бўлак муносабати борлигини кўрсатади: *период – гап – сўз – бўғин – фонема*. Демак, фонема бундай муносабатлар тизимидаги энг сўнги фигура саналади.

#### Адабиётлар:

1. Ельмслев Л. Метод структурного анализа в лингвистике / Звегинцев В.А. История языкознания XIX и XX веков в очерках и извлечениях. Часть II. –М., 1960, с.56.
2. Скаличка В. Копенгагенский структурализм и «Пражская школа» / Звегинцев В.А. Кўрсатилган асар. 92-99-б.
3. Ельмслев Л. Прологомены к теории языка.// Новое в лингвистике. Вып. I. –М., 1960, с.305.

**Р.ЮНУСОВ,**  
профессор (ТДПУ)

### ЛЕКСИК МАЪНО ВА КОНТЕКСТУАЛ ҚУРШОВ

Лексик маънонинг семантик ва грамматик табиатини ҳар бир полисемантик лексема доирасида очиш мақсадга мувофиқдир. Чунки ҳар бир лексик маъно индивидуал ҳодиса сифатида ўзига хос мураккабликларга эга бўлади. Шунинг учун ҳам лексик маънони формаллаштириш, материаллаштириш анча қийин, бунда қандайдир универсал критериялар топиш қийин. Лекин ҳозирги тилшуносликда бу борада анча ютуқларга эришилди. Шу ютуқлардан фойдаланган ҳолда полисемантик лексеманинг конкрет бир семемасини қуйидаги уч ўлчов асосида таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

1. Семеманинг ички (семантик) табиати – семалар мундарижасини очиш асосида. Бундан асосий мақсад семеманинг луғавий мундарижасини тўлик ва аниқ белгилаш, лексик маънони илмий асосда таърифлашга эришиш.

2. Семеманинг грамматик табиатини очиш асосида. Бунда семеманинг грамматик қуршови таҳлил қилинади. Аввал семеманинг морфологик контексти, кейин синтактик контексти аниқланади. Биз таҳлил қилмоқчи бўлган семема от туркумига доир лексема таркибида бўлганлиги учун морфологик контекст деб, лексеманинг сон, эғалик ва келишик категорияли шаклларга кириши назарда тутилади. Синтактик контекст деб маълум шаклда бўла туриб, муайян семемали лексеманинг қайси синтактик вазифада келиши ва шунга мос ҳолдаги синтактик қуршови – синтактик контексти тушунилади.

3. Семеманинг лексик контексти таҳлили асосида. Бу ўринда семеманинг лексик контексти масаласи лексемаларнинг семантик боғланиши билан узвий алоқадор эканлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Синтактик боғланиш маълум грамматик-интонацион воситалар ёрдамида амалга ошади. Агар лексема кўп семемадан таркиб топган бўлса, синтактик боғланишда ҳар гал маълум бир семемагина қатнашади. Демак, лексемалар кўп маъноли бўлса, семантик боғланишда ҳам семемаларнинг семантик муносабати кўзда тутилади. Шу асосда семеманинг лексик контексти, яъни семемага хос семантик қуршов, семантик боғланиш аниқланади.

Бундай таҳлилни полисемантик лексема саналган *ер* лексемасининг “қандайдир ном билан аталадиган географик майдон, территория” семемаси асосида амалга оширишга ҳаракат қиламиз. Бу семемаси билан *ер* лексемаси планетамизнинг юзасини билдиради. Лекин бу маънода ифодаланган юза бирор ном билан аталади ҳамда географик майдон, территория сифатида қаралади. Семема “қандайдир ном билан аталадиган”, “географик майдон”, “территория”, “юза, сатҳ”, “биз яшаб турган планета” семаларидан таркиб топган. Предметлик маъносини англатувчи асос сифатида кўплик формасини ҳамда нисбатловчини олади. Ҳар хил келишик формаларида келади. Синтактик жиҳатдан гапда ҳол, кесим, сифатловчи, қаратувчи, эга вазифаларида келади.

Семеманинг синтактик контексти сифатловчи ва ҳолланмиш бўлади. Маънони шакллантирувчи лексик контексти: 1) сифатловчи вазифасидаги *она, ёт, бегона, муқаддас, тугилган, яшаган, униб-ўсган, вафот этган* каби лексемалар бўлади. Масалан: *Йўлчининг арзимаган нарсага қамалгани, ёт ерда ётпа-ёлғиз қолганингизни айтиб берсангиз...* (Ойбек); 2) ҳолланмиш вазифасидаги *тугилмоқ, яшамоқ, униб-ўсмоқ, вафот этмоқ, ўлмоқ* каби лексемалар бўлади. Масалан: *Шу ерда тугилиб, шу ерда ўсган...* (Ж.Абдуллаханов); 3) маънони бевосита синтактик боғланмаган узоқ контекст белгилайди. Белгилувчи лексик контекст кишилар яшайдиган, фаолиятда бўлган территориянинг, майдоннинг номини билдирувчи *давлат, шаҳар, қишлоқ, туман* каби ҳамда жойнинг конкрет номини билдирувчи *Тошкент, Самарқанд* каби лексемалар бўлади. Масалан: *Эртага шаҳарга туш, нима шартинг бўлса, ўша ерда гапир* (Ойбек). Аммо эрининг қистови



билан ниҳоят Самарқандга жўнашига, қизининг маракаларини ўша ерда ўтказишига мажбур бўлди (Ойбек).

Семеманинг синтактик контексти қаратувчи ҳамда ҳолланмиш бўлади, маънони қаратувчи вазифасидаги лексемалар белгилайди. Ҳолланмиш вазифасидаги лексемалар маънони белгиламайди. Белгиловчи лексик контекст қаралувчи вазифасида келган бирор халқнинг номини билдирувчи лексемалар бўлади. Масалан: *Ижкиси ҳам ҳозир герман ерида хўжайин бўлиб, гаит қилиб юрибди* (Ойбек).

Қаратувчи кишилик олмошининг кўплик шаклида бўлганда ер лексемаси кўплик формасини олган бўлади. Масалан: *Бизнинг ерларда бу “хўпта семиз – бир туки йўқ” шундай битадики...* (Ойбек).

Кесим бўлиб келиши. Семеманинг синтактик контексти эга, қаратувчи, сифатловчи бўлади. Маънони белгиловчи лексик контекст территорияни, майдонни билдирувчи *шаҳар, қишлоқ, маҳалла* каби ҳамда уларнинг конкрет исмини билдирувчи лексемалар бўлади. Масалан: *Қаҳрамонлик учун бизнинг қишлоқ ҳам чакана ер эмас* (Ойбек).

Сифатловчи бўлиб келиши. Ер лексемаси –даги аффиксини олиб гапда сифатловчи вазифасида келади. Ўрни билан сифатловчи олади. Семеманинг синтактик контексти мана шу сифатловчи ҳамда бирикманинг сифатланмиши бўлади. Маънони узок контекст (ер лексемаси билан синтактик боғланмаган) бўлиб келган лексемалар, территориянинг майдоннинг исмини билдирувчи *шаҳар, қишлоқ, маҳалла, туман* каби ҳамда уларнинг конкрет номини билдирувчи лексемалар белгилайди. Масалан: *Бир куни у ўз агрегати билан Дўрмон қишлоғига ўтои-да, ўша ердаги канал қазувчиларга ёрдам бера бошлади* (Ж.Абдуллаханов).

Қаратувчи бўлиб келиши. Қаратувчи вазифасида ер лексемаси қаратқич келишигида белгили, белгисиз келади. Семеманинг синтактик контексти сифатловчи ҳамда қаралмиш бўлади. Маънони белгиловчи лексик контекст 2 ҳолатда ифодаланади. Биринчи ҳолатда маънони сифатловчи вазифасидаги *она, ёт, бегона, муқаддас, тузилган, яшаган, униб ўсган, вафот этган* каби лексемалар белгилайди. Масалан: *Ўзлари униб-ўсган ерларининг бойликларини, гўзалликларини ҳикоя қилишаркан...* (Ойбек). Иккинчи ҳолатда маънони узок контекст белгилайди. Белгиловчи лексик контекст: *шаҳар, қишлоқ, маҳалла, туман* каби лексемалардан бўлади. Масалан: *У қишлоқни, бу ернинг одамларини яхши кўриб қолганига куяман...* (О.Ёқубов).

Эга бўлиб келиши. Бу вазифада маънонинг синтактик контексти сифатловчи ҳамда сифат бўлади. Семемани кесим вазифасида келган *шаҳар, қишлоқ, маҳалла, туман* каби лексемалар ҳамда уларнинг конкрет исmlарини билдирувчи лексемалар белгилайди. Масалан: *Бу ер шаҳри азим, бу ер – Тошкент* (Ойбек).

Тўлдирувчи бўлиб келиши. Тўлдирувчи вазифасида ер лексемаси тушум келишигининг белгили формасида бўлади. Маънонинг синтактик контексти қаратувчи, сифатловчи, тўлдирилмиш бўлади. Маънони яқин контекст, яъни синтактик жиҳатдан боғланган контекст белгиламайди, узок контекст белгилайди. Белгиловчи лексик контекст бўлиб *тузилган, яшаган,*

шаҳар, қишлоқ, туман, вилоят каби лексемалар ҳамда уларнинг конкрет номларини билдирувчи лексемалар келади. Масалан: *У тугилиб ўсан далаларига чиққиси келар – Фронтида юраркан, бу ерларни тушида ҳам, ўнгида ҳам кўз олдидан нари кеткизолмаган эди* (С.Аҳмад).

Мазкур семеманинг семантик ва грамматик таҳлилидан куйидаги хулосаларга келиш мумкин: 1.Мазкур семеманинг шаклланишида ер лексемаси бошқа лексемалар билан семантик жиҳатдан асосан “географик майдон”, “территория” семасига кўра боғланади. 2.Семеманинг асосий морфологик контексти асосан кўплик ҳамда ўрин келишиги шаклида бўлади. 3.Ҳол семемани шакллантурувчи асосий синтактик вазифа бўлади. 4.Маънони белгиловчи лексик контекстлар яқин ҳамда узоқ контекстларда ўзаро фаркланади. 5.Аниқ лексик контекстли семема ҳисобланади.

**М.ЙЎЛДОШЕВ,**  
доцент (ТДПУ)

### **ФЕЪЛ ЛИНГВОПОЭТИКАСИ**

Бадий матннинг лингвопоэтик тахлили жараёнида феъл туркумига кирувчи сўзларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки бу туркумдаги сўзларнинг экспрессив имкониятлари ниҳоятда кенгдир. Феълнинг майл, шахс-сон, бўлишли-бўлишсизлик, нисбат, замон ҳамда функционал шакллари асосида намоён бўлувчи ўзига хос поэтик нозикликларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир. (1)

Кўплик учинчи шахсдаги феълнинг кутилмаган контекстларда қўлланиши қаҳрамонлар руҳиятидаги турфа товланишларни тугал акс эттириш имкониятини беради. Н.Маҳмудов ўринли таъкидлаганидек, “жумлада ифодаланган ҳаракат ёки ҳолатнинг эгаси шахс бўлмаганда туркий тилларда, шу жумладан, ўзбек тилида эга кўплик шаклида бўлса ҳам, унга тегишли феъл, асосан, кўплик кўшимчасини олмайди, яъни: *Барглар тўкилдилар* эмас, *Барглар тўкилди* тарзида бўлади. Аммо Абдулла Қодирий бундай ўринларда ҳам –ларни қўллайди, у шундай тасвир тарзини танлайдики, –лар ўзгача бир нозик маъно ишваларини касб этади. Айниқса, Кумуш ва Отабек билан алоқали тасвирларда бу жуда яққол кўринади: *Иккинчи ёқдан ўзини асир этган шахло кўзлар унга нафратланиб қарагандек бўлурлар, зўёки вафосиз, ваъдасиз деб қичқирурлар эди*.”(2) Рауф Парфи шеърларда ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин:

*Ёмгир ҳам тинмади узун кун*

*Ившиган новдалар синдилар.*

*Ёмгир ҳам тинмади узун кун,*

*Барглари жон узиб тиндилар.*

Бир грамматик шаклнинг бошқа грамматик шакл ифодаси учун қўлланилиши натижасида ҳам бадий матнда поэтик актуаллашув намоён бўлади. Масалан, А.Қаҳхорнинг «Ўғри» ҳикоясида амин нутқидаги сўрок гап ўрнига буйруқ гап ёки буйруқ ифодаси учун мажхул нисбат шаклининг қўлланилганлигини кўриш мумкин: – *Ўзи қайтиб келмасмикин?.. Биров олиб кетса қайтиб кела бер, деб қўйилмаган экан-да! Нега йиғланади? А? Йиғланмасин! (...)* – Суюнчиси нима бўлади? Суюнчидан чашна олиб

келинмадими?(...) – *Ҳа, ҳўжизни уйларига элтиб берилсинми?! Ахир, борилсин, арз қилинсин-да!* Фуқаронинг арзга бориши арбобнинг иззати бўлади!

Бу суҳбатнинг қаерда ва қандай одамлар ўртасида бўлиб ўтаётганига эътибор берилса, феъл нисбатларининг поэтик қўлланиши асосидаги ифоданинг мақсади равшанлашади. Савол берувчининг воқеликка арзимас нарсага қараётгандек бепарво муносабати, феъл-атворидаги кибр ва манманлик танланган морфологик шакллар орқали беҳад аниқ ифодаланган. Айни морфологик шакллар амин нутқида пичинг, кесатик ва масҳара оҳангининг юқори даражада тасвирланишига кўмаклашган.

Баъзан бадий матнда феъл нисбати шундай қўлланадики, тилдаги мавжуд меъёрлар ва маънолардан тамомила фарқ қилади, айни шу фарқлилик асосида поэтик актуаллик юзага келади. Масалан, –н кўшимчаси билан ясаладиган ўзлик нисбатининг тилдаги маъноси маълум. Қўйидаги парчага эътибор берайлик:

*Келиндинг, келмадинг,  
билиндинг, билмадинг,  
ёрижон (Фаҳриёр)*

Адабий тилда *келмоқ, билмоқ* феълларининг мазкур нисбатда бундай қўлланиши айтарли йўқ, шунинг учун ҳам айни матндаги фарқли қўлланиш дарҳол диққатни тортади. Уларнинг айни матндаги маъноси “келгандай бўлдинг”, “билгандай бўлдинг” тарзида бўлиб, бу улар билан ёнма-ён келган бўлишсиз шаклдаги феъллар орқали ойдинлашган, шу тарзда мазкур оригинал қўлланиш кучли даражада поэтик таъкид олган. Феълларнинг ана шундай ўзига хос тарздаги поэтик қўлланишини яна қўйидаги мисолда ҳам кўриш мумкин:

*Тошлар ухлар, мошлар ухлар, Шош ухлар,  
Йиғланажак ёшлар ухлайди кўзда (Фаҳриёр).*

Бадий матндаги феълларнинг лингвопоэтик хусусиятлари ўрганилганда, айниқса, феъл замонлари ҳам алоҳида диққатга сазовор. А.Ориповнинг “Ҳамза монологи” шеърида *Мени ўлдирдишлар Шоҳимардонда* мисраси бор. Агар матннинг бадийлиги ҳисобга олинмаса, *ўлмоқ* феълининг айни контекстда яқин ўтган замон шаклида қўлланиши мантқиқсиз. Лекин бадий матндаги образли фикрлаш йўсини шундай қўллашга бемалол имкон беради. Умуман, бадий матндаги замон тушунчасининг талқини анча ўзига хосдир. Шунинг учун ҳам бир қатор адабиётшунос ва тилшунослар “грамматик замон” ва “бадий замон”ни фарқлаш лозимлигини айтадилар. Бадий замонни “сюжет замони” сифатида баҳолаб, асар сюжетини ташкил этган воқеалардаги замон тарзида талқин этадилар. Бунда бир асарда воқеаларнинг қатъий хронологик кетма-кетликда келмаслиги, турли замонларга оид воқеалар аралаш, олдингиси кейин, кейингиси олдин ҳам келаверишидан келиб чиққан ҳолда реал замоннинг орқага қайтмаслигини, бир томонга – олдинга йўналганлигини, бадий замоннинг эса орқага ҳам, олдинга ҳам ҳаракат қилаверишини (масалан, “типик детектив роман модели бадий замоннинг турли йўналишлилиги ва орқага қайтиши мумкинлигини далиллайди: роман қотилликдан бошланади, ундан кейин баён тесқари

йўналишда ривожланади, яъни котилликдан олдинги воқеалар батафсил тавсифланади”) таъкидлайдилар.(3) Албатта, бундай замоннинг ифодаланишида грамматик замон шакллари ва бошқа лексик воситалар иштирок этади. Умуман, бадий ранг матнда морфологик воситаларнинг поэтик актуаллашуви ҳолатлари жуда ранг-баранг.

#### Адабиётлар:

1. Рихсиева Г. Нисбат шаклларининг лингвопоэтик тадқиқига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004, №2, 75-77-б.; Рихсиева Г. Ўзбек тилида баъзи ноодағий фельясалмалар поэтикаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007, №2, 76-79-б.
2. Махмудов Н. Ўзимиз ва сўзимиз. –Тошкент: Адабиёт ва санъат н-ти, 1997, 61-б.
3. Тураева З.Я. Категория времени. Время грамматическое и время художественное. –М., 1979, с.24-30.

**С.МУҲАМЕДОВА, профессор в.б.,  
А.ЖЎРАЕВА (ТДПУ)**

### ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ “БОЗОР” АРХИСЕМАЛИ ЛЕКСИК БИРЛИКЛАР ХУСУСИДА

Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарларида таъкидлаганларидек: “Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий изланишимиз зарур. Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланилиш доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий луғатлар нашр этиш, зарур агама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлангантириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз”(1).

Ҳаётимизга бозор иқтисодиётининг кириб келиши натижасида тилимизда у билан боғлиқ йирик тушунча майдони шаклланди ва у ҳозирда ҳам такомиллашиб бормоқда. Бу илгарилари ўзбек тилида бозор билан боғлиқ лексик-семантик майдон бўлмаган деган маънони англагмайди. Янги иқтисодий муносабатлар асосида юзага келган бугунги бозор шакллари халқимизнинг иқтисодий қарашлари ва тушунчаларини тубдан ўзгартириб юборди. Бунинг натижасида ҳаётимизга, сўнгра бунинг инъикоси сифатида тилимизга халқаро микёсдаги сўзлар ва тушунчалар кириб келди.

Бозор билан боғлиқ семантик майдон ичидаги *олувчи, сотувчи, даллол, деҳқон бозори, мол бозори, ёғоч бозори, харидор, нарх-наво, савдогар, айирбошлаш* каби лексемаларнинг луғавий маъноси яхши таниш ва улар тилимизда фаол ишлатилиб келинади. Лекин бозор конъюнктураси, *маклер, дилер, брокер, ноу-хау, бизнес, хорижий инвестиция* каби юзлаб лексик бирликлар тилимизда янгитдан пайдо бўлиб, бозор билан боғлиқ тушунча майдонининг кенгайишига хизмат қилмоқда. Уларнинг ҳар бири муайян лексик маънога, ўзига хос услубий хусусиятларга эга.(2)

“Бозор” архисемали лексик бирликлар ҳозирча ўзбек тилшунослигида махсус текшириш объекти бўлганича йўқ. Фақат А.Собиров ўз монографиясида бозор иқтисодиёти кириб келиши муносабати билан ўзбек

тилида у билан боғлиқ тушунча майдони шакллангани ҳақида гапириб, бозор турлари таснифини келтиради. (3) А.Собиров ўз асарида инсон ва унга боғлиқ тушунчаларнинг семантик майдонларини 4 қатга қисмга ажратган. Шундан ижтимоий тузилмалар (муносабатлар) йиғиндисини ифодаловчи лексемаларнинг семантик майдониغا “Бозор ва унинг инфраструктураси” микромайдони киритилган. (4) Кўринадики, бозор ва унинг тузилишини алоҳида семантик майдон сифатида ажратиш тадқиқ қилиш мумкин. Аввало, *бозор, бозор муносабатлари, бозор иқтисодиёти* тушунчаларига тўхтаб ўтамиз. Маълумки, бозор тарихан жуда қадимги ходиса. Бозор азалдан оддий ҳолда олди-сотди жойи, махсулотларни сотувчи ва харидор ўртасида айирбошлаш жойи ва жараёни деб тушунилган. Бундай бозор тушунчаси фақат оддий чакана савдо жараёни билан чегараланиб, қадимий “Шарқ бозори” мазмунини англатиши мумкин.

Маълумки, бозор иқтисодиётга ўтилиши муносабати билан “бозор” тушунчаси ҳам, ушбу семантик майдонга кирувчи лексик бирликлар ҳам ўзгарди. Бозор оддий ва ҳаётий юзаки тушунчани билдирса, бозор иқтисодиёти тўла мазмунли ва илмий тушунчадир. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қайд қилинганидек: “Бозор иқтисодиёти товар-пул муносабатларига асосланган, турли мулкчиликка ҳамда иқтисодий эркинликка таянган ва рақобат асосида тартибга солиб турниладиган демократик иқтисодиёт”. (5) Шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда *бозор иқтисодиёти* ва *бозор* тушунчалари синоним тарзда ишлатилмоқда. Зеро, бу давр талабидир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Фақат бозоргина янгиликларга сезгир қилади, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини дадил ва ғайрат билан жорий этади, ўз ишининг устасига, касб маҳоратига муносиб баҳо беради”. (6)

Ўзбек тилидаги “бозор” архисемали лексик бирликлар майдонини қуйидагича мавзуий гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. “Шарқ бозори” семантик-мавзуий гуруҳига оид лексик бирликлар: *бозор, бозорбон, бозорчи, бозори, бозорғир, бозор-ўчар, бозорчилик, бозор қилмоқ, бозорламоқ, бозори касод, бозори чаққон, бозор куни, бозорга солди, бозорбон, бозорбоши* ва б.

2. “Иқтисодий рақобат” семантик-мавзуий гуруҳига оид лексик бирликлар: *иқтисодий рақобат, баҳо, рақобат, халқаро рақобат, тармоқлараро рақобат, цивилизациялашган рақобат, монополия рақобат, монополия* ва б.

3. “Бозор ва мулк шакллари” семантик-мавзуий гуруҳига оид лексик бирликлар: *мулкдор, мулк шакллари, давлат мулки, давлат мулки, хусусий мулк, хусусийлаштириши, аукцион, қим ошди савдоси* ва б.

4. “Бозорнинг асосий категориялари” семантик-мавзуий гуруҳига оид лексик бирликлар: *таклиф, инфляция, бозор конъюнктураси, конъюнктура хизмати, фойда, даромад, даромад солиғи* ва б.

5. “Пул, молия, банк тизими” семантик-мавзуий гуруҳига оид лексик бирликлар: *сармоя, сўм, евро, тенге, доллар, қиймат ўлчови, молия, давлат бюджет, аудит, аудитор* ва б.

6. “Бозор иштирокчилари” семантик-мавзуий гуруҳига оид лексик бирликлар: *бозор иштирокчиси, сотувчи, олувчи, истеъмолчи, биржа, маклер, брокер, дилер, холдинг* ва б.

7. “Тадбиркорлик” семантик-мавзуий гуруҳига оид лексик бирликлар: *тадбиркорлик, тадбиркор, бизнес, ижара ер, лизинг, фермер, ёлланма ишчи, ишбилармон, менежмент, менежер, маркетинг, контракт (шартнома), тендер, даллол, мижоз* ва б.

8. “Бозор турлари” семантик-мавзуий гуруҳига оид лексик бирликлар: *ишлаб чиқариш воситалари бозори, молия бозори, пул бозори, қимматбаҳо қозғозлар бозори, валюта бозори, инвестиция бозори* ва б.

#### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008, 87-б.
2. Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. -Тошкент: Маънавият, 2008, 111-б.
3. Собиров А. Кўрсатилган монография, 110-б.
4. Собиров А. Кўрсатилган монография, 111-б.
5. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 1-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006, 299-б.
6. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истикбол ва тараққиёт йўли. -Тошкент: Ўзбекистон, 1992, 43-б.

**М.САПАРНИЁЗОВА,**  
доцент (ТДПУ)

### ЎЗБЕК ТИЛИДА КОНЪЮНКТИВ ВА ДИЗЪЮНКТИВ ГАПЛАР

Гапнинг мазмуний тузилиши мураккаб, кўп қиррали характерга эга бўлиб, ўзида бир қанча мазмуний узвларни бирлаштиради. Мазкур ишда конъюнктив ва дизъюнктив гаплар семантикаси, бундай мазмуний муносабатларни ифодаловчи лексик воситалар ҳақида фикр юритамиз.

Манбаларда таъкидланишича, конъюнкцияни «ва» оркали, дизъюнкцияни «ёки» оркали бирикувчи субъектлар ифодалайди.(1) Конъюнктив гапларда ҳар иккала ифода имконияти юз берса, дизъюнктив гапларда ифода имкониятидан факат биттаси юз беради. Масалан: *Карим ва Салим келди. – Карим ёки Салим келди.* Конъюнктив гапларда бирикув, дизъюнктив гапларда эса айирув маъноси ифодаланади.

Конъюнкция ва дизъюнкция гапларда боғловчилар, кўрсатувчи сўзлар (кванторные слова) - сифатловчи вазифасидаги олмошлар ва сонлар, кўплик шаклининг семантик фаркланиши оркали ифодаланади.(2)

Конъюнктив ва дизъюнктив муносабатда кўрсатувчи сўзлар сифатида:

- сифатловчи вазифасидаги жамлаш олмошлари: *ҳамма, барча, жами, бари, бир қанча - ҳар бир, баъзи;*

- пайт равишлари: *доим, ҳар доим - баъзан, ҳар замонда;*

-ўрин равишлари: *ҳамма ер (жой)да - ҳар жойда, қаердадир* қўлланиши мумкин. Масалан: *Доим сизга раҳим келади. – Баъзан сизга раҳим келади. Барча ўзбек оиласи бунни яхши билади. – Ҳар бир ўзбек оиласи бунни яхши билади. Ҳамма ерда хўроз бир хил қичқиради. – Ҳар жойда хўроз бир хил қичқиради.*

Конъюнктив ва дизъюнктив муносабатни ифодалашда сонларнинг ҳам маълум ўрни бор:

-сонлар абсолют ифодаларни билдирганда (математик амалларда) фақат микдор тушунчасини ифодалайди: *Икки карра икки – тўрт каби.*

- микдор сонлар сифатловчи вазифасида келганда кўрсатувчи сўз сифатида конъюнктив муносабатни ифодалайди: *Икки гариб бир ёқадан бош чиқардик* (Ойбек).

-жамловчи сонлар доим конъюнктив муносабатни ифодалайди: *Иккаласи жўнаб кетишди. Олтовлон ола бўлса, оғзидагин олдираб.*

- сифатловчи вазифасидаги сон конъюнктив муносабатни, кесим вазифасидаги сон дизъюнктив муносабатни ифодалайди: *Учта бола келди. – Келган болалар учта.*

- бирдан ортик предикатларнинг субъекти сифатида келган бир хил сонлар дизъюнктив муносабатни ифодалайди: *Бири йиғлайди, бири тўполон кўтаради.* (Х.Тўхтабоев).

- бирдан ортиқ предикатларнинг аргументи сифатида келган ҳар хил сонлар дизъюнктив муносабатни ифодалайди: *Бирига йўқ дейман, иккинчисига елкамни қисаман.* (Х.Тўхтабоев).

Баъзан гапда ҳам конъюнкцияни, ҳам дизъюнкцияни кўрсатувчи сўзлар қўлланади: *Баъзи навқарлар йўлида учраган тирик жоннинг ҳаммасини қамчилаб ўтади.* (П.Қодиров). Кўрсатувчи сўзлар эганинг сифатловчиси ҳамда тўлдирувчи позицияларида келган.

Хуллас, кўрсатувчи сўзлар, хусусан, олмошлар ва сонлар конъюнктив ва дизъюнктив муносабатларини ҳосил қилишда асосий воситалардан бири саналади.

#### Адабиётлар:

1. Супрун А.В. Грамматика и семантика простого предложения. -М.: Наука, 1977.
2. Падучева Е.В. О семантике синтаксиса. Материалы к трансформационной грамматике русского языка. -М.: Наука, 1977.
3. Богданов В.В. Семантико-синтаксическая организация предложения. -Ленинград, 1977.

**Д.А.НАБИЕВА,**  
ф.ф.д. (АДУ)

### МОДЕЛЛАШТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

Тилни моделлаштириш техник моделлаштиришдан фарқли равишда ўзига хос хусусиятларга эга. Л.Н.Мурзиннинг фикрича, объекти бевосита кузатувда берилмаган ҳар қандай фан объектни моделлаштиришга мажбур бўлади. Моделлаштириш умумиллий метод бўлиб: 1) дедуктивлик, 2) тафаккур экспериментидан фойдаланиш ва 3) моделни идеал объект сифатида талқин қилиш кабилар билан характерланади. Лингвистик моделлаштириш берилган семиотик элементлар ўртасидаги муносабатлар тизими сифатидаги тил билан ёки вербал коммуникация жараёни сифатидаги тил билан иш кўради. (1) Демак, моделлаштириш структур тилшунослик, психоллингвистика, динамик ва коммуникатив лингвистикаларнинг объекти сифатида намоён бўлади.

Тил модели ҳақида фикр юритар экан, И.И.Ревзин шундай ёзади: “Модель куйидагича курилади. Муайян фан томонидан тўпланган хилма-хил тушунчалар йиғиндисидан бирламчи деб қабул қилинувчи айримлари танлаб олинади. Бирламчилар ўртасидаги муносабатлар аниқланади ва улар постулат сифатида қабул қилинади. Қолган барча даъволар қатъий дедуктив равишда терминларда намоён бўлади. Улар бирламчи тушунчалар орқали аниқланади. Шу маънода модель система сифатидаги тилнинг қисми эмас, балки қандайдир конструкт, гипотетик илмий курилма сифатида қабул қилинади”.(2)

Тушуниладик, моделлаштиришда тўрт босқични ажратиш мумкин: 1. Объектларни тўплаш. 2. Таҳлил қилиш. 3. Улар ўртасидаги муносабатларни аниқлаш. 4. Абстракциялаш – модель.

Е.Ф.Киров моделлаштириш жараёнида тадқиқотчи объектлар учлиги билан иш кўришини таъкидлайди: тилнинг функциялиниш натижаси; жамият онгида тезаурус сифатида мавжуд бўлган тилнинг ўзи ва грамматик воситалар тизими; тилнинг гносеологик модели. Шу билан биргаликда, моделлаштиришга алоқаси бўлмаган тўртинчи босқични – ўрганилаётган объектларнинг умумий моҳияти сифатидаги конструктлар босқичи мавжудлиги ҳақида фикр юритиб, уларни ўрганиш фалсафанинг, аниқроғи, гносеологиянинг вазифаси эканлигини таъкидлайди.(3)

Объектни моделлаштириш билишнинг амалий босқичида эришилган натижалар асосида назарий босқичда амалга оширилишини ҳисобга оладиган бўлсак, моделлаштиришнинг гносеология билан узвий боғлиқ эканлиги ва у моделлаштиришнинг зарурий халқаси эканлиги намоён бўлади. Кўринадики, конструктлар умумлаштирилган идеал бирликлар бўлиб, бир турдаги моддий ва идеал бирликлар типидир. Бу типлар объектларнинг номуҳим белгиларини четлаштириш ва муҳим белгилари асосида умумлаштириш – абстракциялаштириш натижасида ҳосил қилинади.

Я.Линцбахнинг абстракциялаш ҳақидаги фикрлари асосида Е.Ф.Киров мавжумлаштиришнинг тўрт босқичини ажратади: 1) табиий тил; 2) образли шаклдаги фикрий мазмун; 3) мантикий предметлик курилмалар области; 4) математик модель ва қонуниятлар области. Бунда тўртинчи босқич абстракциялашнинг энг юқори, кучли даражасини ҳосил қилади.

Юқориди келтирилган фикрлардан кўринадики, тилшунослик объекти бевосита кузатувда берилмаган фанлар сирасига қиради. Шунинг учун унинг объектини умумлаштирилган идеал курилмалар асосида ўрганиш тил моҳиятини, унинг қонуниятларини объектив баҳолашга имкон беради.

Ҳар қандай лингвистик тадқиқот кучли даражадаги абстракцияга асослангандагина чинакам ҳақиқатга эришади.

#### А д а б и ё т л а р :

1. Мурзин Л.Н. Лингвистическое моделирование и деривация речевой деятельности. / Деривация в речевой деятельности. –Пермь, 1988, с.19-21.
2. Ревзин И.И. Модели языка. –М., 1962, с.9.
3. Киров Е.Ф. Ўша асар, 14-б.



### СИНТАКТИК САТҲДА НЕЙТРАЛИЗАЦИЯ ҲОДИСАСИ

Систем тилшуносликда ҳар қандай лисоний ҳодисанинг муайян элементлардан ташкил топган бутунлик сифатида эътироф этилиши ҳар бир лисоний бирликни структуравий ўрганишда маълум сифат ва муносабатлардан иборат субстанция сифатида талқин этишга олиб келди.

Бутунлик таркибидаги элементлар шу бутунлиkning мундарижасини белгилайди. Лисоний бирликлар мундарижаси фарқловчи ва бирлаштирувчи белгилар мажмуасидан ташкил топади. Лисоний бирлик мундарижасидаги фарқловчи ва фарқланмайдиган белгилар бир лисоний бирликни иккинчи лисоний бирликка зидлаш асосида аниқланади. Шунинг учун зиддият (оппозиция) тушунчаси систем тилшуносликда марказий ўринни эгаллайди. Тил системасида муайян зиддиятда бўлган икки лисоний бирлик нутқ жараёнида маълум шароитда зидланишга асос бўлган белгиларини йўқотиб, бир хил бўлиб қолиши мумкин. Маълум нутқий шароитда икки лисоний бирлиkning зидланиш белгиларининг йўқолиши мўътадиллашув (нейтрализация) саналади. Мўътадиллашув ҳодисасини белгилаш, унинг сабабларини аниқлаш систем тилшуносликда вариантларни инвариантларга тўғри бирлаштиришга ёрдам беради.

Мўътадиллашув тушунчаси дастлаб фақат фонологик сатҳ бирликлари учун қўлланилган. Фонемалар ўртасидаги фарқли белгиларнинг йўқолиши мўътадиллашув дейилади. Фонологияда эътироф этилган бу тушунча кейинчалик тилнинг бошқа сатҳ бирликлари учун ҳам қўлланила бошланди.

Синтактик сатҳда, хусусан, содда гап сатҳида дарак, сўроқ, буйруқ гапларнинг шакли ва мазмуни ўртасидаги зидланиш белгиларининг йўқолиши натижасида ҳам нейтрализация ҳодисаси юз бериши мумкин. Маълумки, сўроқ гаплар умумлаштирувчи сўроқ маъноси билан бир бутунликни ҳосил қилса ҳам, лекин бу сўроқ маъноси реал ҳолда турли вариантлар-семалар орқали намоён бўлади. Сўроқ гаплар соф сўроқ семасини ифодалаганда унинг шакли ва мазмуни ўртасида зиддият кузатилмайдди, яъни бундай гапларнинг шакли ва мазмуни ўртасида мутаносиблик бўлади. Бошқа ҳолатларда номутаносиблик кузатилади. Шакл ва мазмун номутаносиб бўлган сўроқ гапларнинг таркибида сўроқ воситалари иштирок этиб, фақат шакл томондангина сўроқ гап саналади(1). Лекин сўзловчининг нияти ўзига номаълум бўлган воқеа-ҳодиса ҳақида сўраш эмас, балки ўзига маълум воқеа-ҳодиса ҳақида ахборот беришдир. Бундай сўроқ гаплар икки гуруҳга бўлинади: 1) сўроқ-дарак гаплар; 2) сўроқ-буйруқ гаплар.

Сўроқ-дарак гаплар шакл томонидан таркибида сўроқ воситалари иштирок этиши белгисига кўра сўроқ гаплар билан парадигматик муносабатга киришса, мазмун жиҳатдан маълум воқеа, белги-хусусият ҳақида ахборот бериши белгисига кўра дарак гаплар билан парадигматик муносабатга киришади. Бундай гапларда шакл ва мазмун ўртасида кўпинча икки белги асосида зиддият мавжуд бўлади: биринчидан, ифода мақсадига кўра зиддият (сўроқ шакли орқали дарак маъносининг ифодаланиши);

иккинчидан, тасдиқ-инкор белгисига кўра зиддият (тасдиқ шакли орқали инкор ифодаланиши, ёки аксинча, инкор шакли орқали тасдиқ ифодаланиши). Масалан: *Онани ким севмайди?* (Онани ҳамма севади)

Баъзан, услубий талабга кўра, буйруқ мазмунини ифодалаш учун сўроқ гаплардан фойдаланилади. Бундай гаплар сўроқ-буйруқ гаплар дейилади. Сўроқ-буйруқ гаплар шаклий томондан сўроқ гаплар билан парадигматик муносабатга киришса, мазмуний томондан буйруқ гаплар билан парадигматик муносабатга киришади. Бундай гапларда ҳам шакл ва мазмун ўртасида икки хил зиддият, яъни ифода мақсадига кўра ва тасдиқ-инкор белгисига кўра зиддият мавжуд бўлади. Масалан, *Ўтирмайсизми?* (Ўтиринг!)

Биринчи ҳолатда сўроқ гап билан дарак гап зидланиши ўртасида, иккинчи ҳолатда эса сўроқ гап билан буйруқ гап ўртасида нейтралзация ходисаси рўй беради. Кўринадики, нейтралзация ходисаси фақат фонологик сатҳдагина эмас, балки барча сатҳларда амал қилувчи универсал ходисадир.

#### Адабиёт:

1. Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1995, 52-б.

**Ш.ЮСУПОВА, п.ф.д.( АДУ)**

**И. ТҒЙЧИЕВА (ФарДУ)**

### ШАХС ОНГИ ТАРАҚҚИЁТИДА ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ

Педагогик ва методик адабиётларда кўрсатилишича, педагогик муаммоларни комплекс ўрганиш ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантириш, ўқув-тарбия ишларининг самарадорлигини ошириш, педагогик жараёни оптималлаштириш, таълимни илмий асосда ташкил этиш ва бошқариш имкониятларини оширади. Педагогик ходисаларни комплекс ўрганишнинг икки йўли қайд этилган: а) моҳияти ва ўрганиш мақсадига ўзаро дахлдор муаммоларни бир фан доирасида таҳлил қилиш, б) айнан олинган бир муаммони турли фанлар нуқтаи назаридан таҳлил қилиш. Ҳозирги ўзбек адабий таълимини ўқитиш ҳам турли фанлар доирасига қурилган бўлиб, у ўзининг фалсафий асосига эгадир.

С.Л.Рубинштейн ўз-ўзини англашнинг ривожланиш манбаи ва ҳаракатлантирувчи кучи сифатида шахсдаги мустақилликнинг ўсиб бориши билан изоҳлайди. Унинг таъкидлашича, онг ўз-ўзини англашдан келиб чиқмайди, балки ўз-ўзини англаш шахс онгининг тараққиёти давомида юзага келади.

Англаган инсон ҳодисани кўрибгина қолмасдан моҳиятини англай билади. Шу боис бир фан билан иккинчи фанни боғлаб ўрганиш дарсларда моҳият ва ходиса, умумийлик-хусусийлик, назария ва амалиёт бирлигини амалга оширишга имкон беради.

Демак, ҳақиқатни англамоқ учун уни том маънода идрок қилмоқ муҳимдир. Одам англаш учун, ўзи англаниши учун кишининг руҳиятига кириб бориш муҳимдир. Ана шу руҳиятга кириш, уни ўзига жалб қилиш учун таълимда санъаткорона таъсир ўз аксини топмоғи зарур.

Ўқитувчи ўз тингловчиларига фалсафий фикрлай олишга интилиш хиссини уйғота олса, ҳар қандай билиш, ўрганиш ҳам муваффақиятга йўл

очади ва тафаккурнинг фаол бўлишини, такомил топишини таъминлайди, ўрганилаётган ҳодисани мукамал ва тўлиқ англаб етишга олиб келади.

Оламдаги мослик, ўсимлик ва организмларнинг шарт-шароитга мослашганлиги баъзи организмларни мухитга кўра ҳатто ўз ранги, ташқи кийфасини ўзгартира олиши, айрим гулларнинг фақат эрта тонгда очилиши, баъзи касалликлар фасллар, қуёш фаоллиги каби ҳолатлар билан боғлиқ равишда кучайиши каби ҳодисалар *сабаб* ва *қонулар* ифодасидир.

Инсон ўз амалиётида *сабаб* ва *оқибат* алоқасининг муҳим ва номуҳим томонларини, сабабий боғланишларнинг хилма-хиллигини бирданига ажратиб ва билиб ололмайди. Шунинг учун кузатиш, билиш, амалий фаолият жараёнида муайян оқибатни англаш, асосий ва асосий бўлмаган, ички ва ташқи сабабларга ажрата олиш керак. (1)

Мохият ва ҳодиса, сабаб ва оқибат, имконият ва воқелик, инкорни инкор каби ҳодисаларни билиш тил таълими учун ҳам аҳамиятлидир. Чунки фалсафанинг асосий вазифаси талабаларда соғлом дунёқарашни таркиб топтириш экан, ҳозирги ўзбек адабий тилининг мақсади ҳам талабаларнинг илмий дунёқарашини кенгайтириш, фан ютуқларини амалиётга жорий этиш, фан ва амалиёт бирлигини ташкил этишдан иборатдир. Бундай дунёқараш гоёни қуруқ ёд олдириш эмас, балки бир неча фикрлар беришга ўргатиш, зарур тушунчаларни аниқлаш, муҳокама қилиш, шу асосда ҳукм чиқаришдан иборатдир.

Анъанавий ўқитиш тизими бўлган машқлар бажаришда айрим тушунчаларга фалсафий ёндашмоқ муҳим ҳисобланади. Жумладан, *ўспирин* сўзига фақат шакл ёки грамматик жиҳатдангина ҳулоса берасак, биз уни социолингвистик жиҳатдан тўла таҳлил қила олмаймиз. *Ўспирин* сўзини таърифлаш учун, аввало, шу ўспириннинг тарихий шажараси, унинг маънавий ва иқтисодий ҳолати, маҳаллада, ўқув юртида тутган ўрни, билимдонлиги, соғлом ақл эгаси эканлиги, сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан нималарга эътиқод қилиши, ўртоқларига муносабати, нималарга ва қайси фанларга қизиқиши, нима учун баъзилар айрим фанларгагина қизиқади ва яна бир қанча томонларини билгандан сўнг унга лингвистик ва социолингвистик баҳо бериш мумкин. Бундай диалектик ёндашувда мунозара учун шароит яратилади, фикрлар кетма-кетлиги амалга ошади, тафаккур ва нутқ ривожланади, қарама-қарши томонлар объектив баҳоланади, бир сифатдан иккинчи сифатга ўтилади, амалий фаолият яққол кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам *ўспирин* сўзини тўлиқ таҳлил қилиш учун юқоридаги категорияларни ҳисобга олмоқ лозим.

Юқорида кўрсатилганидек, ижодий машқларни бажартириш тафаккурни ўстиришга имкон беради. Ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишини уйғотиш самараси, энг аввало, ўқитувчининг дарсда бадийлик, образлилик, қизиқарлилик, кашфиёт қила олиш руҳини сингдириши билан ўлчанади. Таълим жараёнида анъанавий метод бўлган машқларни бир хил кўчиртириб бажартиравериш ўқувчини зериктиради. Маҳоратли ўқитувчи билганларини тингловчига етказувчигина эмас, балки фикр излашга ўргатувчи, дунёга бошқача кўз билан қарайдиган, тафаккури ривожланган шахсни тарбияловчи

кишидир. Пухта билим беришда ўқитувчининг атрофлича билими ва унинг маҳорати жуда зарур.

Алабён:

Фалсафа асослари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2005, 183-б.

**З.ХОЛМАНОВА,**  
доцент (ЎЗМУ)

### **“БОБУРНОМА”ДАГИ АЙРИМ ҚАДИМГИ ТУРКИЙ СЎЗЛАР СЕМАНТИКАСИ**

Лексеманинг ифода семаларини бадий услубда мақсадга мувофиқ акс эттириш ижодкорнинг тафаккур даражаси, бадий маҳорати билан белгиланади. “Бобурнома”да туркий сўзларнинг бадий жозибadorлиги, маъно бўёқдорлиги, услубий имкониятлари тўлиқ намоён бўлган. Туркий лексика воқеликни муаллиф фикри, тасавури, дунёкараши, қизиқишлари, орзу-армонларига мутаносиб ҳолда акс эттиришга хизмат қилган.

“Бобурнома”да туркий сўзлар ўринли ва мақсадга мувофиқ қўлланган. Туркий сўзлар Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” асари лексикасида 32%дан иборат бўлса (1), “Бобурнома” лексикасининг 61%ини ташкил этади. Бу миқдорлар нисбатини Бобурнинг эски ўзбек адабий тилидаги фаол туркий лексикадан ҳамда кейинги даврларга келиб архаиклашган қадимги туркий сўзлардан унумли фойдалангани билан изоҳлаш мумкин.

Бобур қадимги туркий тилга хос, эски ўзбек адабий тилида қўлланиш доираси торайган сўзларни фаол қўллаган. Қуйида шундай лексик бирликларнинг айримлари борасида фикр юритамиз.

1. Харакат-ҳолат билдирувчи сўзлар. *Тунқат*- феълни “сергак бўлмоқ” тушунчасини ифодалаган: *Сувдин ўтуб тунқатиб, Пискентга келдук (154/87,II).* *Сингир* “хисор”, “қалъа” маъноларида келган: ...*бир нарча тоғни сингир қилдилар (206).* Бу ўринда тоғни “беркитмоқ”, “мустаҳкамламоқ” маъносини ифодалаган. Бобур *сингир* сўзининг дастлаб афғонлар юртида эшитилганини таъкидлайди, сўз маъносини ҳам изоҳлаб ўтади: ... *сингир лафзини Кобулга келганда эшитилди. Бу эл тоғни беркитганни сингир дер эмишлар (206).* Навоий асарларида “эй учига боғланадиган пай” маъносидаги *сингир* сўзи қўлланган (НАЛ,560). “Бобурнома”даги *сингир*нинг мазкур сўз билан боғлиқлиги йўқ: улар синхроник нуқтаи назардан ўзаро омоним ҳисобланади. “Қашқадарё шеваларида *сингир* - ёнма-ён чўзиқ икки қир оралиғидаги кўндаланг баландлик. *Туясингир Каттасингир, Айрисингир* номлари шу сўз ва маъно билан боғлиқ”(2). *Сингир*нинг hozirgi ўзбек шеваларидаги маъноси семантик тараққиёт натижасида шаклланган.

Қадимги туркий манбаларда “мустаҳкамламоқ” маъносидаги *sinirla* сўзи учрайди (ДТС,501); *Сингир*дан ясалган *сингирла*- эски туркий тилнинг ички имконияти асосида ясалган: ...*туздаги қабойили шимолидаги тоғларда сингирлаб турурлар (207).*

*Қатра*- “орқасига қайтмоқ” (ДТС, 433): *Тонг отиб эдиким, Банда Али қотроб келди (173/98,II).* *Қотра*- бошқа ўринларда қуйидаги маъноларни англатган: кишиларнинг бир вақтда ва биргаликдаги харақатини ифодалаган: ...*қалин отлиқ орқамиздин бир нуштанинг устига қатраб*

чиқтилар,...(170/97, I); шахснинг бирор объектга сидқидилдан берилишини, яъни бутунлай боғланишини ҳам англатган: *Бурун кушқа хейли қотрар экандур, сунгалар баҳлум овин қалин овлар эди (82/48, I)*.

Бук- “яширинмок”(Буд, 1, 286): *Мен дедимким, бир ерга бошлангким, кундуз анда букуб, кеча бўлгач от-мот илликлаб...(172)*.

Ёвутка - “яқинлаштирмак”, “яқин келтирмак” (НАЛ, 208); “яқинлаштирмак”, учратмок” (АНАТИЛ, I, 530): *Алахусус Хожжа суҳбатиди, дерларким, ҳаргиз Хожжа мажлисида тизи бир-бир тизига ёвуткаган эмастур (74)*.

Терсан= “тескарилашмок, исён кўтармок” (БАЛ, 144): *Бир икки навбат буларнинг мундоқ терсанганини Муҳиб али кўрчи Халифа била Мулло Бобога айтур, манга ҳам имое қилдилар (281/161, II)*;

Етиққа кир= “тушуниб етмок” (БНЛ, 52) мазмунида изоҳланган. Матндаш етиққа кир=нинг “айтилган гапга кирмаслик” маъноси англанади: *Ҳар неча бу йўсулук сўзлар айтиб манъ қилурлар, етиққа кирмас (326/187)*.

2. Нарса-ҳодиса, воқелик тушунчасини билдирувчи сўзлар: а) географик номлар. Қадимги туркий тил даврида қўлланган географик номларнинг аксарияти “Бобурнома” лексикасида кузатилади. Масалан, *dlän* қадимги туркий тил даврида “ўтлок”; “текис, очик ва кенг жой”; “дала, водий”, “текислик”, “қиска ва узун жой”; “узун ва кенг майдон, дала”; “ароксиз, ажриқли (ёмон ўтли ёки ўсимликсиз жой (ЭСТЯ, 135); “ўт”; “сувли (яшил) ўт” (*олен 1*) “трава”); 2) сочное растение” маъноларида қўлланган (ЭСТЯ, 528). Шу асосдан ясалган *dlänlig* “ўт билан қопланган (жой)” тушунчасини ифодалаган (ДТС, 383). *Ўланг* асарда “майсазор”, “ўтлок”, текислик” маъносида келган (БНЛ, 212). “Бобурнома”даги *ўланглар* “дам олиш жойлари” сифатида таърифланган; (3) Навоий асарларида *ўланг* “ўлан”, “ўт”, “гиёҳ” маъноларида ишлатилган (НАЛ, 719); *олум* “Бобурнома”да “дарё кенглигидаги жой” (ЭСТЯ, 452) маъносида қўлланган. *Ўлум* жой номи таркибида ҳам қайд этилган: *Тўқуз ўлум*.

Уздурма “сузиб ўтиладиган чуқур ер” (БАЛ, 149): *Андин сўнг уздурма эди (145)*. Навоий асарларида луғатида уздурма келтирилмаган. *Секиртма* “тоғларда отни сакратиб ўтиладиган жой” (БНЛ, 152): *Секиртмалар бўлди, от бора олмади (172)*. Навоийда *секримак* учрайди (НАЛ, 555), *секиртма* кузатилмайди. *Учма* “тоғлар тепасидаги хатарли йўлар” (БАЛ, 151): *Қочарда, тоғ йўлига учраб, иниш ва учма ерга йўлуқуб, ўзи ташвиш била бу учмадин тушти. Кўп эли бу учмада зойиб бўлди (100/57)*. Ф. Исҳоқов сўнгги жумлага таяниб, учмани “тоғда тошнинг парчаланиб пастга кулаши” тарзида изоҳлаган (БНЛ, 181).

*Жонолигон/жонокиган* “кечиб ўтиш” (БНЛ, 58): *Черик эли жонолигон жиҳатидин сувдин ўтуб тушган юртта бир кун мақом бўлди (448/261)*.

б) тана қисмлари номларининг туркий вариантлари фаол қўлланган: *Ёгерин* “кифт”: *ўшул қиёс била ўнг ёгеринимга олиб тебрадим, тенери рост келтурди (267)*; *бинсир* “тўртинчи бармок”(БНЛ, 30): *..аччигимдин бир мушт юзмга урдим. Бинсир бармогим тубидин синди (177, I)*;

в) маъмурий-худудий бўлиниш тушунчасини ифодаловчи сўзлар: қасабача, вилоятча, кентгина, паргана атамалари; уздурма, секиртма, сардарра, журутма хаби жой-маконни сифатловчи лексик бирликлар эски ўзбек адабий тили манбаларида деярли учрамайди.

Султон Хусайн мирзодек Темурбек ўрунига ўлтургон улуг подшоҳ йиғноқ қилиб, атроф ва жавонибтин ўелонларини ва бекларини тилатиб...(221); йиғноқ “кеаш”, “мажлис”. Янги нашр изохида йиғиноқ “жамият” деб изоҳланган (127); йиғноқ қилмоқ “йиғилиш қилмоқ”(«Бобурнома”Л,75).

Боғиш “тиз чўкиб ўтириш” (БНЛ,33): Султонларни ўнғ қўлда боғишда ўлтургуздум (92/53,1). Боғишда ўлтургуз= “чордана қурдириб ўтирғизмоқ” (БАЛ,23).

г) турли маънодаги нарса-ходиса, воқелик номлари. Шугун “яхши ният, яхши фол” (БАЛ,171): Ҳинднинг тасхири замонида бу хабар келгани учун шугун тутуб Ҳиндол от қўйдум (166).

Ятул “доимий эгаллаш учун бағишланган ер” (БАЛ,175) бўлиб, Бобур бу сўзни “подшоҳнинг яқинларига доимий фойдаланиш учун бериладиган ер-сув” маъносидаги суюрғол (НАЛ,577) термини ўрнида қўллаган: ...бекларга ва йиғитларга баъзисига ятулдек берилди (204). Суюрғол Темур тарихига оид асарларда “ер-сув инъоми” тушунчасини англаган. Суюрғол Навоий асарларида қўлланган. “Бобурнома”да кузатилмади. Бу ҳолат мазкур сўзнинг XVI асрга келиб истеъмолдан чиқа бошлаганини кўрсатади.

Бобур совга, инъомнинг турли кўринишларини қайд эта туриб, “инъом” тушунчасидаги савғот сўзи билан бирга йилоқ терминини ишлатган: Хонимлардин ва хондин хатлар била муҳаққар савғот ва йилоқ келтурди (321). Йилоқ “қулупнайга ўхшаш мева” маъносида (БАЛ,58) изоҳланган. Матн мазмунига кўра йилоқ “мева”ни эмас, “совганинг бир кўриниши”ни англаган.

3. Белги-хусусият билдирувчи сўзлар. “Оқ” тушунчасидаги бар сўзини ишлатган: Бошидин қўйругигача беш-олти мухталиф ранги бор, кабутарнинг бўйнидек барроқдур (348/201).Эйжи Мано матнида ҳам бар шаклида берилган: بوینی (4) کبوتریک بویونی نیک برراق دور. Боз-бор-боро сўзи Э. В. Севортян фикрича барча олтой тилларида кузатилади (Севортян, II, 173), В.И. Абаев фикрига кўра бу сўз қадимий евроосиё гуруҳидаги тилга мансуб асосдан шаклланган. (5)

Икиз “ортиқ”: Бу орада худ тўрт-беш қаридин икиз рақ кўрулмади (345/198, II).

“Бобурнома”даги қадимги туркий сўзлар асар матнининг мазмун-моҳиятини, ўзбек тили лексикасининг тараккиёт хусусиятларини ёритишда, туркий сўзларнинг семантик таркибини изоҳлашда аҳамиятлидир.

#### Ш а р т л и қ и с қ а р т м а л а р :

АНАТИЛ-Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. I-IV жилдлар. -Тошкент, 1983-1985.

БАЛ- Назарова Х. Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг изоҳли луғати. -Тошкент, 1972.

БНЛ- Исҳоқов Ф. “Бобурнома” учун қисқача изоҳли луғат. -Andijon nashriyot-matbaa OAJ,2008.

Буд.- Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Том I.-СПб.1869/1960. -820 с.; Том II. СПб. 1871. -417 с.

ДТС.- Древнетюркский словарь. -Л.,1969.

- ДЛТ- Девону луғотит турк. I- III. Тошкент, 1960-1963.  
 ДЛТинд -Девону луғотит турк. Индекс. -Тошкент: Фан, 1967.  
 НАЛ- Навоий асарлари луғати. Порсо Шамсиев тахрири остида. -Тошкент, 1972.  
 ТХТЛ-Далабоев Х. Тарихий ҳарбий терминлар луғати. -Тошкент: Университет, 2003.  
 ЭСТЯ- Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков.-М.: Наука, 1974; 1978; 1980.

**Адабиётлар:**

1. Ахматов Н. Лексика «Шейбани-наме» Мухаммада Салиха. Сравнительно-исторический словарь (Thesavrus) языка «Шейбани-наме». Автореф. дис... канд. филол. наук. -Ташкент, 1991. с. 8.
2. Нафасов Т. Бобур номшунос // Бобур ва ўзбек миллий маданияти тараққийтининг айрим масалалари. – Андижон, 1993. 39-6.
3. Қаранг: Қудратуллаев Х. Бобур армони. -Тошкент: Шарқ, 2005, 149-6.
4. Zahir al-din Muhammad Babur. Bābur-nāma (Vaḡāyi ) Critical edition based on four Changhatay texts wit introduction and notes by Eiji Mano Kyoto, Syokado, 1995.-S.448.
5. Базарова Д.Х., Шарипова К.А. Развитие лексики тюркских языков Средней Азии и Казахстана. -Т.: Фан, 1990. с.23.

**М.САЙДҲОНОВ, доцент(АДУ)**

**ПАРАЛИНГВИЗМЛАРНИНГ БАДИЙ МАТНДАГИ  
ИНТЕРПРЕТАЦИЯСИ**

Тилга коммуникатив нуқтан назардан ёндашув натижасида тилдан нутққа, нутқий жараёнга эътиборнинг кучайганини кузатиш мумкин. Шунга қўра, кейинги йилларда тилшуносликнинг ўрганиш объекти жонли мулоқот тадқиқига қаратилмоқда.

Инсон фаолиятининг асосий катта қисми коммуникатив муносабатлардан иборат экан ва инсонларнинг яшаш тарзини белгилаб берар экан, алоқа-аралашувни шакллантирувчи восита вазифасини бажарувчи асосий қурол матн саналади. Коммуникация ва матн ўзаро боғланган ва бири иккинчисини тақозо этади. Қолаверса, матн нафақат нутқий алоқа бирлиги, балки, умуман, коммуникатив муносабатларнинг ҳам бирлигидир. Агар биз маълум шахснинг нутқий матнини таҳлил этсак, у энг аввало коммуникант томонидан (адресант) ирод қилинганини, бу эса бошқа коммуникатга (адресатга) узатилганини эътироф этамиз. Узатилаётган ахборот тилнинг муайян қонун-қоидалари асосида шакллангани (интралингвистика) унинг матн талабларига жавоб беришини билдиради, ахборотнинг адресант томонидан адресатга узатилишида коммуникантларнинг ўзаро муносабатлари (экстралингвистика) катта аҳамиятга молик бўлади. Адресат ушбу ахборотни қабул қилиб олгач, унга муносабат билдиради. Натижада коммуникантлар томонидан ўзига хос жонли алоқа-аралашув ҳосил бўлади. Бунда коммуникантларнинг хусусиятлари, коммуникатив ҳолат аҳамиятли саналади.

Паралингвизмлар номинациясининг бадий матнда ишлагилиши тадқиқи шуни кўрсатадики, улар асосан муаллиф нутқида қўлланади.

Паралингвизмлар номинацияси нолисоний воситанинг фаол ишлатилиши натижасида кодланган, барчага тушунарли бўлган типик ҳолатнинг ифодаси бўлган стандарт номинациядан, шунингдек, алоқа-аралашув жараёнида коммуникантлар томонидан индивидуал қўлланган, мураккаб кинематик жараёни ифодалаб берувчи ностандарт номинациядан иборат бўлади.

Масалан: *қош учирмоқ, кўз қисмоқ, бош қимирлатмоқ* каби кинемалар номинацияси луғавий бирлик сифатида шаклланган ва маълум маъно ифодалаб келади. “У ўлиб қолди” деган фикрни ажнабийларга етказиш учун тилини чиқариб, кўзини юмиб, бошини ўнг елка томон яқинлаштириб, икки қўлини икки тарафга очик ҳолда ёйиб кўрсатди гапида (муаллиф нуткида) коммуникатив ақтдаги кишининг имоси, ишораси, гавда харакати ёрдамида ўлиш ҳолати лисоний жиҳатдан тасвирлаш асосида берилмоқда ва ушбу номинация ностандарт номинация жумласига киради. Шу билан бирга, гарчи ажнабийлар тушунмаса-да, “у ўлиб қолди”даги талаффуз оҳангида ҳам адресатга кўшимча ахборот узатилади. Кўриниб турибдики, суҳбатдошлар алоқа-аралашувида нуткий воситага кўшимча равишда кўз, тил, юз, елка, қўл харакатлари ва просодик воситалар иштирок этмоқда. Коммуникатив жараёни тўлалигича вербал ифодалашда диалогик актни юзага чиқарувчи лисоний ва нолисоний воситалар иштирок этади.

Алоқа-аралашувнинг самарали амалга ошишида коммуникантларнинг ўзаро муносабати ва коммуникатив акт юзага чиқишидаги ҳолат аҳамиятли саналади. Шунга кўра алоқа-аралашув воситаларидан, жумладан, паралингвизмдан фойдаланилади ва мулоқотни бошқариш осонлашади. (1) Алоқа-аралашув жараёнида нолисоний воситаларнинг ишлатилишида, юқорида таъкидланганидек, коммуникантларнинг ўзаро муносабатлари катта аҳамият касб этади. Негаки паралингвизмларнинг ишлатилиши нутқ маданияти талаблари асосида бўлиши, нуткий этика талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Мулоқот расмий, илмий, жиддий, иш юзасидан бўлганда ёки суҳбат юзага чиқаётган ҳолат, шароит ҳам паралингвизмларнинг ишлатилишида аҳамиятли саналади.

Диалог ижрочиларининг нолисоний воситалардан фойдаланиши уларнинг мулоқот маданиятини билдириб келади. Коммуникант суҳбатдоши билан муносабати ва ситуациядан келиб чиққан ҳолда паралингвизмлардан фойдаланади.

*Бошлиқнинг акасини кўргач, у беихтиёр икки қўлини кўксига қўйиб, “қадамларига ҳасанот” деди ва тез-тез юриб қўш қўллаб кўришди, юзида миннатдорлик ва хурсандлик балқиб турар, овози ҳам тантанавор оҳангда жасранглади. (Газетадан.)*

Мисоллардан кўриниб турибдики, кишиларнинг имо-ишоралари ҳамда талаффуз оҳанги алоқа-аралашувда коммуникатив самара бермоқда. Унда коммуникантлар ўрасидаги муносабатлар, суҳбат мавзуси ва суҳбатдошларнинг ўзаро таъсирланишлари аҳамиятли саналади.

Сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги муносабатлар мулоқотнинг ташкил этилиши ва бориши учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса коммуникантларнинг ўзаро муносабатларидан, саломлашуvidан бошланади: *Ассалому аллайкум, кўёе бола! Хўп саломатгина бормисиз? – Бозбон амаки билан биринчи марта кўришиб турган бўлсак ҳам эски қадрдонлардек кучоқлашдик. (Ў.Ҳошимов.)* Саломлашув (кўришув) жараёни коммуникантлар



Ўртасидаги муносабатни аниқлаштиришга ёрдам беради. Юқоридаги матнда кўришиш шакли орқали коммуникатив самара намойиш этилмоқда.

Бадий насрий матнда сўзсиз репликалар саломлашувни, хайрлашувни миннатдорчиликни, саволни, жавобни, розиликни, тасдиқни, инкорни, ажабланишни, ҳайронликни ва бошқа маъноларни ифода этиб, улар ишора, мимика, гава ҳаракатлари, оҳанг орқали ифодаланиб, матнда стандарт ёки ностандарт номинация орқали берилади ҳамда ўқувчи ўша ҳолатни тасавурида тиклаш орқали унинг маъно нозикликларини аниқлаб олади.

#### Адабиёт:

Городникова М.Д. Эмоциональные речевые формулы в устной коммуникации/ Структурно-семантическое исследование немецкой лексики. –Калинин, 1980, с.53.

**М. ҲАКИМОВА,**  
докторант (ТДПУ)

### АБСТРАКТ СЎЗЛАРГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Маълумки, ҳар бир тилда абстракт сўзлар мавжуд. *Гўзаллик, бахт, муҳаббат, ирода, бурч* каби сўзлар, бир томондан, тил эгаларининг оддий сўзлашув нутқида ўз ўрнига эга бўлиб, сигнификатив ва коммуникатив вазифа бажарса, иккинчи томондан, абстракт сўзларнинг кўпчилиги фалсафа, мантиқ ёки диний таълимотга оид терминлардир.

Абстракт сўзлар ҳар доим файласуф ва тилшуносларнинг диққат марказида бўлиб, турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Ҳозир ҳам абстракт сўзлар семантикаси, уларнинг конкрет сўзлардан фарқлаш масалалари, ажратишдаги омилларнинг ҳар хиллиги, мазкур сўзларнинг соф лисоний ёки экстралингвистик нуктаи назарлардан ўрганишдаги фарқлиликлар бу масаланинг долзарб эканлигини таъкидлайди.

Кўплаб ишларда қайд қилинишича, ҳиссий (сезги органлари ёрдамида) тасавурий билишдан ақлий билишга ўтиш жараёнида абстракт тушунчалар шакллана бошлаган. Яъни инсон онги аввал нарсаларни бутун ҳолида, масалан, предметни унинг белгилари, вазифаси, ўзига хос хусусиятлари билан бирга образли тасаввур қилган бўлса, кейинчалик предметдан алоҳида ажратилиб анланган муайян белги, хусусиятлар абстракт тушунчаларни шакллантирган.

Демак, тил тараққиётининг дастлабки босқичида абстракт сўзлар мавжуд бўлмаган деган фикрга келиш мумкин. Мавжуд сўзлар конкрет нарсаларни номлаган. Инсон онгининг тараққиёти муайян предметга оид белги, хусусият, ҳаракатларни мазкур предметдан ажратиб алоҳида англай олиши (абстракция) абстракт тушунчаларни ва ушбу тушунчаларни ифодаловчи абстракт сўзларни вужудга келтирди.

Мазкур ҳолатни бола онги ва нутқининг ривожланишида ҳам кузатиш мумкин. Боланинг дастлабки гапира бошлаган даврида унинг луғати фақат конкрет сўзлардан иборат бўлади. Илк абстракт сўзлар боланинг 4-5 ёшидаги даврига тўғри келади. Бола онги ўсиб, ақлий мушоҳада қилиб борар экан, унинг луғат таркиби ҳам абстракт сўзлар билан бойиб боради. Инсон онги ва

шу аснода жамиятнинг узлуксиз тараққиёти тилнинг доимо абстракт сўзлар билан бойиб боришини таъминлайди.

Абстракт сўзлар предметга боғланмаган, ундан ажратилган белги, ходиса, ҳолатларни ифодалаб, улар англатган тушунча онгимизда ҳеч қандай образли тасаввур ҳосил қилмайди. Абстракт сўзлар дейилганда, асосан, мавҳум отлар деб юритилувчи катта гуруҳ элементлари назарда тутилади: *виждон, эрк, озодлик...* Сифатлар англатаётган белгилар ҳам уларнинг ташувчисидан алоҳида (абстракт) эканлиги, айрим феъл туркумидаги сўзларнинг улар рўй берадиган замондан ажратилганлиги каби ҳодисалар ҳам чуқур илмий муносабатларни талаб қилади.

Абстракт сўзларни конкрет сўзлардан фарқлашда турлича ёндашув ва фикрлар мавжуд бўлиб, бу борада тилшуносликда ҳар хилликлар кузатилади. Бунга тадқиқот объектнинг мураккаб эканлиги, унинг икки томонлама – лисоний ва нолисоний (мантӣкий, фалсафий) нуктаи назарлардан ўрганиш лозимлиги кабиларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Абстракт ва конкрет сўзларни ажратишда, асосан, қуйидаги принципларга амал қилинади:

- Диалектик мантик қондаларига асосланган принцип. Унда сўз маъносининг асосида ётувчи тушунча турига эътибор қаратилади. Сўз англатаётган тушунча объектни унинг барча белги ва хусусиятлари билан бир бутун ҳолда акс эттираётган бўлса, у конкрет сўз ҳисобланади. Агар сўз англатаётган тушунча бутун объектнинг маълум бир белгисини ақлан ажратиб, алоҳида (абстракт) ифодаласа, у абстракт сўз ҳисобланади. Масалан, «гўзаллик» маълум бир гўзал предметнинг ёки предметларнинг белгиси. Мазкур белги *гўзаллик* сўзида ушбу предметлардан алоҳида, ажратилган ҳолда ифодаланмоқда.

- Формал мантиққа асосланган принцип. Унга кўра, сўзда акс этаётган тушунча сезги органлари ёрдамида ҳис қилинса конкрет, фақат ақлан анланса эса абстракт сўз ҳисобланади.

- Лисоний принцип. Унда сўз маъносини ташкил этувчи компонентларнинг мавқеи инобатга олинади. Яъни конкрет сўзларнинг семантик таркибида денотат сигнификатдан, абстракт сўзларда эса сигнификат денотатдан устун бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, ҳар бир сўз у абстракт ёки конкрет бўлишидан қатъи назар, ўзининг гносеологик табиатиغا кўра умумлашган, абстракт ҳодисадир. У инсонлар абстракция жараёнининг маҳсули бўлиб, ҳар бир сўзнинг маъноси маълум даражада абстрактдир. Сўзлар маъносидаги абстракция даражасини аниқ белгилаш эса жуда қийин масала. Тилшуносликда абстракт ва конкрет сўзларнинг фарқлашдаги мавжуд тажриба ва принциплар ҳанузгача етарлича натижа бермади. Абстракт ва конкрет сўзларни ажратишда бир хилликка эришилмади. Демак, тилшуносликнинг бу соҳасидаги изланишлар давом этади.

#### **Адабиётлар:**

1. Шаумян С. Абстракция в современной лингвистике. <http://www.ruthenia.ru>

2.Брикотнина Л.В. Специфика семантики абстрактных имен качества и ее экспликация в синтаксисе: На материале английского языка. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Барнаул, 2005.

**Б.ЙҮЛДОШЕВ, профессор,  
У.РАШИДОВА (СамДУ)**

### **Э.ВОХИДОВНИНГ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ**

Э.Вохидовнинг “Тахт ва бахт” драматик достонида 120 дан кўпроқ ўринда фразеологик бирликларнинг (ФБ) қўллангани аниқлаб чиқилди ҳамда уларнинг алифбо тартибдаги кўрсаткичи тузилди. Шоир Э.Вохидовнинг “Тахт ва бахт” драматик достонида ФБлар, мақол ва маталлар ҳам ўринли қўлланиб, асарнинг таъсирчанлигини, образлилигини оширишга хизмат қилган. Масалан, адабий тилда *“ёстигини қуритмоқ”* ибораси “бутун оиласи билан ўлдириб юбормоқ” маъносини билдиради. Бу ибора асарда Элчи нутки таркибида қўлланиб, мамлакатни осойишталикни таъминлаш учун чакирикдек жаранглайди: Элчи. *Аҳли оламга аёнки, бизнинг мамлакатда авжланаётган ирқий-диний қирғинни тўхтатиш чораси топилмаяпти... Ҳар кун и ўлаб одамларнинг ёстиги қуриаяпти. Худди шунингдек, бу асарда биргина “бош” компонентли “боши берк кўчага кириб қолмоқ”, “бошига галва ортмоқ”* сингари ФБлар персонажлар нутки таркибида ўринли қўлланган: *Министр. ...Йигирма беш йилдан бери министрман. Лекин бунақа боши берк кўчага кириб қолган эмасман; Комил. Ўқима бошингга галва ортиб. // Бутун факультетни орқага тортиб кабилар.*

Асарда шоир фразеологик синонимлардан ҳам муҳим услубий восита сифатида фойдаланган. Масалан, *“боши олинди – бошини олмоқ”* ибораси “ўлдирмоқ, йўқотмоқ” маъноларини билдиради. Бу ибора асарда икки марта қўлланган, шулардан бири Саид Музаффар нутқида ачиниб маъносини ифодалаган бўлса, кейингисиде Шарқавий нутқида Фикратни ўзга мамлакатда огоҳликка даъват этади: Саид Музаффар. *Сўнги икки йил ичиде беш подшоҳнинг боши олинди; Шарқавий. ...Чиройли кўринса яна бир бало эди. Унда қизни севган йигит бошингизни оларди.*

Асарда қўлланган *“жудо бўлмоқ”, “оламдан ўтмоқ”, “дунёдан ўтмоқ”, “жон бермоқ”* каби иборалар ўзаро синоним бўлиб, “вафот этмоқ, ўлмоқ” маъноларини ифодалаш учун хизмат қилган: Шарқавий. *Халойиқ, бундан ропта-расо бир йил муқаддам... улуг устозимиз Подшоҳ Саид Музаффар Закодан жудо бўлган эдик; Хосият. Пахтага сепиладиган захарли доридан жигар касали бўлиб эллик бир ёшда оламдан ўтдилар; Шарқавий. Пок инсон бул дунёдан ўтсанг // Барча қавмларнинг кўз ёши оқсин; Шарқавий. ...Шимол мамлакатининг раҳбари оламдан ўтди.*

Асарда ҳар бир персонаж нутки ўз характери, орзу-истаги, маслаги билан алоқадор ибораларни қўллаши билан алоҳида ажралиб туради. Масалан, хаёли ўзга юртларни босиб олиш, жанг қилиш бўлган генерал нутқида унинг шу хатти-ҳаракати билан боғлиқ иборалар муҳим услубий восита даражасига кўтарилган: *У юртнинг нефт, олтин, уран захиралари бошқаларнинг қўлига ўтиб кетадими?... Биз қўшин киритмасак Ғарбий*

Уммония киритади. Стратегик муҳим минтақани бой бериб қўямиз  
кабилар.

“Тахт ва бахт” драматик достони матни таркибига ФБлар фақат умумтил қўлланишида ҳеч ўзгаришсиз киритилиши билан бирга, бу умумтил иборалари у ёки бу тарзда ўзгаришга учраган. Шуниси муҳимки, бундай ўзгаришлар умумтил иборасининг адабий тилдаги қўлланиш меъёридан узоқлашиб кетмаган. Масалан, адабий тилда “юраги титирчламоқ” // “юраги титирламоқ” иборалари бўлиб, “кечинмаларнинг зўридан безовта бўлмоқ” маъносини билдиради. “Тахт ва бахт” асариде эса ана шу ибора компонентлари орасига “бамисоли қарчивай чангалидаги кабутардай” ўхшатиш бирикмаси киритилиб кенгайтирилган, бу эса ибора таъсирчанлигининг янада ошишига замин ҳозирлаган: Шарқавий. (Хайлан). Юрагим бамисоли қарчивай чангалидаги кабутардай титирляпти.

Ташки ишлар вазири (министри) нуткида “агар” ва “лекин” ёрдамчилари иштирокида ҳозирги вақтда ташки сиёсатнинг оғирлиги, вазиятнинг жуда кескинлигига ишора қилувчи “ҳар масаланинг юзта “агар”и, ҳар ечимнинг мингта “лекин”и бор” деган янги неологизм ибора ҳосил қилинган: Министр. ...Энди замон чиғаллаиди. Ҳар масаланинг юзта “агар”и, ҳар ечимнинг мингта “лекин”и бор.

“Тахт ва бахт” драматик достонидаги воқеалар турли дин ва маънаб кишилари яшаётган Жабалия мамлакатидеги сиёсий-ижтимоий ҳаёт тасвирига бағишлангани учун онда насроний, будда ҳамда ислом дини билан алоқадор ибораларнинг қўлланилишига эътибор қаратилган. Масалан, насоро қавми сардори Микоил нуткида ўша дин билан бевосита алоқадор иборалар қўлланган: Микоил. Улуг шахзодага Исои масиҳ рухлари мададкор бўлсин. Биз муҳтарам бобонгиз рухларига дуо қилиб қалисоларимизда шамлар ёқамиз... Шарқавий нуткида эса ислом дини билан бевосита алоқадор иборалар кўпроқ қўлланган. Валиахд шахзода Фикрат ўз нуткида асардаги ана шу диний бағри кенглик, толерантлик хусусиятини қуйидаги иборани қўйлаш орқали ифодалаган: Фиркат. Унда на илож. Масжидга инжид, Қалисога Қуръон кўтариб кирилмайди. Ҳар ернинг ўз қонуни бор.

Асарда фақат ФБлар эмас, мақол ва маталлар ҳам муҳим услубий восита сифатида ўринли қўлланган. Мақол ва маталлар, асосан, кексалар нуткида ҳамда валиахд шахзода Фикрат нуткида учрайди. Масалан: Оламда ҳеч ўзи келмас бойлик, неъмат // Бахтнинг ота-онасидир меҳнат, меҳнат... Ёки тўқсон тўрт ёшида муҳожирликда вафот этган, Жабалиянинг подшохи, Фикратнинг бобоси Саид Музаффар неварасига насихат қилар экан, “ўзга юртда шоҳ бўлгунча юртинг қули бўл” мақолини қўллайди: Саид Музаффар. Мен тилаган ўша боғнинг гунча гули бўл // Ўзга юртда шоҳ бўлгунча юртинг қули бўл.

Асарнинг бош ғояси ватанпарварлик билан боғлиқ ҳолда драматик достонда “ватаннинг жазирамаси ҳам роҳат”, “юртинг тинч, халқинг омон бўлсин”, “инсон ватанин танламас, Ватан онадек ягона” сингари оригинал мақолларнинг қўлланиши эса асар ғоявий-эстетик юкининг кучли тарзда ифодаланишини таъминлаган: Шарқавий. Дарҳақиқат, юртимиз тоғлар

*орасида. Лекин бу тоғларда на дарахт, на гиёҳ бор. Жанубдаги уммондан рутубатли ҳаво келади, қуёш тивгида яйдоқ тошлар тандирга айланади. Не шлож, инсон ватанни танламас, Ватан онадек ягона деган кўҳна ҳикмат бор; Элчи. Юртинг тинч, халқинг омон бўлса-ку Ватаннинг жазирамаси ҳам роҳат. Лекин бизнинг тинчлигимиз йўқолди...*

Хуллас, Э.Воҳидовнинг “Тахт ва бахт” драматик достонида лексик бирликлар сингари иборалар, мақол ва маталлар ҳам муҳим услубий воситалардан бири саналади. Шоир ўз драматик достонида фақат таркиби ўзгармаган, умумтил фразеологизмларини қўллаш билан чегараланмайди, балки бадий матн талаби билан умумтил ибораларига турли хил структурал ва семантик ўзгаришлар киритади, баъзан эса айрим индивидуал-муаллиф фразеологизмларининг яратилишига сабабчи бўлади. Бу эса хассос шоир Э.Воҳидовнинг фразеологизмлар қўллаш соҳасидаги новаторлигидан далолат беради.

#### Адабиётлар:

1. Воҳидов Э. Тахт ва бахт (драматик достон) // “Жаҳон адабиёти” журналі, 2006, №11, 130-158-б.

2. Ҳўлдошев Б., Халилов Қ. Шоир Эркин Воҳидовнинг фразеологизм қўллаш маҳорати ҳақида (монография). – Самарқанд: СамДУ, 2007, 100-б.

**М.РАҲМАТОВ,**  
ф.ф.н. (ТДПУ)

#### ЭСКИ ЎЗБЕК ТИЛИДА ЧУН БОҒЛОВЧИСИ

Эски ўзбек адабий тилида форсий ва арабий сўз ва сўз шаклларининг қўлланиши билан бир қаторда, арабий ва форсий боғловчи ва боғловчи воситаларининг қўлланиши фаоллашган. Бу грамматик воситалар қўлланишига кўра аналитик характерга эга бўлиб (1), асосан, гап бошида қўлланган. *Чун, чунки, агар, агарчи, то, ки* каби тобе боғловчилар; *ва, лекин, валекин, вале, аммо* каби тенг боғловчилар гапда маълум бир синтактик-семантик муносабатни ифодалаш билан бирга эски ўзбек тили адабий нутқининг мураккаб услуб шаклларини ҳосил қилган. Бу услубда ижод этиш анъанага айланди (2) ва ижкорларнинг асарларида такрорланди.

Алишер Навоий араб ва форс тилларидан луғавий унсурларнигина эмас, балки форс тилидаги гап қурилиши қолипни ҳамда араб тилидаги тайёр сўз бирикмаларини ҳам ўзлаштирган. Бир қатор гапларни тўғридан-тўғри қолипи билан форс тилидан қабул қилган. Шу туфайли форс тилига хос бўлган *чун* боғловчиси билан бошланган гаплар ўрганилаётган манбалар матнида кўплаб учрайди(3). Масалан: *Чун келди, шайх ўтуб эрди* (НМ 196). Кўринадики, биз таҳлилга тортган гапларда *чун* боғловчиси, асосан, гапларнинг бошида қўлланади.

Алишер Навоийнинг “Насойимул мухаббат” асарида *чун* боғловчисининг орт мавқеда, бош гапдан сўнг келганлиги ҳам кузатилди: *Дедим, сенга сафар не ҳожат, чун юрур ҳолатинг йўқдур* (НМ 189). *Чун* боғловчили эргаш гапнинг бу тарзда қўлланиши синтактик талаб билан эмас, балки соф

коммуникатив мақсад билан боғлиқ нутқий ҳодиса саналади, бошқача айтганда у инверсия туфайли юз берган.

*Чун* боғловчиси билан бирга *аммо*, *лекин*, *вале* каби тенг боғловчилардан бири ёки бир нечтаси қатор қўлланган ҳолатлари учрайди. Бунда *чун* боғловчиси бошқа боғловчиларга нисбатан орт позицияни эгаллайди. Тенг боғловчиларнинг *чун* боғловчиси билан қўлланиш ҳолати куйидагича:

*Аммо* боғловчиси билан *чун* боғловчиси контакт ҳолатда қўлланади: *Аммо чун паҳлавонни тилаб, таклиф била келтурган эрмиш, риояту ҳурмат тутмакда муболага қилиб, мусоҳабат тариқи била маош қилур эрмиш* (НМ 301).

Х.Назарова «Бобурнома» асарини таҳлил қилиб, асар тилида кўшалок қўлланган *аммо*, *лекин*, *вале* каби боғловчиларни мураккаб гап компонентларини зидлаш йўли билан боғлашини айтади (4). Биз *аммо*, *лекин*, *вале* тенг боғловчилари *чун* эргаштирувчи боғловчиси билан бирга қўлланиб, орт мавқедаги гапнинг олд мавқедаги гап билан зидлигини эмас, балки бутунлай янги мазмундаги жумланинг бошланишига ишора қилишини қайд қилдик. Фикримизни келтирилган жумла ҳам исботлайди. *Алар дедиларким, «Тариқат машойихининг форсий кутуб ва расоили оз мутолаа қилилибдур, аммо чун ҳавасинг бор, андоқ бўлсун»*. Бундай гапларда *аммо чун* боғловчилари коммуникатив функцияни таъминлашса, *чун* боғловчисининг иштироки кўшимча равишда орт мавқедаги жумла мазмунини тайин қилади ва эргаш гапнинг синтактик алоқасини таъминлайди ҳам. *Аммо чун Ҳақ с.т. бу тоифанинг баракотин боқий тилар эрди, анинг била мужаддад қилди* (НМ 305).

*Аммо* боғловчиси билан дистант ҳолатда: *Аммо бу тоифанинг чун истилоҳиятин ҳам хуб билур эрдилар, мундин ҳам кўпрак алардин эшитилур эрди* (НМ 438).

*Чун* боғловчисининг бир предикатив ифода доирасида дистант ҳолатда қўлланиши доимий эмас. Бироқ мазмунан яхлит жумлаларда дистант ҳолатда учрайди. *Чун* боғловчиси дистант ҳолатда қўлланганда, предикатив ифодалар яна биттага ортади, лекин улар орасидаги синтактик-семантик муносабат ҳар доим сақланади. Масалан: *Аммо агар муҳовиротда гоҳи сўзга бетаамул жавоб берур, чун галат кам тушар, ҳеч тушмас ва муаммодин бошқа даги назмлари бор* (МН 124). Бундай гапларда ҳам *аммо* боғловчиси янги жумланинг бошланишига ишора қилса, *агар* боғловчиси шартликни, дистант ҳолатда қўлланган *чун* боғловчиси ҳам ўзидан кейинги жумланинг шартлик маъносини янада кучайтириш учун хизмат қилади.

Шунингдек, *чун* боғловчиси *агарчи* боғловчиси билан контакт ҳолатда *валекин чун*, *аммо чун* шаклида қўлланади ва *агарчи* боғловчисидан англашиладиган иш-ҳаракатнинг амалга ошишига тўсқин бўла олмайдиган иш-ҳаракатни юзага чиқаради, шунинг билан бирга, *чун* боғловчиси ўз боғловчилик функциясини сақлаб қолади, яъни тўсиксиз эргаш гапларни ҳосил қилишда иштирок қилади. Масалан:

**аммо чун:** *Агарчи ул ажсомга хулудин муназаҳдур, аммо чун анинг била бу қитъаи лаҳми санавбари орасида нисбати бор, кўз ва хаёл ва барча қувони анга келтурмак керак ва анинг ҳозири бўлмоқ ва кўнгул эшикида ўлтурмоқ* (НМ 276). Яна бир мисол: *Ҳар оинаким, гадоеки, матлуби бир дирам сийим бўлғай, подшоҳеким, мақсуди бир шқим бўлғай, агарчи шқаласининг тенгри таолога эҳтиёжи бор, аммо чун матлубларда тафовутти қўптур, заруратдурким, итоатда тафовут кўп бўлғусидур* (МҚ 183).

**Ва лекин чун:** *Агарчи кўнгулга изтироб ва хотирга изтирор юзланди ва лекин чун бу иш маразнинг озлигига далолат қилур ва сиҳҳатнинг ботлигидин хабар берур эрди, бу дағи мужиби нишот ва боиси инбисот бўлди* (МҚ 208).

**лекин чун:** *Ва лекин чун салтанатқа шижоатдин гузир йўқтур, кўрунғким, қайси биримиз сизга ҳодиса даст берса, дафъага кўшиш қила олурубиз* (ТМА 235).

Алишер Навоийнинг насрий асарларида чун боғловчиси эргаштирувчи боғловчи сифатида жумла таркибида маълум бир мазмуний муносабатни тайин этиш учун қўлланган. Боғловчи баъзан жумла таркибида бошқа турдаги (тенг) боғловчи ва боғловчи воситалар билан контакт ва дистант ҳолатда қўлланганда ҳам муайян бир грамматик вазифани бажарган.

#### А д а б и ё т л а р :

1. Назарова Х.. Особенности синтаксического строя узбекского литературного языка. –Ташкент: Фан, 1979, с.117.
2. Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. –Тошкент: Ўқитувчи, 1995, 135-б.
3. Аширбоев С. Алишер Навоийнинг насрий асарларидаги содда гапларнинг таркибий ва маъно хусусиятлари.: Филол.фан.докт...дис. –Тошкент, 1990, 26-б.
4. Назарова Х. Кўрсатилган асар, с.110.

**Р. ШУКУРОВ,**  
доцент (Кўжон ДПИ)

## СЎЗ ВАРИАНТЛАРИДАН ЯНГИ МАЪНОЛИ СЎЗ ҲОСИЛ БЎЛИШИ

Сўз вариантларининг янги маъноларини фарклашга интилиш туфайли ҳам кўплаб сўзлар юзага келади (луғатларга киритилади). Аммо хали тан олинмаган, луғатларга кирмаган жуда кўп фарқланиши лозим бўлган сўзлар бор: *курт – қурут, тобланмоқ – товланмоқ, сузмоқ – юзмоқ, илик – шик, асил – асл каби.*

Кишиларнинг фаркли маъноларни ифодалаш учун сўз вариантларидан фойдаланишга интилишлари туфайли кўплаб сўз вариантлари алоҳида сўзларга айланиб кетган ва бу ҳол норматив луғатларда қайд этилиши билан тан олинган. Масалан, озарбайжон тилида (сўзлашув тилида) географик термин *харита* маъносидаги *атлас* сўзидан фарқли равишда ипакдан тўкилган мато *атлас* деб талаффуз қилинса ҳам, у 50-йилларгача тан олинмас эди, шунинг учун ҳам 1940 йилда Бокуда нашр этилган русча-озарбайжонча луғатда улар фақат бир шаклда (*атлас* шаклида) омоним қилиб берилган – омонимлик белгиси сифатида *атласI* бош бўғинида, *атласII* сўнгги бўғинида

урғу белгиси берилган. Лекин 1975 йили босилган имло луғатида улар икки шаклда – талаффузидаги фарқи асосида *атлаз* (парча) – *атлас* (харита) деб қайд этилган. Ўзбек тилида бу сўзлар талаффузи урғу билан фарқ қилинади деб фараз қилинади, баъзи луғатларда (масалан, ўзбек тилининг изоҳли луғатида) бу фарқ “маго” маъносидаги сўзнинг охириги бўғинига, *харита* маъносидаги сўзнинг биринчи бўғинига урғу белгисини қўйиш билан кўрсатилган. Амалда эса (сўзлашув тилида) улар одатда фарқ қилинмайди. Шунинг учун ҳам 1976 йилги имло луғатида бирор фарқсиз *атлас* – *атлас* шаклидаги омоним тарзида берилган.

Татар тили луғатларида (масалан, татарча-русча луғатда. М., 1966) татарча *лазер* сўзи русча «сейчас» маъносида, бу сўзнинг *азер* шакли «готовый» маъносида қўлланилиши қайд этилган. С.Н.Муратов бошқирд тилида *хисап* сўзи «учет», *исап* варианты эса «счет» маъносида қўлланишини кўрсатган (1).

Асли Ҳиндистондан келиб чиққан, ammo ундан узоқда, масалан, Америкада яшаб тили, турмуш тарзи ўзгариб кетган халқни русча *индейцы* (бирлиги *индеец*) сўзидан фарқлаб, *индейцы* (*индеец*) дейилиши ёки Ҳиндистоннинг *индуизм* динидаги халқини бошқалардан фарқлаб, *индусы* дейилиши ҳам рус тилида сўз вариантлари алоҳида сўзларга айланиб кетганлигига мисол бўлади.

Бир сўзнинг турли вариантлардан келиб чиқиб, алоҳида сўзларга айланиб кетган кўпгина лексик бирликлар ёки бундай сўзларда юз берган лексик-семантик дифференциация рус тилида эмас, балки улар рус тилига қабул қилингунча бошқа тилларда, асосан, Ғарбий Европа тилларида юз берган бўлиши мумкин. Масалан: *кафе* «қаҳвахона» – *кофе* «қаҳва»; *комплекс* «ходисалар ёки хусусиятлар йиғиндиси» – *комплект* «бут, даста, тўплам, тўда, тўп»; *папирус* «тропик қамиш» – *папирус* «қоғоз» – *папиросы* «папирос».

Рус тилида фақат сўзларнинг туб вариантларигина эмас, балки аффиксал вариантларини ҳам фарқлаб, алоҳида лексик маъноларни ифодалаш ҳодисасига ҳам бир мунча мисоллар учрайди. Масалан, рус тилининг 60-йилларгача тузилган луғатларида, чунончи, 4 томли изоҳли луғатида *рекордист* ва *рекордсмен* сўзлари фарқ қилинмас эди, яъни «*рекордсмен* то же, что *рекордист*» дейилар эди. Бу сўзларда лексик дифференциация юз берганлиги дастлаб С.И.Ожеговнинг 1973 йилда босилган луғатида қайд этилди: «*рекордист* – домашнее животное, которое в отношении каких-нибудь своих качеств обладает рекордными показателями», «*рекордсмен* – спортсмен, установивший рекорд».

Кузатиш кўрсатадики, сўзларнинг турлича вариантлари, яъни туб сўз вариантлари, аффиксал сўз вариантлари, ҳатто мураккаб сўз, айниқса, кўшма сўз вариантлари ҳам фақат шаклан эмас, балки маъно жиҳатдан ҳам аста-секин ўзгара бориб, алоҳида сўзларга айланиб кетиши мумкин.

А д а б и ё т:

Муратов С.Н. Устойчивые словосочетания в тюркских языках. –М., 1961, с.72.



## БАДИИЙ ТИЛДА ДЕҲҚОНЧИЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

(А.Қаҳҳорнинг «Тупроғимиз олтин тупроқ» очерки мисолида)

А.Қаҳҳорнинг нафақат роман, қисса ҳикоя, мақола, фелъетон, суҳбат, қайдларида, балки очеркларида ҳам унинг маҳоратли сўз санъаткори эканлигини кўриш мумкин. Унинг биргина «Тупроғимиз олтин тупроқ» (А.Қаҳҳор. 6-том. –Т.1971, б.–158-162) очеркидаги тупроқ ва деҳқон тасвири билан боғлиқ тузган гапларига, танлаган сўзларига, ишлатган мақолларига эътибор берайлик:

*Қарияларимиз ёшларни алқаганда аксари «Тупроқ олсанг, олтин бўлсин», деб алқайди.*

*Жуда ҳам яхши нафас!*

*Ўзбек деҳқони мана шунақа яхши нафас теккан деҳқон. Ўзбек деҳқони ўз қўлига олган тупроғимиз, ҳақиқатан олтин тупроқ бўлиб қолди... (158-бет).*

Ҳақиқатан ҳам, ёзувчининг сўз танлаш, сўз қўллаш маҳоратига қойил қолмасдан иложимиз йўқ. Ёзувчининг деҳқон меҳнатига, унинг ушлаган тупроғи олтин эканлигига алоҳида эътибор бераётганлиги бежиз эмас. У ёзади: «Ўзбекистон тупроғига биринчи чигит тушгандан бери бунча ҳосилни, бунақа ҳосилдорликни, бугунгидай юксак меҳнат унумдорлигини, бунингдай паст таннархни ҳеч бир деҳқон кўрган эмас. Бу, албатта, деҳқонларимизнинг ғайрат ва ҳунари, олимларимизнинг илми, инженерларимиз яратган машина ва машинага кенг йўл очиб берган агротехника хосиятидандир» («Чилдирмаимизнинг садоси гиж-банг!...» очеркидан).

Ёзувчининг деҳқоншунос, деҳқончилик илмининг билимдони, бу соҳанинг мохир тарғиботчиси эканлигини юқоридagi фикрлари ҳам тасдиқлайди.

«Тупроғимиз олтин тупроқ» очерки тўрт саҳифалик бўлиб, унда ёзувчи деҳқончиликка доир та сўз ишлатган. Бундай сўзларни қуйидаги мавзуйи гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Деҳқончиликка доир касб-ҳунар соҳиблари, соҳа, иш жараёнларини англатувчи терминлар: *деҳқон, ўзбек деҳқони, деҳқончилик, миришкор, богбон, пахтачилик, қишлоқ хўжалиги, кузги тадбир* ва б. Баъзи мисоллар ва изоҳлар: *Иқлими деҳқончилик учун қулай бўлган жанубий Осиё мамлакатларини олайлик (158-б). Республикаимиз қишлоқ хўжалиги заҳматкашлари пахтачилик соҳасида... (161-б). Кузги тадбирларни вақтида ва яхшилаб ўтказиш... (161-б).*

Ёзувчи деҳқончилик термини мисолида қишлоқ хўжалигида ерга экин экиб, озик овқат ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун иқлими қулай бўлган жанубий Осиё мамлакатларига ишора қилса, *қишлоқ хўжалиги, пахтачилик, кузги тадбирлар* каби терминлар билан бу соҳа жараёнлари, унда олиб бориладиган ишлар хусусида фикр юритган.

2. Экин майдони (тупрок), унинг тармоқларини англатувчи терминлар: *дала, тупроқ, ер, гектар, партав, қийқим* ва б.: *Ҳиндистон далаларида шунча юриб бирон жойда биронта қишлоқ хўжалиги машинасини кўрмадим* (160-б). Экин униб турган ерлар баъзан **партав** бўлиб қолади, гектарларимиз **қийқимга** чиқиб, **тўлиқ гектар** бўлмай қолади (161-б). Ушбу мисолларда *дала, гектар* – экин майдонлари маъносида қўлланган бўлса, *партав* – экин экилмай қолган ер, *қийқим* эса тўлиқ бўлмаган экин майдони, гектарнинг бўлагини англатяпти.

3. Курол-аслаха, иш ҳайвони ва техника билан боғлиқ терминлар: *ҳўкиз, чигир, универсал машина, техника, арава* ва б.: *Ҳамма жойда бирдан-бир универсал машина – ҳўкиз! Ҳўкиз ер ҳайдайди, ҳўкиз чигир айлантириб сув чиқаради, ҳўкиз аравага қўшилади, салт минилади*. Бу мисолларда эса Ҳиндистон далаларида юриб биронта ҳам қишлоқ техника билан куролланмаганлигига ишора қилади.

4. Полизчиликка оид терминлар: *қовун, қирқма, шакарпалак, пирсилдоқ* ва б.: *Парижда қовун едик. Бу қовун қаяқда-ю Хоразм билан Фарғонанинг қирқмаси, Мирзачўл билан Андижоннинг шакарпалаги, Бешарқнинг пирсилдоғи қаяқда!* (159-б).

5. Мевачиликка оид терминлар: *ўрик, анжир, оқ ўрик, гилос, узум, анор, гайноли, олма, ҳусайни, кўксултон, луччак шафтоли, гуногун олма* ва б.: *Биз Бельгияда гилос, Туркияда олма, Юнонистонда гайноли, Цейлонда узум, Ҳиндистонда анор едик. Бу мамлакатлар тупроғида етишган мева-чевани кўрган, татиган киши, чунончи, Нукуснинг қаҳрабо ҳусайнисини, Кува, Ғиздувон анорини, Фарғонанинг кўксултонини, Марғилоннинг луччак шафтолисини, Тошкентнинг гуногун олмасини етиштирган Ўзбекистон тупроғини кўзига тўтиё қилади* (159-б).

Мазкур мисолларда ёзувчи ўз юртининг тупроғини ўзи гувоҳ бўлган, кўрган бошқа юртларнинг тупроғига киёс қилиб, Ўзбекистон тупроғида етиштирилган ноз-неъматлар бошқа юртларнинг тупроғида битган ноз-неъматларга сира-сира ўхшамаслигига ишора қилапти.

Қискаси, А.Қаҳҳор ушбу очеркида юқоридагилардан ташқари деҳқончиликка оид *пахта, гўза, ҳосилдорлик, сув, сув масаласи, қудуқ, сугормоқ, ер ҳайдаш* ва шу каби терминларни усталик билан қўллаганки, бу очерк мавзуси моҳиятининг тўлақонли ва ишончли чиқишига хизмат қилган.

**Э.ЖАББОРОВ**  
(Қарши ДУ)

### **ҚУРМАТАЁҚ – ЎЙИН НОМИ**

Ўзбек халқ ўйинлари орасида таёқ воситасида ўйналадиган ўйинлар бир талай. Шулардан бири – *қурматаёқ*. Ўйин номининг ўзбек тили шеваларидаги вариантлари бир нечта: *буқурматаёқ ~ гир-гиртаёқ ~ татиртаёқ ~ тақиртаёқ ~ урматаёқ ~ урмонтаёқ ~ қурматаёқ ~ қурмонтаёқ ~ таёққурама ~ қоқматаёқ ~ таёққадама ~ қадаматаёқ* каби. Барча вариантлар икки асосга эга: *буқурма+таёқ ~ гир-гир+таёқ* каби. Асос қисмининг барида бир хил сўз (*таёқ*) қатнашган. Иккинчи қисм эса ҳаракат

ёки ҳолат (*урма, урмон, қоқма, қадама, қурма, қурмон*), товушга тақлид (*ғир-ғир, тақир, тапир*), сифат асос (*буқурма*)дан ташкил топган. Қарши шахрида ўйин номи *чувотти*. Деярли бир хилда ўйналадиган ўйин номининг Қашқадарё шеваларида турлича номланишини ўйин воситаси – таёқдан ўйин жараёнида фойдаланишининг турли ҳолатлари билан боғлаш мумкин.

*Қурматаёқ* – таёқни курмоқ, таёқни ерга қадаш, таёқни ерга қоқиш. Таёқни ерга қоқиб, маълум масофадан ўйинчиларнинг ўз қўллари билан уриб йиқитиш ўйини номидир. Худди шу ҳолат ўйин номининг *қурмонтаёқ* ~ *таёққурама* ~ *қадаматаёқ* ~ *таёққадама* вариантларида ҳам мавжуд.

*Қурмонтаёқ* ~ *таёққурама* – таёқни ерга қуриш, ўрнатиш; *қадаматаёқ* ~ *таёққадама* – таёқни ерга қадаш, ўрнатиш. Сўз вариантлари таркибидаги – *ма* кўрсаткичини икки хил изоҳлаш мумкин: *-моқ* феъл шаклининг қисқарган варианты ёки феъл асосга кўшиладиган *-ман* шахс-сон шакли. Мулоҳазамизнинг биринчиси тўғрироқ. Ўзбек халқ ўйинлари номида *-моқ* компонентли бирликлар бор: *чертмақ* (*чертмоқ*), *кўчмақ* (*кўчмоқ*) каби.

Ўйиннинг *буқурматаёқ* варианты ҳам икки асосли: *буқурма+таёқ*. Қўшма сўзнинг биринчи қисми (*буқурма*)ни икки қисмга ажратиш мумкин: *буқур+ма*. *Буқур* – ёнғоқ ташлаб ўйналадиган ўйинда белгиланган марра, яъни ёнғоқни отиб киритишга мўлжаллаб ўйилган чуқурча. Бу ерда *-ма* аффиксини сифат ясовчи деб изоҳлаш мумкин. *Буқурматаёқ* қўшма сўзи эса таёқни *буқур* (чуқур)га қўйиш, қадаш деган маънони билдиради.

Кўринадики, ўйин номларининг яралишида ўйин предмети (таёқ), унинг ҳолати (қадаш, тикиш), ҳаракати (уриш, қоқиш) ёки предметлар тўқнашувидан чиқадиган овоз (тақир, тапир) ҳамда предметнинг ҳаводаги ҳаракатидан чиқадиган овоз (*ғир-ғир*) муҳим ўрин тутди. Икки асосли бу номлар аслида шундай ҳаракат ёки ҳолатни ифодаловчи сўз бирикмаси мақомида бўлган: *қадаматаёқ* – таёқни қадамоқ, *урматаёқ* – таёқни урмоқ, ~ – таёқни курмоқ каби сўз бирикмаларининг қўшма сўз мақомига ўтиши кейинчалик юз берган. Зеро, ўзбек тилидаги қўшма сўзларнинг катта қисми сўз бирикмасидан ўсиб чиққан. Синтактик–лексик усул билан ясалган ўйин номлари ҳам ўзбек халқ ўйинлари лексикасида салмоқли ўрин эгаллайди.

Х. АҲМЕДОВА  
(Кўкон ДПИ)

## НОТИҚ ВА НУТҚ

Шарқ халқлари дидактик адабиёти дурдоналаридан бири “Қобуснома”да сўз санъати, суҳандонлик, нотиклик ҳақида бундай дейилади: “Эй, фарзанд, сўзнинг юзин ва орқасин билғил ва уларга риоя қилғил. Ҳар на сўз десанг (яъни ҳар қандай мавзуда гапирсанг ҳам), юзи били дегил, то суҳангўй (нотик) бўлғайсен. Агар сўз айтиб, сўзнинг нечук эканин (қандай маъно билдиришини) билмасанг, қушга ўхшарсанки, унга тўти дерлар, ул доим сўзлар, аммо сўзнинг маъносини билмас”(1).

Халқимиз орасида ўз фикрини айтмасдан, бошқаларнинг сўзларини ҳадеб такрорлайверадиган одамни тўтиқушдай сайрайди, деб масҳара

қилишлари бежиз эмас. Яна шох Кайковус фарзандига нотик ва нутқ фазилатлари ҳақида бундай дейди:

“Сухангўй шул киши бўлғайки, ул ҳар сўзни деса, халққа маъқул бўлғай, ва халқ ҳам ҳар сўз деса, унга маъқул бўлғай. Бундай кишилар оқиллар қаторига киргай, йўқ эрса, ул инсон суратида мавжуд бўлғон бир хайвондур” (2).

Бу сўзларда донишманд шох Кайковус фарзандига насихат қилиб, нутқ маданияти ва нотиклик санъатининг муҳим тамойилларидан бири – халққа маъқул гапларни айтиш – халқчиллик тамойилига эътиборимизни қаратмоқда. Халқчиллик эса юксак маънавиятдан далолат беради.

“Қобуснома”да келтирилган бу муҳим фикрни проф. Н.Маҳмудов янада қадимийроқ бир туркий манба асосида қуйидагича шарҳлаб беради:

“Донишманд Шарқ бағрида (Фрот ва Дажла дарёлари оралиғида яшаган қадимги шумерларда) бундан беш минг йиллар аввал пайдо бўлган илк мактабларнинг бош вазифаларидан бири ҳам болани тўғри, аниқ гапириш ва ёзишга ўргатишдан иборат бўлганлиги, аини вазифанинг бизнинг кунларимизга қадар ҳам ўз моҳиятини йўқотмай келаётганлигини, ҳар қандай жамият ҳаётида тил ва нутқ нуфузини аниқлик ва тўғрилиқ белгилашини билдириб турибди” (3).

Нутқ маданиятида фикрни аниқ ифодалаш учун тўғри жумла тузиш масаласи билан, нотик (ўқитувчи, талаба, давлат ва жамоат арбоби)нинг тўғри гапириши, ростгўйлиги ўзаро алоқадор бўлса-да, бошқа-бошқа масалалар. Булардан бири – тўғри жумла тузиб, фикрни аниқ ифодалаш грамматикага, тил қоидаларига тааллуқли бўлса, иккинчиси – тўғри, рост гапириш маънавиятга тааллуқлидир.

Одамнинг тўғри, рост гапириши виждон, диёнат, иймон софлиги, ҳалол яшаш билан боғлиқдир. Шарқ халқлари ўрта асрларда ҳам рост сўзни, тўғрилиқни инсоннинг энг яхши фазилати деб улуғлаб келганлар.

Нотик нақадар олим, фозил, машҳур одам бўлса, тингловчилар шунча қизиқиб тинглайдилар. Фан ўқитувчиси ҳам, ома билан учрашувга таклиф этилган нотиклар ҳам эл-юртга таниқли, ажойиб асарлари, халққа хизматлари билан машҳур, аини вақтда, камтарин, турли мавзуларда эркин ва мароқли сўзлай оладиган бўлгани яхши. Фан ўқитувчиси ҳам ўз фанини севиши, чуқур билиши, турли ҳаётий воқеалар, масаллар, буюк мутафаккирларнинг ҳикматли сўзлари, вазиятга мувофиқ бадийий нафосат ва маъноларга бой шеърлардан фойдаланиши мумкин.

Нутқ иложи борича муҳим ва қизиқарли мавзуда бўлиши керак. Агар нотик фан ўқитувчиси бўлса, асосан ДТС талабларига, ўқув дастурига мувофиқ мавзуларни чуқур ва жонли, равшан очиб бериши зарур.

Нотик истеъдодли, юксак маданиятли, нозиктаъб, маънавий етук одам бўлиши керак. Мавзу ҳам қизиқарли, фараз қилайлик, “Алишер Навоий ғазалларида тасаввуф фалсафасининг бадийий инъикоси”. Лекин, айтайлик, аудитория – тингловчилар бу мавзунини тушунишга қийналиши мумкин. Чунки булар бошқа касб эгалари, деҳқонлар, чорвадорлар ёки қурувчилардир. Бу

мавзу уларга оғирлик қилади. Одоб юзасидан нотикни тингласалар ҳам, зеркиб, эснаб ўтирадилар.

Гоҳида бунинг акси бўлиши мумкин. Аудитория – тингловчилар юксак маърифатли, истеъдодли, нозиктаъб одамлар, бирор илмий-тадқиқот институтининг жамоаси, деб фараз қилайлик. Мавзу ҳам қизиқарли. Лекин тингловчига нисбатдан нотикнинг савияси паст бўлса, у тарихий манбаларни ўқимаган бўлса, маъруза яхши чикмайди. Тингловчилар одоб юзасидан бу нотикнинг ҳам маърузасини тинглайдилар. Лекин бу нутқ аудиторияни – тингловчиларни сира қониқтирмайди. Тингловчилар очик гапирмаса-да, ичида, кўнглида нотикнинг холига кулиб ўтирадилар.

Учинчи бир ҳолатда нотик ҳам истеъдодли, билимдон, аудитория – тингловчилар ҳам юксак савияли. Лекин мавзу бу аудитория – тингловчиларнинг қизиқиш доирасида эмас. Мавзу бу одамларнинг манфаатларидан узоқ бўлиши мумкин.

Хуллас, нотик – етук, мавзу қизиқарли, тингловчилар эътиборли бўлиши нутқнинг муваффақиятини таъминлайди.

#### Адабиётлар:

1. Кайковус. Қобуснома. – Тошкент: Истиклол, 1994, 38-б.
2. Кўрсатилган асар, 2-б.
3. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007, 5-б.

**У.РАҲИМОВА**  
(Термиз ДУ)

### А.ҚАҲҲОР ҲИКОЯЛАРИДА ТАҚРОРИЙ ВОСИТАЛАР

Бадий асарнинг жозиба кучини, бадийлигини оширишда тақрор алоҳида ўрин тутади. Одатда шоир ва ёзувчилар тасвирлаётган воқеа-ҳодисанинг назарда тутилган томонига китобхоннинг диққат-эътиборини жалб этиш мақсадида тақрорлардан фойдаланадилар. Хусусан, А.Қаҳҳор асарларида ҳам тақрорий воситалар тез-тез учраб туради. Масалан: *Нихоят, тўртинчи кун эрталаб звено ҳар уйдан сават-сават тила олиб чиқа бошлади* («Кампирлар сим қокди»). Мисолда *сават-сават* тақрорий сўз ҳолатида қўлланган. Ушбу тақрорий воситани текширар эканмиз, унда узвий давомийлик, теранлик, аниқлик кузатилади.

Шоир ва ёзувчилар тасвирлаётган воқеа-ҳодисанинг назарда тутилган томонига ўқувчининг диққатини тортиш, уни бўрттириброк кўрсатиш учун ёки маълум нарсаларни санаб кўрсатиш ниятида кўпроқ шеърий асарларда... айрим товуш ёки товушлар бирикмасига, гапларга атайлаб алоҳида урғу беради, тақрорлайди(1). Одатда шеърий ва насрий нутқ фарқланади. Шунга биноан бу нутқ турларида қўлланувчи тақрорий воситаларда ҳам фарқ кузатилади. Чунончи, сўз тақрори назмда бир қанча санъатларнинг вужудга келиши учун хизмат қилади(2). А.Қаҳҳор асарларида, жумладан, ҳикояларида ҳам тақрорларни айнан шу мақсадда ишлатилганидан вокиф бўламиз. Одатда тақрорлар контакт, дистант ҳолатида учрайди. А.Қаҳҳор ҳикояларида ишлатилган тақрорлар контакт ва дистант ҳолатдаги тақрор

кўринишларида мавжуд. Контакт ҳолатдаги такрорлар сўз ёки сўз бирикмаси, ибора, гап кўринишида бўлади. Буни юқоридаги мисолдаги *сават-сават* сўзи ҳам тасдиқлайди. Ёки: *Туринглар! Туринглар! Ўтирасизларми! Радио гапирди, ҳаммамизнинг отимизни айтди.* Ушбу мисолда ҳам айнан юқоридаги каби ҳолатни кузатиш мумкин. Келтирилган мисолда *туринглар* такрори ундаш, гапириш, даъват этиш каби маъноларни ифодалаш учун хизмат қилган.

Бадий нутқда қўлланувчи такрорий воситаларда эмоционал-экспрессив ҳолатнинг кучли бўлиши, ундаш, таъкидлаш, шунингдек, сўрок ифода этиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Масалан: *Туринг, Назир буви! Туринг Тўхтабувиникига чиқамиз.* Ушбу мисолда айнан юқоридаги ҳолат кузатилади. Бунда ундаш, чақириш, буйрук-истак каби хиссий белгилар сўзловчи фикрини аниқ, изчил бўлишини таъминлаган.

Маълумки, талайгина такрорий воситалар ундалма вазифасида ҳам қўлланилади. Масалан: *Юрагимга сизмайди, сизмайди юрагимга ҳеч нарса («Асрор бобо»). Мен бекорчи-такасалтангни сўк, сўк мени, курк товук дегин! - Ўлим бор. Ўрганишимга шу бола сабаб бўлган. - Бола сабаб бўлган («Хотинлар»).* Келтирилган мисолларда такрорий воситалар турли хил муносабатларни шакллантириш учун ишлатилган. Айниқса, ундаш таъкидлаш, хис-ҳаяжон ва эхтиросга берилиш, шунингдек, мақтов каби ҳолатлар кузатилади. Жумладан, *сўк, сўк* такрорий воситаси орқали ўзидан нафратланиш, эхтиросга берилиш кузатилади. Шунингдек, такрорий воситанинг ўрин алмашиниш ҳоллари ҳам кузатилади, бу ҳолатни биринчи мисолдаги *юрагимга сизмайди, сизмайди юрагимга* конструкциясида кузатиш мумкин.

Такрорий воситалар кетма-кет ёки параллел ҳолатда қўлланилиши ҳам мумкин. Албатта, такрор турларидан бири бўлган параллелизмнинг баъзи бир кўринишлари, хусусан, синтактик конструкциялар такрори хусусида мавжуд адабиётларда фикр-мулоҳазалар билдирилган. Мана бу мисолга эътибор қилайлик: *Эллик уч йил! Эллик уч йилдан бери бир дастурхондан туз татиган, бир кўрпани берган, бирга кулган, бирга йиғлаган, эллик уч йилдан бери мушукчадай бир-бирини суйқалиб...* («Маҳалла»). Гарчанд мисолда қўлланилган такрорий воситалар назмдаги каби тасвир этилмаган бўлса-да, эллик уч йил инсон умрининг маълум бир қисмини характерлашга хизмат қилган. Ана шу ҳолат узвийлик, давомийлик, кетма-кетлик тарзида параллел ҳолатни юзага келтирган. Кўринадики, А.Қаҳҳор такрорий воситалардан турли мақсадларни кўзлаган ҳолда фойдаланади. Шунга кўра, А.Қаҳҳор ҳикояларида қўлланилган такрорий воситаларни ўрганиш алоҳида тадқиқотни талаб этади.

#### Адабиётлар:

- 1.Кўнгулов Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. -Тошкент: Фан, 1977, 127-б..
- 2.Шадиёва Д. Муҳаммад Юсуф шеърини лингвопоэтикаси. Филол. фанлари. номз. дисс... автореф. -Тошкент, 2007, 14-б.

### АНТОНИМЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНИШИ

Антонимлар нутқда кенг қўлланувчи лексик воситалардан ҳисобланади. Тилда антонимия ҳодисаси лексик, сўз ясовчи қўшимчалар, иборалар, гап тузилишида учрайди.

Антонимларни белгилашда асосий ўлчов – лексик маъно, яъни сўзларнинг зид маъноларни билдиришидир. Икки сўзнинг ўзаро антонимлиги уларнинг конкрет бир маъносидаги зидликка асосланади(1).

Антонимлар нутқ таъсирчанлигини таъминлаш, маънони кучайтириш, қарама-қарши белги-хусусият, тушунчаларни тиниқ ва қабартириб ифодалаш имконини беради. Шунинг учун ҳам ижодкорлар ўз асарларида улардан унумли фойдаланадилар. Чунончи, Б.Бойқобилоннинг “Тожмаҳал” тарихий достонида антонимлар қўлланишининг баъзи кўринишлари қуйидагичадир:

1. Бадий матнда қаҳрамонлар кайфияти, ҳолат тасвирини таъсирчан ифодаловчи восита сифатида хизмат қилади. Масалан:

<i>Жигар-бағри хун бўлиб,</i>	<i>Танҳо қолганда гоҳо,</i>
<i>Қундузи ҳам тун бўлиб,</i>	<i>Тор бўлиб бу кенг дунё</i>
<i>Юраги сиқиларкан...</i>	<i>Қафас каби қисадир.</i>

2. «Ё» боғловчиси билан такрорланган антоним бадий матнда шеърӣ санъат ҳосил қилиб, сўзловчида хайрат-ҳаяжоннинг кучлилигини кўрсатишга хизмат қилади. Масалан:

*Ё раб, ўнгимми ё туш,  
Учдими ё бошдан ҳуш?*

3. Баъзан антоним сўзлар ўзаро боғлиқ, бири таъсирида иккинчиси рӯй бевувчи маънони ифодалайди. Масалан:

<i>Мумтоз бегим жасадин,</i>	<i>Унга қўйиб беозор,</i>
<i>Ва туздай совуқ танин.</i>	<i>Шоҳжаҳон чекиб озор.</i>

4. Баъзан эса антонимлар қарама-қарши ҳолатнинг бир жойда рӯй бераётганини таъкидлайди. Масалан:

<i>Тож маҳал ҳам муттасил...</i>	<i>Замин бирлан самода</i>
<i>Сайқалу жило топиб,</i>	<i>Ўзини аксин қўриб...</i>
<i>Сарҳовузу Жамнада</i>	

Кўринадики, Тожмаҳал акси заминда бўлак, самода бўлак рӯй бераётгани йўқ, балки ердаги, яъни заминдаги сарҳовуз ва Жамна сувига осмоннинг акси ҳамда Тожмаҳал акси бирлашади.

5. Антонимларнинг синонимлар такрори билан бирга келгани каби ўзининг омонимлари билан ҳам бирга қўлланган ҳоллари кузатилади. Улар айниқса, кофияда келиб, тажнис санъатини яратишга хизмат қилади. Масалан:

*Кексаю ёш демасдан,  
Кўзида ёш демасдан...*

Шуни ҳам айтиш керакки, антонимлардан ўз ўрнида фойдаланиш маҳорат белгиси бўлиб, асардаги маъно таъсирчанлиги, тасвир аниқлигини ифодалашда қўл келади. Лекин айрим ҳолларда уларни сунистеъмом қилиш,

ортиқча такрор, ўрнига тушмаслик жихатлари ҳам кўзга чалиниб қолади. Масалан, дostonда антонимлар «*оворадир субҳи шом*», «*баҳам кўриб субҳи шом*», «*субҳи шом гиря қилиб*» дея асарнинг бир неча ўрнида қайта-қайта такрорланиб келган. Биринчидан, *субҳи шом* эмас, балки *субҳу шом* деб ёзилиши лозим. Чунки ўртадаги «и» боғловчи вазифасини ўтай олмайди. Форс-тожикчадан ўлашган изофали бирикмаларда келади, «у» эса эскидан боғловчи вазифасида қўлланиб келади. Иккинчидан, бундай такрор бадий нутқда сўзамолликни, сўзбозликни кучайтиради, натижада асарнинг маъно таъсирчанлиги сусаяди, ўқувчида зерикиш ҳосил қилади. Ёки шу асарда «*Қон йиғлаган юракка Тоғ маҳал дарду даво*» деган мисралар мавжуд. Дардга даво топиш мумкин, бироқ дардли юракка яна дард топиб бўладими? Антонимнинг бу хил такрори мантикни бузган.

Шунингдек, ушбу дostonда қўлланган «*У кунни кун демасдан, Ва тунни тун демасдан, Уйлаш билан овора*», «*Кун ботди-ю, тун келди, тонг отди-ю, кун келди*» каби тасвирларда антонимлар маъно таъсирчанлигини оширишга хизмат қила олмаган, юзаки такрорлардан иборат бўлиб қолган.

Шундай қилиб, антонимлар бадий нутқ услубиятида муҳим таъсирчанлик воситаси сифатида хизмат қилади.

#### А д а б и ё т:

Раҳматуллаев Ш. ва б. Ўзбек тили антонимларинг изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980, 9-б; Ўзбек тили лексикологияси -Тошкент: Фан, 1981, 254-6.

**Н. МУРОДОВ**  
(Термиз ДУ)

### “САНГЛОХ”ДАГИ БАЪЗИ ФЕЪЛЛАРГА ДОИР

Алишер Навоий асарлари бўйича тузилган луғатларнинг энг йириги ва мукаммали Мирза Махдихон Астрободийнинг «Санглох» асаридир. Мирза Махдихон луғатда бошқа сўз туркумларига караганда феъл туркумига катта эътибор берган ва улар миқдорини имкон даражасида кўпайтирган. Мазкур лексикографик манбада ҳозирги ўзбек адабий тилида фаол ишлатилган ва истеъмолдан чиқиб, тил луғат фондида архаиклашган сўзлар маълум лексикографик бирикларни ташкил қилган.

Махдихон алиф ва маддали алиф ҳарфига жами 21 та феъл келтирган. Улардан фақат бир сўз алиф ҳарфи билан бошланади: *ايرىماک* (17V) – *апримок* – тўшамок, ёзмок. Қолган йигирма сўз маддали алиф, яъни чўзик *а:* билан бошланади. Маддали алиф билан бошланувчи сўзларни маъно жиҳатидан иккига бўлиш мумкин: а) бир маъноли феъллар; б) икки маъноли феъллар.

«Санглох»да қуйидаги сўзлар бир маъноли феъллар сифатида келтирилган: 1. *اتلاشق* (18V) *а:тлатмақ* – жўнамок; 2. *اچىماق* (18V) *а:жимоқ* – аччик бўлмок; 3. *اچىشماق* (18V) *а:жишмоқ* – куймок; 4. *اخسوملاماق* (19 V) *а:хсумламоқ* – маст бўлмок; 5. *اردلاشماق* (19V) – *а:рдлашмоқ* – бир-бирлари устига минмок; 6. *آرغانماق* (19V) *а:р адамоқ* – алдамок; 7. *اغماق* (22V) *а:гмоқ* – баландга кўтарилмок; 8. *اقماق* (23V) *а:гмоқ* – жўнамок; *الاقماق* (23г) *а:лоқмоқ* – бирга чикмок; 9. *انگماق* (26г) *а:нгмоқ* – ёдламок 10. *ايگماق* (30 г) *а:йикмақ* – хушёр бўлмок.



Махдихон ушбу феълларни изоҳлар экан, ушбу маъноларни тасдиқлаш учун Алишер Навоий, Лутфий асарларидан мисоллар келтиради. Чунки، ايلماق غ بكسريا و سكون لام هشيار شدن و انرا روميه اينماق با نون هم گویند ایلدی - قودلییا ، دشر ایشم- و رولیا ، میندشم رایشم آیلدور- هشيار می شود و ایلور بمعنی فاعل و مصدر نیز می آید. آیلغان ایلورغان و ایلدورغان- هشيار شوند و هشيار شده و بمعنی مصدر نیز می آید. آیل و آیل غل مفرد ایلورغان و ایلدورغان - مخاطب از فعل امر الشاهد علی الاول شعر:

هجراندا بیخود ایستار اوزنی نوایی ای شیخ

ای و ییل آنی اوسروک کورسانگ دیما که آیل.

Ҳижронда беҳуд истар ўзни Навоий, эй шайх,  
Ою йил ани усрук кўрсанг, демаки, *ойш.* (Санглох, 55г)

جام عشقیدین کونگول اول نوع ایرور مست خراب

کیم قیامت بز میغه یتگر و ایللغودیک ایماس

Жом ишқидин кунгул ул нав эрур масти хароб,

Ким қиёмат базмиға йитгар ва *ойшлудик* эмас. (Санглох, 55v)

ايلدورماق غ بكسريا و سكون لام و راي قرشت و ضم دال مصدر متعدی است یعنی هشيار کردن ایلدورغای هشيار کند الشاهد عليه شعر:

مست عشق اولمیش نوایی بیر ماگیل پند ای حکیم

کیم مگر مقلی ایلدورغای بو می نینگ، بیخودین

Масти ишқ ўлмиш Навоий, бирмагил панд, эй ҳаким,

Ким , магар соқий *ойшлургой* бу майнинг биҳудин.

(Санглох, 55v)

Мисоллардан кўриниб турибдики, *айланмоқ* феъли, ҳақиқатдан ҳам, хушёр бўлмоқ маъносида ишлатилган.

Луғатшунос «бирга чикмоқ» маъносидаги *а:лақмоқ* феъллини Лутфий ва Бобурнинг куйидаги байтлари мисолида очиб беради:

نواییا چوسسه حکمتی عشق کونگولمگا

ملاح و زهد ایله تقوی بوزولدیلار آلاقیب

Навоийо чусса ҳикмати ишқ кўнглумга

Малоху зухд ила такво бузулдилар *алоқиб.* (Санглох 47 г)

و شاهد بر رابع در تاریخ بابری مذکور است که سرخسدا نیچه قیز لپاش ایکاندور

دروازه تار تیب قورغانتی بیرماسلار رعیت لار آلاقیشب دروازه نی آچارلار.

Сархасда анча кизилбош экандур, дарвозани тортиб, кўрғонни бермасдилар. Райятлар *алақишиб* дарвозани очарлар. («Бобурнома»)

“Санглох”да етти юздан ортиқ ўзбек тилидаги феълга шарҳлар берилиб, уларнинг тўғри ўқилиши ва ёзилиши аниқ кўрсатилган. Асардаги бу гуруҳ сўзларнинг маълум қисми архаиклашган.

Хулоса шуки, «Санглох»да қайд қилинган ушбу маънолар айрим луғатларда учрамайди. Булар келажакда тузилажак мумтоз асарлар луғатига киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

А д а б и ё т:

Sanglax a Persian Guide to the Turkish language by Muhammad Mahdixon. Faksimal text with an Introduction and indices by sir Gerard Clauson. London, 1960.

### ҲАЙВОНЛАРНИ НОМЛОВЧИ ПЕРИФРАЗЛАР

Маълумки, айрим ҳайвон номларини образли ифодалаш асосида бир канча перифразалар шаклланган. Жумладан, *ўрмоннинг эгаси, ҳайвонлар подшоҳи, ўрмон санитарии, тутқич бермас ҳайвон, тиканли ҳайвон, халтали айиқ* перифразалари айиқ, шер, бўри, тулки, типратикан, коала каби ҳайвон номлари асосида шаклланган перифразалардир. Таъкидлаш жоизки, ҳайвон номлари сифатида шаклланган перифразалар ҳайвонларга хос бўлган хагги-харакатни образли ифодалаш замирида пайдо билади. Бунда уларга хос билган қуйидаги белгилар сабаб бўлади: а) улардаги қудратлилик, йиртқичлик, б) ҳайвонларга хос бўлган вафодорлик, айёрлик. Хусусан, шер ҳайвонлар ичида энг қудратлиси, йирик, йиртқич жонивордир. Шунинг учун *ҳайвонлар подшоҳи, ҳайвонлар шоҳи* (функционал-семантик синоними) перифразаси шаклланган. Масалан: *Одамлар шоҳи - менман, ҳайвонлар шоҳи эса шер, қани энди шер билан олишиб кўр-чи, кучинг етармикан, - деди шоҳ* («Эртақ»дан). Таъкидлаб ўтилганидек, ҳайвонларни образли ифодалаш асосида шаклланивчи перифразалар улардаги турли хил белги-хусусиятни образли ифодалаш асосида ҳосил бўлади.

Тилимизда *ўрмоннинг эгаси* перифразаси айикқа нисбатан қўлланади. Масалан: *Айиққовон ўрмонда яшайди. Шунинг учун ҳам уни ўрмоннинг эгаси деб бежиз айтишмаган, доно халқимиз* («Табиат» дастуридан). Шунингдек, айикқа нисбатан *асалхўр ҳайвон* перифразасининг қўлланиши ҳам бежиз эмас. Чунки айиқ асалга ўта ўч бўлиб, бошқа ҳайвонлардан фарқли ўларок, асал ейди.

Нуткимизда *ўрмон санитарии* перифразасининг шаклланиши ҳам ўз асосига эга. Албатта, бу перифразанинг шаклланишида маълум бир асос ва ўзига хос алоқадорлик мавжуд. Чунки бўри ўрмонда нимжон бўлиб қолган ёки ўлиб кетган ҳайвонларни териб ейди ва табиатни зарарқунанда ҳайвонлардан қутқариб, ўрмондаги ҳайвонларни ҳам касалликдан сақлаб қолади(1). Шунинг учун ҳам унга нисбатан *ўрмон санитарии* перифразаси қўлланади. Масалан: *Бўри - ҳайвонлар ичида ўрмон санитарии деган ном олган. Чунки у ўрмондаги касал ва ўлик ҳайвонларни еб ўрмон ҳайвонларини касалликдан асрайди* («Табиат»).

Шунингдек, *тутқич бермас ҳайвон, тиканли ҳайвон, халтали айиқ* каби перифразалар ҳам айнан ҳайвонларга хос бўлган маълум жиҳатларни образли ифодалашга асосланган. Жумладан, тулки ҳайвонлар ичида энг айёри ва муғомбиридир, у ҳеч қачон тутқич бермайди, яъни уни на инсонлар, на ҳайвонлар осонликча қўлга тушира оладилар. Шунга кўра *тутқич бермас ҳайвон* перифразаси тулғига нисбатан шаклланган. Масалан: *Ҳайвонлар ичида тулқивой айёрлиги, муғомбирлиги билан ажралиб туради, шунинг учун ҳам у ҳеч кимга тутқич бермас ҳайвон бўлиб гавадаланади* («Момо ер» кўрсатувида).

Нуткимизда *тиканли ҳайвон, халтали айиқ* (коала) каби перифразалар ҳам бежиз шаклланмаган. Жумладан, типратиканнинг танасида тикансимон

«найза»лар борлиги учун *тиканли ҳайвон* перифразаси шаклланган бўлса, коаланинг айикка ўхшаганлиги учун ҳам *халтали айиқ* перифразаси ҳосил килинган. Масалан: *Ўтлар орасида унчалик катта бўлмаган тиканли ҳайвон - тирпратиканни учратиш мумкин* (Табиатшунослик. 3-синф учун дарслик. 61-б). *Коала айиққа ўхшаганлиги сабабли уни баъзан халтали айиқ,- деб ҳам айтадилар* («Билимдон», 2007 йил, февраль №3, 7-б).

Умуман олганда, перифразалар шаклланишида табиатдаги турли-туман нарса ва предметлар тимсолларини образли ифодалаш жараёни муҳим аҳамият касб этади. Хуллас, нутқимизда ҳайвон номларини ифодаловчи перифразалар ўзига хос хусусиятларга эга. Бу перифразалар учун ҳайвонлардаги кудратлилик, йирткичилик, вафодорлик каби бир қанча белгилар асос бўлиб хизмат қилади. Нутқимизда куш номларини ифодаловчи перифразаларга нисбатан ҳайвон номларини ифодаловчи перифразалар кам, бунга сабаб кўпгина ҳайвонларнинг ўзига хос белги-хусусиятни образли тасвирлаш имкониятига эга эмаслигидир.

**Адабиёт:**

Атрофимиздаги олам. 2-синф учун дарслик. -Тошкент, 2001, 28-б.

**Ф. ҲУСАИНОВА**  
(Жўзон ДПИ)

### ШЕЪРИЯТ ТИЛИДА ДИАЛЕКТИЗМЛАР

Диалектизмлар бадий адабиёт тилида алоҳида вазифа ўтайди. Бу вазифа бадий матн талабига кўра холис (нейтрал), услубий, бадий-эстетик (лингпоэтик) ҳамда бадий-тарихий бўлиши мумкин. Маҳаллий, худудий хусусият, маҳаллий халққа яқинлик диалектизмларга бадий тилнинг халқчиллигини таъминловчи услубий восита бўлиш имконини беради.

Шоирнинг тилда соддалик, жўялилик, халқчилликка интилиши содда сўзлашув нутқининг, жумладан, диалектал хусусиятларнинг бадий матнга киришига йўл очади. Табиат манзаралари ва маҳаллий хусусиятларни реал тасвирлашга, муаллифнинг халқчил тилда ёзишга интилиши, мураккаб поэтик сўз ва иборалар ўрнига содда тил элементларини ишлатишга мойиллиги маҳаллий тил воситаларидан фойдаланиш истагини туғдиради ва муайян шева ва лаҳжага хос хусусиятларни қўллаш тарзида намоён бўлади.:

*Жабиллари теккунча ерга*

*Эгилди у чулғониб нурга.*

(О. Ҳожиёва, “Мушфиқ онажон”)

*Она, кўп бўлгучийди*

*Сизнинг газал байтингиз*

*Гўдак чоғимдағидай, бугун алла айтингиз.*

(Х. Худойбердиева, “Бу кунларга етганлар бор”)

О.Ҳожиёва ва Х.Худойбердиева шеърятинда маҳорат билан қўлланган фонетик ҳамда лугавий диалектизмлар кўплаб учрайди.

Қари сўзи бир ўрнида қарри шаклида учрайди, “р” товушининг иккиланиши (қаватланиши) бу сўз маъносига алоҳида таъкид оттенкасини бағишлаган:

*Тол тагида гавҳар тошини*

*Йўқотдингми қарри дунё.*

(О. Ҳожиева, “Кўзимнинг оку кораси”)

Қамчин сўзи сўзлашув услубига хос сўз ҳисобланади. Унинг адабий меъёрий шакли *қамчи*. Ҳ.Худойбердиева чорвадор отанинг ҳаётини тасвирлар экан, бу сўзнинг *қамчин* вариантини танлайди. Бу шакл кипчок шеvasи колоритини ўзида гавдалантиради:

*Қамчин уриб келмоқда отам,*

*Отин суриб келмоқда отам.*

*Сурон солиб яшаб кетди у,*

*Ғолиб-ғолиб яшаб кетди у.*

*Қамчин уриб келмоқда отам.*

(Х. Худойбердиева, “Бу кунларга етганлар бор”)

Мисрада “*қамчи уриб*” дейишга кўра “*қамчин уриб*” дейиш анча мос тушган. Сўзнинг ёпиқ бўгин билан тураши унинг маъносига маълум даражада таъкидлаш семасини киритган.

Агар *қарри*, *қамчин* сўзларида “*р*” ва “*н*” орттирилишини кузатсак, баъзи ҳолларда сўзлардаги товуш тушиши ходисасидан фойдаланилганини кўраимиз.

Луғатда *тизза* сўзининг *тиз* шакли айнан *тизза* деб изоҳланган. Демак, улар адабий тилнинг тенг ҳуқуқли меъёрий шакли деб ҳисобланган. Аммо *тиз* ва *тиззанинг* баъзи лаҳжавий ва функционал фарқларга эгалиги сезилади. Чунончи, *тиз* чўкмоқ ибораси ўрнида *тизза* чўкмоқ иборасини қўллаб бўлмайди. Иккинчидан, сўзнинг *тиз* шаклида маълум даражада содда сўзлашув нутқига хос маънавий оттенка мавжуд:

*Бу кун дармон кетиб тизларим толди*

*Сизки, ёнимдасиз, ёнимда азоб.*

(Х. Худойбердиева, “Бу кунларга етганлар бор”)

Бадий адабиёт тилида бирор шева ва лаҳжага оид сўзлар ва иборалар учрайди. Уларнинг шевавий хусусиятлари асарда гап юритилаётган воқеа-ҳодисаларнинг қайси ва қандай ҳудудга мансублиги, бадий образлар қайси шева вакили эканлигига боғлиқ. Масалан, асарда тасвирланаётган воқеа Хоразм ҳудудига мансуб бўлса, асар тилида Хоразм (ўғиз) шеvasининг диалектал лексикаси, талаффуз хусусиятларига оид диалектизмлар мавжуд бўлади.

Бадий тилдаги диалектизмлар асар персонажлари тилида, шунингдек, муаллиф тилида ҳам учрайди. Кейинги ҳолат асар муаллифининг маҳоратидан далолат беради. Чунки муаллиф ўз нутқида диалектизмдан онгли равишда эҳтиёж талабига кўра фойдаланиши ёки ўринсиз адабий меъёрга ҳилоф равишда ишлатиши мумкин. Кейинги ҳолат нуксон сифатида баҳоланади.

О.Ҳожиева ва Ҳ. Худойбердиеванинг шеърийати тилида бизнинг кузатишимизча, 60 га яқин луғавий диалектизмлар ишлатилган. От туркумига оид диалектизмлар нисбатан кўпроқ учрайди. Масалан:

*Тегирмондай гулдираб,*

*Матал айтди момолар.*

*Тарихлардан йўл сўраб,  
Элга қайтди донолар.*

(О. Ҳожиева, “Кўзимнинг оқу қораси”)

*Аmmo шунда танирмикан ўтқир кўзли чеварам  
Бобосининг от-яроғи, момосининг ўрмагин.*

(Ҳ. Худойбердиева, “Бу кунларга етганлар бор”)

Мазкур шоирлар шеърларида лаҳжа ва шеваларга хос бўлган *эна, чеча, ога, улим (ўғлим), чирманда, чанқовуз, жабин, чел, кўкай* каби сўзлар ҳам учрайди. Бундай сўзлар шеърятда фикр юритилаётган воқеа, объект ёки ҳодисанинг маҳаллий ҳолатини, хусусиятини ҳаққоний тасвирлаш билан бирга бадий нутққа эмоционаллик, экспрессивлик бағишлайди, тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларнинг реаллигини, табиийлигини, ҳаққонийлигини таъминлайди, персонажлар нутқининг лисоний жихатдан оригинал бўлишига хизмат қилади.

**С.БОЙМИРЗАЕВА**

(СамДУ)

### **БАДИЙ МАТНДА МУАЛЛИФ НУТҚИНИНГ МОДАЛ-ТЕМПОРАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Коммуникатив режа нутқий хабар кўринишини олишга қодир тузилма бўлиб, у яширин мантиқий предикат шаклига эгадир. Матн семантикаси муаммоси билан батафсил шуғулланган А.И.Новиков эслатганидек, сўзловчида дастлаб ахборот бериладиган предмет ҳақида тушунча, фикр бўлиши керак (1). Худди шу фикр концептуал тузилма сифатида матннинг мазмуний марказини ташкил қилиши эҳтимолдан холи эмас.

Мулоқот муҳитида «иштирок этаётган бир шахс бошқалар нутқи орқали ифодаланаётган воқеликни тушунувчи, бошқа бир шахс эса борлик ҳақидаги билимини тингловчига етказувчи вазифасини бажаради»(2).

Маълумки, нутқий мулоқот икки кўринишда воқе бўлади. Улардан биринчисида нутқий фаолият бевосита адресат-тингловчига йўналтирилиб, унинг иштирокида кечса, иккинчисида адресат мулоқот жараёнида бевосита иштирок этмайди. Адресатга йўналтирилган нутқий фаолият маълум нутқий вазиятни талаб қилади, икки томонлама кечадиган коммуникатив ҳамкорликнинг аниқ замон ва макон муҳитида юзага келишини тақозо этади. Аниқ адресатга йўналтирилмаган нутқий фаолият жараёни эса олдиндан тайёрланган ахборотни маълум қилишни кўзлайдиган вазиятда кечади ва бу вазиятда мулоқотнинг аниқ иштирокчиси биргина шахс, яъни ахборот узатувчидир, уни монологик нутқ муаллифи деб аташ ҳам мумкин. Бу ҳолатда нутқ харақатининг макон-замонга нисбатан мўлжалли бошқача мақомга эга бўлади ҳамда биз бунини бадий асарлар матни таҳлилида яққол сезамиз.

Бадий асарлар матнидаги муаллиф нутқида нутқий фаолиятнинг иккала тури ҳам қўлланиши мумкин. Айниқса, персонажлар нутқи бевосита оғзаки мулоқот шароитида кечаётганда унинг таркибида оғзаки нутққа хос белги-хусусиятларнинг мавжуд бўлиши табиийдир. Муаллиф нутқи маълум ахборотнинг олдиндан тайёрланган баёни бўлгани ва тегишли тарзда таҳрир

килингани учун маълум даражада табиийликдан ҳамда бевосита нуткий мулоқот муҳитидан йироқдир. Шу сабабли ушбу турдаги нуткий фаолият матнларининг модаллик-темпораллик кўрсаткичлари бутунлай фарқ қилиши қутулган ҳодисадир.

Бу турдаги матнларда феълнинг ўтган замон формалари кенг қўлланишда бўлади. Зеро, ўтган замоннинг бир неча шакллари бўлиб, «бу формаларнинг ҳар бири контекста бошқа сўзлар билан синтактик муносабатга киришганида, ўзининг асосий маъносидан ташқари, яна жуда кўп нозик тушунчаларни, қўшимча маъноларни аңлатади. Иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг замонга, субъект ва объектга бўлган ҳар хил муносабатини кўрсатиш билан бирга турли стилистик хусусиятларни ҳам ифодалайди»(3).

Адресатга йўналтирилмаган муаллиф нутқи, асосан, олдинги даврда содир бўлган воқеалар баёни бўлганлиги боис ҳам унинг матнида энг кўп қўлланидиган замон кўрсаткичи ўтган замон шаклидир. Муаллиф нутқида бошқа грамматик замон шакллариининг иштирокини эса ўтган давр воқеаларига муаллиф тасаввурида мавжуд бўлган замон-макон типидagi концептуал маънонинг таъсири натижасидир деб баҳолаш мумкин. Буни биз, бинобарин, муаллиф баёни коммуникатив мақсади ва ўқувчи (тингловчи)нинг ахборот мазмунини идрок этиш мақсадининг туташишида ҳам кўраимиз. Ушбу туташув ва унинг натижасида юзага келадиган коммуникатив келишувнинг кесишиш нуқтаси – муаллифнинг ўқувчига бевосита муносабатини акс эттирадиган «муаллиф чекиниши» ҳодисасидир. Бундай ҳолатда замон кўрсаткичлари муаллиф нутқига унчалик хос бўлмаган мўлжал, яъни нутқ моментига нисбатан мўлжал олиш (белгиланиш) хусусиятини сақлаб қолади. Муаллиф чекинишлари умумий баёни матнида ўзига хос илова киритмалар вазифасини ўтайди ва ёзма матнда одатда пунктуацион белгилар (вергул, тире, қавс) орқали ажратилади. Масалан, Қиёсланг: 1. *Унда фақат битта мажруҳ одам бор, у ҳам бўлса, мен эдим. Бунинг устига ёлғизлик, юракни эзадиган, ёруғ кунни ҳам қора парда орқасидан кўрсатадиган бадбахт ёлғизлик* (Ў.Умарбеков); 2. *Эрталаблари ҳўл бўлиб кетган ёстигини ҳудди қадим аждодларнинг унут яловидай уйининг олдидаги – орадан йиллар ўтгач, уйини бузаётганлар кўпориб ташлашга кучлари етмагач, қовлаб олишга мажбур бўлган – баланд толга осиб, офтобга қуритарди* (Н. Эшонқул); 3. *Кейинчалик қачон кайфияти бузилса (кайфияти эса, кўпинча, уйда бузиларди) шу кунни эслар, кўз олдида баланд тоғ тепасида ҳарсангга бир оёғини қўйиб, унга хомуш ва ўйчан тикилиб турган қизнинг сиймоси пайдо бўларди* (Ў.Умарбеков).

Шунингдек, бадий матнларда муаллиф нутқи контекстида ҳозирги ва келаси замон шакллари ҳам кенг қўлланади, аммо бунда турли замон формаларининг туташиши муаллиф нутқи матнининг ўтган замон мазмунидаги умумий темпораллик структураси занжирига кескин таъсир ўтказмайди. Чунки турли ифода шакллари туташгандагина мазмуний занжир ҳосил бўлади. Инчунун, бадий матнда (муаллиф нутқи) ҳозирги ва келаси замон шакллариининг пайдо бўлиши уларнинг захирадаги функционал имкониятларининг воқеланишидир(4).

Умуман, лисоний мулоқот жараёнида унинг иштирокчилари, шу жумладан, тингловчи ахборотни оддий қабул қилувчи нофаол референт бўлиб қолмасдан, балки унинг фаол иштирокчиси, узатилаётган ахборотни тахлил қилувчи интерпретаторга айланади.

Содир бўлаётган воқелик баёни кўзланаётган матнларда диалогик нутқ ва муаллиф монологининг муносабати драматик ва поэтик асарлардагига қараганда ўзгача кўриниш олиши маълумдир. Бу муносабат ҳақида фикр юритган В.В.Виноградов баён услубидаги бадий матнда диалогнинг «монологлашишга» интилишини ҳамда шу йўсинда ўзига хос «диалогли монолог» тузилишидаги матн ҳосил бўлишини қайд этган эди(5). Бундай шаклдаги нутқий тузилмалар, одатда, персонажнинг интрасубъектив, яъни ўз-ўзи билан суҳбати ёки шу пайтда мавжуд бўлмаган (хаёлий) суҳбатдош билан мулоқотидек қабул қилинади.

Юқорида айтилганидек, бадий асар муаллифи тасвирланаётган тўқима воқеликнинг замон-макон қамрови чегарасини ўз истагича белгилайди ҳамда ушбу воқелик баёнини турли изоҳ ва иловалар билан бойитиб бераётиб, беихтиёр ўзини асар ўқувчиси билан ягона бир замон-макон ҳудудида «юзмаюз» мулоқот юритаётгандек тасаввур қилади. Бизнинг кузатишимизча, бундай вазиятда муаллиф ўзини қаҳрамонларнинг келажакдаги тақдири ва воқеанинг қандай ривожланишидан хабардордек қилиб кўрсатади. Муаллиф нутқида бунга махсус грамматик воситалар танлови асосида эришилади ва танланган замон шакллари ифодаланаётган ҳаракатни келажакка, келаси замон ҳудудига кўчириш имконини яратади.

Бизнингча, бундай замон шакли бадий асарларда муаллифга, асосан, келажакда содир бўлиши кутилаётган воқеаларни олдиндан айтиш, «воқеликни қувиб ўтиш» имконини беради. Бунда хабар қилинаётган факт - ахборот маълум бир тарихий даврга оид бўлиши ёки бу ҳақда асарнинг олдинги қисмларида маълумот берилган бўлиши мумкин. Масалан: *Азиз китобхон! Луқмоновнинг шофёри лейтенант Мардон Рўзиевнинг Мирвали билан Луқмонов ўртасида бўлиб ўтган «савдо-сотиқ» тўғрисида маҳорат билан айтиб берган ҳикояси ёдингизда бўлса керак. Ана шу ҳужжатни Мирвалига жуда катта пулга сотгани тўғрисида рад қилиб бўлмайдиган далиллар келтирган эди (Саид Аҳмад).*

Асардаги умумий воқеалар баёнидан чекиниш кўпинча муаллиф изоҳи ва иловалари шаклида намоён бўлади ва бундай ифода усули барча адабий жанрлар учун хосдир. Киритма ёки илова тузилишидаги замон қурилмалари, юқорида айтилганидек, пунктуацион белгилар воситасида шаклланади: *Мен бошқа жойда кўкармайман. Ўйлаб-ўйлаб шу қарорга келдим, - бизни тинч қўйинг, мени деб бошқалар олдида уялган одам – ахир сиз кеча уялдингиз-ку?! Тўғрими? Мен билан бирга ўтирганингиздан уялдингиз! –Мени деб уялган одам қандай қилиб орзумга етиштириши мумкин (Н.Эшонқул)?*

Ушбу кўринишдаги темпорал структура матннинг прагматик таъсир кучини оширади ва кўзланаётган коммуникатив мақсад, яъни ўқувчи билан яқин, мустаҳкам алоқада бўлиш ҳамда унга таъсир ўтказишга эришиш бирмунча осонлашади. Бу вазиятда муаллиф баён жараёнининг бир

текислигини таъминловчи қондани бузади ва бундай қонда бузилиши беихтиёр эмас, балки онгли равишда бажарилади. Шунингдек, муаллиф ўз баёнини оғзаки нутққа яқинлаштириш ниятида унинг баёни матнида сўрок ва ундов гаплар, мулоҳаза киритмаларидан кенг фойдаланади.

Умуман, муаллиф нутқида учрайдиган чекинишлар мазмунан турли модаллик маъноларига эга, лекин булар орасида «гумон», «тахмин қилиш» маъно оттенкасининг тутган ўрни алоҳидадир. Ўзбек тили морфологик тизимида мавжуд бўлган сифатдошнинг *-(а)р, -мас* аффикси билан ясаладиган шакли келгусида бажарилиши мўлжалланаётган ҳаракатнинг ижросини тахмин қилиш, унга гумон билдириш каби модаллик мазмунига эга нутқий қурилмаларни ҳосил қилади. Худди шунинг учун ҳам А.Ҳожиев ушбу ифода воситасини «ҳозирги-келаси замон гумон формаси» деб аташни маъқул кўради(6).

Муаллиф нутқи бадий матнда келаси замон маъноларида ҳам кенг қўлланилади. Шуниси қизиқки, бу маънолар кўпроқ сўрок гаплар орқали ифодаланади. Муаллиф нутқида маълум жавобни талаб қиладиган, бевосита аниқ адресатга йўналтирилган саволга нисбатан риторик сўроқларнинг қўлланиш кўлами кенгроқдир, чунки бадий мулоқот матнида ўқувчи билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришишнинг имкони йўқ ва муаллиф саволи жавобсиз қолади. Жавобни муаллифнинг ўзи беради ёки у контекстнинг (нутқ вазиятининг) ўзидан маълум бўлади. Риторик сўроқли муаллиф чекинишлари, бизнингча, маълум қилиниши муҳим бўлган фикр-мулоҳазаларни алоҳида таъкидлаш учун хизмат қилади. Муаллиф бу фикрни ўқувчига аниқроқ ва батафсилроқ етказиш мақсадини кўзлайди.

Муаллиф нутқида учрайдиган риторик сўроқларнинг катта қисми мазмунни умумлаштириш характериға эга ва шу мазмун асосида улар айрим пайтларда афоризм-сентенциялар қаторига киритилиши ҳам мумкин. Бизнингча, ушбу турдаги риторик сўроқларни аслида семантик жиҳатдан «савол» эмас, балки «хабар берувчи» гаплар сифатида талқин қилган маъқулроқдир. Бундай хабар тасдиқ ва инкор кўринишини олди: *Унсин учун – бечора қиз учун, бу қандай фалокат, бу қандай мудҳиш, мотам? Сочларини юлиб ташлаш, юзларини қонатиб тимдалаш унинг бошиға ағдарилган оғир қайғуни заррача енгиллаштира биладимиз? Кўз ёши булоқдай қайнаган билан юракнинг ҳасратини қурита биладимиз?* (Ойбек)

Юқоридаги матн парчасида бўлишли шаклдаги феъл билан ифодаланган риторик сўроқ гап инкор маъносини ифодалашға хизмат қилган.

«Риторик умумлашма»нинг темпорал маъноси матн мазмуни билан боғлиқ, чунки ушбу тузилмаларда ифодаланаётган хабар матн воситасида маълум бир даврга, воқеа содир бўлаётган вақт оралиғига боғланади. Бу вақт оралиғи одатда ҳозирги ёки келаси замонда ифодаланади, лекин ўтган замонга мурожаат қилиш ҳолатлари ҳам кузатилиб туради. Масалан: *Одам ўзининг бахтсиз эканини аксарият ҳолларда билмай ўтади. Бахтсизликни англаш учун ўқув ва билим бўлиши керак, уни бахтдан фарқлай олиш керак. Ахир одам ўз орзуси учун курашмаса ёки орзусиз яшаса, даҳшат эмасми? Бахт туйғуси бизға азалдан ўргатиб келмишанларидек, бола-чақа кўриш ва*



уларни воёга етказиш учун ўйиб-тирилиш эмас, бахт – бани инсониятга ҳар ким қўлидан келганича хизмат қилиш эмасми? (Н.Эшонқул)

Шундай қилиб, муаллиф нутқини персонажлар нутқи (диалогик нутқ) билан яқинлаштирувчи ҳолатлар бадий асар матнидаги муҳим ҳодисалардан бўлиб, худди шу ҳолатлар асосида бадий матн мазмунининг модаллик ва темпораллик хусусиятлари шаклланади. Айнан шу хусусиятларнинг ўрганилиши, бир томондан, нутқ тизими бирликларининг ифода ва маъно камровининг бир хил эмаслигидан ва улар ўртасидаги муносабат мураккаб эканлигидан дарак берса, иккинчи томондан эса, ушбу муносабатларнинг сабаб ва оқибатини аниқлашдан туриб, нутқий фаолият жараёнида ҳосил бўладиган мазмун яхлитлиги таъминланишининг лисоний негизини топиш қийинлигидан далолатдир.

#### Адабиётлар:

- 1.Новиков А.И. Семантика текста и ее формализация. –М.: Наука, 1983, с.49.
- 2.Нурмонов А. Нутқий фаолият ва сўзловчи шахс // Раҳматулла Қўнғуровнинг илмий мероси ва ўзбек тилшунослиги масалалари. –Самарқанд, 2008, 9-б.
- 3.Сулаймонов А., Ҳожиев А., Жўраева Ж. Фель замонлари. – Тошкент, 1962, 3-б.
- 4.Ҳожиев А. Фель // Ўзбек тили грамматикаси. Морфология. –Тошкент, 1975, 503-504-б.
- 5.Виноградов В.В. Избранные труды. О языке художественной прозы. –М.: Наука, 1980, с.79.

**ДУСМОНОВА**  
(ТВДПИ)

### ЎЗБЕК ТИЛИДА ПРОПОЗИЦИЯНИНГ ИМПЛИЦИТ ВА ЭКСПЛИЦИТ ИФОДАСИ

Ўзбек тилида гапда пропозициянинг ҳам имплицит, ҳам эксплицит ифодаланиши кузатилади. Пропозициянинг имплицит ифодаси деганда фикрнинг яширин ифодаланиши тушунилади. Тилшуносларнинг фикрича, имплицит ифода тилдаги тежаш тамойили асосида юзага келади ва ахборотнинг яширин ифодаланишига йўл очади. Пропозициянинг эксплицит ифодаси эса фикрнинг бевосита очик ифодаланишини таъминлайди.

М.В.Никитиннинг фикрича, гапнинг эксплицит ифодаси икки ва undan ortik куп маъноли birlikларнинг параллель ифодаланишидан иборатдир. Бунда икки маъно бир-бирини инкор этмай, ўзаро боғлиқ, умумий контекстга тегишли бўлиши лозим(1). М.Ҳакимовнинг таъкидлашича, ошқора (эксплицит) шакл, асосан, ифода диктумидан иборат бўлади. Диктум моҳияти пропозиция мазмуни билан яна ҳам ўзининг аниқ маъносига эга бўлади.(2)

Пропозициянинг имплицит ифодаси гапнинг семантик тузилишини мураккаблаштиради, эксплицит ифода гап синтактик структурасининг мураккаблашувига сабабчи бўлади. Буни қуйидаги мисоллар тахлили орқали кузатиш мумкин:

- *Жалилнинг гапи ёлгонми ё сеникими?*
- *Уйингда Қуръон бўлса бер, Қуръон урсин, агар ёлгон гапирсам.*  
*Асадбек унинг қасамига ишонгандай бўлди...* (Т.Малик, «Шайтанат»)

Бу нутқ кўринишида *Уйингда Қуръон бўлса бер, Қуръон урсин, агар ёлгон гапирсам* гапида «Жалилнинг гапи ёлгон, менинг гапим рост» пропозицияси имплицит ифодаланadi. Имплицит тарзда ифодаланган мазкур пропозиция гапда акс этган пропозицияга қўшимча тарзда юзага чиқади. Имплицит ахборот сўзловчи томонидан айтилган қасам (*Қуръон урсин, агар ёлгон гапирсам*) орқали англашилади. Сўзловчининг қасам айтишдан мақсади ёлгон гапирмаганлигига суҳбатдошини ишонттиришдан иборат. Сўзловчи ўз мақсадини ошкора баён этишни истамагани сабабли эмас, балки фикрини таъсирчан ифода этиш мақсадида қасам орқали «Мен ёлгон гапирмайман» пропозициясини имплицит ифода этишни лозим топган.

Қуйидаги бадний матн кўринишида эса пропозициянинг имплицит ва эксплицит тарзда акс эттирилиши кузатилади:

– *Сизни ҳайдовчи мен эмасман. Сиз Зайнабга қайтинг.*

– *Ундай дема, Ношра, қайтмайман. Ҳайдама мени...Биламан, сенинг олдингда гуноҳкорман.*

– *Сиз Оллоҳ олдида гуноҳкорсиз. (Т.Малик, «Шайтанат»)*

Матндан «Сиз менинг олдимда гуноҳкор эмассиз», «Мен сизни кечирганман», «Сиз Оллоҳ олдида гуноҳкорсиз» пропозицияси имплицит тарзда англашилади. Лекин матнни ўқиш жараёнида бу пропозициянинг «Мен сиздан розиман» тарзида эксплицит кўриниши кузатилади. Матннинг «Сиз менинг олдимда гуноҳкор эмассиз», «Мен сизни кечирганман» имплицит ахбороти *Мен сиздан розиман* гапи орқали эксплицит ифодаланган. Қиёсланг:

– *Сизни ҳайдовчи мен эмасман. Сиз Зайнабга қайтинг.*

– *Ундай дема, Ношра, қайтмайман. Ҳайдама мени...Биламан, сенинг олдингда гуноҳкорман.*

– *Сиз Оллоҳ олдида гуноҳкорсиз. Мен сиздан розиман, аммо Оллоҳ рози бўладими-йўқми, билмайман. Қайтинг!*

Ўзбек тилида кўп ҳолларда матнда берилувчи ахборотни сарлавҳа орқали билиш мумкин бўлади. Баъзи ҳолларда матннинг сарлавҳаси мазмунига зид кўйилиши мумкин. Қуйидаги тўртликда ҳам имплицит ифода кузатилади:

*Хотин дер: Қўрқаман, бир замон эрим*

*Деган: – Эгри юрсанг жонинг оламан.*

*Ўттиз йил яшадик ўшандан бери,*

*Ҳар кун бир ўлимдан омон қоламан. (Э.Воҳидов, «Садоқат»)*

Шоир бу тўртликда *садоқат* ва *хиёнат* лексемаларини қўлламайди. Лекин матннинг сарлавҳаси «*Садоқат*» бўлса-да, унинг умумий мазмуни орқали *хиёнатга* ишора кузатилади. Матнда берилган *Ўттиз йил яшадик ўшандан бери, Ҳар кун бир ўлимдан омон қоламан* гапидан «Аёл ўттиз йилдан бери эрига *хиёнат* қилади» ахбороти имплицит тарзда англашилади. Шунингдек, матнда берилган *Эгри юрсанг жонинг оламан* гапидаги *-са шарт* майли феъли орқали «Эгри юрма» пресуппозицияси шаклланган.

Юкоридаги мисоллар таҳлиладан маълум бўладики, бадий матнда имплицит ва эксплицит ифодаларнинг қўлланиши матннинг умумий мазмунига таъсир қилмайди. Имплицит ифодалар персонажнинг нутқий мақсадини бавосита акс эттирса, эксплицит ифодалар бевосита рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

**Адабиётлар:**

1. Никитин М.В. Основы лингвистической теории значения. -М.: Высшая школа, 1988, с.141.

2. Ҳажимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри...дис. автореф. –Тошкент, 2001, 32-б.

**Ф. ЖУМАЕВ**  
(ТВДПИ)

**ФЕЪЛЛАРНИНГ ТАДҚИҚИ ВА КОГНИТИВ-ПРАГМАТИК  
ТАЛҚИНИ МУАММОСИ**

Феълларнинг нутқий вазият, тил эгаларининг умумий билимлари билан боғлиқ прагматик хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бу масала ўзбек тилшунослигида махсус тадқиқот объекти бўлган эмас. Аммо барча туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида ҳам феълларнинг морфологик хусусиятлари, гап қурилишида тутган ўрни, маъно турлари, синтактик имкониятлари, ясалиши, валентликлари, услубий қўлланиши, тарихий шакллари, синонимик муносабатга киришуви каби жиҳатлари агрофлича ўрганилган.

Феълларнинг морфологик белги-хусусиятлари А.Ғуломов, А.Ҳожиёвлар томонидан махсус ўрганилган(1). Феъл сўз туркумининг тадқиқига бағишланган ишлар ичида А.Ғуломовнинг «Феъл» номли тадқиқоти диққатга сазовор. Олимнинг бу китобида ўзбек тилидаги феълларнинг морфологик белги-хусусиятлари чуқур таҳлил этилган.

А.Ҳожиёвнинг «Феъл» номли китоби ҳам феъл туркумининг лисоний тадқиқига оид йирик ишлардан ҳисобланади. Бу тадқиқотда ҳам феълларнинг морфологик хусусиятлари чуқур ўрганилган. Шу билан бирга, феълларнинг маъно турлари, синтактик вазифалари, ясалиши хусусида ҳам муносабат билдирилган. А.Ҳожиёвнинг мазкур китобидаги илмий қарашлари олий ўқув юртлари учун нашр этилган бир қатор дарсликлардан ҳам ўрин олган(2).

Ўзбек тилшунослигида феълларнинг маъно турлари, семантикаси, валентликлари тавсифига оид И.Қўчқортоев, М.Миртожиев, Р.Расулов, Ў.Шарипова, С.Мухамедоваларнинг тадқиқот ишлари алоҳида ўрин тутади. Бу ишларда феъллар маъно жиҳатидан ҳаракат, ҳолат, нутқ феъллари каби йирик семантик майдонларга бўлиб ўрганилди ва уларнинг валентликлари белгилаб берилди (3).

Ўзбек тилшунослигида феълларнинг услубий хусусиятлари масаласи ҳам агрофлича ўрганилган. Хусусан, М. Содикованинг «Феъл стилистикаси» номли китобида ўзбек тилидаги феълларнинг услубий жиҳатлари хусусида илмий хулосалар чиқарилди (4).

Маълум бўладики, ўзбек тилшунослигида феъл сўз туркуми ҳар жиҳатдан жиддий ўрганилган. Бирок феъллар шу кунга қадар прагматик аспектда текшириш объекти бўлган эмас. Феълларнинг прагматик имконияти муайян контекст, нуткий вазият, тил эгаларининг ташқи олам ҳақидаги умумий билимлари ва тил кўникмалари каби омиллар билан боғлиқ ҳолда текшириш заруратини юзага келтиради.

Ўзбек тилида феълларнинг муайян контекст, нуткий вазият, тил эгаларининг ташқи олам ҳақидаги умумий билимлари ва тил кўникмалари каби омиллар билан боғлиқ ҳолда прагматик вазифа бажариши гарчи шу ном остида ўрганилмаган бўлса-да, бу ҳақда ҳам қисман маълумот берилган. Хусусан, «Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси» китоби муаллифлари *Мен Тошкентдан Москвага учдим* гапида қўлланган *учмоқ* феъли мисолида айрим феълларнинг пресуппозицияга ишора қилиши, яъни прагматик вазифа бажариши масаласига эътибор қаратганлар(5).

Феъл сўз туркумлари ичида гапни уюштира олиш хусусияти жиҳатидан алоҳида мавқега эга. Шу сабабли ўзбек тилида феъл асосли гапларни феълларнинг грамматик табиати, семантикаси, когнитив-прагматик имконияти билан боғлиқ ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, ўзбек тилшунослигида тил бирликларини прагматик йўналишда тадқиқ этиш муаммосига илк бор ўтган асрнинг 80-йилларида эътибор қаратилди(6). Кейинги йилларда ўзбек ва умумий тилшунослик доирасида прагматингвистика ва когнитив тилшуносликнинг назарий масалалари, ўрганиш объекти ва предмети масаласига муносабат билдирилди(7), ўзбек тилидаги айрим тил бирликларининг прагматик хусусиятларини ўрганишга оид тадқиқот ишлари юзага келди(8). Аммо шу кунга қадар феълларнинг когнитив-прагматик хусусиятлари махсус ўрганилмади. Бунинг натижасида гапни уюштира олиш хусусиятига эга бўлган феълларнинг прагматик вазифаларига муносабат билдирилмади. Бу эса гап қурилишида алоҳида мавқега эга бўлган феълларнинг когнитив-прагматик вазифаларини ўрганиш эҳтиёжини туғдирди. Бу ҳолат бугунги кунда ўзбек тилшунослигида феълларнинг когнитив-прагматик хусусиятларини аниқлаш долзарб масала эканлигини кўрсатади.

#### Адабиётлар:

1. Ғуломов А. Феъл. -Тошкент: ФА нашриёти, 1954, 88-б; Ҳожиёв А. Феъл. - Тошкент: Фан, 1973, 191-б.
2. Ўзбек тили грамматикаси. 1-қисм. -Тошкент: Фан, 1975, 365-527-б.; Ш.Шоабдурахмонов, М.Аскарлова, А.Ҳожиёв, И.Расулов, Х. Дониёров. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. -Тошкент: Ўқитувчи, 1980, 325-401-б.
3. Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. -Тошкент: Фан, 1977, 166-б; Расулов Р. Ўзбек тилида ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. - Тошкент: Фан, 1989, 142-б; Миртожиев М. Ўзбек тилидаги феъл валентликлари. - Тошкент: Университет, 2007, 64-б.
4. Содикова М. Феъл стилистикаси. -Тошкент: Фан, 1975, 106-б.
5. Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. -Тошкент: Фан, 1992, 115-б.

6.Нурмонов А. Кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1986, №6, 42-45-б.; Махмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти, 1986, № 6, 28-31-б.

7.Раҳимов С. Типология текстобразующих категорий: Семантика. Прагматика. Функция. -Андижан, 1990; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. -Жиззах: Сангзор, 2006; Шу муаллиф. Прагмалингвистика. -Тошкент: ЎзМЭ, 2008.

8.Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. -Самарканд, 1994; Ҳакимов М. Ўзбек тилида матнинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. -Тошкент, 2001.

**Р.ДАВЛАТОВА**  
(ТВДПИ)

## **ПРОПОЗИЦИЯНИНГ ДЕЙКТИК БИРЛИКЛАР ОРҚАЛИ ИФОДАЛАНИШИ**

Маълумки, дейктик бирликлар кўрсатиш, ишора қилиш хусусиятига эга бирликлардир. Н.Махмудовнинг фикрича, дейкислар мазмунан кучсиз, бўш сўзлар сифатида воқеа, белги, нарсаларни бевосита ифодаламай, уларга ишора, ҳавола қилади. Шунга кўра олим бу бирликларнинг гапда ҳавола бўлақлар сифатида иштирок этишини қайд этади(1).

Ўзбек тилида дейкисни юзага чиқарувчи воситаларнинг икки турини фарқлаш мумкин: 1) лингвистик воситалар, 2) экстралингвистик воситалар.

Лингвистик воситалар дейкисни юзага чиқарувчи тил бирликлари бўлса, экстралингвистик воситалар дейкисни ифодаловчи, бироқ тил бирликлари доирасига кирмайдиган новербал воситалардир.

Дейктик маънони ифодаловчи лексик воситалар сирасига олмош, равиш туркумидаги айрим сўзларни киритиш мумкин. Бундай лексик воситалар гап таркибида предмет, воқеа-ҳодиса, белги, ўрин-жой, замон кабиларга ишора қилиб, сўзловчи нутқини ихчамлаштиришга хизмат қилади. Гап таркибида қўлланган дейктик бирлик муайян бир тушунчанинг ёки ахборот (пропозиция)нинг яширин тарзда реаллашувини таъминлайди.

Маълум бўладики, дейктик бирликлар объектив борлиқдаги вазиятнинг тилдаги ифодаси – пропозиция ифодачиси сифатида ҳам қўлланиши мумкин. Бунда муайян пропозиция гапда дейктик бирлик орқали яширин тарзда юзага чиқади. Аини пропозицияга контекст асосида аниқлик киритилади. Масалан: *Шундан кейин Жўрабекни мелиса олиб кетган.* (С.Зуннунова) Бу гапда қўлланган *шундан кейин* кўмакчили қурилмасида кўрсатиш олмоши сўзловчи ва тингловчи учун олдиндан маълум бўлган ҳодисага ишора қилиб, яширин пропозициянинг шаклланишига йўл очади. Бунда олмошнинг айнан қайси ахборот ифодасига ишора қилаётганлиги контекст асосида аниқланади. Қиёсланг: *Лекин бир кун иккаласи ухлашаётган вақтда уларни чавақлаб кетишади. Шундан кейин Жўрабекни мелиса олиб кетган.*

Кўринадики, иккинчи гапда «Уларни чавақлаб кетишган» пропозициясини ифода этиш олмош иштирокида тузилган кўмакчили қурилмага юкланган. Бунинг натижасида кўмакчили қурилма пропозиция ифодачисига айланган. Бу ўринда *кейин* кўмакчисининг пресуппозицияга ишораси асосида шаклланган пропозицияни ҳам назардан соқит қилмаслик лозим бўлади.

Ушбу гапда шаклланган «Бу воқеага қадар Жўрабекни мелиса безовта қилмаган эди» пропозицияси пресуппозиция орқали юзага келган.

Дейктик бирликлар орқали гапда пропозициянинг ифодаланишини куйидаги мисоллар таҳлили орқали ҳам кузатиш мумкин: *Биз фарёдларни эшитмаймиз, билмаймиз. Шу боис биз маййитларнинг кечмишидан ибрат олмаймиз.* (Т.Малик) Ушбу микромаатнда *шу боис* кўмакчили курилмаси дейктик бирлик вазифасини бажарган. Бу дейктик бирлик гапда «Биз маййитларнинг кечмишидан ибрат олмаймиз» пропозициясининг юзага чиқиш сабабини кўрсатувчи қўшимча пропозицияга ишора қилади. Қиёсланг: *Биз фарёдларни эшитмаслигимиз, билмаслигимиз боис маййитларнинг кечмишидан ибрат олмаймиз.* Маълум бўладики, микромаатннинг биринчи қисмида шаклан очик тарзда ифодаланган пропозиция кейинги қисмида яширин ифодасига эга бўлган.

Шунингдек, нутқимизда турли хил имо-ишоралар, хатти-ҳаракатлар ҳам муайян пропозициянинг англашилишига восита бўлиши мумкин. Масалан: *Менинг ёлгон гапирётганимни ҳеч ким билмаса, ким жазолайди, буви? – сўрайман яна. Бувим кўрсаткич бармогини юқорига кўтарадилар.* (Т.Малик)

Ушбу маатндаги қўлланган «кўрсаткич бармогини юқорига кўтарадилар» хатти-ҳаракати дейктик характерга эга бўлиб, яширин пропозицияга («Оллоҳ жазолайди») ишора қилади.

Қуллас, дейктик бирликлар ҳам пропозиция ифодалаш хусусиятига эга.

#### Адабиёт:

Нурмонов А., Махмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992, 243-б.

**М.ҲАМРОЕВ,**  
**ф.ф.н. (ТДПУ)**

### **МОНОСУБЪЕКТИВ ПОЛИПРЕДИКАТИВ ГАПЛАРДА ТОБЕ МУНОСАБАТНИНГ ИФОДАЛАНИШИ**

Моносубъектив полипредикатив гаплар(1) (кейинги ўринларда “МС ПП”) шундай гапларки, уларнинг таркибида битта субъект, яъни битта эга мавжуд бўлиб, камида иккита кесим ўзининг иккинчи даражали бўлақларини бошқариб келади: *Омон шунчалик даргазаб эдики, жон оғритгани жондор қидирар эди.(F.F.)* Бу гапда битта субъект (*Омон*) мавжуд бўлиб, иккита предикат (*даргазаб эди* ва *қидирар эди*) ўзларининг тобе бўлақлари билан келган. Биз ана шундай гапларни МС ППГ лар деб атаймиз.

Бундай гаплардаги тобелик муносабатларини куйидаги турларга бўлиб таҳлил қилиш мумкин:

1. Объект муносабати. Бунда биринчи предикат гуруҳи томонидан ифодаланган объект иккинчи предикат гуруҳи орқали объект муносабати орқали изоҳланади: *Сезиб турибманки, Ҳинднинг боди ҳавосидан бир ҳафтада бир ёшга қаримоқдамен. (П.Қ.)* Мисолдаги субъект махсус сўз билан акс эттирилмаган бўлса-да, предикатларга қараб уни тикласа бўлади. Биринчи предикатнинг (*сезиб турибманки*) мазмуни иккинчи предикат томонидан тўлдириляпти.

2. Сабаб муносабати. Бунда предикатларнинг ўрнига қараб икки хил муносабат ифодаланиши мумкин: 1) биринчи предикат гуруҳи иккинчи предикат гуруҳининг сабабини изоҳлайди: *Мен Мадрасаи олиядагидан бошқа таҳсил кўрмаганман, шунинг учун бунга ёрдам қилолмайман.*(А.Қаххор); 2) иккинчи предикат биринчи предикатнинг сабабини изоҳлайди: *Кулишга ҳаққингиз бор, домла, чунки ўч оласиз!* (А.Қодирий)

3. Тўсиқсизлик муносабати. Бунда биринчи предикат гуруҳи томонидан ифодаланган воқеа-ҳодиса иккинчи предикат орқали ифодаланган воқеа-ҳодисага тўсиқ бўлолмайди: *Маҳдум деҳқоннинг чақаси борлигига қаноат қилса ҳам, Анвардан хотиржам эмас эди.*(А.Қодирий)

4. Ўхшатиш-қиёслаш муносабати. Бунда ҳар иккала предикат гуруҳлари орқали ифодаланган воқеа-ҳодиса бир-бирига ўхшатилади: *Анвар ўзини ўрдага чиқишда қандай тетик тутган бўлса, ўлим сари чиқишда ҳам ўшандоз парвосиз эди.* (А.Қодирий) Мисолдан кўриняптики, иккинчи ҳодиса (ўлим сари чиқишдаги парвосизлиги) биринчи ҳодисага (ўрдага киришда тетик тутиши) қиёсланапти.

5. Шарт муносабати. Бунда иккинчи предикат гуруҳи томонидан ифодаланган ҳодисанинг бажарилиши учун биринчи предикат гуруҳи орқали ифодаланган ҳодисанинг юз бериши керак: *Агар сиз ўз қасалхонамизда ётиб даволансангиз, совхоз ишларидан хабардор бўлиб турардингиз.* (Ҳамид Фулом.)

6. Натижа муносабати. Бунда биринчи предикат гуруҳи томонидан ифодаланган ҳодисанинг натижаси иккинчи предикат гуруҳи томонидан акс эттирилади: *Қутилмаганда хаёлига келган бу ўйдан Бобир шундай даҳшатга тушдики, бутун кучини тўглаб, ўрnidан сапчиб турди.* (П.Қодиров)

7. Атрибутив муносабат. Бунда биринчи предикатнинг белгиси иккинчи предикат гуруҳи томонидан изоҳланади: *Бегимнинг ўзлари ҳам шундай шоирпарвару шеърмуносларки, Жомий билан Навоийнинг барча зазалларини ёд билурлар.* (П.Қодиров)

8. Пайт муносабати. Бунда биринчи предикат гуруҳи иккинчи предикат гуруҳи томонидан ифодаланган ҳодисанинг пайтини изоҳлайди: *Бир вақт кўзини очиб қараса, ўзини тупроқдан чиқариб олаётганларини кўради.*(А.Қодирий)

9. Микдорий муносабат. Бунда ҳар иккала предикат гуруҳи томонидан ифодаланган воқеа-ҳодисалар микдорий жиҳатдан қиёсланади (демак, қиёс муносабати ҳам мавжуд): *Маҳдум етти тилло “нақдина”ни олиб қанча шодланган бўлса, ушанчалик ташвишга ҳам тушди.*(А.Қодирий)

10. Аниклов, изоҳлов муносабати. Бунда биринчи предикат гуруҳи орқали ифодаланган фикрга иккинчи предикат гуруҳи томонидан яна-да аниклик киритилади: *Даҳшатли бир “чиртинг-пиртинг” олдидо бош эгади, яъни Мулла Обидга имо ичда салом бериб, ... ялтоқланиб қўяди.* (А.Қодирий)

11. Релятив муносабат. Бунда иккинчи предикат гуруҳи томонидан ифодаланган ҳодисанинг қай тарзда амалга оширилиши биринчи предикат

орқали изохлади: *Бу жавобдан кейин Абдурахмоннинг дами ичига тушиб, ўз тақдирига лаънат ўқиди.* (А.Қодирий)

Курияптики, МС ППГлар предикатлари ўртасидаги муносабатлар турли-туман. Булардаги асосий белги шуки, бир предикат гуруҳи иккинчи предикат гуруҳини изохлайди, натижада тобелик муносабатлари вужудга келади.

Юқоридагилардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. МС ППГларнинг предикатлари ўртасида тобе-хокимлик муносабати мавжуд.

2. Бу тобе-хокимлик муносабатлари турли кўринишларда намоён бўлар экан.

3. Бу муносабатлар анъанавий тилшуносликда эргаш ва бош гаплар деб аталган гаплар ўртасидаги муносабатларга ўхшаб кетади. Фарқи шундаки, МС ППГлардаги предикатлар битта субъектга боғланган бўлади.

4. Иккинчи томондан бу муносабатлар ҳол ва кесим, тўлдирувчи ва кесим ўртасидаги муносабатларга ўхшаб кетади. Фарқи шундаки, бунда иккита предикат ўртасидаги муносабатлар ҳақида сўз юритиш мумкин.

#### Адабиёт:

Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. –М., 1956, с. 441.; Мяхеева Н.С. Монопредикативные и полипредикативные построения в сфере составного сказаного // Спорные вопросы синтаксиса. –М., 1974, с. 84-85.; Валгина Н.С. Синтаксис современного русского языка. –М., 1991, с. 222-223.; Перетрухин В.Н. Проблемы синтаксиса однородных членов предложения. Воронеж, 1979, с. 89.

**НАХМЕДОВА**  
(ТДПУ)

### МУРОЖААТ БИРЛИКЛАРИ ВА ПРЕСУППОЗИЦИЯ

Маълумки, ўзаро мулоқотга киришиш жараёни ижтимоий ҳаётнинг турли хил доираларида, турли хил мухитларида амалга оширилади. Турли доираларда амалга оширилган нутқий алоқа давомида қўлланган мурожаат бирликлари бевосита прагматик пресуппозиция билан боғлиқ(1). Чунки сўзловчи ўзига олдиндан маълум бўлган умумий билимлари асосида тингловчига мурожаат қилади, яъни тингловчининг ёши, касби, ижтимоий ҳолати, таниш-нотанишлигидан ҳамда ўзаро мулоқот ҳаётининг қайси доирасида (расмий ёки норасмий) амалга оширилаётганидан келиб чиқиб, унга мос мурожаат бирлигини танлайди. Мана шулар, яъни сўзловчининг умумий билиш фони мурожаат бирликларида пресуппозиция шаклида ўз ифодасини топади. Сўзловчининг қандай мурожаат бирлигини қўллашига қараб, айни пресуппозицияни аниқлаб олиш мумкин. Мулоқотчиларнинг ижтимоий алоқалари қуйидагиларга бўлинади:

- симметрик – бир поғонали, тенг бўлган муомала;
- асимметрик – турли даражадаги, тенг бўлмаган муомала(2).

Симметрик муомалада суҳбатдошларнинг ҳар иккиси ҳам бир хил, яъни тенг мавқега эга бўлади(3), уларнинг иккаласи ҳам бошқарув вазифасини бажариши мумкин: *талаба – талаба, ўқитувчи – ўқитувчи ёки ходим – ходим.* Бунда суҳбатдошлар турли (юқори ёки паст) даражада



бўлмайдилар, балки ўзаро тенг мавқега эга бўладилар ва алоқа-аралашув давомида “ўзаро тенг ҳуқуқли тингловчи” пресуппозициясига ишора қилувчи тил бирликлари ёрдамида бир-бирларига мурожаат қиладилар. Масалан: *Беллашувга тайёрмисан, мусобақадош* (“Маърифат”).

Асимметрик муомалада эса коммуникация иштирокчиларининг бири бошқарувчи бўлади, суҳбатдошлар турли поғонада “жойлашадилар”: *бошлиқ – ходим, ота – ўғил, ўқитувчи – талаба*. Асимметрик муомала ўз навбатида “қуйи мақомдаги тингловчи” ва “юқори мақомдаги тингловчи” пресуппозицияларига эга мурожаат бирликлари воситасида амалга оширилади.

Тарихан давлат бошлиқлари – подшоҳларга, шаҳзодаларга ҳатто оналари ҳам *ҳазратим, амирзодам, шаҳзодам* каби ҳурмат ифодаловчи шакллар билан мурожаат қилганлар. Бундай кўллаш тингловчининг ёши, қариндошлиги билан эмас, балки юқори даражали эканлиги билан боғлиқ. Ёзувчи П.Қодиров “Юлдузли тунлар” асарида подшоҳ Бобур Шайбонийхондан енгилиб, ишлари орқага кетган пайтда турмуш ўртоғи Ойиша бегимнинг унга бўлган ҳурматсизлигини мурожаат бирлиги орқали янада кучайтириб тасвирлайди:

...– *Менинг эгачимдан яширадиган сирим йўқ, Мирзам!*

*Бир вақтлар Бобурни улуглаб, “ҳазратим” дейдиган Ойиша бегим энди хонага ўхшаб, баландроқдан келиб, “мирзам” дейиши ҳам галати эди* (П.Қодиров, «Юлдузли тунлар»). (Демак, нафақат Ойиша бегим, балки Тошкент хони Махмудхон тоғаси ҳам унга шундай мурожаат қилган). Кўрамизки, бу ўринда сўзловчи тингловчининг кўли калта, иши юришмаган ҳолатда эканлигига мурожаат бирлиги орқали ишора қиляпти.

Тингловчининг таниш ёки нотанишлигига кўра мурожаат бирликларида “таниш тингловчи (адресат)” ва “нотаниш тингловчи (адресат)” пресуппозицияси ўз ифодасни топади. Сўзловчи ва тингловчи ёшига кўра “ёш тингловчи”, “ёши катта тингловчи” ва “тенгдош тингловчи” каби пресуппозицияларга эга мурожаат бирликлари нутқда фаол ишлатилади. Ўзаро алоқа-аралашув, мулоқотга киришиш ўрнига кўра сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги муносабат расмий ёки норасмий эканлиги мурожаат бирлигида пресуппозиция орқали ифодаланadi

Иш фаолияти, касби билан боғлиқ доираларда сўзловчи ва тингловчининг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнига кўра мурожаат бирликлари “ўзидан юқори даражадаги тингловчи”, “ўзидан паст даражадаги тингловчи” ва “ўзаро тенг ҳуқуқли тингловчи” каби пресуппозицияларни ифодалаб келади. Ижтимоий-маиший ва ижтимоий-маданий доираларда амалга ошириладиган мулоқот жараёнида бошқа доиралардагига нисбатан анча эркин ва чегараланмаган, коннотатив семали мурожаат бирликларидан фойдаланилади.

Демак, мулоқот ўрнига, шароитига, вазиятига кўра битта тингловчига турлича мурожаат шакллари билан мурожаат қилиш мумкин. Чунки ҳар бир инсон оилада, дўсту биродарлари орасида, жамиятда, хизмат доирасида ўз ўрнига, ўз мавқеига эга. Бинобарин, мурожаат бирликлари мулоқот вазияти,

сўзловчи ва тингловчининг ўзаро муносабати, тингловчининг жамиятда ва оилада тутган ўрни, унинг ёши, жинси кабилардан дарак берувчи, матнда маълум (номлашдан ташқари) пресуппозицияни ифодаловчи ўзига хос калит сўзлардир.

#### Адабиётлар:

1. Рыжова Л.П. Обращение: нормы и правила употребления // Синтаксическая семантика и прагматика. – Калинин: Изд-во Калининского ун-та, 1984. с. 116.
2. Фирсова Н.М. Испанский речевой этикет. – М., 1991. с.14; Формановская Н.И. Обращение с точки зрения коммуникативно-прагматического подхода. – М., 2002. с.83-88. // <http://www.lib.ua-gu.net>.
3. Дорофеева И.В. Английское обращение в системе языка и в дискурсе: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тверь, 2005. с.16. // <http://www.nauka-shop.com>.

**Б.ПАРДАЕВ**

**(ТДПУ)**

### **БОШЛАНҒИЧ СИНФ ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА УЗВИЙЛИК МУАММОСИ**

Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимининг жорий этилиши натижасида она тили таълими узвийлигини таъминлаш масаласи янада долзарб муаммолардан бирига айланди. Айниқса, Президент И.А.Каримовнинг «Ўз фикрини мутлақо мустақил, она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни...бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам кийин»(1) деган фикридан сўнг она тили таълимини ўқитиш масаласига бўлган муносабат тубдан ўзгарди.

Педагогика ва методика фанларида узвийлик тамойили ўқитиш самарадорлигини ошириш воситаси сифатида эътироф этилган. Аммо республикамызда бошланғич синф она тили таълими узвийлигини таъминлаш билан боғлиқ қуйидаги муаммолар мавжуд:

1.ДТС ва ўқув дастурлари, дарсликлар ҳамда ўқув-услубий адабиётлари узвийлиги-методик таъминот билан боғлиқ муаммолар.

Меърий хужжатлар доирасида ўзига хос узвийлик таъминланган. Асосий нуқсон ўқув дастурларида назарда тутилган материалларни дарсликларда ифодалаш ҳамда уларнинг ўқитиш жараёнидаги узвийлигининг таъминланмаганлиги билан ҳамда тил билимлари микдорининг озлигида кўзга ташланади. Мазкур ҳолат хатто республикамызда таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ҳам кузатилади.

2.Бошланғич синфлар она тили дарсликлари таркибини шакллантиришнинг ягона тизими ишлаб чиқилмаганлиги.

Бошланғич синф она тили дарсликлари таркибида мавзулар, назарий материаллар, машқлар матни ва шартлари, савол ва топшириқларни ифодалашда мангикий узвийликка етарли даражада амал қилинмаган. Тил фанига оид материалларни беришда ортикча, ўринсиз такрорларга йўл қўйилган. Масалан: 1-синф.7-бет: “Товушлар ҳарфлар билан ифодаланеди”. 2-синф. 7-бет: “Товушлар ёзувда ҳарфлар билан белгиланади”. 3-синф.13-бет: “Товушлар ёзувда ҳарфлар билан белгиланади”. Ёки 1-синф. 32-бет: “Алифбода ҳарфлар тартиб билан жойлашади”. 2-синф. 24-бет: “Алифбо

тартиб билан қўйилган барча ҳарфлардир”. 3-синф. 16-бет: “Тартиб билан берилган барча ҳарфлар алифбодир” каби. Бундай такрорларни машқ шартлари ва назарий материалларни ифодалашда ҳам учратамиз. Дарсликларда ўқувчиларнинг график ва орфографик кўникмаларини узвий ва изчил тарзда тарбиялаш юзасидан машқлар тизими ягона талаб асосида ифодаланмаган.

3. Она тилидан назарий материалларни узвий ифодалаш билан боғлиқ номутаносибликлар.

1-синф она тили дарслиги (Т.Ғаффорова, Э.Шодмонов, Х.Ғуломова)да мавзулар «Товушлар ва ҳарфлар», «Сўз», «Нутқ. Гап» кетма-кетлигида жойлаштирилиши бир қараганда тўғридек туюлса-да, бизнинг назаримизда, биринчи синф ўқувчиларига дастлаб нутқ ва гап мавзулари юзасидан элементар тушунчаларни сингдириш, сўнгра мазкур билимларнинг ажралмас таркибий қисмлари сифатида онгли равишда “Товушлар ва ҳарфлар” ва “Сўз” мавзуларини ўргатиш мантиқан мақсадга мувофиқ бўлади.

2-синф она тили (К.Қосимова, С.Ғузаилов, А.Неъматова) дарслигида назарий тушунчалар билан уларни мустаҳкамлашга қаратилган машқ ва топшириқлар узвийлиги бузилган. Масалан, дарсликда (5-бет) қуйидаги тушунчалар берилган:

Гапнинг биринчи сўзи бош ҳарф билан бошланади. Гапнинг охирига нукта(.), сўрок (?), ундов (!) белгиси қўйилади. *Биз анҳорда чўмилдик. Сен сузишни биласанми? Чўмилиш қандай маза!*

7-машқ. *Билим ҳақидаги мақолларни ўқинг.* Билим – ақл чироғи. Билим бахт келтиради. Билим давлатдан қиммат. Билмасанг, билганлардан сўра.

*Охирги икки мақолни кўчиринг, мазмунини айтиб беринг.*

8-машқ. *Ўқинг. Топишмоқларнинг жавобини топинг.*

*Ер тагида олтин қозиқ,*

*У ҳаммага бўлар озиқ.*

*Топишмоқни жавоби билан бирга ёзинг.*

9-машқ. *Ўқинг. Матнда нечта гап бор?*

*Шавкат кучукча боқди. У кучукчага Зийрак деб ном қўйди. Зийрак яхши ўсяпти. Кўчиринг. Кучукчага қўйилган номни билдирган сўзнинг таънига чизинг.*

4. Таълим муваффақияти унинг субъектлари фаолияти билан узвий боғлиқ, у муайян ўқув материаллари мазмуни изчиллиги ва узвийлиги асосига қурилади. Профессор Б.Тўхлиев ўқитувчи-ўқувчи фаолиятини она тили дарслари мазмунининг муҳим таркибий қисми сифатида эътироф этади. Мазкур муносабат асосини ташкил қилувчи ўқув материаллари дарсликда мавжуд машқлар ва топшириқлар ҳисобланади. Амалдаги дарсликлардаги ўқув машқ ва топшириқларнинг миқдори камлиги, матнлари мазмуни ва шартларининг ўхшашлиги ўқувчиларда мустақил ва ижодий ишлаш кўникмалари узвийлигини мунтазам тарбиялаш жараёнига маълум миқдорда тўсқинлик қилади.

5. Бошланғич синф она тили фанини ўқитишда методик адабиётлар таъминоти узвийлиги билан боғлиқ муаммолар.

Бошланғич синф она тили дарслари самарасини ўқитувчининг интеллектуал салоҳияти, машғулотларни анъанавий ҳамда илғор педагогик технология ва методларлар асосида ўтиши белгилайди. Мазкур масала бошланғич синф она тили фанини ўқитиш юзасидан мавжуд методик адабиётлар даражасига боғлиқ. Бошланғич синф она тили ўқитиш методикаси фанидан олий ва ўрта-махсус таълим муассасалари талабалари, амалиётчи-ўқитувчилар учун илғор метод ва технологияларни қамраб олган жиддий методик қўлланма яратиш масаласи методист олимларимиз олдида турган долзарб муаммолигича қолиб келмоқда.

Демак, бошланғич синф она тили таълими мазмунида узвийлик муаммоси мавжуд, унинг ижобий ечими ўқувчиларнинг барча фанлардан пухта билим олишларини таъминлашга хизмат қилади. Зеро, бошланғич синфлар учун мўлжалланган янги тахрирдаги ДТСда она тили фани нафақат ўқув предмети, балки бутун таълим тизимини уюштирувчи таълим жараёни сифатида эътироф этилади.

Адабиёт:

Баркамол авлод - Ўзбекистон таракқиётининг пойдевори. –Тошкент: Шарк, 1997, 9-б.

О.МУРОДУЛЛАЕВА  
(ТВДПИ)

### СЎРОҚ ОЛМОШЛАРИДА ЗИДЛАНИШ БЕЛГИСИНИНГ ЙЎҚОЛИШИ ВА МЎЪТАДИЛЛАШУВИ

Ўзбек тилида ўзаро зидланишдаги айрим сўроқ олмошлари муайян нутқий қўлланишда ўзига хос бўлмаган вазифада, иккиламчи вазифада ишлатилиб, зидланиш белгисини йўқотади. Натижада иккиламчи вазифадаги олмошнинг ўзаро зидланишдаги олмош билан зидланиш белгиси мўътадиллашади. Нутқда қуйидаги сўроқ олмошларининг зидланиш белгиси мўътадиллашади.

*Ким – нима* сўроқ олмошлари зидланиш белгисининг йўқолиши. *Ким – нима* сўроқ олмошларида зидланиш белгисининг мўътадиллашуви қуйидаги ҳолатларда кузатилади: а) *нима* сўроқ олмоши гапда сўроқни кучайтириш учун қўлланиб, сўз-гап вазифасида келганда, унинг шахсга нисбатан сўроқни билдирувчи *ким* олмоши билан зидланиш белгиси йўқолади. Масалан: – *Нима, ўзининг қўли йўқми?... (Ў.Ҳошимов, «Икки эшик ораси»)* Бу нутқий парчада қўлланган *нима* сўроқ олмоши нарса-предмет ҳақидаги сўроқни билдирмайди. Бу ҳолатда унинг *ким* сўроқ олмоши билан зидланиш белгиси йўқолади; б) *нима* сўроқ олмоши гапда «ҳеч нарса эмас» маъносига қўлланганда ҳам *ким* олмоши билан зидланиш белгисини йўқотади. Масалан: – *Тўй нима, зат-гўт этади, бир кунда ўтиб кетади. (Ў.Ҳошимов, «Икки эшик ораси»);* в) *нима* сўроқ олмоши *сенга (менга, унга, бизга, сизга) нима, ишинг нима, нима гап, нима бўлди, нима қилади (нима қилсин)* каби қатор синтактик қурилмалар таркибида ҳам қўлланади. Бундай синтактик қурилмалар таркибида *нима* сўроқ олмоши иккиламчи вазифада қўлланиши

сабабли нарса-предметга нисбатан сўрокни билдирмайди. Бу ҳолатда ҳам *нима* сўрок олмошининг *ким* олмоши билан зидланиш белгиси йўқолади. Масалан: – *Сени ушинг нима!* – «Қора аммам» дадамга қараб илжайди. (Ў.Ҳошимов, «Икки эшик ораси»). – *Нима бўлди, болажон?* (Ў.Ҳошимов, «Икки эшик ораси»); г) *ким* сўрок олмоши *ким билсин* // *ким* *билади* синтактик қурилмаси таркибида ҳам қўлланади, аммо бу қурилма таркибида шахсга нисбатан сўрокни билдирмайди. Нутқда *ким билсин*/*ким билади* синтактик қурилмалари «Билмасам» ёки «Билмайман» ахборотини ифодалаш учун қўлланади. Бундай қурилмалар таркибида *ким* сўрок олмошининг нарса-предметга нисбатан сўрокни ифодалаш жихатидан фарқланувчи *нима* олмоши билан зидланиш белгиси йўқолади. Масалан: *Уқубатлар ичида бино этилган бу қошонани эслашармикан, бу масканда қандай томошалар кечишидан хабарлари бормикан?... Ким билсин!* (Э.Аъзам, «Шоирнинг тўйи»).

Куйидаги ҳолатда эса сўрок олмошлари зидланиш белгисининг мўътадиллашуви кузатилади.

*Нима* – *қайси* сўрок олмошлари зидланишида мўътадиллашув кузатилади. Маълумки, *нима* сўрок олмоши нарса-предметга нисбатан сўрокни билдиради, *қайси* сўрок олмоши (1) эса предметнинг тартибга ёки ўринга нисбатан белгисини аниқлаш учун қўлланади. Бу олмошлар мана шу хусусий белгилари асосида зидлик муносабатига киришади. Баъзан *нима* сўрок олмоши *қайси* олмоши ўрнида предметнинг тартибга нисбатан белгисини аниқлаш вазифасида қўлланади. Бундай ҳолатда *нима* сўрок олмошининг *қайси* олмоши билан зидланиш белгиси мўътадиллашади. Масалан: – *Шунчалик гап кўпми, нимадан бошлашни билмаяпсиз?* (С.Аҳмад, «Жимжитлик») Ушбу гапда қўлланган *нимадан* олмоши нарса-предметга нисбатан сўрокни англатмайди. Бу олмош *қайси (қайсисидан)* олмоши ўрнида предметнинг тартибга нисбатан белгисини аниқлаш вазифасида қўлланган. Бунинг натижасида *нима* – *қайси* сўрок олмошлари зидланишида зидлик белгиси мўътадиллашган.

*Нима* – *қанақа* сўрок олмошлари зидланиш белгисининг мўътадиллашуви. Маълумки, *нима* сўрок олмоши нарса-предмет ҳақидаги, *қандай* олмоши белги ҳақидаги сўроқни англатади. Бу олмошлар мана шу хусусий белгиси асосида зидланиш муносабатига киришади. Айрим ҳолларда *нима* сўрок олмошининг *қандай* олмоши вазифасида қўлланиши кузатилади. Бундай ҳолатда *нима* сўрок олмошининг *қандай* олмоши билан зидланиш белгиси йўқолади. Масалан: *Айтганингдан нима фойда?* // *Айтганингдан қанақа фойда?* Бу гапда *нима* сўрок олмоши белгига нисбатан сўрокни ифодалаш учун қўлланган. Натижада *нима* сўрок олмошининг *қандай* олмоши билан предмет ёки белгига нисбатан сўроқни англатиши жихатидан зидланиш белгиси мўътадиллашади.

Сўзлашув нутқида *Отинг нима?* сўрок гапи кенг қўлланади. Бундай гапда *нима* олмоши иккиламчи вазифада қўлланади, яъни белгини аниқлаш вазифасини бажаришга бўйсундирилади. Шу сабабли *нима* олмоши белгини аниқлаш учун қўлланувчи *қанақа* сўрок олмоши билан вазифадошлик

муносабатига киришади. Натижада *нима* олмоши нарса-предмет ҳақидаги сўроқни англантиши жиҳатидан фарқловчи белгисини йўқотиб, белги-хусусият ҳақидаги сўроқни англатувчи қандай сўроқ олмоши билан мўътадиллашган. Қиёсланг: – *Оти нимаиди ўзи?* (Э.Аъзам, «Шоирнинг тўйи») // – *Оти қанақа эди ўзи?*

*Қаердан* – *кимдан*, *қаерга* – *кимга* сўроқ олмошлари зидланиш белгисининг мўътадиллашуви. Ўзбек тилида *қаердан*, *қаерга* сўроқ олмошлари ўринга нисбатан сўроқни англатади. Бу олмош ўринга нисбатан сўроқни ифодалаш жиҳатидан шахс, нарса-предмет, белги, миқдор, ҳаракат-ҳолатга нисбатан сўроқни билдирувчи олмошлар билан зидлик муносабатига киришади. *Қаердан* сўроқ олмоши баъзан шахсга нисбатан сўроқни ифодалаб, *кимдан* олмоши вазифасида, *қаерга* олмоши эса *кимга* олмоши вазифасида қўлланади. Бундай ҳолатда *қаердан* сўроқ олмошининг *кимдан* олмоши билан, *қаерга* олмошининг *кимга* олмоши билан зидланиш белгиси мўътадиллашади. Масалан: 1. *Қаердан эшитдинг?* // *Кимдан эшитдинг?* 2. *Қаерга учрадинг?* // *Кимга учрадинг?*

Шуниси характерлики, сўроқ олмошларида мўътадиллашув ҳодисасининг юзага чиқишида контекст, нутқий вазият, кишиларнинг тил кўникмалари муҳим ўрин тутади. Нутқ эгалари сўроқ олмошларининг нутқдаги барча вазилавий имкониятларидан хабардор бўлсалар, уларни гапла турли вазифаларида қўллай оладилар. Демак, нутқий қўлланадиган тил бирлигининг барча хусусиятларини билиш муҳим ўрин тутади.

А д а б и ё т:

Ўзбек тили грамматикаси. Т. 1. -Тошкент: Фан, 1975, 348-б.

**Л.БОБОХОНОВ**  
(ТВДПИ)

### МОДАЛ СЎЗЛАРНИНГ ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбек тилида мустақил ва ёрдамчи сўзлар туркуми оралигидаги турувчи алоҳида сўзлар туркуми тўғрисида маълумотлар кўплаб кузатилади. Алоҳида сўзлар туркумининг муайян контекстда ифода муносабати масаласи, яъни прагматик хусусиятларига айрим манбаларда муносабат билдирилган(1).

Маълумки, модал сўзлар сўзловчининг ўзи англатаётган фикрга турли муносабатини ифодаловчи бирликлар ҳисобланади (2). Ш.Раҳматуллаев модал сўзларни икки асосий гуруҳга ажратади: фикрнинг аниқлигини ифодаловчи модаллар, фикрнинг ноаниқлигини ифодаловчи модаллар(3). Муаллифлар жамоаси томонидан нашр этилган “Ўзбек тили практикуми” ўқув қўлланмасида уларнинг фикр аниқлигини, фикр ноаниқлигини, фикр тартиби ва сўзловчи муносабатини билдирувчи, ҳиссий ҳолат англатувчи, тасдиқ, мавжуд-мавжуд эмаслик маъноларини ифодалаш кайд этилади(4).

Кўринадик, ҳар икки таснифда сўзнинг субъектив модаллик ифодалаш жиҳати инobatга олинган. Ўзбек тилида муайян нутқий вазиятда субъектив муносабат ифодалаш бирга муайян пропозиция ифодаловчи модал сўзлар ҳам мавжуд. Бундай модал сўзларда прагматик маъно ифодаси аниқ кўзга ташланади. Буни қуйидаги мисоллар таҳлилида ҳам кузатиш

мумкин: *Албатта, ночор одамга ёрдам бериш – улуг савоблардан.* (Т.Малик, “Меҳмон туйғулар”) Ушбу синтактик қурилмада *албатта* модал сўзи гапдан англашилувчи “*Ночор одамга ёрдам бериш – улуг савоблардан*” фикрни тасдиқлаш мақсадида киритилган, яъни сўзловчининг субъектив муносабати шу модал сўз орқали реаллашган. Бу модал сўз «Мен бу фикрни тасдиқлайман» пропозициясини шакллантиради.

Куйидаги гапда ҳам модал сўз орқали прагматик маъно ифодаланиши кузатилади. Масалан: *Унинг бориши аниқми? – Албатта!* (Сўзл.) Ушбу матнда *албатта* модал сўзи сўз-гап вазифасида қўлланган, шу сабабли бу сўз-гап орқали “Унинг бориши аниқ” мазмунидаги ахборот ифодаланadi. Шунинг билан бирга, бу модал сўз сўзловчининг шу фикрга ишонч муносабатини юзага чиқарувчи восита ҳам бўлиб келади.

Хуллас, модал сўзлар гапнинг семантик тузилишида ўз ўрнига эга тил бирлиги бўлиб, унинг ифода имкониятлари муайян контекстда реаллашади. Бу ўринда модал сўзларнинг прагматик хусусият касб этиши муҳим аҳамиятга эга. Бу эса мазкур сўзларнинг нутқдаги кўринишларини лингвопрагматик нуқтаи назардан ўрганиш лозимлигини кўрсатади.

#### Адабиётлар:

1. Ўринбоева Д. Модал лексемаларнинг прагматик талқини / Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 2003.
2. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. –Тошкент: Университет, 2006, 135-б.; Асқарова М., Юнусов Р., Йўлдошев М., Муҳамедова Д. Ўзбек тили практикуми. - Тошкент: Иқтисод-молия, 2006, 188-б.
3. Раҳматуллаев Ш. Кўрсатилган асар, 135-б.
4. Асқарова М., Юнусова Р., Йўлдошев М., Муҳамедова Д. Кўрсатилган асар, 188-б.

**Д.КЎЛБОЕВА**  
(ТВДПИ)

### ИСТАК ГАПЛАР ХУСУСИДА

Ўзбек тилида гапнинг ифода мақсадига кўра турлари тўғрисида турли хил таснифлар кузатилади. Айрим манбаларда гапнинг тўрт тури: дарак, сўрок, буйрук, ундов гаплар (1), баъзиларида учта: дарак, сўрок, ундов гаплар (2) фаркланади. Кейинги йилларда гапнинг ифода мақсадига кўра яна бир тури - истак гаплар ҳам эътироф этилмоқда(3). Ўзбек тилида истак гаплар С.Солихўжаева томонидан эмоционал гапларнинг бир тури сифатида қисман ўрганилган. Олиманинг фикрича, истак гапларнинг икки хил кўринишини ажратиш мумкин: 1) сўзловчининг ушалиши кийин бўлган орзу-истагини ифодаловчи истак гаплар; 2) сўзловчининг ушалиши мумкин бўлган ёки умид қилса бўладиган орзу-истагини ифодаловчи гаплар(4). Д.Лутфуллаева эса истак гапларда куйидагилар акс этишини қайд этади: 1) сўзловчининг ҳали юзага чиқмаган ҳаракатнинг бажарилиш-бажарилмаслигини исташи; 2) сўзловчининг ўзи ва тингловчига олдиндан маълум бўлган амалдаги ҳаракатнинг аксини бажарилиш-бажарилмаслигини исташи; 3) сўзловчининг объектив оламда муайян нарса-предметнинг мавжуд ёки йўқ бўлишини исташи; 4) сўзловчининг объектив оламда мавжуд бўлган нарса-предметнинг йўқ бўлишини ёки аксинча, воқелиқда мавжуд бўлмаган нарса-предметнинг

мавжуд бўлишини исташи, орзу қилиши каби коммуникатив нияти акс этиши(5).

Кўринадики, истак гаплар сўзловчининг истак-хохиши, орзу ва умидининг нутқдаги ифодаси сифатида юзага чиқади. Ўзбек тилида лексик воситалар ёрдамида шаклланган истак билдирувчи гапларнинг семантик асосини истак ифодаловчи лексемалар ташкил қилади. Истак ифодаловчи лексемаларга *истамоқ, хоҳламоқ, тусамоқ* каби сўзлар киради. Бу лексемаларнинг луғавий маъносидан истак семаси мужассамлашган бўлади. Мазкур семанинг реал ифодаси муайян контекстда намоён бўлади. Масалан: *...Шу боис аёл зоти ҳамиша бошида паноҳи бўлишини хоҳлайди.* (“Ойдинда юрган одамлар”)

Ушбу гапда *хоҳлайди* лексемаси орқали сўзловчининг истак-хохиши ифодаланган. Мазкур лексеманинг гапда муайян иш-ҳаракат маъносини англатувчи лексема билан боғланиб келиши натижасида сўзловчининг истагини ифодаловчи ҳамда бевосита объектив воқелик билан боғланган кўшимча ахборот битта гапга бирлашган. Яъни гапда “Аёл зоти ҳамиша бошида паноҳи бўлишини хоҳлайди” ва “Аёл зотининг ҳамиша бошида паноҳи бўлади” ахборотлари ифодаланган.

Айрим истак билдирувчи гапларда эллипсис ҳодисаси кузатилади. Масалан: *...Кўнгли қирларни, далаларни, ишқилиб олис-олис жойларни яна тусай бошлаган эди.* (Чўлпон, “Кеча ва кундуз”) Ушбу гап аслида “...Кўнгли қирларга, далаларга, ишқилиб олис-олис жойларга чиқишни яна тусай бошлаган эди” мазмуний тузилишига эга бўлиб, *чиқиш* лексемаси эллипсисга учраган. Кўринадики, ушбу гапда ҳам сўзловчининг истак-хохиши ифодаланган ахборотлар мавжуд.

Ууллас, ўзбек тилида истак ифодаловчи лексемалар истак гапларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга воситалардандир. Истак ифодаловчи лексемалар билан шаклланган содда гаплар мазмунан мураккаб бўлади.

#### Адабиётлар:

1. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. -Тошкент: Фан, 1966, 38-б.
2. Исматуллаев Х. Виды предложений по цели высказывания в современном узбекском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. -Ташкент, 1965, с.4.
3. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис. - Тошкент: Ўқитувчи, 1995, 46-б.
4. Салиходжаева С. Эмоциональные предложения в современном узбекском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. -Ташкент, 1981, с. 21.
5. Лутфуллаева Д. Гап қурилиш қолипи ва пропозитив структураси ўртасидаги муносабат. - Тошкент, 2008, 59-б.

**ДНОСИРОВА**  
(ТДПУ)

### ЁРДАМЧИСИЗ ҚЎШМА ГАПЛАРДА ҚИЁС МАЗМУНИ

Қўшма гап синтаксисига доир айрим манбаларда қўшма гаплар уч турга (боғланган қўшма гаплар, эргашган қўшма гаплар ва боғловчисиз қўшма гапларга) ажратилиб тасниф қилинган бўлса(1), айримларида тузилишига кўра қўшма гапларнинг икки тури (боғланган қўшма гаплар ва эргашган қўшма гаплар) мавжуд эканлиги, ёрдамчисиз бирикадиган қўшма гаплар



алоҳида тур бўлмай, юкоридаги ҳар икки турнинг услубий талабга кўра компонентларни бириктирувчи ёрдамчилар қўлланмаган кўриниши деб қайд этилади (2).

Ёрдамчисиз бирикадиган қўшма гаплар тенгланиш ёки тобеланиш орқали бирикиб, пайт, сабаб, шарт, изоҳлаш, зидлик, ўхшатиш, киёслаш-таққослаш каби мазмунни ифодалайди ва боғланган қўшма гап, эргашган қўшма гапларнинг синоним варианты бўлиб келади.

Киёслаш-таққослаш мазмунини ифодалаган ёрдамчисиз қўшма гаплар, асосан, тенглашиш муносабатида бирикади ва боғланган қўшма гапларга синоним бўлиб келади.

Бу хил ёрдамчисиз қўшма гаплар кўпинча икки компонентдан ташкил топиб, унинг таркибидаги турли бўлақлар таққосланади, киёс қилинади. Масалан: *Билимли ўзар, билимсиз тўзар.* (Мақол) *Нолиш билан иш бўлмас, мард номардга тиз чўкмас.* (Мақол) *Кўнгли очиқнинг қўли очиқ, кўнгли ёпиқнинг дили ётақ.* (Мақол)

Ёрдамчисиз қўшма гапларнинг бу хилдаги турида предмет, шахс ёки воқеа-ҳодисани киёслаш-таққослаш учун кўпинча *яхши* ва *ёмон* сўзлари ишлатилиши мумкин. Масалан: *Яхшини мақтаган ярашур, ёмонни мақтаган адашур.* (Мақол) *Яхши рўзгор-жаннат, ёмон рўзгор-дўзах.* (Мақол) *Яхшига қора ёқмас, ёмонга эл боқмас.* (Мақол) *Яхши ҳаммага ёндаштираб, ёмон йўлдан адаштираб.* (Мақол)

Киёс мазмунини ифодаловчи ёрдамчисиз қўшма гапларнинг иккинчи компоненти баъзан эллиптик гап шаклида тузилади. Бунда қўшма гапларнинг ҳар икки компонентидан феъл кесим вазифасида бир хил сўз қўллангани учун олдинги компонентдан феъл кесим иштирок этса ҳам, кейинги компонентдаги феъл кесим қўлланмаслиги, тушиб қолиши мумкин: *Яхшидан боғ қолур, ёмондан доғ...* (Мақол) *Дарахт япроғи билан гўзал, инсон меҳнати билан...* *Яхшилик нур келтираб, ёмонлик зулмат...* (Мақол)

Мисоллардан кўринадики, ёрдамчисиз қўшма гапнинг иккинчи компонентидаги феъл кесим олдинги компонент феъл кесимнинг такрори бўлгани учун ҳам қўлланмай, эллиптик гап шаклида келган.

Бу хилдаги ёрдамчисиз қўшма гапларда икки компонентнинг кесими бир хилдаги от кесим билан ифодаланган бўлса, эллиптик ҳодиса деярли учрамайди, яъни ҳар икки компонентдаги бир хил от кесимлар тўлиқ ифодаланadi. Масалан: *Кўп сўзнинг ози яхши, оз сўзнинг ўзи яхши* (Мақол)

Киёс-таққослаш мазмунини ифодалайдиган ёрдамчисиз қўшма гапларда шу хил мазмунни ифодалаш учун антонимлар иштирок этиши мумкин. Бундай антонимлар ҳар икки компонентда бир ёки бирдан ортик кела олади. Масалан: *Кучли одамнинг газабидан кўрқманг, ожсизникдан кўрқинг* (Ў.Ҳошимов). *Дўст ачитиб гатираб, душман кулдириб гатираб* (Мақол). *Аёл меҳри-асалдан тотли, аёл макри - захардан хавfli* (Ў.Ҳошимов)

Қўшма гаплар таркибида қўлланадиган антонимлар икки хил кўринишга эга. Биринчи хилдаги антонимлар соф антонимлар бўлиб, икки кутбда зидлик ифодаланган ҳолда иштирок этади: *Катта кема қаёққа юрса, кичик кема ҳам шу ёққа юради.* Иккинчи хил антонимлар маълум гап таркибига (контекст

таркибига) киргандагина мазмунан зидлик ифодалайди - антонимлик вазифасини бажаради. Бу хил сўзларни нисбий антонимлар дейиш мумкин. Масалан: *Кулишни билмайдиган одам - бахтсиз одам. Ёшларини билмайдиган одам - икки ҳисса бахтсиз одам* (Ў.Ҳошимов) *Дўст кенгашда билинади, семиз тобоқда билинади* (Мақол) Мисолларда *«ёшларини билмайдиган - кулишни билмайдиган»* иборалари, *«Дўст-семиз», «кенгашда-тобоқда»* сўзлари, *«Баҳор чоғи-қуз келганда», «ёшлик чоғи-кексайганда», «беҳисоб-ҳисобли»* сўзлари нисбий антоним вазифасида келиб қиёслаш мазмунини ифодалаган.

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, қиёс мазмуни ифодаланган ёрдамчисиз қўшма гаплар камида икки пропозициядан ташкил топади.

«Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси» номли тадқиқотда қиёс мазмуни гаплар учун қуйидаги схема (формула) тавсия этилган:  $\{A[B(V)C]\}$ . Формулада субъектнинг рамзи учун А белгиси, қиёс эталони рамзи учун В белгиси, қиёс кўрсаткич рамзи учун В белгиси, қиёс асоси рамзи учун С белгиси ишлатилган (3).

Шу формула асосида содда ва қўшма гапларни қуйидагича кўрсатиш мумкин:

1) *Ўқиган ўғил - отадан улуг* - содда гап  $\{A[B(V)C]\}$

2) *Аёлнинг меҳри - асалдан тотли, аёлнинг макри - заҳардан хавфли*  $\{A[B(V)C]\} + \{A[B(V)C]\}$

Қиёс мазмунини ифодаловчи гаплар тузилишига кўра содда гап ва қўшма гап тарзида шаклланади. Бу хил мазмун қўшма гапнинг ёрдамчиларсиз бирикадиган турида кўпроқ ифодаланган бўлади.

#### А д а б и ё т л а р :

1. Абдурахмонов Ғ. Қўшма гап синтаксиси асослари. –Тошкент: Фан, 1961; Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўшма гаплар. –Тошкент: Фан, 1962; Нурмонов А., Махмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1993

2. Гуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. –Тошкент: Ўқитувчи, 1987.

3. Нурмонов А., Махмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. –Тошкент: Фан, 1993, 130-б.

**Д. АБДУЛЛАЕВА,  
аспирант (ТДПУ)**

### ҚЎШМА СЎЗЛАРДА АНТИСЕМИЯ

Ҳар бир ясалманинг антисемик (семантик жиҳатдан зидлик) муносабатини таъминловчи семани унинг таркибидаги лексик компонент ташийди (*маъноли – маъносиз* каби ўзакдош сўзлар зиддияти бундан мустасно). Қўшма сўзлар содда сўзлардан фарқли равишда биттадан ортик лексема бирикувидан ташкил топар экан, бундай сўзлар антисемияси содда сўзларга нисбатан мураккаб характерга эга. Мазкур вазиятда зидлик потенциалсининг айнан қайси компонент таркибида бўлиши муҳим, чунки композицион усулда ҳосил бўлган сўзлар антисемиясининг юзга келишида, асосан, унинг таркибидаги бир компонент устунлик қилиши кузатилади.

Масалан, *раҳмдил* сўзини *бешафқат* сўзи билан зидлик ҳосил қилишида унинг *раҳм* қисми муҳим роль ўйнаган: *раҳм* – «ачиниш, шафқат, марҳамат туйғуси», *раҳмдил* – «ачиниш, шафқат, марҳамат туйғусига эга инсон», *бешафқат* сўзи эса «раҳм, шафқат туйғусига эга эмас, шафқатсиз» маъносини англатади. Кўриб турганимиздек, *бешафқат* сўзига нисбатан антисемияни юзага келтирган сема *раҳм* сўзида жойлашган, шундай экан, *раҳмдил* – *бешафқат* жуфтлигидан ташқари, *раҳм* – *бешафқат* жуфтлиги ўртасида ҳам антисемия мавжудлигини эътироф этиш лозим.

Биттадан қисми интеграл бўлган икки қўшма сўз муносабатидаги антисемияда бу янада яққол намоён бўлади. Зеро, бундай вазиятдаги семантик зиддиятни дифференциал компонентлар юзага келтиради. Масалан: *бир хил* – *ҳар хил* жуфтлигида биринчи қисмлар зиддиятни, иккинчи қисмлар эса интеграцияни таъминлаб турибди. Буни, айниқса, феъл туркумидаги мураккаб сўзлар антисемиясида кузатишимиз мумкин.

Феълнинг композицион ясалишидаги бир компонентнинг устунлик қилиши кўп учрайдиган ҳолат. Тилшунослигимизда қўшма феъллар таркибида келадиган *қилмоқ*, *этмоқ*, *айламоқ* каби ёрдамчи элементлар ўз функцияси жиҳатидан аффиксга яқин туриши ҳақида кўплаб мулоҳазалар билдирилган(1). Масалан: *инкор қилмоқ* – *тасдиқ қилмоқ*, *безовта бўлмоқ* – *хотиржам бўлмоқ*, *зид келмоқ* – *мос келмоқ* каби ўринларда қўшма сўзлар таркибидаги *қилмоқ*, *бўлмоқ*, *келмоқ* сўзлари, асосан, умумий грамматик жиҳатдан сўзга таъсир кўрсатган, аммо соф семантик нуқтаи назардан лексемалар англатаётган воқеликда айтирли ўзгариш бўлган эмас. Чунки бу вазиятда «ҳаракат» семаси деривациядан сўнггина, яъни *қилмоқ*, *бўлмоқ*, *келмоқ* сўзлари асосида ҳосил қилинган дейиш нотўғри. Эътибор берайлик, *инкор қилмоқ* қўшма сўзининг биринчи қисми (*инкор* сўзи) феъл туркумидаги сўз бўлмаса-да, унинг семантик таркибида «ҳаракат» семаси мавжуд. Ҳатто изохли лугатларда ҳам бу икки ҳолатга бир хил шаклдаги мазмуний изох берилган: *инкор* – «рад этиш, тан олмаслик...», *инкор қилмоқ* – «тан олмаслик, рад этмоқ...»(2)

Кўриб турганимиздек, ушбу аналитик шаклнинг биринчи қисми феъл бўлмаса-да, унинг иккинчи сўз билан антисемик алоқасини юзага келтирувчи зид сема аввалдан ўша қисм таркибида мавжуд бўлган. Айтиш мумкинки, *инкор қилмоқ* – *тасдиқ қилмоқ* лексемалари ўртасидаги антисемия *инкор* – *тасдиқ* жуфтлигидаги антонимиянинг ўзидир. Шундай экан, *инкор* лексемаси *тасдиқ*, *тасдиқ қилмоқ*, *тасдиқламоқ* лексемаларига, *тасдиқ* лексемаси эса, *инкор*, *инкор қилмоқ* сўзларига нисбатан антисемик ҳолатдадир. Демак, бундай вазиятдаги *қилмоқ* феъли семантик жиҳатдан сўзга кучли таъсир кўрсата олмайди, ясовчи асоснинг семантик хусусиятлари дериват семантикасининг асосини ташкил этади. Бу ўринда Г. Исакованинг куйидаги фикрлари эътиборга молик: «Характер-хусусиятни билдирувчи лексемалар *қилмоқ* феъли билан бирикканда «белги» семаси бирламчи сема сифатида юзага чиқади ва ушбу сема умумий бирлаштирувчи сема деб олинади»(3). Жумладан, тадқиқотчи *камтарлик қилмоқ*, *гамхўрлик қилмоқ*, *олийжаноблик қилмоқ* каби сўзларда «белги» семаси бирламчи бўлса,

*шубҳа қилмоқ, гумон қилмоқ, тахмин қилмоқ* каби мисолларни «мавҳум ҳолатни ифодаловчи бирликлар сирасига»(4) киришини таъкидлайди. Дарҳақиқат, юқоридаги ҳолатларда деривациядан сўнг янги лексемалар ҳосил бўлиши тан олинса-да, биринчи асоснинг мазмуний хусусиятлари сақланган.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, кўшма сўзлар антисемиясини, асосан, улар таркибидаги бир лексик компонент юзага келтиради ва бундай ҳолатларда мазкур лексик компонентнинг ўзи ҳам, у асосида ҳосил бўлган дериватнинг антисемик жуфти билан семантик жиҳатдан зидлашади.

#### Адабиётлар:

1. Ғуломов А. Феъл. –Тошкент, 1954, 73-б.; Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши. – Тошкент, 1989, 105-106-б.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. –Тошкент: ЎЗМЭ, 2006, 211-б.
3. Исақова Г.Н. Ўзбек тилидаги қилмоқ феълнинг лексик-семантик хусусиятлари. Филол. фанлари номз. дисс. автореферати. –Тошкент, 2008, 9-10-б.
4. Исақова Г.Н. Ўша асар. 10-б.

### Б.ҚУРБОНОВ

(ТерДУ)

#### БАДИЙ МАТНДА ТИЛАКЛАРНИНГ ЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТИ

Нуткий жараённинг кенг тарқалган кўринишларидан бири тилаклардир. Тилаклар байрам, анжуман, йиғилиш, маросим, тўй-базм, зиёфат, меҳмондорчилик, суҳбат ва йиғинларда айтилади ёки ёзилади.

Тилак нутқ вазияти, макон ва замон ҳолати, сўзловчининг кайфияти билан боғлиқ ҳолда унинг орзу-истакларини, мақсадини, ниятини, хоҳишини бирор шахсга, давлатга, гуруҳга, йиғилиш иштирокчиларига ва ҳоказо кишиларга билдириш жараёнидир.

Тилаклар мазмунига кўра таклиф, мулоҳаза, истак, олқиш, миннатдорчилик, кўнгил сўраш, илтимос каби муносабат шаклларида бўлади. Вазифасига кўра оғзаки ва ёзма ҳолатда ифодаланади. Тилаклар нутқ услубларининг деярли барча турларида қўлланади.

Бадий матнда ҳам тилаклар қаҳрамонлар тилида, уларнинг ўзига хос характерини ифодалаш, миллий, маънавий, ахлокий, эстетик қиёфасини очиб беришда восита бўлиб хизмат қилади. Масалан: *-Оҳ-оҳ-оҳ! Отангизга раҳмат! Камол топинг дўстим! Мен ҳам худди мана шунини айтаман деб турган эдим. Шундоқ дўстим, бола деганингизнинг мияси..... Ие, сиз нега оқ ичмадингиз!* (А.Қаҳҳор, «Ўжар»).

Хикояда икки дўст, икки кўшни Қутбиддинов ва Заргаровларнинг ўзаро мулоқоти, улфатларнинг гапини бир жойдан чиқиши, улар дунёқарашини, фикрлашининг бир-бирига яқинлигидан далолат бўлиб, Заргаровнинг кўшнисини олқишлаши, айтган тилаги ушбу ўринда жуда мос тушган.

... *Шавкатжон ўрнидан туриб, уни ҳазиломуз таъзим билан қарши олди ва кўярда- кўймай ёнига ўтказди, кулиб қадаҳ кўтарди:*

*-Дўстлар! Биз яратаётган асарнинг ютуғи, муваффақияти фақат бир кишининг маҳорати, жозибаси ва истеъдодига боғлиқ, у ҳам бўлса бош қаҳрамонимиз Сайёраҳон! Шу қадаҳни Сайёраҳоннинг муваффақияти, таланти ва жозибаси учун кўтарайлик!* (О.Ёкубов, “Қанот жуфт бўлади”)

Ёзувчи асардаги асосий қаҳрамон Сайёрани соддадиллиги, очик кўнгиллигидан фойдаланиб, уни тузоғига илинтирмоқчи бўлган Шавкатжоннинг хушомадгўйлиги ва турли хийлаларини унинг қадах сўзи орқали ҳам кўрсатишга эришган. Китобхон юқоридаги тилақдан Шавкатжоннинг Сайёрага бефарқ эмаслигини дарҳол тушунади.

Инсон онгли фаолиятининг барча кўринишлари каби нуткий фаолиятнинг марказида ҳамиша мақсад туради. Мулоқот самарадорлиги учун суҳбатдошларнинг мақсади умумийликка эга бўлмоғи лозим. Сўзловчида ҳам тингловчида ҳам айнан бир хил мақсад бўлмайди, аммо уларнинг мақсадларида уйғунлик бўлади. Агар уйғунлик бўлмаса, мулоқот самарасиз кечади ёки таъсирсиз узилади.

Мақсадларнинг умумийлигида сўзловчи ўз ҳаракатини (фаолиятини) тингловчига мослаштириши тингловчи эса сўзловчининг савиясини билиши ва уни тинглашга тайёр бўлиши лозим.

Бадий асарда, жумладан, атоқли адиб А.Қаҳҳор ҳикояларида мана шундай самарали мулоқот мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Шунинг учун ҳам китобхон унинг асарларини қизиқиб, берилиб, воқеалар ривожини кўз ўнгидан тасаввур қилгандай яқиндан ёндашиб, таъсирланиб ўқийди. Жумладан: *Жувон отнинг бошини тортиди*: - *Опанг ўргилсин! Бери кел, кўлингни бер!* *Жувон қизни отга миндириб олди*. - *Вой, музлаб кетибсан-ку! Кимнинг қизисан? ...* (“Хотинлар”).

Ушбу лавҳада жувоннинг етти-саккиз ёшдаги беғубор, ёқимтой қизчага нисбатан айтган биргина *Опанг ўргилсин* аёлларга хос олқиши (тилагини), қаҳрамоннинг ўзига хос характерини ойдинлаштиришга ёрдам берган. Яна бир мисол: *Асқар ота шу сўзларни кўнглидан ўтказди-ю, Баҳрига нисбатан кўнглида мавж урган меҳрини ифодалайдиган бирон қалма сўз тополмай, фақат: Умринг узоқ бўлсин, қизим! – деди. Уй эгаси дастурхон ёзар экан: - Умридан шунча узоқ бўлганда кейин, худо хоҳласа умри узоқ бўлади, - деб сўз ўйини қилди* (“Хотинлар”).

Матнда сўзловчининг (Асқар отанинг) тилагини бир гапдан иборат бўлса ҳам, кенг ва чуқур мазмунли, тингловчи руҳиятига ижобий таъсир кўрсатадиган тарзда ифодаланганлиги кўриниб турибди.

Умуман олганда, тилақлар бир неча гаплардан тузилган кичик матн ёки бир гап доирасида ҳам бўлиши мумкин. Бу мулоқот жараёнидаги воқеа, вазият билан боғлиқ ҳолда юзага чиқади.

Хуллас, бадий матнда нуткий мулоқотнинг бир қисми – тилақларнинг турлича кўринишларини учратиш мумкин. Бадий адабиёт жамиятдаги турмуш, ҳаёт фалсафасини ёритувчи асосий манба бўлса, мулоқот кишиларнинг ижтимоий-амалий фаолияти билан боғлиқ саналгани боис улар бир-бирини тақозо қилади.

**Д.ЖАМОЛИДИНОВА,**  
аспирант (ТДПУ)

### **ПАРАНТЕЗ БИРЛИКЛАР ТУРЛАРИ**

“Парантез” термини остида кириш ва киритмалар умумлаштирилади. Бу икки категорияни бир майдон доирасида талқик этиш уларни ўзига хос

дефференциал ва интеграл белгилари борлигидан далолат беради. Шу боисдан ҳам бу икки мустақил бирлик анъанавий тилшуносликда битта ходиса сифатида талкин этилишига сабаб бўлди. Лекин 1972 йилда И.Тошалиев томонидан олиб борилган илмий тадқиқот иши бу икки категорияни муносиқил синтактик бирлик сифатида намоён этди. (1)

Кейинги йилларда яратилган барча қўлланмаларда эса киришлар субъектив, киритмалар эса объектив мазмун ифодаловчи бирликлар сифатида баҳоланди. Жумладан, “Ҳозирги замон ўзбек тили” дарслигида ҳам киритмаларнинг асосий хусусияти гапдаги фикрга қўшимча тарикасида янги фикр баён қилиш эканлиги таъкидланади.(2) Бизнингча эса, киритмалар фақат объектив муносабат ифодалаш воситаси эмас, балки олдиндан ўйланган режа асосида бадий нутқ ичига киритилган муаллиф ўйининг ҳосиласидир. Киритмаларда нисбатан субъектив муносабат кучли тарзда ифодаланади. М.Йўлдошев ва Қ.Ядгаровлар таъкидлаганидек, киритмалар асар қаҳрамони билан китобхон ўртасида ўзига хос “сирдошлик” иллюзиясини яратади ва нутқнинг тўла англиниши учун зарурий информациялар бериш, ноаниқ ўринларга аниқлик киритиш, изоҳлаш, эслатиш, хис-туйғуларни ифодалаш каби мақсадларда қўлланилади.(3) Демак, киришларни субъектив муносабат, киритмаларни эса объектив муносабат ифодалаш хусусиятига кўра фарқлаш ўзини тўлиқ оқламай қўйди. Чунки, киритмаларни матний қуршовда яширин-прагматик мақсад инъикоси сифатида актуализатор вазифасини ўташи бу фикрни унчалик ўринли эмаслигини кўрсатади.

Парантез бирликларни бир дарахт десак, кириш ва киритмалар шу дарахтнинг икки шохидир. Бу икки категорияни интеграл ва дифференциал белгилари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

Умумий хусусиятлар:

а) киришлар ҳам, киритмалар ҳам ўзлари катнашаётган гапни мураккаблаштирувчи ходиса;

б) киришлар ҳам, киритмалар ҳам асосий гапда бирор бўлакка ёки бутун бадий нутқ фрагментига алоқадор бўлади.

Фарқловчи хусусиятлар:

а) маъносига кўра;

б) интонациясига кўра;

в) асосий гап таркибидаги ўрнига кўра;

г) пунктуациясига кўра.

Демак, юқоридагилардан хулоса сифатида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, парантез бирликлар бадий нутққа ўзгача бир руҳ олиб кирувчи, хусусий-яширин прагматик ва лингвопоэтик мақсадлар ҳосиласидир.

**Адабиётлар:**

1. Тошалиев И. Ҳозирги ўзбек адабий тилида киритма конструкциялар. Фил. ф. н. дисс., –Тошкент, 1972.

2. Ғуломов А., Аскарлова М. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. –Тошкент, 1961.

3. Йўлдошев М., Ядгаров Қ. Бадий матннинг лисоний таҳлили. –Тошкент, 2008, 69-б.

### “ЛОЛАЗОР” РОМАНИДА ГРАФИК ИФОДАЛИЛИК

Мурод Муҳаммад Дўст асарларида таъсирчанликни ошириш, эмоционалликни таъминлаш, китобхоннинг диққатини айтилаётган фикрга қаратиш мақсадида график ифодалилик усулларидан кенг фойдаланган.

Булардан бири сўзларни бир ҳарф сиғадиган қилиб жой ташлаб ёзишдир. Бундай усулда ёзилган сўз китобхоннинг диққатини ўзига тортади, ёзувчи ишора қилаётган, урғу бераётган ўринга эътибор қаратишга хизмат қилади. *Яхшибоев биладики, Аввалбекнинг айтганлари сал бошқачароқ, яъники анави с а с с и қ т а к а ўлганидан кейин ҳам бировлар китобини ўқирмикан. Сассиқ така* Яхшибоевга ўғли Аввалбек томонидан берилган таъриф. Ёзувчи асар бошидаёқ ота ва ўғил муносабатига эътибор қаратади. Асар қаҳрамони бундай муносабат пайдо бўлишида ўзини эмас, хотини Муҳсинани айблайдди, бундай номни ўғлининг қулоғига қуйган, болаларнинг онгига сингдирган хотини. *Билмайдик, г ў р и н г д а т ў н г и з қ ў п к у р Яхшибоев у пайтларда кўп покиза эди, Оля ҳам покиза эди. Сассиқ така, гўрингда тўнгиз кўпкур* сифатлашлари асар қаҳрамонига нисбатан ўғли ва хотинининг нафратини ифодалаган, лекин таъсирчанликни ошириш мақсадида сўзнинг график ифодасини ҳам бошқаларидан ажратиб берган ва шу билан бирга Яхшибоев ва Оля муносабати, қолаверса, бир бегуноҳ, «муҳаббат» тўрига тушган аёл қисматига, воқеаларнинг кейин ҳам давом этишига, чигаллашувига ишора қилади.

Баъзан калит сўз бўлиб хизмат қиладиган сўз ва сўз бирикмалари жой ташлаб ёзилади: *Қанийди ўша дамларга қайтсам, ўша жаҳлдор кампир бўлмаса-да, ўша ғариб кулбачада Муҳсинани, ҳали жуда ёш, ҳали жуда гўзал, жуда шафқатли Муҳсинани о ш к о р а суйсам!* Ҳали ёш, ҳаё, номус, уят туйғуларини йўқотмаган, хиёнат кўчасига қирмаган Назар Булдуруқли билан умри поёнига етай деб қолган, қоникшидан кўра афсус-надомат ҳисларини кўпроқ туяётган Назар Яхшибоев ўртасида қаттагина фарқ бор. Ана шу фарқни кўрсатишда *ошкора* сўзи калит сўз бўлиб хизмат қилади. *Ошкора суйиш* бирикмасининг маъноси кейинги абзацда ойдинлашади. Ёзувчи график ифодалиликдан фойдаланганда маълум бир мақсадни кўзлайди. Ёш ва навқирон Яхшибоев билан касалхонага бемор никобида келган қаҳрамонинг ўй-хаёлларини ифодалашда, уларнинг қиёфасини чоғиштиришда бу усул қўл келади.

Одатда урғу олаётган сўз кесимдан олдин жойлашади. Бадий асарда урғу олаётган, таъкидланаётган сўзни ўзига хос тарзда ифодалаш ҳам мумкин. Бу ёзувчининг ўзига хос услуби, сўз қўллаш маҳоратига боғлиқ: *Яхшибоев, ўша пайтдаги кучли оғриқ сабаб, айни ю м ш о қ л и к н и бир умр эслаб қолди, кейинчалик, Ошино юксалган кезларда, Ошино ўзининг ҳузурига таклиф этиб, кенг қабулхонасига шахсан ўзи чиқиб, нақ эшик олдида қутиб олиб, азбаройи самимият билан қўл чўзган пайтларда ҳам, яккаш ўша ю м ш о қ л и к н и эслайдиган бўлди.* Бу ўринда ёзувчи юмишқоқликни сўзини график ифодалаш билан бирга, мураккаб гап таркибида бериш орқали ҳам маънони

кучайтиришга эришган. Пайт холи, сўнг бир неча равишдош ўрами юмшоқликни сўзини бўрттиришга хизмат қилган.

Ёзувчининг маҳорати ўзига хос сўз ясаши, сўз бирикмаси тузиши билан ҳам белгиланади. Адиб, ўзининг таъбири билан айтганда, сийқаси чиққан жумлаларда ҳам янгиликни, оҳорлиликни кўрсата олади: *Яхшибоев қўшилариға, гарчи сийқаси чиққан бўлса-да, аниқ ном топди: с у н ь и й й ў л д о ш л а р*. Бир-бири билан манфаат йўлида бирлашган, йўллари бошқа-бошқа бўлса-да, ўзгаларга бир қилиб кўрсата оладиган одамларни Яхшибоев сунъий йўлдошлар дея таърифлайди.

Таъкидланаётган, ажратиб кўрсатилаётган сўзга ёзувчи таъриф беради, унинг бежиз ажратиб ёзилмаганлигига китобхонни ишонттиради. Куйидаги гапга эътибор берайлик: *Яхшибоев шу тафсилютни ҳам умрбод эслаб қолди: ўшанда Ошно ў з и н и н г қўйлагини йиртиб боғлади. Қўйлаги оҳорли эди, қишлоққа борганида отаси йиғиб берган пулга сотиб олган эди. Ўзининг қаратқич аниқловчисини алоҳида таъкидлаб кўрсатиш орқали ёзувчи асар қаҳрамонлари муносабатининг нақадар мустаҳкам ва айни чоғда чигал эканлигини кўрсатиб берган.*

Бадий асарда қўлланиладиган маънодош сўзлар қаҳрамон рухиятини очиб беришда асосий восита бўлиб хизмат қилади. «Ёзувчилар тилимиздаги маънодош сўзлар ичидан тасвир мақсади ва рухиятига мувофиқ келадиган аниқ сўзни топиб ўз асарларида қўллашга ҳаракат қиладилар, шу тариқа, қаҳрамонлар рухияти ҳамда тасвир объектининг энг кичик қирраларигача реал кўрсатиб беришга интиладилар»(1): *Умримиз дафтари тез-тез варақланса, кечмишимиз мисоли дарсга айланса, ҳар давра сайин такрор ва такрор зикр этилса, давра янгилангани сайин у ҳам янгиланса, у учидан ва бу ичидан, у ёнио бу ёнидан қўшилса, чатилса, шисса - хуллас, арзигулик ч ў н ч а к бўлса!*

“График ифодалилиқнинг усулларидан яна бири кичик ҳарф билан бошланадиган сўзларни матнда бош ҳарф билан ёзишдир. Бунда ана шундай ёзилган сўз алоҳида поэтик таъкид олади. Баъзан ана шундай поэтик таъкид мақсади билан бадий матнда сўздаги барча ҳарфлар бош ҳарф билан ёзилади. Бунда сўзнинг поэтик актуаллашуви аввалги ҳолатдагидан сезиларли даражада кучли бўлади.”(2) “Лолазор” романида шу усул билан таъкидланган ўринлар ҳам учрайди: *Шуни ўйлаб, қайсидир наشريётда ишчилик турадиган ишорни эслади: “БУ ДАРГОҲДАН ҲЕЧ КИМ НОРОЗИ БЎЛИБ КЕТМАСИН” Ичида қулди. Ўйладики, бунинг ўрнига бошиқача ишор осса ҳам бўларди: “ХУШ КЕЛИБСИЗ ҚАЛАНҒИ-ҚАСАНҒИЛАР!”* Ёзувчининг ўзига хос услуби шундайки, таъкидланган сўзга қаҳрамон тилидан изох бериб ўтади, график ифодаланган сўз ёки сўз бирикмасининг бежиз ажратилмаганлигига китобхонни ишонттиради.

“Лолазор” романида учрайдиган ўзига хосликлардан яна бири сўз бирикмасига тенг бирликни бир лексема сифатида ифодаланганлигидир: *Шу гапни гўё отаси қўйган исмдай қилиб, нафас олмай, наузасиз айтарди: м е н б и р о д д и й д е ҳ қ о н қ и з и!* Баъзан аниқловчи аниқланмиш муносабатини ташкил этувчи сўзлар ҳам бош ҳарф билан ёзилиб ўзига хослик касб этган.



*Эшик очилиб, аввалгига кўк кийимли соҳибжамол қиз, сўнгга Тошкентда Қисқа Муддат Тўхтаб Ўтувчи Зот кўринди. Ошно, юзида табассум, олға юрди, кучоқ очди. Тошкентда Қисқа Муддат Тўхтаб Ўтувчи Зот негадир ачомлашмади.*

“Ёзма матнда тилнинг бутун товуш қурилишига хос барча хусусиятларни, айниқса, интонацион ва эстетик таъкидларнинг барчасини тўлалигича ифодалашнинг имкони йўқ. Шунинг учун ҳам ёзма бадий матнда хилма-хил график воситаларга мурожаат қилинади.”(3). Мурод Муҳаммад Дўст асарларида ана шундай воситалардан мохирлик билан фойдаланган ва шу орқали қахрамонлар рухий ҳолатини очиб беришга, асар тилининг ўзига хослигини таъминлашга эришган.

#### А д а б и ё т л а р :

1. Ёўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвоэстетик таҳлили асослари. –Тошкент: Фан, 2007, 51-б.
2. Ёўлдошев М. Бадий матннинг лингвоэстетик тадқиқи. ДД. –Тошкент, 2009, 212-б.
3. Ёўлдошев М. Бадий матннинг лингвоэстетик тадқиқи ДДА. –Тошкент, 2009, 31-б.

**М.ЖАМОЛҲОНОВА**  
(ТДПУ)

### НАВОЙНИНГ ФОНОСТИЛИСТИКАГА ОИД ФИКРЛАРИ

Алишер Навоий ўзининг “Муҳокаматул лугатайн” асариди, биринчидан, харф ва товуш муносабатларига, иккинчидан, товушларнинг (ҳозирги тилшуносликда “фонема” деб аталаётган тил бирликларининг) сифат ва миқдор белгиларига алоҳида эътибор қаратади: “Вовий”си андоқки, ўтки шайъи мухриқдур ва ўт мурур маъниси била ва ут муқаммирга бурд жиҳатидин амр, ва утки боридин ирик ҳаракатдур, каллани ўтга тутуп, тукин аритур маънидадур,” - дейди у ўз асариди.(1) Бунда муаллиф “вов” харфининг лабланган “ў” ва “у” фонемаларини (демак, бир неча фонемани) ифода этаётганлигини назарда тутуди. Шу асариди Навоий туз (“текис дашт”) - туз (“рост киши”) – туз (“созни тузмоққа амр қилмоқ”); тўр (“тузоқ”)- тўр (“уйнинг тўри”) сўзлари таркибиди унплиларнинг ингичка ёки йўғон, чўзиқ ёки қисқа талаффуз этилаётганлигини ҳам айтади.(2) Муаллифнинг бу фикри фонемаларнинг олд қатор ва орқа қатор, чўзиқ ва қисқа каби белгилари эски ўзбек тилида фонологик қийматга эга бўлганлигидан дарак беради.

Навоийнинг фоностилистикага оид фикрлари ҳам диққатга сазовордир: “Андоқки, “аро” лафзин “саро” ва “даро” била қофия қилса бўлур, “бода” била ҳам қилса бўлур,” - дейди у ўз асариди(3).

Кўриниб турибдики, Алишер Навоий харф билан товуш бошқа-бошқа ходисалар эканлигини, товушларнинг сўзларни моддий жиҳатдан шакллантириш ва фарқлаш вазифалари борлигини XV асрдаёқ (ғарб тилшуносларидан анча олдин) айтиб ўтган. Бу унинг фонологияга оид айрим ходисаларнинг илк тадқиқотчиси бўлганлигидан далолат беради.

XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида яшаган Бобурнинг ҳам фонетикага дахлдор айрим фикрлари бўлган. Унинг “Бобурнома”сида,

хусусан, шундай дейилган: “Сўнгра маълум бўлдимки, турки лафзида маҳал иқтисоси била то ва дол, яна ғайн ва коф ва коф бир-бирлари била мубаддал бўлурлар эмиш”.(4)

Бу ўринда ўзаро зидланишда (фонологик оппозицияда) бўлган фонемалардан бирини иккинчиси билан алмаштириш қонуниятига ҳақида бораётганлигини англаш қийин эмас. Демак, Бобур тилининг товуш материяси ва структураси билан боғлиқ бўлган фонема, оппозиция ва позиция ҳодисаларини ўз вақтида пайқаган, уларни изохлашга, тушунтиришга ҳаракат қилган дейиш мумкин. Унинг *қашмир* топоними *кас* этноними асосида юзага келганлиги ҳақидаги фикри(5), “норгилини араб муарраб қилиб норжил дер, Ҳиндустон эли нолир дейдур”, - дейиши(6) ҳам фонетик альтернатива қонуниятига дахлдорлиги билан эътиборга лойиқдир.

#### Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 16-том. -Тошкент: Фан, 2000, 19-б.
2. Алишер Навоий. Юқоридаги тўплам, 19-б.
3. Алишер Навоий. Юқоридаги тўплам, 19-б.
4. Бобур. Асарлар. 2-жилд. -Тошкент: Бадий адабиёт, 1965, 145-б.
5. Бобур. Асарлар. 3-жилд. -Тошкент: Бадий адабиёт, 1965, 111-б.
6. Бобур. Асарлар. 3-жилд. -Тошкент: Бадий адабиёт, 1965, 130-б.

**Б. ФАЙЗУЛЛАЕВ, доцент,  
О. ХИДИРОВ (ЖДПИ)**

#### ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА ТУЯЧИЛИККА ОИД ЛЕКСИКА

Туркий халқлар, шу жумладан ўзбеклар қадим замонлардан буён туядан оғир юк, уй-рўзғор буюмларини ташинишда транспорт сифатида фойдаланишган, унинг сути ичилик, гўшти истеъмол қилинган. Табиийки, улар туяларни авайлаб боққанлар, асраганлар. Шундай экан, бу халқларда туячиликка оид сўзлар ҳам истеъмолда бўлган, лекин бу соҳага оид сўзлар бизда эътибордан четда қолиб келган. Қадимданок туяларнинг ёши, жинси ва ҳар хил белгиларини аниқлаб, уларни ҳар хил номлар билан юритганлар. Улар ҳам ўзбек тилининг лексик фондига бойитишда қатта манба ҳисобланади. Бир лексик-семантик гуруҳга кирувчи бундай атамалар халқ достонларида анчагина учрайди: *Жаҳаз* - туя эгарининг умумий номи, *хатаб* - туя эгарининг олд қисми, *абжўш* - хафтжўшт - етти хил мадан қоришмасидан тайёрланган қаттиқ метал: *жаҳазни абжўшдан, хатаби қумуш, безаб қўйган нори-норчанг қимники*. (“Алпомиш”).

*Сава/саба* - меш, теридан тайёрланган идиш бўлиб, унда қимиз сақланади. *Кўнак* - қимиз солиб қўйиш учун теридан ясалган идиш: *Қимиз дори деган неча такканлар, Чайиб беринг сава минан кўнакни*. (“Алпомиш”). *Жумур* - учи найзасимон кигиз қалпоқ: *Асли қал эмасди шундай бўлади, Жумур қоплай сурати қал ўлади*. (“Алпомиш”).

*Овсар* (нўхта) - туянинг бошига қийдириб қўядиган махсус бошвок: *Нар-моянг юрипти Чилбир дашида, Минг беш юз тиллалик овсар бошида*.

*Нор* - бир ўрқачли эркак туя: *Чечанлар эглайди гапнинг этини, Шул замонда олтмиш норини чўктириб, Орта берди Барчин сулув сепини*. (“Алпомиш”).

*Эр Бердиёр қаторидаги нор эди,*

*Қанча десанг у ҳам шунча бор эди,  
Номоздигар-кун ўтирар вақтинда,  
Бердиёрга бир жазошл дориди.* (“Холдорхон”).

*Лўж – боши кичикрок , бўйи узун бир ўрқачли катта туя, еткачи туя:  
Қаторига тиркалган лўж билан норча,  
Устига кийгани қирмизи парча.* (“Алпомиш”).

*Айри инган туя - қўш ўрқачли туя: Бодом бикач: Бир айри инган туяни  
миниб, бу сўзларни айтиб, қизларни ўланга хабар қилиб юрур...* (“Алпомиш”).

Халқ дostonларидаги туячиликка онд терминларнинг асосий қисми умумтуркий лексик қатламга, айримлари эса форс-тожик тили (лексикаси)га мансуб сўзлардир. Дostonлар тилида қўлланилган бундай атамаларни тўплаш, адабий тилга киёсан тахлил қилиш адабий тилимизнинг айрим янги сўзлар билан бойишига имкон яратиши мумкин.

**Б.ФАЙЗУЛЛАЕВ, доцент,  
Д.УРДУШЕВА (ЖДПИ)**

### **“ХОЛДОРХОН” ДОСТОНИДА КИЙИМ-КЕЧАК НОМЛАРИ**

“Холдорхон” дostonи тилида юзлаб кийим-кечак номлари турли кўриниш ва турли мақсадларда қўлланилган. Шунини таъкидлаш лозимки, қўлланилган кийим-кечак номларининг кўпчилиги диалект ва шеваарга хослиги билан ажралиб туради. Улар адабий тил таркибида камроқ учраса-да, уларни мумтоз адабиётда ҳам кўраимиз. Айрим атамалар адабий тил ва дoston тилида ҳам учраса-да, англатаётган тушунчаси билан бир-биридан фаркланади. Дoston тилида қўлланилган кийим-кечак номлари унда турли стилистик вазифаларни бажариш билан бирга дoston тилини бойитишга, ранг-баранглигини таъминлашга хизмат қилган.

“Холдорхон” дostonида қўлланилган кийим-кечак номларини куйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: 1) кийим-кечакларга хос умумий номлар; 2) бош кийим номлари; 3) ёзги ва кишки кийим номлари; 4) оёқ кийими номлари; 5) кийимларнинг қисмлари номлари; 6) жангда кийиладиган кийим-кечак номлари.

1. “Холдорхон” дostonида кийим-кечаклар бир неча хил умумий номлар билан аталганига гувоҳ бўламиз:..*икки пари эркак либосини кийди, қирқ йигитнинг хотинларига ҳам эркак либосини кийизди.* Ушбу парчадаги либос сўзи арабчадан ўзлашган бўлиб кийим, уст-бош маъноларини ифодалайди ва адабий тилда ҳам худди шу маънода қўлланади. Бу ўринда дoston тили ва адабий тилда бу сўзнинг қўлланишида фарқ йўқ. Лекин дostonда либос сўзи кийим-кечак маъносигагина эмас, балки уй жиҳозларининг умумий номи сифатида ҳам қўлланган: *Қрим мамлакати неча минг меҳмонхоналарни либос билан аро берди.*

Дostonда кийим-кечакларнинг умумий номи маъносида *сарпо* сўзи ҳам турли кўринишларда қўлланган. *Сарпо* сўзи форс-тожик тилидан олинган бўлиб, тўй-маросимлар ва бошқа тадбирларда тегишли кишиларга тақдим этиладиган бош-оёқ кийим ёки тўн, дўппи, қийиқча маъноларини ифодалайдики, мазкур дostonда ҳам асосан шу маънода қўлланган. Лекин у дostonда *сарпо, ола сарпо, тоза сарпо* каби кўринишларда ҳам қўлланганини

кўрамиз: *Ўзига қараган амалдорларни йиғдириб, барисига ола сарпо кийдириб, карнай-сурнай кўйдириб; Лашкарини тўйдириб, шодиёна кўйдириб, борисига тоза сарпо кийдирди; Неча юз минг қимматбаҳо сарпо, қанча қилич, милтиқ юборди.*

Кийим сўзи баданни ва тана аъзоларини ёпиш учун кийиладиган, асосан мато ва теридан тикиб тайёрланадиган нарсаларнинг умумий атамасидир. Достон тилида эса у ўз маъносидан ташқари уй жиҳози, тўшаладиган буюм маъносида ҳам қўлланган: *Гўрўғлибек меҳмонларни яхши чодирларга тушуриб покиза кийимларнинг устига ўтқазди.*

Кўринадики, “Холдорхон” достонида кийим-кечакларнинг умумий номи ўзбек адабий тилидан кескин фарк қилмайди.

2. Бош кийим номлари. “Ходорхон” достони тилида бош кийим номлари характерли ўринни эгаллайди. Характерли томони шундаки, уларнинг аксарият қисми ҳозирги ўзбек адабий тилида ишлатилмайди:

*Агар мен шундан Қиримга бормасам,*

*Хотинимнинг лачаги бўлсин бошим.*

Лачак – кекса хотинлар бошига ўрайдиган оқ доқа ёки сурп рўмол. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ишлатилмайди, фақатгина Қашқадарё, Хоразм, Самарқанд вилоятининг айрим туман шеваларида сақланиб қолган. Мумтоз адабиётда ҳам истеъмолда бўлган:

*Тун узра ойдину ойдинда субҳ эркиму,*

*Ваё сочингда бурунчак уза лачакму экин?*

(Навоий “Ҳазойинул- маоний”)

Жига (ф-т) – бош кийимига тақиладиган, қимматбаҳо тошлар билан безатиладиган зийнат буюми (асосан қиз тўйида қувв бўлмишнинг, хатна тўйида эса тўйболанинг бош кийими тақилади). Ҳозирги кунда истеъмолдан чиқиб кетган: *Ўн минг ботир қошида, тилла жига бошида.*

3. Достон тилида юқоридагилардан ташқари ёзги ва қишқи кийим номлари ҳам қўлланган. Масалан, ҳозирги ўзбек тили ва унинг шеваларида параллель қўлланувчи *тўн, чопон* сўзлари достон тилида ҳам тенг маънода қўлланилади. Шунингдек, достон тилида уларнинг *силовсин тўн, совут тўн* каби вариантлари ҳам мохирона ишлатилган. Масалан: ... *Юртни йиғдириб, очни тўйдириб, қирқ йигитга силовсин тўн кийдириб, Гўрўғлибек ўтди. Қумуш бўлар тарлон қушининг чегаси, Кировкадан совут тўннинг ёқаси.*

Тўн олди очик, узун миллий кийим. Чопон – устки, узун миллий кийим. Ҳар иккаласи ҳам кенг истеъмол доирасида. Шу сабабли улар барча шеваларда *тўн* ёки *чопон* формасида учрайди. Достон тилида ҳам бу ўз инфодасини топган: *Тағи шу қурашдай, сайилдаги полвонлардай чой пули, чопон олди деманлар. Гўрўғлининг отин миниб, тўнни кийганлар, Гўрўғли йўқ бўлса, душман бўларсан.*

4. Достон тилида оёқ кийим номлари жуда камчиликни ташкил қилади. Бу достон тили лексикаси бой эмас деган гап эмас, балки сўз мулкидан эҳтиёжга қараб фойдаланишдир. *Чориқ* сўзи қадимда, айниқса тоғлиқ туман халқлари орасида расм бўлган оёқ кийими бўлиб, қаттиқ хом теридан тикилган. Эскирган сўз бўлиб, ҳозирги ўзбек тилида қўлланилмайди. Лекин

тарихий асарларда вокеликни акс эттиришда фойдаланилади, шу нуктага назардан дoston тилида қўлланиши жуда ўринлидир: ... *белини маҳкам боғлаб, чориқларининг ипларини маҳкам-маҳкам тортиб чаққон бўлиб, ўзини жуда чақрай бошлади.*

Бундан ташқари, дoston тилида кийим-кечак қисмлари номлари (*ёқа, енг, этак, унғур*), жангда кийиладиган кийим-кечак номлари (*пўлат соевут, соевут тўн, оқ соевут, тилла соевут*) ҳам усталик билан қўлланилган.

Юқоридагилардан кўринадики, халқ тилидаги, унинг лексикасидаги ҳар бир сўз ва атама Эргаш шоир эътиборидан четда қолмаган ва улар дostonда ўзининг муносиб ўрнини топган. Дostonлар тилини ўрганиш адабий тилимизни янги сўз ва иборалар билан бойишига ҳисса қўшиши мумкин.

**Б.ФАЙЗУЛЛАЕВ, доцент,  
Қ.ЯДГАРОВ, п.ф.н. (ЖДПИ)**

### **ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА ЙИЛҚИЧИЛИК АТАМАЛАРИ**

Фозил Йўлдош ўғли томонидан куйланган “Рустамхон”, “Алпомиш” ва Эргаш шоир томонидан куйланган “Холдорхон” дostonларида мингдан ортик чорвачиликка оид атамалар қўлланилган бўлиб, йилқичиликка оид лексик бирликлар салмоқли ўрин эгаллайди. Ушбу дostonлар тилида қўлланилган йилқичилик атамалари отларнинг ёшига, зотига, ташқи кийёфасига, рангига, ҳаракатлари ва жисмоний камчиликларига кўра номланганлигини кўрамыз.

1. Отларнинг ёшига қараб бериладиган номлар: *Кулун* - бир ёшга тўлмаган тойча: *Рустам пайдо бўлган кун бу бия ҳам эркак қулун туққан эди* (“Рустамхон”). *Эгам осон қилгай бунда мушкулни, Билсанг отам қўйворган қулунни* (“Алпомиш”). *Кишинатиб минган ботирлар. Хоназот тулпор қулунди* (“Холдорхон”).

*Дўнон* - уч ёшга тўлиб, тўрт ёшга ўтган от:

*Алп Кўжалдош шундай бурилиб қаради,*

*Чу дейди, дўнанга қамчи уради,*

*Яшиндай бўп учиб кетиб боради* (“Алпомиш”).

2. Отларнинг жинсига қараб бериладиган номлар.

*Бия/байтал* - ургочи от: *Алпомишнинг бир торлан бияси бор эди* (“Алпомиш”).

3. Отларнинг зотига қараб бериладиган номлар. Дostonлар тилида бу турдаги йилқичилик атамалари анча салмоқли ўрин тутган. Жумладан, *араби(й) от* (арабларга мансуб), *бедов от* (учқур, югурик от), *тулпор* (наследор, чопкир, учқур от), *арғумоқ* (зотли чопкир от) ва бошқалар:

*Бедов минган сағрисини тошириб,*

*Манзилга етказар қирдан ошириб* (“Рустамхон”).

*Юрагини олдирмай,*

*Тулпор отни елдирмай,*

*Сипоҳийлик қип турур* (“Холдорхон”)

*Остига миндирай араби отти,*

*Энам десанг, сўнгра қилғил газотти* (“Рустамхон”).

*Ана энди Аҳмад Сардор димоги чоғ бўлиб, соқоли оқ бўлиб, мингани арғумоқ бўлиб...* (“Холдорхон”).

#### 4. Отларнинг рангига қараб бериладиган номлар.

Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида от рангларининг энг нозик турлари аниқ атамаларга эга бўлиб, уларнинг асосий қисмини қадимги замонлардаёқ вужудга келган умумий фондга мансуб бўлган атамалар ташкил этади. Қадимги туркий номларининг бир қисми ҳозирги ўзбек тилида қўлланилмайди (*тиг, саман, жийрон, ҳачинг* ва ҳоказолар). Уларнинг айримларини баъзи шеваларда учратиш мумкин. Лекин хилма-хил ёзма ёдгорликлар ва халқ достонлари тилида қайд этилган номларнинг кўпчилиги деярли ўзгаришсиз қўлланилганлигини кўрамиз:

*Жийрон* - қизғиш малла от: *Ултантознинг жийрон оти, Улоқди олиб жўнаб берди*(“Алпомиш”) *Тўриқ от* - қора қизил, тўқ жийрон от:

*Қалмади-ку у Қалмоқнинг тоқати,*

*Бораётан Қалмоқ шоҳнинг тўриқ оти.* (“Алпомиш”)

*Чавқар от* - кўк от, ола була от, қора холли от: *Ўзи шундай келган экан чавқар от* (“Алпомиш”). *Чибор/чипор* от: *Чибориндан Кўкдўнани кам дема, Тилинг тортгин, аҳмоқ сўзни лоф дема* (“Алпомиш”). *Кўк ёки кўк от: Остингда ўйнайди Фирқудай тулпор, Қалқонинг қарқ белингда ханжар* (“Холдорхон”).

5.Отларнинг ташқи сифатларига қараб бериладиган номлар. Достон тилида отларнинг ташқи сифати, ҳаракатлари ва баъзи жисмоний камчиликларга қараб номланган атамалар ҳам мавжуд. Масалан, *шапақ от* (куёшга қарши юра олмайдиган от, чунки унинг киприклари қалта бўлади) атамаси Фозил шоир томонидан жуда яхши изоҳлаб берилади:

*Шапақнинг олдини Чибор ўради,*

*От бошини кунга тўғри қилади,*

*Кўзлари чоғилиб кейин қолади*

*Шапоқ отдан Чибор ўтиб жўнади.*

*Шапоқнинг одати шундай бўлади,*

*Дубур эшитмаса, кейин қолади* (“Алпомиш”).

6.Отларнинг ҳаракат ва тезлигига қараб бериладиган номлар. Қадимдан одамлар отларнинг чопқирлиги, сакраши каби сифатларини қадрлаганлар. Пойғада, кўпқарида чавандозлар отларни югуриш ва сакраш қобилятларига қараб танлаганлар. Халқ достонларида берилишича тулпорсиз, яхши отсиз ҳеч қайси паҳлавон енгиб чиқмайди. Шу сабабли ҳам достонлар тилида чопқир отларни *тулпор, жуйрук, югрик, учқур* атамалари билан, ўртача югурувчи отларни *чопқир, чапагон* атамалари билан, ёмон югурувчи отларни *йўрга, йўртоқи* атамалари билан номланганини кўрамиз:

*Учқур эдинг қанотингдан қайрилдинг,*

*Югурук (жуйрук) бўлсанг тўғингдан тойрилдинг* (“Алпомиш”).

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, халқ оғзаки ижодиёти, шу жумладан халқ достонлари турли соҳаларга оид атамаларнинг туганмас манбаидир. Улуғ фольклоршунос олим Х.Зарифов таъкидлаганидек, “Фольклор асарларининг лексикаси умуман ҳозирги шеваларда истеъмолда

бўлган луғатлар бўлиши билан бирга, улар орасида архаик бўлганлари, маъносини ўша шева вакилларининг ўзлари ҳам билмаганлари учраб туради”(1). Ҳақиқатан ҳам, халқ достонлари тилини, хусусан, уларнинг тилида қўлланилган лексемаларни лексик-семантик ва лингвопозтик томондан ўрганиш ҳозирги ўзбек тили, шунингдек, атамашунослик соҳасини бойитиш учун хизмат қилиши мумкин.

А д а б и ё т:

Зарипов Х.Т. Пўлкан шоир. –Тошкент, 1976, 83-88-б.

## **К. МАВЛОНОВА (ТДПУ)** **ОНА ТИЛИ ДАРСИДА АДАБИЙ МАТЕРИАЛЛАРДАН** **ФЙДАЛАНИШ**

Ўқувчиларнинг нутқ маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш умумтаълим мактаблари она тили дарсларининг асосий мақсадларидан биридир. Ушбу мақсад сари элтадиган усуллар сирасига бадий асарлардан олинган айрим гаплар, кичик парчалар устидаги ишлар кирилади. Бундай мисоллар билан ишлаш методикаси эса қатор ўзига хосликларга эга. Бу ўзига хослик бир жиҳатдан уларни идрок этиш билан боғлиқ. О.К.Тихомирова идрок этиш майдони ҳақида гапириб, гештальтпсихологларнинг фикрини келтиради. Уларнинг фикрини шундай тушунмоқ зарурки, идрок этиш майдони аввал бошданок таркибий қисмларга бўлинган бўлади: инъикос пайтида унинг қабул қилинаётган предметнинг нимасидир биринчи планга чиқадиган (фигура деб номланадиган) ва иккинчи планга кўчадиган (фон деб аталадиган) томонлари ажралиб туради. Фигура ва фон ўртасидаги муносабатлар ҳаракатчан бўлиб, ўзгариб туради, яъни кишининг нигоҳи маълум вақтда нимада қайдланса, шу фигура бўлиб қолади, бошқалари фонга кўчади(1). Бир портретни кўрсатиб, “Унда тасвирланган одамнинг олижаноб чизгиларини ажратинг” дейилса, идрок шахснинг шу жиҳатларини аниқлаш сари йўналади. Агар шу портретнинг ўзини кўрсатиб, “Бу жиноятчи унинг қиёфасини тасвирланг” дейилса, идрок этувчи ундан жиноятчиларга хос аломатларни кидиришга тушади.

Юқорида тавсифи берилган идрок этиш хусусиятлари, бизнингча, она тили дарсларида топшириқ шартига кўра адабий материалдан муайян тил ходисасини аниқлашда ҳам кузатилади: ўқувчи тил ходисасини кидираётган пайтда идрок биринчи навбатда шунга қаратилиб, адабий материалнинг ўзи фон сифатида иккинчи планда қабул қилинади. Топшириқ асосида ўқувчиларнинг эътибори адабий материалга йўналтирилганда ушбу материал фигурага айланади, тил ходисалари (сўз ва гаплар, грамматик воситалар) фонга кўчиб, иккинчи планда идрок қилинади. Бошқача айтганда, машқ ва топшириқ материали сифатида бадий асардан келтирилган мисол (алоҳида гап, бир неча гапли кичик матн, шеърин мисра ёки мисралар, шеърлар) бирданига бир неча планда (ҳам тил ходисаларини аниқлаш, ҳам бадий маҳорат сирларини ўрганиш) қабул қилинмайди. Қай бирини биринчи галда идрок этиш топшириқ шартига боғлиқ боғлиқ бўлади.

Она тили дарсларида машқ таркибида келтирилган адабий материалнинг уч жиҳати ёки шу жиҳатларнинг айримлари мавжуд бўлади: 1)

ўрганилаётган тил ҳодисаси; 2) бадий тасвир элементлари; 3) бирор тарбиявий масала. Фигура-фон нуқтан назаридан қарайдиган бўлсак, юқоридаги уч жиҳатнинг ҳар бири бир вақтда эмас, балки турли вақтларда фигурага кўчиши мумкин. Бунда битгаси фигура, иккитаси фон сифатида қабул қилинади.

Демак, дарсда адабий материалдан тил ҳодисасини қидираётган пайтда бадий жиҳатлари ва тарбиявий томонлари шу аснода яхлит, аниқ ва равшан қабул қилинавереди деб ҳисоблаш унчалик тўғри бўлмайди. Машқ таркибидаги адабий материалда юқорида санаб ўтилган уч жиҳат мавжуд бўлса, ушбу материалга уч марта тўхталиш лозим: биринчисида ўрганилаётган тил ҳодисасини таҳлил қилиш, иккинчисида бадий тасвир элементларига диққатни қаратиш, ниҳоят, учинчисида тарбиявий муаммоларни муҳокама қилиш зарур. Ушбу тартибни қотиб қолган тартиб деб тушунмаслик керак: заруриятга қараб аввал учинчиси, кейин иккинчисига тўхталиш мумкин.

5-синф «Она тили» дарслигидаги қуйидаги машқни(2) кўриб чиқайлик.

7-машқ. Шеърни ўқинг ва унда илгари сурилган ғояни аниқланг. Унинг мустақиллик ғоясига бирлашадиган жиҳатлари ҳақида гапиринг.

*Она тилим – онажоним тили бу -*

*Бешиқдан оқ синган жон-у қулоққа.*

*Эл-у юртим хонумоним тили бу,*

*Қадимликда ўхшар она тупроққа.* (Миртемир.)

Машқ шартда адабий материалнинг фақат бир жиҳати - тарбиявий масала устида фикр юритиш талаб этилган. Лекин ўқитувчи шеър ғояси билангина чекланмасдан, тақрор ўқиш орқали, ўқувчилар эътиборини бир гал унда ишлатилган жуфт сўзларга, тиниш белгиларига, яна бир гал юртимизнинг қадимийлиги она тупроқнинг қадимийлиги билан киёсланаётганига қаратади.

5-9-синфларда «Она тили» дарсликларидеда учрашига қараб адабий материаллар устида сўз ишлатиш маҳоратини ўрганиш йўналишида олиб бориладиган ишларни ташкил этишда «Адабиёт» дарсликларидеда берилаётган назарий тушунчаларга таяниш лозим. Адабиёт дарсларида ҳали танишиб улгурилмаган тушунчалардан (сифатлаш, ўхшатиш, муболаға, жонлантириш ва ҳ.к.) она тили дарсларида фойдаланиш қўшимча қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун дастлабки кезларда кўпроқ маънодош, шаклдош сўзлар, сўзларнинг ўз ва кўчма маънолари каби тушунчаларга асосланган маъқул.

Хуллас, она тили дарслари ўқувчиларнинг нутқ маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш йўлида бадий асарлардан олинган айрим гаплар, кичик парчалар устида идрок хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш олиб бориш зарур.

#### А д а б и ё т л а р :

1. Тихомирова О.К. Психология: Учебник / Под ред. О.В. Гордеевой. – М.: Высшее образование, 2006, с. 236.

2. Mahmudov N., Nurmonov A. va b. Она tili: Umumiy o'rta ta'lim maktablaring 5-sinfi uchun darslik. - Toshkent: Ma'naviyat, 2007, 5-b.



### “ҲИБАТ УЛ-ҲАҚОЙИҚ”ДА ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асари Ўрта Осиё ва бошқа ўлкаларда яшовчи туркий халқларнинг умумий, муштарак ёзма ёдгорликларидан бири ҳисобланади. Ўзбек тилининг бошқа туркий тиллар қаторида тарихий такомиллашишини ўрганишда, шубҳасиз, бу асарнинг ҳам роли каттадир. Тилимизнинг лексикаси, грамматикаси, товушлар тизими тарихини, тарихий диолектологияни ўрганишда «Ҳибат ул-ҳақойиқ» муҳим манба ҳисобланади.

Ҳозирги ўзбек тилидаги сўз ясалиш тизими тарихини ўрганишда ҳам бу ёдгорликдан фойдаланиш мумкин. Жумладан, *-чи* сўз ясовчи кўшимчасининг *бор* – *борчи*, *атқу* – *атқучи*, *теггу* – *теггучи*, *оггу* – *оггучи* (яъни бўза сотувчи, отувчи, мактовчи) тарзида сўз ясалишидаги иштироки, бундан ташқари кўшма сўзларнинг ясалиши ҳам қадимий эканлиги ушбу асарда учрайди: *Қараваш* (*қора* - сифат, *баш* - от), *элик туттачи* - бошлиқ ва бошқалар (1).

Туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи оғзаки нутқида халқ мақоллари ва иборалари жуда кўп ишлатиб келинган. Халқ мақоллари ўз даврида яратилган ёзма адабий асарларда ҳам қўлланилган. Айниқса, дидактик характердаги асарларда, хусусан, «Ҳибат ул-ҳақойиқ»да мақолларнинг характерли кўринишлари ишлатилган. Бу ўз-ўзидан ишлатилмаган, албатта. Чунки мақолларнинг деярли кўпчилиги ахлоқ-оғоз масалалари билан боғлиқ бўлиб, кишилар фаолиятидаги камчиликларни танқид қилади, тўғри йўлга солади, уларга ҳаётий тажрибаларни ўрнак сифатида кўрсатади. Ушбу масалалар адиб Аҳмад Югнакийнинг дунёкараши билан боғлиқ бўлиб, у одамларни, шохларни инсофга чақиради, комилликка эришиш мумкинлигини тарғиб қилади. Масалан, у илм манфаати, нодон (жоҳиллик) зарари ҳақида фикр билдирар экан, «*Билишлик киши баҳолик динордир, илмсиз жоҳил киши қимматсиз елимдир*», «*Билишлик хотин киши-эр киши*», «*Билимликнинг бири билимсизнинг мингига тенг*» каби мақолларни келтиради ва фикр таъсирчанлигини оширади.

Асарда айрим мақоллар тўғридан-тўғри келтирилса, айримлари маълум бир фикр орасида қўлланилади. Масалан: *Сиринг ўзингда сақланиб сингиб турмагач, у дўстингда сақланмайди, буни яхши (ўйлаб кўр) сақла; Сўнгакда илқ бўлиши лозим эканлиги каби, эр кишига билим керакдир, эр кишининг кўрки ақлдор, сунгакнинг кўрки эса илқдор* қабллар.

Асарда ишлатилган мақолларнинг деярли ҳаммаси ҳозиргидек ихчамлашмаган, структура жиҳатидан анча кенгдир. Уларни бир-бирига қиёслаганда мазмунан бир хил бўлса-да, шаклан фарқлидир. Масалан: *Билимликнинг бири билимсизнинг мингига тенг*(234). *Ҳозирги кўриниши куч бирни енгса, билим мингни. Тилингни тий, тут тишинг синмасин, агар сўзлаб юборсанг, чиқиб қолса тишингни синдиради.* Ҳозирги кўриниши *Қўл югуриги ошга, тош югуриги бошга, узун тил бошга тўқмоқ.* Асарда *ўйлаб сўзлаган кишининг сўзи тўғридир, ўринсиз кўп вайсаган тил аямайдиган ёвдир.*

Ҳозирги кўриниши: *Кўп гап эшакка юк, оз сўзла, соз сўзла. Карамсиз, шафқатсиз киши мевасиз дарахт кабидир.* Ҳозирги кўриниши: *Илмсиз – мевасиз дарахт ва бошқалар.*

Хуллас, Аҳмад Югнакий ўз асарида бир тушунчани ифодалаш учун мақолларга мурожат қилиб, улардан унумли фойдаланган. Муаллиф ўша даврдаёқ мақолларнинг характерли кўринишларини келтириб ўз даврига хос эски туркий тил лексикасини бойитишга хизмат қилган. Бу эса тилимиз тарихини, ундан ранг-баранг мақоллар асл мазмуни моҳиятини бугунги авлодга етказишда алоҳида манба вазифасини ўтайди.

#### А д а б и ё т:

Маҳмудов Қ. Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул хақоийк” асари ҳақида. – Тошкент: Фан, 1972, 18-б.

А. ТҶЙЧИЕВ,  
Н. МУРАТОВА (ЖДПИ)

### БАДИЙ МАТНДА АНТОНИМИЯ

Маълумки, сўзлар ўз маъно хусусиятлари билан ўзаро турли муносабатларда бўлади. Баъзи сўзларнинг маъноси бир-бирига яқин бўлса, баъзилари бир-бирини инкор этади. Биз куйида мана шу бир-бирини инкор қилувчи сўзлар, яъни антонимлар тўғрисида фикр юритамиз. Антонимлар қарама-қарши тушунчаларини ифодалайдиган сўзлар бўлиб, ушбу жуфтликдаги сўзлар фақат бир хил сўз туркумига оид бўлади. (1) Масалан: *кун - тун, яхши - ёмон, чиройли - хунук.* Бу мисоллар контекстдан ташқарида ҳам, контекстда ҳам ўзаро қарама-қарши маъно ифода этади. Аммо шундай сўзлар борки, улар фақат матндагина антонимлик ҳосил қилади. Масалан: *Бу қандай гапки, улар фароғатда-ю, бизлар кулфатда, улар роҳатда-ю, бизлар меҳнатда, улар тўқ бўлсин-у, бизлар оч, улар шароб ичсинлар-у, биз жигар қонини, уларнинг хотинлари гўзал боғчаларда шак кийимлар кийиб, ўйнаб-қулиб юрсинларда, бизнинг хотинларимиз ўзимиздек қора меҳнат остида чирисинлар.* (2) Матндаги *фароғат – кулфат, тўқ - оч* сўзлари контекстдан ташқарида ҳам антонимлик ҳосил қилади. Аммо *роҳат – меҳнат, шароб - жигар қони, ўйнаб-қулмоқ - қора меҳнат остида чиримоқ* жуфтликлари антонимлик ҳосил қилмайди. Ёзувчи *роҳат - меҳнат* сўзларини бир-бирига қарама-қарши қўяди. Кейинги жуфтлик *шароб ва жигар қони.* Булар гарчи икки хил тушунча бўлса-да, антонимлик ҳосил қилмайди. Антонимларда бир-бирининг маъносини инкор қилиш аввалги тушунчага нисбатан қарама-қарши бўлган янги бир тушунчани ифодалаш орқали бўлади. Масалан: *катта* тушунчаси «кичик эмаслик»ни ифодалабгина қолмай, ҳажмда ортиқлик, кўплик белгисини ҳам ифодалайди. *Шароб* ва *жигар қони* сўзлари бир-бирининг маъносини инкор этса-да, қарама-қарши тушунча деб қарамаймиз.

*Бу хабар эътироз ва нафрат митингини шодлик намойишига, мотам мажлисини тўй ийгилишига айлантирди.* Бу гапдаги мотам ва тўй тушунчалари антонимдир. Бироқ *эътироз, нафрат - шодлик* сўзига антоним бўла олмайди. *Эътироз билдирмоқ – маъқул қилмоқ, нафрат –*

муҳаббат, шодлик – қайғу антоним сўзлардир. Ёзувчи маҳорати шундаки, у бу сўзларни қарама-қарши қўя олган ва нутқий жозибани ҳосил қилишда ҳам айнан сўз қудратидан унумли фойдаланган.

С.Айний ўз асарида ўзаро антонимлик ҳосил қилмайдиган сўзларни бир-бирига қарама-қарши қўяди ва уларнинг ўзаро зид муносабатда келишини бевосита таъминлаш билан бирга контекстуал антонимликни юзага келтиради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тилимизда серқирра маъноли сўзлар ғоят кўп, уларни чуқурроқ ўрганганимиз сари ранг-баранг жилолари очилиб бораверади. Бизнинг вазифамиз эса мана шундай кенг маъноли сўзларни ўз ўрнида қўллаш ва унинг маъно қирраларидан оқилона фойдалана олишдан иборатдир.

#### Адабиётлар:

1. Мирзаев М. ва бошқ. Ўзбек тили, –Тошкент: Ўқитувчи, 1979.
2. Айний С. Судхўрнинг ўлими. Қиссалар. –Тошкент, 1978.

**М.ТУРСУНПҲЛАТОВ,  
Б.ФАЙЗУЛЛАЕВ (ЖДПИ)**

### **НУТҚНИНГ ИФОДАВИЙЛИГИ**

Нутқ маданияти тушунчасининг энг муҳим белгиларидан бири бу нутқнинг ифодавийлигидир. Ифодавийлик нутқимизни “тирик” ҳолича тингловчига етказиб берувчи асосий воситалардан биридир. Нутқнинг ифодавийлиги нотикнинг сўз қўллаш маҳорати билан боғлиқдир.

Нутқнинг ифодавийлиги дейилганда нималарни тушунмоқ керак?

1. Маъруза жараёнида матнни тўлиқ ўқиб бермасдан мустақил равишда сўзлаш, фикрни лўнда ифодалаш, ҳар хил шаблонлашиб қолган, ҳамма учун маълум бўлган мулоҳазаларни қайтариш нутқнинг ифодавийлигини, яъни таъсир кучини камайтиради.

2. Оммага маълум бўлмаган, мазмунига кўра бугунги кун учун муҳим бўлмаган масалалар ҳақида мулоҳаза юритиш. Бунинг учун нотикдан ўз ишига, касбига муҳаббат, қундалик янгиликларни ўз вақтида ўзлаштириб бориш ва ўзлаштирилганларни тушунарли шаклда ифодалай олиш маҳоратига эга бўлиш талаб этилади.

3. Нотикнинг нутқи аудиторияда тўпланганларнинг руҳига мос бўлиши керак. Омма учун тушунарли бўлмаган сўзларни ишлатиш нутқнинг ифодавийлигига таъсир қилади. Чунки нотаниш сўзлар, унинг маънолари бошқаларга етиб бормади, бу ҳол нутқнинг ифодавийлигига салбий таъсир этади.

Алишер Навоий, Бобур, А.Авлоний, А.Қаҳҳор, Ойбек, Шухратлар нутқдаги ортиқчалик, ғализлик нутқнинг ифодавийлигини, мантқиқлигини бузишини алоҳида қайд этганлар. Масалан, Алишер Навоий сўзни дил қулфининг калити деб билди ва ўз ўрнида тўғри ишлатилган ҳар бир сўз нутқнинг аниқлигини, ифодавийлигини таъминлашини алоҳида қайд этади:

*Барча қўнғил дуржи аро жавҳар ул,  
Барча оғиз ҳуққасида гавҳар ул.*

Бобур эса нуткдаги, ёзувдаги ортиқча дабдабазлик, жимжимадорлик, ўта таъриф тавсифлар, ноўрин кўтаринкилик нутқнинг ифодавийлигига салбий таъсир кўрсатишини алоҳида таъкидлайди ва ўзи бундай ғализликдан қочади. Бу ҳолни ўғли Ҳумоюнга ёзган хатида ҳам кўрамыз: “*Хат битарда такаллуф қилай дейсен, ул жиҳатдин мулғақ бўладур. Бетакаллуф ва пок алфоз бида бит, сенга ҳам ташвиш оз бўлур ва ўқуғучига*”.

4. Нутқнинг ифодавийлигини таъминловчи воситалардан яна бири сўзлардаги урғуни ўз ўрнида ишлага билишдир. Чунки сўз урғуси ўз ўрнида ишлатилса, нутқнинг ифодавийлиги, тингловчига етиш даражаси юқори бўлади. Шунинг учун ҳам Бобур сўзлардаги урғуга алоҳида эътибор беради.

Унинг фикрича, сўздаги урғу ўша сўзнинг маъносини тўлиқ очиб беришга (пичинг, кесатиш, нафратланиш, коникиш каби) имкон беради.

5. Нутқнинг ифодавийлигини таъминловчи ҳолатлардан яна бири оҳанг (интонация)дир. Нутқда оҳангнинг пасайиб-кўтарилиб, секинлашиб, тезлашиб туриши нутқнинг оҳангдорлигини таъминлайди.

Нутқнинг бир меъёрада секин, тез ёки паст давом этиши тингловчини зериктиради. Шунинг учун ҳар бир киши ўз нутқида оҳангнинг ҳолатига алоҳида эътибор бермоғи керак.

**Ҳ.ҲАМДАМОВА**  
(ЖДПИ)

### **А.ҒУЛОМОВНИНГ “ЎЗБЕК ТИЛИДА КЎПЛИК КАТЕГОРИЯСИ” АСАРИ ҲАҚИДА**

Атоқли тилшунос Айбў Ғуломовнинг морфологияга оид қарашларини унинг “Ўзбек тилида кўplik категорияси” номли монографиясидаги маълумотларни ўрганиш орқали чуқур англаш мумкин. Шу билан бирга, олим *-лар* аффиксининг кўplik маъноси билан бирга яна бошқа маънолар ифодалаш мумкинлиги ҳақида ҳам қимматли фикрлар билдириб ўтган. Монографияда кўрастилишича *-лар* аффикси қуйидаги маъноларни ифодалаш мумкин: 1)тур, нав маъноси: *Унлар, сувлар* (маъдан суви, газланган сув); 2) тўдаларнинг кўплиги: *халқлар, қўшинлар*; 3) шахсга хурмат: *Бунни дадамлар айтдилар*; 4) кулги, мазак (мазах-Ҳ.Ҳ.), масҳара: Бошларида шапка гоҳи, гоҳ дастор авлиё; 5) маънони зўрайтириш, ифода маъносини кучайтириш: *Уйқуларим келди. Завқларим тошди*; 6) -лар орқали шу сўзга диққатни тортиш: *Эрта оқишом ЗАГС ларда кўр мани*; 7). ҳаракатни кучайтириш: *Қарамайлар қочдинг-о!*; 8) белги маъносини конкретлаштириш: *Табиаат гўзалликларини томоша қилдим*; 9) умумлаштириш: *Пушкин, Лермонтов, Некрасовларнинг асарларини тўла ўқиб чиқдик*; 10) Ҳаракатнинг узоқ давом этиши ё такрори, “марта”: *Қадам ташлашлар унга таниш эди*; 11) “яқинлари” маъноси: *Аҳмедовлар оиласи. Ҳалималарникига бордим*; 12)тахмин: *Ўн икки ёшларда эди. Самарқандларда бўлса керак. Соат ўнларда келаман*; 13)чегаралаш: *Нон (умуман) – нонлар* (қисм, шундан бир неча тур); 14)кўplikни таъкид (икки кўplik): *Бизлар, сизлар, кўп одамлар*.

Булардан ташқари *-лар* аффиксининг яна бошқа маъно англатишда ҳам хизмати борлигини айтиб ўтади ва *деворлари мустақкам, эшиги ҳам бор эди* деган мисолни келтиради. Бундаги *деворлар* ҳар тарафда бўлганлигидан *-лар* олгандир; текис – тўғри туташган бўлганда, *-ларсиз* қўлланар эди деб таъкидлайди. Баъзан отлар *-лар* олган ҳолда атокли от бўлиб қолиб, уларнинг кўплик маъноси кучсизланади, бунга мисол қилиб *Қизлар, Оталар денгизи* каби жой номларини келтиради.

Шу билан бир қаторда А.Ғуломов юқорида келтирилган маъноларни янада чуқурроқ изоҳлаш мақсадида уларнинг ҳар бирини алоҳида пунктларга ажратиш орқали таҳлил қилиб беради. Масалан: хурмат маъносининг ифодаланишини ва бу ифодаланишдаги хусусиятларни санаб ўтади, менсимаслик маъносини изоҳлаганда эса у хурмат маъносининг акси эканлигини таъкидлайди.

Биз А.Ғуломовнинг илмий меросини ўрганиш асносида ундан олдинги ва кейинги худди шу масалага оид манбаларни ҳам ўрганиб чиқишни муҳим деб билдик. Кузатишимизча, кўпчилик манбаларда бу масала А.Ғуломов фикричалик тўла ва изчил эмас. Масалан, Фитратнинг морфологик қарашларида *-лар* бирлик сондаги отларга қўшилиб кўплик ифодаланиши айтилади (Фитрат отнинг эгалик ва келишик категорияси ҳақида гапирмайди). Ҳозирги адабиётларда ҳам шу ҳодисани кузатиш мумкин. Масалан, М.Мирзаев ва бошқалар муаллифлигида чиқарилган “Ўзбек тили” дарслигида ҳам олти турга (хил-нав, маънони кучайтириш, хурмат, кесатик, умумлаштириш, маънони таъкидлаш) бўлинган(2).

Шундай қилиб, А.Ғуломовнинг “Ўзбек тилида кўплик категорияси” асарида кўплик категориясининг асоси ҳисобланган *-лар* аффиксининг турли маъноларни англатиши, шу билан бирга, бу аффиксининг тарихий ҳолатлари, унинг шеваларда ва адабий тилда қўлланилиши каби масалалар ҳам чуқур илмий талқин қилинган. Ҳозирги ўзбек адабий тилини ўрганишда А. Ғуломовнинг юқоридаги фикрларига таяниш яхши самара беради.

#### Адабиётлар:

1. Айюб Ғуломовнинг илмий мероси. 3-китоб. –Тошкент, 2007.
2. М.Мирзаев ва бошқ. Ўзбек тили. –Тошкент: Ўқитувчи, 1970.

**Т.АЛМАМАТОВ, доцент,  
Қ.ЯДГАРОВ, п.ф.н. (ЖДПИ)**

### **ТЎРТ СОНИНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

Айрим миқдор ифодаловчи сўзлар ҳам ўзига хос семантик хусусиятга ва мазмуний таркибга эга: *бир гаплашайлик, бир учрашамиз, бир кўрамиз...*, бундай ифодалаш имкониятини жуда кўп давом эттириш мумкин. Бундай хусусиятга *етти, тўққиз, қирқ* каби кўплаб сонларнинг ҳам эгалигини кўрамиз.

Маълумки, тил ҳаётнинг бошланиши, инсоният тарихи ҳамдир. Аждодларимиз тўрт унсур: сув, ҳаво, ер, қуёшни ҳаётнинг бошланиши деб тафаккур қилишган. Бу тўрт унсур мавжуд эмас экан, ҳаёт ҳам мавжуд эмас. Тафаккур тараққиётининг тўрт миқдори билан бевосита алоқадор қатор

бирикувлари юзага келдики, бевосита инсон тириклигини ифодаловчи зарурий ифодага айланди: *Тўрт мучанг омон бўлсин*.

Исломнинг илк даврларида ҳукмронлик қилган халифалар – Абу Бакр Сиддик (р.а.), Ҳазрати Умар (р.а.), Ҳазрати Усмон Зуннурайн (р.а.), Ҳазрати Али (р.а.)лар тўрт чорёр номи билан машҳур бўлди (Ваҳоланки, бошқа халифалар ҳам бор эди). Ёки Пайғамбаримиз (с.а.в.) арши аълога кўтарилганда тўртинчи қават осмондан ердаги Билол (р.а.)ни ҳазрати Жаброил ёрдамида кўради (Ривоятларга қараганда, осмон тўрт қават эмас). Бу ҳолатларда ҳам тўрт рақами билан муштарақлик сезилади. Бир-биридан кескин фарқланадиган тўрт томон – шарқ, ғарб, шимол, жанубнинг мавжудлиги ҳам тўрт унсурга бориб тақаладиган хилқатдир.

Тўрт сони иштирок этган бирикувлар комил инсоннинг ички дунёсини ифодаловчи воситалардан саналади. Яратганнинг даргохидан умидвор бўлиш, нажот сўраш, ушалмаган орзулардан умид қилиш аждодларимиз ниятларидир. *Тўрт кунлик дунё* ибораси ифодалаган мазмунга эътибор берсак, бир қарашда дунё тўрт кун бўлмайди. Дунё тушунчаси қанчалар қамровли ва кенгдир. Лекин ҳаёт лаззати, яшаш иштиёқи шу даражада зўр, шу даражада тотлики, у сиққ – ўта қисқа муддатни тақозо қилгандай тушунилади. Натижада мана шу “қисқа” даврда (тўрт кунда) қандай эзгу ниятларни амалга ошириш, нималарга улгуриш-у, нималарга улгура олмаслик фалсафаси ҳукм суради.

Тилда аналогия ҳодисаси ҳукмрон. Ана шу қисқалик тушунчаси бошқа ҳолатларга ҳам кўчирилган ҳолатда иборалар ҳосил қилинган. *Овқат (ош)га тўртта туз ташлаб қўйгин (ташлазин)*. Ваҳоланки, овқатга туз доналаб солинмайди. Ёки: *Товуққа тўртта дон ташлаб юбор*. Бу тушунчаларни *тўртмасиз* ҳам ифодаласа бўлади. Аммо унда эмоционаллик, шахснинг хиссий туйғулари, маълум даражада эркалаш-кичрайтириш йўқолади. Аксарият ҳолатларда нарса-ҳодисаларга шахснинг муносабати асосий ўринни эгаллайди. *Молларга (қўйларга) тўртта хашак (емиш) ташлаб қўй* бирикувига ҳам юқоридаги изохни қўллаш мумкин.

*Тўртта суҳбатингизни олайлик, Тўртта суҳбатлашайлик* каби ибораларда ҳам *тўрт* сони миқдорни ифодалаётгани йўқ, балки вақтга – пайтга муносабатни аниқламоқда. Лекин *тўртта суҳбат* ҳар қандай учраган одамга қилинадиган мурожаат эмас, балки суҳбатдошларнинг бир-бирига жуда яқинлигини билдирувчи, ҳурматини жойига қўювчи символик белгидир: мамнунлик, қониқиш, айни пайтда қутилмаган хурсандчилик кабилар.

*Тўрт кўз тугал* ибораси кўп маъноли бўлиб, аксарият ҳолларда олқиш таркибида келиб берилган неъматга шукрона келтиришнинг ўзига хос шакли ҳисобланиб, жиддий ҳаётий тажрибалар якуни саналади. Бошдан жуда кўп укубатларни ўтказган халқ ҳар бир янгилик, пишиқчиликка эсон-омон етказган оллоҳга шукроналар келтирган ва шундай давом этишини орзу қилган.

*Тўрт тараф (томон)инг қибла*. Одатда қибла – жануби-ғарб томон муслмонлар ҳаётида муқаддас тараф ҳисобланади. Кўпгина ижобий

тимсоллар қиблага - каъбага нисбатан берилади: *қаблагаҳим онам* (қўшиқдан), *қиблам-суяңчигим* кабилар. Демак қиблага фақат ижобий сифатлар киёсланмоқда. Аммо ҳаёт ҳақиқати ҳамма вақт ҳам объектив борлик билан мос келавермайди. Ҳаётний зиддиятлар, одамларнинг комилликдан йироқлиги, маърифат билан жаҳолатнинг, яхшилик билан ёмонликнинг, буюклик билан пасткашликнинг аксарият ҳолларда ёнма-ён келиши баъзан иккинчиларининг – жаҳолат, ёмонлик, пасткашликнинг эзгулик устидан устун келиш ҳоллари ҳам учраб қолади. Бундай ҳолатда чорасиз қолган инсон юрагида исён пайдо бўлиб, Яратгандан жазо сўрайди. Жабрланувчи уни қудратнинг ҳукмига ҳавола қилади. Демак тўрт тараф (томон) га шундай кетавериш эмас, балки норозилик устун бўлганда охириги чора қўллангандаги ҳолатдир.

Хулоса қилганимизда, *тўрт* рақамининг семантик компонентлари асосида яратилган ибора (ифода)лар ҳаётнинг ҳамма жабҳаларига тааллуқли бўлиб, уларнинг ҳаётимиз каби қадимийлигини кўрсатади.

**Ж.АБДУЛЛАЕВ (ГулДУ)**

### **УРҒУ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ ҲАҚИДА**

Дарслик ва ўқув қўлланмаларида урғунинг, асосан, икки тури ажратилади: лексик урғу, логик урғу. Оҳанг кучининг даражасига қараб урғунинг динамик, статик; тушиш хусусиятига қараб эркин, боғли турлари қайд этилади. Биз ушбу ўринда урғунинг асосий турлари ва уларни номлаш ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Маълумки, лексик урғу деб сўз бўғинларидан бирининг бошқасига нисбатан кучироқ оҳанг билан талаффуз қилинишига айтилади. Урғу бўғиндаги унли товушга тушади. Урғу олаётган унли билан бир бўғинни ташкил қилса, унлига ёндош ундошлар ҳам урғу таъсирида бўлади ва шунинг учун ҳам урғунинг таърифида товушнинг ўзи эмас, бутун бўғин асосга олинади. Лекин кучли оҳанг билан айтилиш, асосан, унли товушларга хосдир. Шу маънода *лексик урғу* атамаси ходиса моҳиятига тўғри келармикин? Бизнинг назаримизда, тўғри келмайди. Бевосита товуш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли уни фонетик урғу дейиш маъқул эмасми? Шундай атасак, лексик ёки сўз урғуси деб аталган ходисани тушуниш ва тушунтириш амалдагисига караганда қулай ва осон бўлади, деб ўйлаймиз. Зотан, бундай аташда нима назарда тутилаётганлиги билиниб туради. Атамада шундай имконият бор. Қолаверса, бу урғунинг бошқа турларини номлаш учун ҳам фойдалидир.

Гап шундаки, фонетик урғу атамасидан фойдалансак, ушбу урғу учун ишлатилаётган терминдан урғунинг иккинчи турини аташда фойдаланиш имконияти туғилади ва урғу турлари талқинида моҳиятга мос изчиллик таъминланади. Зеро, логик ёки гап урғуси деб аталаётган ходисада ҳам, худди фонетик урғуда бўлганидек, урғу бутун гапга эмас, гап таркибидаги муайян синтактик бўлакка, шундай бўлак вазифасида келаётган сўзга ёки бирикмага тушади. Шу маънода моҳият эътибори билан бу урғуни *лексик-грамматик урғу* дейиш керакка ҳам ўхшайди. Негаки, гап урғуси сифатида берилган урғу турида урғу олаётган бирликлар фақат сўз эмас, сўз

бирикмаси, ҳатто предикатив бирикма, оборот бўлиши ҳам мумкин. Ҳар қалай, назарий жиҳатдан буни инкор қилиб бўлмайди. Қолаверса, бу атама гап бўлаги синтактик моҳиятини ҳам қамраб олади. Зотан, ургу мустақил ҳолдаги луғавий бирликлар, бирикмаларга эмас, балки гап таркибидаги, унда муайян синтактик вазифа – гап бўлаги вазифасида келаётган лексик-грамматик бирликларга тушади. Бинобарин, лексик ургуни фонетик ургу деб аташ ундан юқори сатҳлар бирликларига оид ургуларни ўз номи билан аташ учун ҳам зарурдир.

Ўз-ўзидан аёнки, шундай қилингандан кейин гап, логик ургу атамаларининг тақдири нима бўлади, деган савол туғилади. Бизнингча, бу атамалардан, хусусан, гап ургуси атамасидан лексик-грамматик ургудан каттароқ ҳажмдаги нутқ бирликларига тушадиган ургуни аташда фойдаланиш мумкин. Мантиқан ўйлаб кўрсак, том маънодаги гап ургуси ҳам бўлиши мумкинлигини инкор этиб бўлмайди. Гап таркибида бирон бўлак ургу олар экан, матн таркибидаги ёки мураккаб синтактик бутунликдаги содда гапларнинг ургу олиши ҳақида ҳам гапириш мумкин. Лекин бу ҳали чуқур ўрганилмаган муаммодир.

Шундай қилиб ўзбек тилидаги ургуларни қуйидаги уч турга бўлиб ўрганишимиз мақсадга мувофиқ бўлади: фонетик ургу, лексик-грамматик ургу, гап ургуси.

**О.МУРОДҚУЛОВ,  
Л.ДЕҲҚОНОВА (ГулДУ)**

### **«НАВОИЙ» РОМАНИДА АРАБЧА СИНИК КЎПЛИК ИФОДАЛАНГАН СЎЗЛАР**

Улкан ўзбек адиби Ойбек тилга ва унинг бадий-эстетик ҳамда ижтимоий аҳамиятига катта эътибор берганлиги унинг асарларидан ҳам маълум. “Навоий” романи тили ҳақиқатан бой, бўёкли, содда, ифода кучи зўр, оммага англашиларли бир тилдир. Бадий асар яратишда эски ўзбек тилининг катта имкониятларидан усталик билан фойдаланган ёзувчи ортикча арабий, форсий сўз ва ифодалардан ҳам қочиб кутула олмайди. Тарихий ҳаққонийлик нуқтан назаридан ёзувчи ўша давр тилини, унинг услубини беришга ҳаракат қилган ва бунга эришган ҳам.

Ойбекнинг “Навоий” романида ёзувчи арабча кўплик шаклидаги сўзлардан тарихий колоритни вужудга келтиришда мохирона фойдаланган: *Жамики улум ва фундуақи азминаи қадимдан то шу дамгача одамзоднинг фикр гавҳари ижод этмишидир... бу ерда Хуросоннинг ва ўзга мамлакат исломнинг барча уламо, фузало, шўароси китоблардан истифода қилгай.*

Араб тилидан ўзбек тилига ўзлашган сўзларнинг кўплик шакли бирлик маъносини ифодалайди. Проф. А.Ғуломовнинг фикрига кўра, чет тилидан ўзлашган кўплик шаклидаги сўзлар ўзбек тилида бирлик шаклида қўлланилади. Юқорида келтирилган мисоллардаги сўзлар, асосан, синик кўплик шаклидадир.

Араб тилида синик кўплик сўзнинг ички флексияси воситаси билан ва кўшимча ҳарфлар орттириш оркали ҳосил қилинади. Бу йўл билан ясалган



кўплик шаклидаги сўзлар ўзбек тилига тайёр ҳолда синик кўплик шаклида кириб келган.

Арабча синик кўплик шакли изофий бирикмаларда ҳам кўплаб учрайди. “Навойий” романида бундай изофий бирикмалар асар номларини беришда қўлланилган. Масалан, “*Мажолисун-нафоис*”даги *мажолис* сўзи *мажлис* сўзининг синик кўплик шаклидир. Изофий бирикмадаги ҳар иккала сўз ҳам синик кўплик шаклида берилган. “*Маҳбубул-қулуб*”даги *қулуб* сўзи *қалб* сўзининг синик кўплик шаклидир: *Ёзмоқ қўзлаган асарлари ҳақида ўйлайди. “Маҳбубул-қулуб”, “Муҳокаматул-луғатайн”* учун *керакли фикрларни, мисолларни саралайди.*

*Луғатайн* сўзи арабча иккилик шаклидаги сўздир. Араб тилида бирлик ва кўплик шаклидан ташқари иккилик шакли ҳам мавжуддир. Ойбек “Навойий” романида жуда кўплаб арабча, форсча сўзлардан унумли фойдаланган.

**О.МУРОДҚУЛОВ (ГулДУ)**

### **ЧЎЛПОННИНГ “КЕЧА ВА КУНДУЗ” РОМАНИДА КЎПЛИК ШАКЛИ**

Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романида кўпликда учрайдиган лексемалар мавжудки, улар ўз таъсир даражаси билан ўзлари иштирок этган гапнинг ҳам, асар тилининг ҳам эмоционал маъноларини очиб берган. Уларнинг деярли барчаси *-лар* аффикси ёрдамида ясалиб, биринчи ўринда соф кўпликни ифодалаган: *Ҳалол-ҳаромни кўп фарқ қилмайтурган бу одамнинг аврودда ўтириш одатлари, ҳатто ҳаммадан кейин қолиб, маҷит шамларини ҳам нуғлаб чиқиш расмлари бўлар эди.* Асар қаҳрамони Раззоқ сўфи характерининг бир қиррасини очиб берган ушбу гапда икки ўринда ишлатилган *-лар* кўшимчасини соф кўплик дейишимиз мумкин: улар сўфининг одат ва расмлари кўплигини ясаган. Лекин бошқа тарафдан бу одат ва расмларнинг кўплиги билан гап бошида берилган сифати – *ҳалол-ҳаромни фарқ қилмаслиги* янада бўрттирилиб, гапга салбий бўёқ берган.

Бу аффикснинг кенг тарқалган маъноларидан яна бири ҳурмат маъносидир. Чўлпон ўз асарида *-лар* аффиксининг таъкидлаш маъносидан ҳам унумли фойдаланган. Масалан: *Шаҳардан Салтиларнинг бир арава бўлиб келишлари ҳам Энахоннинг шу хил ҳавасларидан бири эди.*

Асарда *-лар* аффиксининг маъно кучайтирувчи сифатида ишлатилишини ҳам кўриш мумкин: *Юраклар, тиллар, жигарларимиз* кабилар шулар жумласидандир.

*-лар* аффиксининг яна тур-нав, кесатик, чама маънолари ҳам бўлиб, улар асарда жуда кам миқдорни ташкил қилади.

*-лар* аффиксининг турли маъноларидан унумли фойдаланиш ҳар қандай асар мазмундорлигини янада оширади, ифодаланаётган фикр таъсирини кучайтиради, ўзбек тили имкониятлари кенглигини кўрсатади.

**О.МУРОДҚУЛОВ (ГулДУ)**

### **А.ҚОДИРИЙ АСАРЛАРИДА АРАБЧА СЎЗЛАР**

Абдулла Қодирий фақатгина ўзбек тилининг билимдонигина эмас, балки араб ва форс тилларини ҳам чуқур билувчи улкан адибдир. Унинг асарларида арабча ва форсча сўзлар жуда кўплаб учрайди. Заргар қимматбаҳо

тошларнинг билимдони бўлганлиги сабабли ҳар бир тошни ўз жойига кўйиб сайқал берса, А.Қодирий ҳар бир сўзнинг маъноларини чуқур билган ва уларни ўз жойига кўйиб ишлатган. Бу эса асар бадийлигини янада оширган. Адиб фақатгина арабча ва форсча сўзларни ишлатибгина қолмасдан, уларнинг грамматик таҳлилини ҳам бериб ўтган. Буни биз ёзувчининг «Калвак Маҳзумнинг хотира дафтаридан» қиссасида кўришимиз мумкин: «...калимоти араб барсе қисмат: исмат , феълат, ҳарфаст. Исм хамчун ражсул; феъл хамчун зараба, ҳарф хамчун мин. аън, ило...

«.....كلمات عرب برس قسمت : اسم است, فعل است, حرف است . اسم همچون رجول ; فعل همچون ضرب, حرف همچون من ; عن ; الى ...»

(«Калвак Маҳзумнинг хотира дафтаридан»)

Арабча сўзлар , харф исм, феъл харф сўз туркумларига бўлинадилар. Исмга мисол: رجول ражсул - киши; феълга мисол: ضرب зараба - урмак; харфга мисол: من мин - дан, عن ан - ҳақида, الى ило - га

“...Зараба - мози; занад мард дар замон гўзашта. Язрибу –музораъ, мезанад, он мард мизанад дар замони оянда...”

ضرب - ماضى; زند مرد در زمان گذاشته . يضرب - مضارع , ميزند , آن مرد ميوزد زمان اينده .....”

(«Калвак Маҳзумнинг хотира дафтаридан»)

ضرب зараба ўтган замон феъли; урди - музаккар жинс, ўтган замонда. يازريبو يازريبو - уради, хозирги келаси замон феъли, музаккар жинс.

Юқоридаги таҳлилдан кўрииб турибдики, А.Қодирий араб тилининг грамматикасини яхши билган ва форсча тавсифини асарда аниқ берган. Бу билан адиб асар тилининг жозибасини янада оширган.

Ҳ.ЁДҒОРОВ, доцент,  
Ҳ.БОЗОРОВА (ГулДУ)

## ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДА ИНТЕГРАЛ ВА ДИФФЕРЕНЦИАЛ СЕМАЛАР МУНОСАБАТИ

Халқ мақолларида шахс, нарса-предмет, ҳажм-ўлчов, белги-хусусият бир-бирига қиёсланади, ўхшатилади. Бунда от ва отлашган сўзлар, сифат, равиш, сон туркумидаги сўзлар кўпроқ ишлатилади.

Узоқ, олис, йироқ сифатларининг интеграл семаси маълум шакл узунлигини эмас, масофа узунлигини назарда тутлади.(1) Бу уч лексемани «масофа» семаси бирлаштириб турибди. Лекин улар дифференциал семаси билан фарқ қилади. Узоқ лексемаси семемасининг дифференциал семасини очиш учун турли усуллардан фойдаланиш мумкин. Бунда гап таркибида берилган аниқланмиш маъноси ҳам семани очнида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Масалан : Узоқ йўл отни синар, оғир йўл мардни синар

Узоқ лексемасидаги дифференциал семанинг намоён бўлиши учун бир гап таркибида яқин лексемасини бериб, улар ўртасида антитезани юзага келтирса ҳам бўлади: Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши.

Халқ мақолларида нарса–предметлар мазмун-мундарижасида яширин маъно фаолият кўрсатмайди: Ёзда ётинчигингни ташлама, қишда ўзинг биласан. Бу мақолда ёз ва қиш лексемалари бир-бирига нисбатан зиддият ҳосил қилган. Айки пайтда бу икки лексемани “фасл” семаси бирлаштириб

турибди, лекин бирининг “иссиқ”, иккинчисининг “совуқ” семалари уларни фарқлашга хизмат қилмоқда.

Мақоллар кўп асрлик ҳаётий тажрибалар, доимий кундалик кузатишлар хулосасини тугал фикр тарзида қатъий қутбийликда ифодалар экан, уларда ҳар бир сўзнинг маъно хилма-хиллиги, ибораларнинг тургунлиги, шаклий барқарорлик устунлик қилади. Аммо қўлланиш ўрнига қараб, уларнинг маъно доираси доимий равишда кенгайиб боради. Шунинг учун ҳам мақолдаги ҳар бир сўзга алоҳида эътибор бериш керак.

Халқ мақолларини ҳар томонлама чуқур лингвистик тадқиқ этиш бугунги ўзбек тилшунослигининг долзарб вазифаларидандир.

#### Адаб ш ё т:

Тожиमतов Х. “Узунлик” интеграл семали сифатлар маъносининг реаллашуви. *Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари.* – Тошкент, ТДПУ, 2007.

Ҳ.Р.ЗОКИРОВА (АДУ)

### ГИПОТАКТИК МУНОСАБАТНИ ЮЗАГА ЧИҚАРУВЧИ ВОСИТАЛАР

Гипотактик қурилма доим ҳоким ва тобе қисмлардан иборат бўлади. Ҳоким ва тобе қисмларни боғловчи воситаларнинг ҳам эргаштирувчи ва эргашувчи турлари мавжуддир. Биринчи позицияда келувчи боғловчи воситаларни эргаштирувчи, иккинчи позицияда келувчи боғловчи воситаларни эргашувчи турларга ажратишимиз мумкин. Ҳоким қисм билан тобе қисм қандай позицияда келишига қарамай, эргаштирувчи боғловчи воситалар доим биринчи позицияда келади: 1) эргаштирувчи воситалар: *учун, билан, сабабли, туфайли, -ки, қим, нима, қандай, қайси, қай, қанча, қачон, қаер, -са ҳам, -ганда ҳам, -ганда-да, -са-да каби;* 2) эргашувчи воситалар: *чунки, шунинг учун, шу сабабли, шу туфайли, ўша, шунча, шу ер каби.*

Эргаштирувчи восита биринчи позицияда (P1) келиб, ўздан кейин жумла келишига шароит яратади. Эргашувчи восита эса иккинчи позицияда (P2) келиб, ўздан олдин келган компонентга кейинги компонентни боғлайди.

Эргаштирувчи ва эргашувчи боғловчи воситаларнинг гипотаксисда қўлланиши уч хил бўлади: 1) фақат эргаштирувчи восита қўлланган бўлади; 2) фақат эргашувчи восита қўлланган бўлади; 3) ҳам эргаштирувчи, ҳам эргашувчи боғловчи восита ишлатилади. Гипотаксисда икки томонлама тобеланиш мавжуд бўлса, эргаштирувчи боғловчи восита ўзининг жуфти бўлган эргашувчи боғловчинини (*қанча - шунча, қаерда - шу ерда, қим - у, қандай - шундай*) талаб қилади. Бу ҳолатни шундай ифодалаш мумкин: 1. P1 → ; 2. ← P2 ; 3. P1 ↔ P2. Бунда P1 эргаштирувчи боғловчи воситани, P2 эргашувчи боғловчи воситани билдиради. Фақат эргаштирувчи боғловчи восита қўлланган гипотаксис . P1 →

Гипотактик қурилманинг биринчи компоненти таркибда келган эргаштирувчи боғловчи воситалар битта ёки бир неча бўлиши мумкин. Масалан, *Булутлар тарқалиб, ҳаво очилди.* Бу мисолда P1 = *-иб* равишдош қўшимчаси эргаштирувчи боғловчи восита сифатида келиб, ўздан кейинги компонентнинг келиши учун шароит яратяпти, бошқача қилиб айтганда, ўздан кейинги жумлани эргаштириб келаяпти. T P1 → X . *Қамила шундай илдам юриб келдики, Зайнаб қуваман деб ҳарсиллаб қолди.* Бу мисолда иккита P1 мавжуд , биринчиси *шундай* олмоши, иккинчиси *-ки* ёрдамчиси. X P1+ P1 ← T . Гипотаксис таркибдаги

эргаштирувчи боғловчи воситалар бир нечта бўлса, уларнинг бири доминант, асосий восита бўлади, қолганлари тобеликни кучайтирувчи, икки қисмини зич боғловчи воситалар турига киради. Юқоридаги мисолда доминант боғловчи восита *-ки*, тобеликни кучайтирувчи восита эса *шундай* ёрдамчисидир. Шуну ҳам айтиб ўтиш лозимки, баъзан доминанта *-ки* эргаштирувчи боғловчи воситасида эмас, балки таъкид юкломаси ўрнида ҳам келиши мумкин. Масалан: *Қаердаки бу тартиб бузилар экан, у ерда хўжасик катта зарар кўради.*

Қақат эргашувчи боғловчи восита қўлланган гипотаксис ← P2. Бундай гипотаксис турида боғловчи восита иккинчи компонентда келиб, биринчи компонентта эргашиб келади: *Ҳаётда барака, роҳат мўл, чунки тинчлик барқарор.* Мисолда P2 = *чунки*, бу восита биринчи компонентта эргашиб келмоқда. Бу ер фабрикага ўхшаб шовқин-сурон ер эмас, шу сабабли бемалол гапласиша бўлаверади (М.Ибр.) Бу мисолда P2 = *шу сабабли*.

Шуну ҳам айтиб ўтиш керакки, эргашувчи боғловчи воситалар айрим ҳолларда P1 ҳам ўтиб қолиши мумкин. Бунда *-ки* ёрдамчисининг таъсири кучли бўлади, чунки бу эргаштирувчи боғловчи доимо P1 да бўлади. Масалан: *У бу мактабдан шунинг учун кетиб қолдики, унга мактабда етарли шарт ва шароит тўғдирилмади.*

Ҳам эргаштирувчи, ҳам эргашувчи боғловчи восита қўлланган гипотаксис P1 ↔ P2. Гипотаксиснинг бу турида ҳар иккала компонентда ҳам боғловчи воситалар мавжуд бўлиб, улар гипотактик қурилма компонентларини мустаҳкам тобе муносабатда боғлаш учун хизмат қилади. Аксарият гипотактик қурилмаларда биринчи компонентдаги боғловчи восита савол тарзида, иккинчи компонентдаги боғловчи восита жавоб тарзида келади. P1 ↔ P2 нинг ўзига хослиги шундаки, улар ўртасида алоҳида оралик P мавжуд бўлади. Масалан: *Ёш қаламқашларимиз ҳаётни қанчалик яхши билсалар, уларнинг шеърлари шунчалик раво, бадий жиҳатдан мукамал бўлади.* Бу мисолда P1 (*қанчалик*), P2 (*шунчалик*), оралик ҳолатдаги P(-са). Оралик ҳолатлари P гипотаксис компонентларини эргалтириб боғловчи асосий, доминант восита бўлса, P1 ва P2 тобеликни кучайтирувчи, икки қисмини зич боғловчи воситадир. *Қаерда қураси бўлмаса, у ерда ўсиши ҳам бўлмайди.* Бу мисолда ҳам P1 (*қаерда*), P2 (*у ерда*), оралик ҳолатдаги P(-са), яъни P1 →P← P2.

Гипотаксис компонентлари баъзан бири иккинчисининг ичида ҳам келиши мумкин. Бундай ҳолатда P1 ва P2 ни қандай белгилашимиз мумкин. Масалан: *Гўрўглибек, ёв қочиб улгурмасин деб, отининг бошини қўйди* (Ф.Йўлдош). Бу мисолда эргаштирувчи боғловчи восита (*-масин деб*) P1 да келмоқда, чунки ўзидан кейин жумланинг давоми борлигини, фикр ҳали тугалланмаганлигини билдириб келаяпти.

Кўринадики, гипотактик қурилмани ҳосил қилишда эргашувчи восита тури(P2) ҳам, эргаштирувчи боғловчи воситалар(P1) ҳам тенг аҳамиятга эга, гипотаксисда ҳар иккаласининг қатнашиши эса тобе муносабатни кучайтириш учун хизмат қилади.

Д.ЖАЛОЛОВА,  
ф.ф.н. (АДУ)

## ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА МОРФЕМ ТАҲЛИЛ

Она тили ўқитишни ташкил қилишда замонавий илғор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда амалиётдан назарияга бориш, ҳосил

қилинган билим ва кўникмалар асосида назарий хулосалар чиқариш бугунги куннинг муҳим талабларидандир. Ўқувчилардаги саводхонлик даражасини ошириш, уларни мустақил фикрлашга ўргатиш, назариядан олган билимларини мустаҳкамлашда она тили таълимида грамматик таҳлил алоҳида аҳамият касб этади.

Мақтабда таҳлил она тили дарсларида ўтказиладиган ҳар хил машқларнинг умумий номидир. Бу машқларнинг ўтказилиш усуллари, мазмуни турли шаклда бўлади: фонетик, луғавий, морфем таҳлиллар каби.

Грамматик таҳлил мазмунига кўра икки таркибий қисмга бўлинади: 1.Морфологик таҳлил. 2. Синтактик таҳлил.

Морфологик таҳлил ўз мазмунига кўра икки хил бўлади: 1.Сўз таркиби бўйича (морфем) таҳлил. 2. Сўз туркумлари бўйича морфологик таҳлил.

Сўз таркиби бўйича таҳлил қуйи синфларда асос, қўшимчалар ва уларнинг турлари юзасидан олинган билимларни мустаҳкамлаш учун ўтказилади. 6-синфда сўз таркиби ўрганиб бўлингач, тўлиқ морфем таҳлилга ўтилади. Сўз таркиби бўйича таҳлил тартиби қуйидагича:

I. Сўзнинг асосини аниқлаш.

II. Қўшимчаларни аниқлаб, турларини кўрсатиш ва ҳар бирини изоҳлаш:

I. Сўз ясовчи қўшимчалар: а) от ясовчи қўшимчалар; б) сифат ясовчи қўшимчалар; в) феъл ясовчи қўшимчалар; г) равиш ясовчи қўшимчалар (уларнинг ички таснифи)

II. Шакл ясовчи қўшимчалар: 1. Луғавий шакл ясовчи қўшимчалар: а)отлардаги кўплик қўшимчаси; б) кичрайтириш ва эркалаш қўшимчалари; в)нисбат қўшимчалари; г)феълнинг сифатдош шаклларини ясовчи қўшимчалар; д) равишдош ясовчи қўшимчалар; е)сонларнинг маъно турларини ясовчи қўшимчалар;

3. Синтактик шакл ясовчилар ёки муносабат шакллари: а) исмларнинг муносабат шакллари: эғалик, келиш, исмларни кесим сифатида шакллантирувчи қўшимчалар ва боғламалар; б)феълларнинг муносабат шакллари: феъллардаги замон қўшимчалари, майл қўшимчалари. Намуна:

Сер- к-ча, сўз яс.к олд қ. си- фат яс. к.	қуёш- асос, от билан ифодалан- ган	-лиг(қ) к.-ча, сўз яс.қ.	-и шакл яс.-ча, синт.ш.яс.к. муносабат ш. эғалик қ. III ш,бирл.	-дан шакл яс.қ. синт.ш.яс. муносабат ш. кел.қ. чиқиш кел.қ.	-дир шакл яс.қ, синт.ш.яс. кесимлик қ.
--	--	-----------------------------------	--	--	--

(Бу таҳлилни шартли белгилар (чизиқлар) асосида ҳам ўтказиш мумкин)

Таҳлилнинг бу тури 6-синф такрорлаш дарсларида мунтазам равишда қўлланилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки сўзнинг маъноли қисмларини, асос ва қўшимчаларни яхши билиш ўқувчиларнинг саводхонлик доирасини кенгайтиради.

## ЧЎЛПОН ПУБЛИЦИСТИКАСИНИНГ АЙРИМ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Чўлпон публицистик нутқида қатор услубий ўзига хосликлар мавжуд. Чўлпоннинг публицистик нутқидаги услубий ўзига хосликни белгиловчи бир қатор омиллар мавжуд бўлиб, асосийлари сифатида: 1) публицистик ижоднинг табиати, мақсад-моҳияти, 2) муаллифнинг ўзига хос бетакрор шахс, шунга кўра мавжуд воқеликка ўз шахсий муносабати, нуқтаи назарининг мавжудлиги ҳамда бу муносабатни ифодалаш имкониятининг чеклангани, 3) унинг публицист бўлиш билан бирга бадий ижод билан шуғуллангани, ёниқ ҳиссиётли шоир эканлиги, ўзига хос бадий тафаккур тарзига эгаллиги кабиларни кўрсатиш жоиздир.

Публицист кенг омма билан мулоқотда бўлар экан, у ўз нутқини шунга мувофиқлаштириши, яъни: биринчидан, нутқда соддаликка интилиши, иккинчидан, нутқни жонли мулоқот шаклига яқинлаштириши, учинчидан, тил (нутқ) воситалари ёрдамида ўзи кўзлаган мақсадга (ўз шахсий муносабатини ифодалаш, оммага муайян ғоявий ҳиссий таъсир ўтказиш, жамоатчилик фикрини шакллантириш) эришишга интилиши такозо қилинади. Демак, буларнинг бари публицистнинг тил воситаларидан ўринли, унумли ва моҳирона фойдалана билишини талаб қилади. Чўлпон публицистик асарларини шу жиҳатдан қузатилса, унинг тилимиз имкониятларидан моҳирона фойдаланибгина қолмасдан, ундаги ҳали ишга солинмаган захираларни ҳам ишга солгани, имкониятларни намойиш эта билганига амин бўлаемиз.

Чўлпон публицистикасида фикрни, ҳис-туйғуни таъкидлаб, кучайтириб ифодалашга хизмат қилувчи стилистик усуллардан, айниқса, кенг фойдаланилади. Бундай усуллардан бири таъкидли такрор саналади. Маълумки, такрорнинг турли кўринишлари мавжуд бўлиб, улардан энг соддаси сўз такроридир. Масалан, «Фарғона фожеалари» (Ҳамза) пьесаси ва унинг қайта саҳнага қўйилиши муносабати билан ёзилган «Тарихнинг зарарли тақаррури» номли мақоланинг хулоса қисмида куйидаги жумла бор: *...Шу пьесани шу ҳолда ўйнамоқ билан ишга киришган шу театр тўдаси маҳаллий маблағ таъминотига ўтказилар эмши деган гап бор.* Бу ўринда такрорланаётган шу оямоши муаллиф фикрини таъкидлашга хизмат қилади. Бунга қадар пьесадаги (шу пьеса), унинг ижросидаги (шу ҳолда ўйнамоқ) ва труппадаги (шу театр тўдаси) камчиликлар ҳақида атрофлича тўхталган Чўлпон мазкур жумладаги такрор воситасида ўқувчига аввалги мулохазаларини бир-бир таъкидлаб эслатади, шу асосда ўзининг қуйироқда келувчи Саҳнани воқеаларнинг қуруқ бир хабарлар бобидан иборат қилмоқ истасалар — уларга хоҳ маҳаллий маблағ ва хоҳ бошқа маблағдан бир чақа бериш керак эмас тарзидаги ҳукмига замин тайёрлайди.

Чўлпон маънони кучайтирувчи такрор - градация усулидан ҳам кенг фойдаланади: *Эски адабиёт бир ширин, янгиси яна ширин, гарбники тагин яна ширин.* Градация усули кўпроқ уюшиқ бўлақларда намоён бўлади. Бунда

уюшган бўлақлар от туркуми билан ифодаланса, улар ўзаро ё синонимик муносабатда бўлади, ё ўзаро мазмуний-мантикий алоқадорлиги асос (мумтоз адабиётимиздаги таносуб санъати сингари) қилиб олинади. Айни пайтда, улар мантикий ўсиш ёки пастлаш даражасига кўра тартибланади: «У адабиёт майдонида янгиликка нисбатан ёш бола, гўдақ, чақалоқ.», «...қонга, зулмага, жиноятга қариши кўпурган жони ила...», «Гўё ҳар нарса ёлеиз мотам, ёлеиз қон, ёлеиз аччиё ва ғазабдан иборатдир». Градация усули, кўпинча, сифат билан ифодаланган уюшиқ бўлақлар ёрдамида юзага келади: «... гўзал, нафис, латиф шеър букетлари...», «Баъзи бир идораларнинг чиroyлик, чаққон, ҳайбатлик ўт аравалари», «Таржума текис, англарилик, равон...». Эътиборли томони шуки, сифат билан ифодаланган уюшиқ бўлақлар ҳар вақт ҳам бир белгининг даражада ортишини ё камайишини кўрсатмаса-да, контекстда маънони кучайтиришга хизмат қилаверади.

Чўлпон антитеза усулидан ҳам унумли фойдаланади. Жумладан, айрим ҳолларда антитеза градация билан бирга келади ва унинг ифода имкониятлари кучаяди: У тўғрида жуда кўп «дод» дедик, фарёд қилдик — ҳемирилиқ фойдаси бўлмади. Чўлпон антитеза усулидан уюшиқ аниқловчиларни ифодалашда ҳам фойдаланади: «дунёнинг ваҳшатига ўч, лекин ўзи каби дарвешлардан бири», «таржума текис, англарилик, равон, лекин оҳанги ва қофия вазни билан аслига тўғри келмайди». Бу ҳолда зидлаш кўпроқ белги билдирувчи бўлақлар орасида кузатилиб, нарса-ҳодисани атрофлича таърифлашга хизмат қилади. Мазмунан белги билдирувчи бўлақларнинг зидланиши мураккаб от кесим таркибида сўзлар орасида ҳам кузатилади: Асар фожиали бўлғони ҳолда ўйнашда қулги бўлиб чиқди.

Юқоридаги мулоҳазаларимиз, таҳлилга тортилган мисоллар Чўлпоннинг публицистик ижоди табиати, мақсад-моҳиятига мувофиқ келадиган услубий воситаларни ишлаб чиқишга, уларнинг миллий тилимизда ўзлашишига катта ҳисса қўшганидан далолатдир.

### Ш.ҲАЙДАРОВ (ЖДПИ)

#### ДИАЛОГИК НУТҚДА ПАРЦЕЛЛЯЦИЯ

Бадий матннинг синтактик структурасида парцелляция деб аталувчи ҳодисанинг ҳам алоҳида ўрни бор. Парцелляция атамаси тилшуносликда тугал фикр англатувчи яхлит бир гапни қайта тузиш, бўлақларга ажратиб ифодалашга нисбатан ишлатилади. Бундай конструкцияларда, асосан, парцеллят сифатида гапнинг ремаси бўлақланади ва янги рематик марказ ҳосил қилинади. Парцеллят сифатида олинган фрагмент базавий қисмдан финал тиниш белгиси (нукта) билан ажратилади. Мазкур ҳодисанинг ёндош ҳодисалардан (масалан: илова конструкция, сегментация ва б.) фарқли жиҳати шундаки, парцелляцияланган конструкциянинг луғавий таркибини ўзгартирмаган ҳолда яна қайтадан депарцелляциялаш имконияти мавжуд. Ёзувчилар бадий матнда бундай конструкцияларга мурожаат қилиш орқали, таъкидлашни истаган маълум бир сўзни ёки гап ичидаги конституент фикр

ифодаловчи бўлакни алохида гап сифатида тақдим қилиш ва оғзаки сўзлашув нутқи интонацияларини фотографик акс эттириш имкониятига эга бўладилар. Парцеллят-фрагмент мустақил гап мақомини олади, лекин базавий қисм билан мустаҳкам синтагматик алоқасини сақлаб қолади. Ундан англашиладиган маъно асосий қисмда ифодаланган фикрсиз мутлако мукамал бўла олмайди. Масалан: *Бақир узоқ йили “номзод”лардан биттасини учратган эди. ЦУМда. Тасодифан* (Э.Аъзам). Ушбу мисолдаги парцеллят сифатида ажратилган ўрин ва тарз ифодаловчи бўлақларни асосий қисмсиз тушуниб бўлмайди. Яъни: *ЦУМда. Тасодифан* тарзида. Демак, унинг асосий гапдан ажратилиши, гапга хос тиниш белги ва интонацион алохидаликка эга бўлиши ҳали мазмуний мустақилликка ҳам эга бўлди дегани эмас экан. Келтирилган мисолни депарцелляциялаш орқали бунни яққол кўришимиз мумкин: *Бақир узоқ йили ЦУМда тасодифан “номзод”лардан биттасини учратган эди.*

Мазкур парчадаги икки сўзнинг парцеллят сифатида асосий гапдан ажратилишининг ўзига хос сабаби бор. Лекин бу сабабни асарнинг тўлиқ ёки қатгарок қисми билан танишгачина англаш мумкин. Истеъдодли адиб Эркин Аъзамнинг «Байрамдан бошқа кунлар» деб номланган қиссасидан олинган мазкур мисол шундай давом этади: *Бақир узоқ йили “номзод”лардан биттасини учратган эди. ЦУМда. Тасодифан* Бир дугонаси билан юрган экан, растама-раста етаклашиб. “Вуй, Бақи-ир, санмисан?! – деди аранг таниб. – Қатта ўқивоссан? Нечинчи курс?.. Ман филфакдаман. Бу йил битирвопман. Ҳозир-чи, диплом ёзивопман. Тилдан, Шевалардан. Вой, танишиб кўй: бу мани ўртоғим – Мунар, Мунаррах. Билла ўқийвуза”.

Муаллиф қахрамоннинг ўзи учун келинликка “номзод” сифатида уйидагилар томонидан тақлиф қилинган киз билан каерда (кутубхонада эмас, аудиторияда эмас, ёки автобусда, кўчада, боғда ҳам эмас, айнан, ЦУМда) ва қай тарзда (атайин учрашиш учун бормаган, тасодифан) учрашиб қолганлигини парцеллятив конструкция орқали мантикий таъкидлашга эришган. Парчадан кўриниб турганидек, қахрамонлар нутқи қайта ишланмаган, пардозланмаган тарзда берилган. Шунинг учун оғзаки нутққа хос синтактик структурани белгиловчи нутқий парокандалик, узилиш ва улаб кетиш, инверсия қабилирни эркин қўллаган.

Диалогда парцеллятли конструкциялар орқали нутқий вазият талабига кўра зарурий маълумотлар батафсил, тўла ҳолда ифодаланади. Масалан:

- *Ў-ў, янгилик! Зўр-ку! Уйлан. Қизиқ, келин ким экан?*
- *Рахшона.*
- *Қайси Рахшона?*
- *Тепадаги. Опанинг қизи. Пианино чаладиган.* (Э.Аъзам)

Парцеллятли ифодани стандарт синтактик структурага айлантирсак унинг луғавий таркибида ҳеч қандай ўзгариш юз бермайди. Яъни: *Тепадаги пианино чаладиган опанинг қизи*. Ёки: *Тепадаги опанинг пианино чаладиган қизи*.

Келтирилган мисолда парцеллятив конструкцияга эҳтиёж коммуникатив талабга кўра юз берган. Дастлаб, Рахшона билан боғлиқ



минимал информация бериледи: *Тепадаги*. Лекин бу маълумотнинг етарли эмаслиги маълум бўлади ва у билан боғлиқ иккинчи маълумот келтирилади: Опанинг қизи. Бу маълумотдан ҳам тўла таскин топмаган сўзловчи учинчи, ҳал қилувчи информацияни келтиради: Пианино чаладиган. Шу тарика Рахшона ҳақидаги саволга тугал жавоб бериледи.

Бадий матнларни кўздан кечирганда бундай конструкцияларнинг ўзига хос кўринишларини кузатиш мумкин. Масалан, фразеологизмларни парцелляциялаш ҳолати кам учрагани ҳолда алоҳида қизиқиш уйғотади. Уларда базавий қисмдаги денотатив мазмунли ноидиоматик бирлик сифатида кирган идиоманинг бошланғич элементини ажратиш орқали таъкид кучайтирилади. *Бу воқеа дostonга айланди*. Тилларда Гапдаги *тиллarda дoston бўлмоқ* фраземаси *машхур бўлди*, *ҳамма бу воқеа ҳақида гатирадиган бўлди* каби маъноларда қўлланилганлигини урғулаш мақсади билан парцеллят сифатда ажратилган. Фразеологизмни бу каби бўлаклаш бутун фразеологизмни яхлит идрок этишни қийинлаштирамайди, фақатгина барқарор структурали фраземанинг янгича тақдим қилиниши орқали китобхон диққатини тез ва осон тортиш имконига эришилади.

Умуман, парцеллятив конструкцияларнинг бадий матнда қўлланилиш ўрни ва тарзини кузатиш орқали бадий матннинг синтактик табиатини янада теранроқ англашимиз мумкин бўлади. Шунингдек, бундай конструкцияларнинг бадий матндаги реализациясини текшириш орқали оғзаки нутқнинг ҳали кашф этилмаган имкониятларини ҳамда бу борадаги ёзувчининг лисоний маҳоратини ҳам ўртага чиқаришимиз мумкин.

**А. ХУСАНОВ, доцент (ТДПУ)**

### **НУТҚ МАДАНИЯТИ ДАРСЛАРИДА ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ**

Халқ оғзаки ижодининг энг кичик жанри бўлган мақолларни халқ ахлоқий қарашларининг кўзгуси дейиш мумкин. Бу мақоллар ёшларнинг, хусусан, ўқувчи ва талабаларнинг нутқ маданиятини ўстиришда, уларни халқ донишмандлиги билан таништиришда ҳамда уларда халқчил хислатларни тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир.

Мақоллар мазмунида ўқувчи ва талабага нимадир ўргатиш, нотўғри ҳатти-ҳаракатдан сақлаш истаги сезилиб туради.

Ҳар бир ўқувчи ва талаба ўз сўз бойлигини ошириб бориши лозим, у қанчалик кўп сўзни билса, ўз фикрини шунча яхши, раван ва жиллоли тушунтира олади. Бунинг учун халқ тилини, айниқса, мақол ва маталларни яхши билиши жуда катта аҳамиятга эгадир.

Нутқ маданияти дарсларида халқ мақолларидан фойдаланиш дарс самарадорлигини ошириш билан бирга, ўқувчи ва талабаларнинг мавзуларни пухта ўзлаштиришига ҳам кўмаклашади. Мақоллар кўп. Фақат уларни мавзуга мослаб, тартибга солиб, дарсда ўринли фойдаланиш ҳам ўзига хос санъатдир.

Ўқитувчи мақоллар ҳақида суҳбат ўтказганда муайян меъёрга риоя қилиши шарт. Ўқувчи ва талабаларни дарснинг асосий мақсадидан чалғитмаслиги керак. Халқ мақолларидан ўринли фойдаланиш дарснинг

кизиқарли бўлишини таъминлайди. Уларни ўқувчи ва талабаларнинг ёшларига, билим доирасига, дунёқарашига қараб, ўз ўрнида оқилона ишлатиш лозим. Мақоллар билан безатилган нутқни ўқувчи ва талабалар кизиқиб эшитадилар.

Халқимизда *Қановини тоисанг, қор ҳам ёнади* деган мақол бор. Гап тилимизда мавжуд мақолларни ўз ўрнида, маъно ва услуб жиҳатдан аниқ ишлата олишда. Ҳар бир баён этилган мақол ўқувчи ва талаба учун равшан ва тушунарли бўлмоғи керак.

Дарсда мақолларни ўргатиш, ёдлатиш ва уларга амал қилдириш ўқувчи ва талабаларни халқнинг орзу-истаклари асосида тарбиялашда уларнинг маънавий киффасини шакллантиришда муҳим воситадир.

Мақолларни дарсда қўллашдан мақсад ўқувчи ва талабаларнинг нутқига жило, мантқий қувват бағишлаш, уларни фикрлашга ўргатиш, уларда ўқитувчи билан эркин муомалага киришиш маданиятини шакллантиришдан иборатдир. Барча фан ўқитувчилари саъй-ҳаракат қилиб, дарсга мақол билан кириб, ундан унумли фойдаланса, дарс самарасининг унумли бўлишига кўмаклашади.

Мақол билан изоҳланган фикр ўқувчи ва талабаларга тез сингади, тўғри йўл кўрсатади, ақлли маслаҳатлар беради, ўғит-насихат қилади, таълим-тарбияга ўргатади, тарбия орқали ёшларда туғилган заминга, она-Ватанга муҳаббат туйғуси шакллантирилади.

**З.РАЙИМБЕРДИЕВА,  
З.РАҲМОНОВА,(АДУ)**

### **И. КАРИМОВНИНГ “ЮКСАК МАЪНАВИЯТ-ЕНГИЛМАС КУЧ” АСАРИДА ЭМОЦИОНАЛ-ЭКСПРЕССИВЛИКНИНГ ИФОДАЛАНИШИ**

Тилнинг ижтимоий аҳамияти, энг аввало, унинг коммуникатив вазифасига кўра белгиланади. Маълумки, коммуникатив жараёнда сўзловчи ва тингловчининг иштироки, мақсади ва роли турлича. Сўзловчининг воқеликка нисбатан бетараф ёки субъектив муносабатига кўра нутқнинг икки хил шакли: а) интеллектуал нутқ; б) интеллектуал-эмоционал нутқ шакллари юзага келади(1). Бу тасниф шартли, албатта. Чунки ҳар қандай эмоционалликда ҳам муайян интеллектуал мундарижа мавжуд бўлади. Ҳар қандай интеллектуал нутқда ҳам сўзловчининг субъектив муносабати сингдирилган бўлади, яъни маълум мақсадга йўналтирилади. Нутқий фаолиятда объектив ва субъектив омилларнинг ўзаро мувофиқ келиши мулоқотдан кўзланган мақсадга эришишни осонлаштиради. Яъни, “сўзловчи тингловчининг кечаётган мулоқот тарзи, мазмунига бўлган муносабатини ҳисобга олишга мажбур, акс ҳолда мулоқот сохталашади, коммуникатив бефарқлик юзага келади.”(2) Айниқса, сиёсий мулоқот доирасида қатъий норма талаблари билан бир қаторда нутқий шакллар танловида бир оз бўлса-да, эркинлик сезилади. Чунки сиёсий арбоб адресат - тингловчиларга тезкор таъсир ўтказиш учун мулоқот стратегиясини сақлаган ҳолда унинг ижросини таъминловчи турли воситалардан фойдаланишга ҳаракат қилади, лисоний

фаолият амаллари шаклларини ўзгартириб туради(3). Тезкор таъсир ўтказиш борасида эмоционал-экспрессивлик энг самарали воситадир. “Экспрессивлик фақатгина санъаткор ёзувчилар тилигагина эмас, жамоат арбоблари, публицистлар, ҳатто олимлар тилига ҳам хосдир”(4).

Президент Ислоҳ Каримов моҳир сибсагчи ва билимдон давлат арбоби сифатида ўз нутқлари ва асарларида тилнинг юқорида таъкидланган имкониятларидан оқилона фойдаланади. Хусусан, “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида эмоционал-экспрессивликни ифодалашнинг қуйидаги усуллари қўлланган: а) лексик-фразеологик усул; б) морфологик усул; в) синтактик усул.

“Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида экспрессивлик ифодалашда лексик-фразеологик усул сифатида синоним, антоним, услубий бўёқдор сўзлар, сўзлашув услубига хос сўзлар ва иборалардан кенг фойдаланилган. Синонимларнинг муҳим хусусиятларидан бири градациядир. Градуал синонимларни гап таркибида кетма-кет қўллаш орқали экспрессивликни оширишга муваффақ бўлинган. *Тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, оғоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур*

Асарда синонимлар жуфтлаб қўлланган ўринлар жуда кўп учрайди. *Фикр-мулоҳаза юритиш, маъно-мазмунини англаб етиш, хоҳиш-истагини инobatга олиш* каби бирикмалардаги жуфт синонимлар сўздан англаштилаётган маънони янада кучайтириш, таъкидлаш учун қўлланган. Қиёсланг: *Фикр-мулоҳаза юритиш- фикр юритиш, маъно-мазмунини англаб етиш- маъносини англаб етиш, хоҳиш-истагини инobatга олиш - хоҳишини инobatга олиш*. Бу жуфтликларда биринчи бирикмаларга қараганда иккинчи бирикмаларда таъкид кучлироқ.

*Жаҳолатга қарши маърифат билан кураш; эзгулик ва ёвузлик; ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериш амримаҳол* каби ўринларда антонимларни қўллаш орқали маънони бўрттириш, ўқувчи диққатини асосий мақсадга йўналтириш назарда тутилган.

Муаллиф мазкур асарнинг кенг жамоатчиликка мўлжалланганлигини эътиборга олган ҳолда халқона ифода омилларидан, сўзлашув услубига хос сўзлардан, иборалардан фойдаланган. Шу тариқа асарнинг китобхон онгига, қалбига яқин бўлишини таъминлаган. *Шахсан ўзим бу иллатдан жирканаман. Шу иллатга чалинган одамни кўрарга кўзим йўқ. Бу сотқинликдир. Мутаассиб кучлар зўр ёшларни ўз тузугига шилтириб, бош-кўзини айлантириб, улардан ўзининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланмоқдалар.*

Асарда такрорларни фаол қўллаш орқали морфологик усулда экспрессивлик ифодаланган. Муаллиф бир ўринда ҳазрат Навоий ҳақида фикр билдираётиб, шундай таъриф келтиради: *Агар бу зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутаффақир десак, мутаффақирларнинг мутаффаққир, шоир десак, шоирларнинг султони*дир. Агар юқоридаги фикр “Навоий авлиё, мутаффақир ва шоир бўлган” тарзида ифодаланганда эди, унинг китобхонга таъсири қутилгандек бўлмаган бўлар эди. Ислоҳ

Каримов Навойнинг сифатларини атайин такрорлаш орқали ўқувчига фикрини ўзи истаган даражада етказмоқчи бўлган.

Муаллифнинг асосий мақсади ахборотни узатишгина эмас, балки китобхонни ушбу мақсадни англашга, фикрлашга ва ҳис қилишга ундашдир. Айнан шунинг учун ҳам воқелик ҳақидаги хабар билан чегараланиб қолмай, балки пропозитив мазмунга қўшимча маъно-эмоция ҳам юклайди. Шу мақсадда синтактик усул турларидан бири - риторик сўроқлардан унумли фойдаланади: *Айтинглар, ўша кезлари Ўзбекистонни дунёда биров билармиди? Биров биз билан ҳисоблашармиди? Юртимиз қандай ва қанча беқийс бойликлар хазинаси эканидан қай биримиз хабардор эдик?*

Бу риторик сўроқлар барчаси ўқувчини ўйлашга, чуқурроқ мушоҳада юритишга, таҳлил қилишга ундайди. Муаллиф кўзлаган асосий мақсад ҳам шу. Зеро, “сўзлаш ўз фикрини ўзгага етказишгина бўлмасдан, балки унда унинг ўзининг фикрини уйғотишдир”(5).

#### Адабиётлар:

1. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлиқнинг ифодаланиши. –Тошкент, 1983, 4-б.
2. Сафаров Ш. Прагмалингвистика –Тошкент, 2008, 58-б.
3. Сафаров Ш. Кўрсатилган асар, 58-б.
4. Абдуллаев А. Кўрсатилган асар, 6-б.
5. Сафаров Ш. Кўрсатилган асар, 6-б.

**Ў. ШАРИПОВА,**  
доцент (ТДПУ)

### СЕМИОТИКА ҲАҚИДА ҚАРАШЛАР

Ч.С. Пирс томонидан берилган белги ҳақидаги қуйидаги қоида мавжуд. Ким учундир ниманидир маълум бир маънода (алмашиб) англатувчи нимадир белги ҳисобланади. У белгини 3 гуруҳга ажратади: 1) тасвирий белги, 2) индикатор белги (индекс), 3) рамзий белги (symbol). Д.П. Горский эса белгиларни 2 га ажратади: 1) ўзи англаётган нарса билан боғлиқ белгилар; 2) ўзи англаётган нарса билан боғлиқ бўлмаган белгилар. Биринчиларига, симптом ёки белгилар, масалан, тутун - ўрмондаги ёнғин белгисини англайди.

Белги бу “материалнинг бир бўлаги” бўлиб, у иккита талабга жавоб бериши керак: биринчидан, у ўзидан ташқаридаги бир нарсани англайтиши керак, иккинчидан, ўзи англаётган нарса билан табиий ёки сабабли алоқада эмас.

Семиотика лингвистикага жуда ҳам яқин бўлиб, энг тўла ва аниқ алоқа тизими бўлган одамзод тилини ўрганайди. Семиотика лингвистикадан ўзига материал йиғади, шунингдек, мантик, кибернетика, биология, психология, жамиятшунослик, маданият тарихи ва адабиётшуносликдан фойдаланади. Шу билан бирга, ўз навбатида, ушбу фанларга ўз тажрибаларидан улашиб туради.

Тилшунос олим Фердананд де Соссюр белгилар назарияси, яъни семиотика ҳақида изланишлар олиб борган ва тил белгиларининг икки хил тушунчасини очиб берган:

1. Белгининг аниқ тушунчаси, масалан, сўзларинг луғатларда берилиши.

2. Белгининг абстракт тушунчаси, яъни берилган сўзнинг бошқа сўзларга муносабати. Буни биз сўзнинг бошқа сўзлар билан бириктириш имконияти – валентлик ходисасида кўришимиз мумкин.

Фердинанд де Соссюр семиотиканинг қуйидаги йўналишларини санаб ўтади:

Биринчи йўналиш табиий белгиларга асосланган системаларни текширади, у ёки бу даражада организмнинг биологик фаолиятида зарур бўлган белгиларни ўз ичига олади. Уни биосемиотика деб номлаш мумкин.

Иккинчи йўналиш, бу энг оммавий йўналиш бўлиб, ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ белгиларни ўрганади ва у бир қанча оқимларни ўз ичига олади. Булар антропология, этнография, социология, фалсафа, адабиёт. Иккинчи оқимни шартли равишда этноссемиотика деб аташ мумкин.

Учинчи йўналиш – лингвосемиотика тилни ўрганишга таянади, бунда тил ҳар томонлама текширилади, яъни нутқ билан ёнма-ён функция ҳисобланган паралингвистика ва тилнинг функционал кўринишларини ўз ичига қамраб олади.

Кейинги йилларда табиий тилнинг ўзгариши оқибатида сунъий тил пайдо бўлди ва бу билан лингвосемиотиканинг объекти ҳам кенгайди.

Тўртинчи йўналиш белгилар системасини характерловчи умумий хусусиятларни ўз ичига олади. Бу йўналиш мааниқ ва математик белгилар системаси чегарасида пайдо бўлган абстракт тушунчаларга асосланади. Шунинг учун уни абстракт семиотика деб аталади.

Фердинанд де Соссюр “Семиотика” мавзусидаги изланишларига диққатни қаратайлик. Хусусан, лингвосемиотика бўлимида у белгининг икки хил тушунчасини очиб беради.

Булар сўзнинг луғатларда берган маъноси ва сўзнинг бошқа сўзларга муносабати. Белгининг икки хил тушунчаси сўз валентлигини келтириб чиқаради. Сўз валентлиги назарияси эса сўз маъносини очиб беришдаги энг асосий устун бўлиб ҳисобланади. Демак, лингвосемиотика семантика ва валентлик назариясини ўрганишда таянч материалларни бера олади.

#### Адабиётлар:

1. Степанов Ю.С. Семиотика. –М., 1971, с.129.
2. Солдцев В.М. Язык как системно-структурное образование. –М, 1971, с.93-125.
3. Расулов Р. Умумий тилшунослик. –Тошкент, 2007.
4. Фердинанд де Соссюр. Курс общей лингвистики. –М., 1933, с. 21-31.

**Д.НОРМАМАТОВА, Л.ҚОДИРОВА,  
У.ҲАМДАМОВ (ГулДУ)**

### **ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ВА НУТҚ МАДАНИЯТИ**

Ўзбек халқининг асрлар мабойнида тўплаган халқ оғзаки ижоди ҳазинаси ғоят бойдир. Кекса авлод вакиллари ҳаёт тажрибалари асосида тўплаган доно фикрларини кейинги авлодларга оғзаки ҳикоя, эргак, афсона, ривоят топишмоқ, маталлар шаклида етказишга интиланган. Халқ оғзаки ижодида ёшларни босиқликка, софдилликка чақириш, уларни салбий ҳислатлардан тийилишга ундаш акс этган.

Халқ педагогикасининг умрбоқийлигига сабаб унинг авлоддан-авлодга етказиш шаклининг аниқлигидир. Ҳатто халқимиз ҳозиргидек оммавий воситаларга эга бўлмаган қадим замонларда ҳам халқ педагогикаси, халқ оғзаки ижодиёти йўли билан эзгу фазилатларни тарғиб этган.

Халқ оғзаки ижодининг энг ривожланган жанрларидан бири алладир. Алла болалар бешикдалигида, ҳали тили чиқмасиданок айтилади. Бошқача айтганда, бешик кўшиғи болага она сути билан киради. Куйидаги онанинг юракдан айтилган алласида бола образи қисқа, аммо чуқур мазмунли сўзлар ёрдамида ифодаланadi.

*Алла, болам, алла,  
Жоним болам, алла  
Икки кўзим, алла  
Ширин сўзим, алла  
Алла, болам, бахти бор  
Ҳар нарсанинг вақти бор.*

Ғоятда оддий сўзлардан яралган, аммо юрак кўрига етиб боровчи ва авлоднинг келажаги учун умрбод хизмат қилувчи алла ҳам маънавий, ҳам тарбиявий озуқа беради.

Халқ оғзаки поэтик ижодидаги энг бой ва ранг-баранг жанрлардан бири эртақдир. Халқ томонидан яратилган тиллардан тилларга кўчиб юрувчи эртақнинг хусусиятидан бири унинг ҳаммиша халқ ҳаёти, кураши, тарихи, рухий олами, дунёқараши, урф-одати билан чамбарчас боғланиши, инсонларга ахлоқий ва маънавий йўлдош бўлиб келишидир. Улар орқали инсоннинг сўз бойлиги ортади ва шу билан бирга ижтимоий ахлоқ нормалари шаклланади.

Тез айтишлар оғзаки нутқ машқи бўлиб, болаларда маълум товушларни тўғри ва оҳангдор талаффуз қилиш кўникмаларини орттиради. Бу жанрга мансуб асарлар болаларни бийрон сўзлашга ўргатиш билан бирга уларга эстетик завқ беради, фикрлаш қобилиятини ўстиради, хотираларини мустаҳкамлайди: *Занжир, саржин, анжир*. Ушбу тез айтиш ўқувчининг *с, ж, з*, сирғалувчи товушларини тезроқ ўрганишига ёрдам беради.

*Қурилишга терак керак,  
Демак, эсмоқ керак терак.  
Тенгсиз денгиз дедингизми,  
Денгиз тенгсиз дедингизми?*

Тез айтиш болалар нутқида *к, т, д* портловчи товушларининг талаффузини ривожлантиришга кўмаклашади.

Халқ томонидан яратилган эртақ, топишмоқ, мақоллар, тез айтишларидаги сўзларнинг тимсолийлигини тушуниш учун тилнинг оддий одамлар назаридан яширин имкониятларидан фойдалана билиш зарур.

## ДАРС ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ НУТҚИЙ КЎНИКМАЛАРИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Ўқитиш мазмунига нутқий мавзулар, малака ва кўникмалар ҳамда тил материали киради. Ушбу учта таркибий қисм тилни ўрганишда яхлит ўзлаштирилишни тақозо қилади. Нутқий матнлар ўқитиш мақсадларига асосланиб танланади. Танлаб олинган мавзу ва унга оид матнлар талабаларнинг ёши ҳамда қизиқишларига мос келиши керак. Нутқий малакаларни шакллантириш ўқитиш мазмунининг яна бир компоненти ҳисобланади. Талаффуз, грамматик ва лексик малакаларсиз тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув кўникмаларини ривожлантириб бўлмайди.

Нутқ кўникмалари деганда, тилдаги нутқ фаолияти турлари (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув)ни эгаллаш тушунилади. Кўникма талабаларнинг тилни ўрганиш даврларида олган билим ва малакаларини амалий фаолиятда собитқадамлик билан мустақил равишда қўллай олиш қобилиятидир.

Нутқ кўникмалари тил материалини мулоқот пайтида қўллаш жараёнида ривожланади ва такомиллашади. Таълим жараёнида ўзлаштирилиши лозим бўлган билимлар асосини дастурда кўрсатилган тил материали ташкил қилади. Тил материали дастурда давлат таълим стандартига асосан ҳар бир курс учун алоҳида берилади.

Тил материали фонетик, лексик ва грамматик ходисаларни ўз ичига олади. Ўқув жараёнида фонетик, лексик, грамматик ва имло бирлиги каби тушунчаларни фарқлаш, дарслик ва қўлланмалар тузишда улардан ўз ўрнида фойдаланиш зарур, акс ҳолда юқорида қайд этилган мақсадларга тўла эришиб бўлмайди.

Фонетик материални ўзлаштириш бошқа тил материаллари билан ҳамоҳанг тарзда асосан биринчи босқичда амалга оширилади. Талаффузни такомиллаштириш, айниқса, оҳанг, урғу устида олиб бориладиган ишларда давом эттирилади.

Тинглаб тушуниш бошқа нутқ фаолиятлари - гапириш ва ўқиш, ёзув билан алоқадодир, унга боғлиқдир, улар бир-бирига ёрдам беради. У гапиришнинг ажралмас қисмидир. Тинглаб тушуниш билан гапириш иккаласи оғзаки нутқни ташкил қилади. Тинглаб тушунишнинг ўзига хос қийинчиликлари бор. Уларни 2 га бўлиш мумкин: экстралингвистик ва лингвистик қийинчиликлар.

Экстралингвистик қийинчиликлар:

1) тингланаётган нутқ механик нутқ бўлиши. Фонограммадан, видеофонограммадан нутқни тинглаш;

2) сўзловчининг ўзидан, инсондан нутқни тинглаш;

3) нутқнинг тембри;

4) нутқнинг тезлиги;

5) нутқнинг кимгадир, нимагадир қаратилган бўлиши;

6) тингланаётган шароит, вазият — синфда талабаларнинг интизоми,

шовқинлиги, талабаларнинг кўп-камлиги;

7) нутқ эҳтиёжи бўлиши;

8) талабанинг диққати;

9) нутқнинг неча марта тингланиши;

10) тинглаб тушунишда таянч воситаларининг бўлиши, мазмунли расмларнинг бўлиши.

Лингвистик кийинчиликлар:

1) нутқнинг монолог, диалог бўлиши;

2) фонетик кийинчилик, сўзларнинг тўғри талаффуз килиниши;

3) лексик кийинчилик — сўзлар нотаниш, кўп маъноли бўлиши;

4) грамматик кийинчиликлар —грамматик шакллар, гап тузилишлари билан таниш бўлмаслиги;

Талаба нутқни тинглаганда асосий вазифа таниш лексик, грамматик, фонетик материаллар асосида нотаниш мазмунли нутқни тинглаб нутқ вазиятидан фойдаланиб янги маълумот олиш, нотаниш мазмунни тушунишдир.

**Ҳ.ЁДГОРОВ,**  
доцент (ГулДУ)

### **ЎЗБЕК ТИЛИДА ҚАРИНДОШЛИК ТЕРМИНЛАРИ**

Тилдаги қариндошликни ифодаловчи терминларнинг келиб чиқишини, эгимонини аниқлаш тилшунослик фани олдида турган вазифалардандир.

Бугунги кунда туб лексема *деб* қаралаётган бир қатор бирликлар ҳам борки, уларнинг илдиzlари ўрганилганда, бу луғавий бирликлар ясама эканлиги маълум бўлади. Жумладан, *келин* лексемаси *кел* феълига *-ин* ясовчи кўшимчаси кўшилишидан ҳосил бўлган. Ўрхун-Енисей ёдгорликлари тилини таъқиқ қилган В.В.Радлов ва П.М.Мелиоранскийлар *келин* лексемаси *кел* феълига *-ин* сўз ясовчи кўшимчасини кўшиш орқали ясалганлигини таъкидлайдилар. Шу билан бирга, Ўрхун-Енисей ёдномалари тилида, киргиз, ўзбек, уйғур тилларида *келин*, туркман тилида *гелин* – “сноха < приходящая или тот, кто приходит в дом мужа” *деб* изоҳлайдилар. (1) Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам қатор лексемаларнинг *-ин* ясовчи аффикси ёрдамида ясалганини сезиш қийин эмас: *эк + ин, ёғ + ин каби*.

*Тога* лексемаси асли ясама бўлиб, *тай + ога* сўзларининг бирикувидан ҳосил бўлган. “Бобурнома”да бу термин қуйидаги шаклда учрайди: *Мирзо даревозасизга етган маҳалда Ширим тагоийи жилавимни олиб, Намозгоҳ сори тебради*.

Туркий тиллар тарихи бўйича тадқиқотлар олиб борган Л.Потапов ҳозирги олтой тилида *тай* сўзи она томондан қариндошликни билдирувчи сўз эканлигини таъкидлайди.(2) Худди шундай фикрни В.Радлов ҳам илгари суради: “Слово *тай* в современном киргизском встречается в ряде сложных слов, обозначающих родственное отношение по линии матери: *таажене* < *тайжене* – старшая родственница матери или жена старшего родственника матери; *таажесте* < *тайжесте* – муж сестры матери; северный *тайаке* и южный *тага* < *тайага* – старший брат матери и др”.(3)



Энди *тайога* лексемасидаги *ога* компоненти ҳақида фикр юритамиз. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (1981)да *ака* ва *ога* лексемаларига бир хил изоҳ берилганини ўқиймиз: 1. Бир ота-онадан туғилган катта ўғил (укаларига нисбатан). 2. Ўзидан катта эр кишига мурожаатда ёки унга ҳурмат юзасидан ишлатилади.

Ҳозирги қирғиз, қозок, туркман, олтой тилларида *ога* лексемаси *ака* маъносида ишлатилади. Фақат озар тилидаги *ага*, қирғиз ва қозок тилларидаги *агай*, мўғул тилидаги *ахай* лексемалари катта ёшдаги кишига ҳурмат юзасидан мурожаат пайтида қўлланилади.

“Бобурнома”да мазкур лексема ёрдамида мансаб-лавозим билдирувчи кўшма сўзлар ясалган: *Беклардин Али Дарवेशбек, Мирзоқули қўжалтош, Муҳаммад Боқирбек, Шайх эшиқова Ахсида эдилар.*

Лексемаларнинг этимонини аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари тил системаси ва структурасидаги турли жараёнларни ўрганишда, этимологик луғатлар тузишда аҳамиятлидир.

#### Адабиётлар:

1. Радлов В.В. Die Attürkischeninschriften., СПб., 1897, с. 59.
2. Мелиоранский П.М. Араб-филолог о турецком языке. СПб., 1900.
3. Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. –Новосибирск, 1948.
4. Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий I-IV., СПб., 1893-1911.

М.ХОЛБЕКОВА (ГулДУ)

#### МАЪНОЛАР ХАЗИНАСИ

Ўткир Ҳошимов ўз асарларида халқ мақолларидан, ибораларидан халқ оғзаки ижоди намуналаридан унумли фойдаланган. Ёзувчининг “Икки эшик ораси” романининг номиеъқ ўқувчини иборалар оламига етаклайди. Халқимизда «Бу дунё икки эшик орасидек бир гап. Бу эшикдан кирасан-у, бу эшикдан чиқасан» деган гап бор.

Романнинг тили бой, гўзал, жозибадор ва сермазмун. Роман чуқур манتيқли, чиройли ибораларга, оригинал ва хилма-хил тасвирий воситаларга бой. Адибнинг она тилимиз хазинасидан танлаб олган сўзларни ишлатиш маҳорати юксак, ибратли, услуби раво ва изчил. У персонажлар тилини ҳам, муаллиф нутқини ҳам халқона иборалар билан беаган. Бу иборалар қахрамонлар характерини очиб беришга ёрдам беради. Масалан: *...Ойим Музаффарга қилган сарполарини кўрсатиб, боланинг қувонганини томоша қилсам, ўзимнинг ҳам кўнглим ёришармикан, дегандим... Почтахонага чиқсам, нон дўкони олдида турнақатор навбат кутиб турган одамларни кўриб юрагим эзилди. Бобом ишнинг кўзини билади.*

Музаффар тилидан айтилган иборалар: *Бир ойдан бери шу ёққа қатнайвериб, чолимнинг чирогини ўчириб қўйдим; Олимжоннинг гарданига янтоқ билан савалаётган Зақунчининг ваҳший ҳайвондек хириллаши... қулоқлари диккайиб, думи хода бўлиб кетди; Ўзининг айтишича, Берлинга яқин қолганда гарданини “арзимаган ўқ ялаб ўтган экан”.*

Романда бунга ўхшаган ибораларни кўплаб учратиш мумкин. Ёзувчи уларни шундай маҳорат билан қўллайдики, унда чуқур мазмунли катта

фиқрларни сиқик ва жозибадор қилиб тасвирлаб бера олади. Бу ҳам ёзувчининг ўзига хос усули ва ютуғидир.

Хуллас, иборалар халкнинг ижодий бойлигидир, хазинасидир. Ёзувчиларимиз оддий сўзлар билан ифодалаши қийин бўлган нозик маъноли ҳолатларни, қаҳрамон характер ва хусусиятларини очиқда мана шу бой хазинадан унумли фойдаланганлар. Ў.Ҳошимов ҳам кўриб ўтганимиздек, халқимизнинг бу маънавий бойлигидан ўринли ва кенг камровда фойдаланган.

Ўзбек халқи ўзининг маданий мероси адабий-бадий, тарихий ёдгорликлари, ажойиб мақоллари, сўз ўйини ва аскиялари, иборалари, халқ оғзаки ижоди билан жаҳонга машҳурдир. Халқ оғзаки ижодини биз шунинг учун қимматли деймизки, унда халқларнинг асрлар давомида қилган меҳнатлари, дардлари, орзу-истаклари акс этган.

## О. МУРОДҚУЛОВ, З.ТЎЙЧИЕВА

(ГулДУ)

### ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ АНТРОПОНИМЛАР

Номларда халқимиз босиб ўтган тарихий йўл, кенг омманинг турли-туман орзу-умидлари, армонлари, фалсафий, диний маънавий-ахлоқий, тарбиявий-эстетик қарашлари, қадимий ўтмишидан гувоҳлик берувчи эътиқодлари, ўзига хос расм-русумлари, инсонларга бўлган хурмат-эҳтиром, фарзандига қаратилган меҳр-мухаббати ўз ифодасини топган.

Ўзбек тилида қўлланилаётган исмларнинг айримларини қўйилиш тарихи жиҳатидан қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

1.Тана белгиларига қараб номланган исмлар: *Бўри, Бўригул, Бўрибой, Бўрихон* исмлари тиш билан туғилган чақалоқларга қўйилади. 2.Туғилган гўдакнинг танасида холи бўлса *Холбой, Холбиби, Холмурод, Холмуҳаммад, Холмўмин; Анор, Анорбой, Анорхол, Норхол, Норгул, Норбек*. 3.Агар тана организмда бирон-бир ортиқчалик бўлса *Ортиқ, Зиёд, Зиёдулла* кабилар; кўл оёқ ва оёқ бармоқларидан ёнма-ён турган иккитаси кўшилса ёки ортиқча “бармоқ” бўлса *Қўши, Қўшбой, Қўшбоқ, Қўшоқ, Олтибой* каби. 4.Агар чақалоқ туғилгандан то етти кунга қадар кўзи очилмаса, унга *Очил, Очилбой, Очилди* типидagi исмлардан бири қўйилади. 5. Туғилган кун номи билан боғли бўлган исмлар: *Чоршанби, Жума, Жумагул, Жумабой, Пайшанби, Бозоргул, Одина* ва х. 6.Бола тугилган ой номи билан номлаш: *Барот, Рамазон, Асад, Ражаб, Мухаррам, Сафар, Мавлуда* ва х. 7.Бола тугилган мавсум номлари билан номлаш: *Баҳор, Гулбаҳор* ва х. 8.Бола исмида байрам ва маросим кунларининг акс этиши: *Байрам, Ҳайит, Байрамали, Ҳайитгул, Ҳайитмурод, Қурбон, Қурбонбой*. 9.Агар гўдак ўз уйида туғилмаса *Меҳмон, Меҳмонали, Момохол, Бобоқул, Бобоназар, Отабек, Йўлдош, Йўлчи* кабилар. 10.Фарзанд исмида отаси ёшининг акс этиши: *Қирқбой, Олтмишбой, Саксонбой, Тўқсонбой*. 11.Бола исмида фарзандлар қаторидаги ўриннинг акс этиши: *Сония, Чори, Панжи, Робия, Ашурали, Воҳид, Аввалбек*. 12.Агар отанининг кўрган фарзандлари киз бўлса, ўғил ўриш мақсадида, ўғил бўлса киз кўриш мақсадида фарзандига *Ўғилой, Улжсон, Ултув, Узил, Адаш,*

Мақсад, Қарши, Қаршигул кабилар. 13.Тўхтасин, Турғунбой, Турсунбой, Турғуной, Турсуной каби исмлар фарзандлари нобуд бўлаверган оилаларда кўйилади. 14.Фарзанд туғилган пайтда унинг отаси ё онаси вафот этса, унда *Ёдгор* деб исм кўядилар.

Чакалоққа исм одатда халқ орасида аввалдан кўлланиб келаётган анъанавий номлар орасидан танланади. Бунда ота-онанинг қариндош-уруғларнинг хошиш ва ниятлари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Исмни анъанавий номлар орасидан танлаш удуми ўзбек исмлари йиғиндисининг кишилардан кишиларга, оиладан-оилага, авлоддан-авлодга, даврлардан-даврларга ўтиб туришини, исм кўйишдаги меросийликни таъминловчи асосий омилдир. Ҳозирги даврда юқоридаги қайд қилинган исмлар кам учрайди, лекин бадий адабиётда бу исмларнинг шохиди бўламиз. Чунки ҳар қандай исм остида, у қайси тилда кўйилган бўлса, ўша тилда сўзлашувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари акс этади. Шоир ва ёзувчиларимиз асарлари қаҳрамонларига кўйиладиган исмларни ўта зукколик билан танлайдилар.

Айниқса, исм кўйиш борасида А.Қаҳҳор ўзига хос усулга эга бўлган сўз санъаткори ҳисобланади. Унинг танлаган исмлари шу исм остидаги қаҳрамонларнинг бутун асар бошидан охиригача бўлган хатти-ҳаракатларини, хусусиятини белгилайди. Масалан: “Ўғри” ҳикоясининг бош қаҳрамонига *Қобил бобо* исмини танлайди. Шу исм бу қаҳрамоннинг барча хусусиятини акс эттиради. Асарнинг мазмуни ҳам шу исм маъносига йўғрилгандай кўринади. Ёки унинг яна бир қаҳрамони *Асрор бобо* исми билан юритилади. Асар мазмуни ҳам шу исмга мос тарзда, шу исмни шарҳлаш учун хизмат қилган десак муболаға бўлмайди. Бу исмларни “гапирувчи исмлар” деса ҳам бўлади. Чунки асар қаҳрамонининг хусусиятини, ҳулқини, хатти-ҳаракатларини яширин тарзда исм англатиб туради. Шунинг учун қаҳрамонларга исм танлашда ҳам шу исмнинг маъносига, ишора хусусиятига эътибор бериш зарурдир.

## С.НОРМАМАТОВ (ГулДУ)

### АВЛОНИЙ ШЕЪРИЯТИДА МАҚОЛ ВА ИБОРАЛАР

Мақоллар кишиларнинг асрлар давомида ўз ҳаётий тажрибалари натижасида орттирган фойдали маслаҳатларининг фалсафий ҳулосаси, маъзидир. Улар бадий адабиёт тилида муаллиф айтмоқчи, исботламоқчи бўлган фикрни ихчам, содда, халқ учун тушунарли, мантиқан сиқик ҳамда таъсирчан ифодалашга имкон беради. Шу сабабли ўз асарларида халқ мақол ва ҳикматли сўзларига мурожаат қилмаган шоир ва ёзувчи деярли учрамайди.

Кузатишларимиз халқ мақол ва иборалари, афоризмлардан маърифатпарвар шоир А.Авлоний ўз шеърларида унумли фойдаланганини кўрсатди ва уларнинг умумий миқдори 98 тадан ошиқдир. Шоирнинг халқ мақол ва ҳикматли ибораларидан бу каби кенг фойдаланишининг сабаби унинг ақсарият асарлари, хусусан, шеърлари таълим-тарбия, маърифат мавзусига бағишланганлигидир. Ўзбек тилида мана шу мазмун ва ғояларга

бағишланган мақоллар кўпчиликни ташкил қилади. Авлоний шеърлари тилида қўлланилган мақол ва ҳикматли иборалар, асосан, уч хил хусусияти билан ажралиб туради. Булар қуйидагилар:

1. Ҳазришларсиз, айнан қўлланган мақоллар. Шоирнинг XX аср бошларидаги Туркистон манзаралари акс этган кўпгина шеърларида халқ мақолларининг айнан, ўзгаришсиз шакллари ишлатилганлигини кўриш мумкин:

*Таажжуб, бу замонда тўғри сўз туққанга ёқмайду,*

*Темурчидек ялон сўзни чўзишқонига диққатман.*

*Мулла бўлсанг, тақор қил-а,*

*Дехқон бўлсанг, шудгор қил-а.*

2. Мазмуни (маъноси) сақланган ҳолда шакли ўзгартирилиб қўлланган мақоллар. Авлонийнинг маърифатчилик ва ижтимоий мавзу етакчилик қилган аксарият шеърларида халқ мақолларининг шаклан ўзгарган вариантларини ҳам кузатиш мумкин. Бундай мақоллардаги шаклий ўзгаришни англаш учун мақолнинг халқ тилидаги аслий, типик шаклини билиш лозим бўлади. Халқ тилидаги “Ишонмагин дўстинга, сомон тиқар нўстинга” мақолининг мазмунини сақлагани ҳолда, шоир унинг шаклини

*Суфранда дўст бўлуб, гийбатинг қилур,*

*Дўстинг илож бўлса сени нўстинг шилур...*

тарзида ўзгартириб қўллайди. Ҳурни билан шуни ҳам таъкидлаш лозимки, муаллиф мазкур мақолнинг компонентини янги суфра, гийбат лексемалари билан бойитади. Эътиборлиси, гап унинг янги сўзлар билан бойитилишида ҳам эмас. Асосийси, бу лексемалар беихтиёр киши эътиборини тортади. Бошқача қилиб айтганда, улар матнда ўзига хос услубий нозикликни юзага келтиришга хизмат қилади, шеърнинг эса ўқимишлилигини таъминлайди.

Шунингдек, халқ тилидаги “Ҳар ким экканини ўради” мақоли антитезали мақол ҳисобига бойитилиб,

*Ҳар ким нима экса, албатта шуни ўраду,*

*Экмаганлар ўзгаларга муҳтож бўладур* шаклини олади.

Бу шубҳасиз, мақол қамровини кенгайтиришдан ташқари, янги лексемаларга ҳам киши эътиборини тортади.

“Яхши билан юрсанг, етарсан муродга, ёмон билан юрсанг, қоларсан уятга” мақолининг ҳам

*Яхши бирла юрса ҳар ким мақсуди ҳосил бўлур,*

*Юрса нодонлар била бир кун бориб қотил бўлур...*

тарзида берилиши ўқувчини ўзига тортади деб ўйлаймиз. Аввало, халқ тилидаги уят сўзи ўрнига шеърда қотил сўзининг қўлланиши ўқувчини сергаклантиради. Иккинчидан, мақсуди ҳосил бўлур бирикмасида ифода қамрови кенглиги кўзга ташланади.

3. Ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгартирилган мақоллар. А. Авлоний халқ мақол ва ҳикматли сўзларидан фойдаланар экан, уларнинг мазмунини аксарият ҳолларда маърифат, илм, тарбия ва ахлоқ мавзуларига бўйсундиради, ушбу максалда баъзи ҳолларда мақолни шаклан ва мазмунан ислоҳ қилади:

*Ҳаммолнинг юки оғир бўлса, меҳнати ортур,  
Ҳар кишики улуғ бўлса, бўлур кулфати осон.*

*Ёшлигида кўп ўқувон болани,  
Қариганда обод ўлур дунёси.*

Умуман олганда, А.Авлоний халқ тилини мукамал билган адибдир. Шу сабабли ҳам ўз асарларининг ўқувчиларга тушунарли бўлишини инобатга олиб, халқ жонли сўзлашув тилига янада яқинлаштиришга ҳаракат қилган. Унинг асарларида бу каби халқ ижодиёти намуналарининг кўп қўлланишини ҳам шу нарса билан асослаш мумкин.

**А д а б и ё т:**

1. Авлоний А. Тошкент тонги. –Тошкент, 1979, 60-б.

**И.ПАРДАЕВА, доцент (ГулДУ)**

### **Ҳ.ОЛИМЖОН ШЕЪРИЯТИДА СЎЗ ҚЎЛЛАШ**

Халқ тилидаги ҳар бир сўз бадий асар тили алоҳида қимматган эга. Давр, шароит, мавзу, воқеа ўрни нуқтаи назаридан баъзи сўзлар зарур аҳамият касб этиши, асарда ифодаланган воқеани ёрқинроқ акс эттиришга хизмат қилиши мумкин. Масалан, Ҳ.Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр”ида қуйидаги мисраларни ўқиймиз:

*Тинчлик тугаб оч элда,*

*Мамлакат қолди селда.*

“Зайнаб ва Омон”да қуйидаги мисраларга дуч келамиз:

*Бундан хабар топган барча эл*

*Ёғларида гўёки бир сел.*

“Сел” тимсолига эътиборни қаратмоқчимиз. Бу тимсолнинг қамрови кенг. Биринчи парчада хонга қарши қўтарилган исён ва уни бостиришга отланган хон қўшинлари туфайли мамлакатдаги тартибсизлик, алғов-далғов ҳолат тасвирланган. Сел тимсоли ана шу ҳолатни мужассамлаштиришга имкон яратган. Ҳар икки тимсол шароитни ёрқин англаган. Демак, халқ тили воситалари ниҳоятда кенг қамровли, кенг миқёсли.

Ижодкорнинг бундай кенг қамровли тимсоллари ҳаётнинг ҳамма жабахасига тегишли бўлиши мумкин. Чунки ҳаёт ниҳоятда кенг қўламли бўлганидек, уларни ифодалашга йўналтирилган сўзлар ҳам кенг имкониятлидир. Сўз заҳматкашининг билимдонлиги, зехни ўткирлиги, тафаккури қудрати, топқирлиги туфайли ҳар бир сўз мўъжиза, кашфиётга айланиши мумкин.

**И.ПАРДАЕВА, доцент,  
М.ЛАТИПОВ (ГулДУ)**

### **ТИЛ ВА ШАХС СОЦИОЛОГИЯСИ**

Шахс социологияси тадқиқ қилинган илмий манбаларда социологик анализнинг икки: объектив, ва субъектив аспекти мавжуд эканлиги айтилади. Биринчи аспект ижтимоий функцияни кўзда тутса, иккинчи аспект ижтимоий ролни кўзда туттади. Масалан, ўқитувчининг ижтимоий роли унинг кўзда

тутилган режа бўйича дарсни олиб бориши, ҳужжатларни расмийлаштирувчи ва бошқалардир. Шу билан бирга, ўқитувчининг ижтимоий роли унинг “ўқитувчи - ўқувчи” “ўқитувчи – мактаб директори” вазиятларига мос равишда тил воситаларидан фойдалана олишидир.

Шахснинг ижтимоий жиҳатдан белгилувчи жараён мураккаб бўлиб, асосий белгилувчи нуқта ишлаб чиқариш муносабатларидир.

Ижтимоий структура, ижтимоий институтларни ҳамда ғоявий муносабатлар системасини белгилайди. Умумий омиллар шахсни баъзи хусусий омиллар орқали характерлайди: ижтимоий институтларга дахлдорлик, қайси касб–кор жамоасига мансублик ва бошқалар.

Улар индивидни қуршаган муҳитни характерлайди, шунингдек, ушбу муҳитда ижтимоий фаолият амалга ошади. Булар оила, жамоа ва ўз манфаатлари доирасида биригашган гуруҳлардир. Муҳим ўзига хос ижтимоий омилларга яна шахснинг жинс ва ёши ҳам киради.

Шахснинг роли билан алоқадор бўлган нутқий хулқ хусусиятлари ҳар қандай икки тилли ва бир тилли жамиятда мавжуддир. Бундай қонданинг таъсири ҳақида америкалик социолингвист Дж.Гамперц шундай ёзади: “Қачонки жаноб раис, хоним ва жаноблар” дейилган мурожаатни эшитар эканмиз, биламизки, расмий ёки сиёсий нутқни тинглашимиз лозим бўлади. Биз радиони қўйишимиз билан гапларнинг, айтилаётган сўзларнинг маъносини тўлиқ тушунмасдан ҳам сўнги ахборот берилаётганини англаймиз. Кимнингдир телефондаги гапларини тинглаш билан беҳато аниқлаймизки, ушбу одам ўзгалар билан шунчаки сўзлашяптими ёки иш юзасидан расмий мулоқотда бўлмоқдами? Биз жамият ҳақида қанчалик кўп билсак, унинг аъзолари билан алоқага шунчалик осон кириша оламиз.

Хулоса қилиб айтганда, тил билан ижтимоий омиллар орасидаги ўзаро алоқадорлик шахс социологиясининг муҳим томонларидан биридир.

## Н.ШОИМОВА (ТАИ)

### АДАБИЙ ТИЛ ВА ШЕВАГА ХОС СЎЗЛАР

Ўзбек шевалари лексик таркибида адабий тилдан маъно жиҳатидан фарқланадиган бир катор сўзлар борки, улар шевага хос тушунчалар номи сифатида шевалар лексиконида учрайди. Шевага хос бундай сўзлар адабий тилдаги сўз билан шаклан ўхшаш бўлса-да, лекин маънода фарқланади.

Ўзбек шеваларида учрайдиган сўзлар фонетик таркиби жиҳатидан адабий тилдаги сўзга ўхшаш, маъноси (кўп маъноли бўлса, бирор маъноси жиҳатидан) бошқача бўлиши мумкин. Қорлук (Кўкон) шевасида *сич*ча сўзи шевада ҳам, адабий тилда ҳам *кичик сич*, шевада яна *қаламча* маъносида ишлатилади.

Адабий тилдаги сўз билан шаклан ўхшаш бўлган баъзи шева сўзларининг маънолари тамоман бошқа, яъни шева сўзи адабий тилдаги сўз англатган маънодан тамоман фарқли бўлиши мумкин, масалан, қорлук шеваларида *чийратма* (мол ўралиб қолмаслиги учун қилинадиган мослама), Тошкентда *бўғот* (эски ўзбек уйлари томида ёмғир ювиб кетмаслиги учун уй девори устидаги бир-икки қарич чиқариб қўйилган қамиш қатлами), Фарғона

шеваланда сувга шох, хашак босиб, сув ажратилш учун қилинадиган тўсик маъносини билдиради; қорл. (Қўқон) *кавак* (шафтолиннинг маза кириб эти данагидан ажралиш ҳолатига етгани), *олаймоқ* (ўрик ғўрасининг сарғайиб, думбул бўлиши), *ўғуз.Тшв. ғўлагир* (томдаги хашак устидан босиладиган гувала шаклидаги лой, лўмбоз); Қорл. (Қўқон) *сарак* (бутун, пачокланмаган), шевадаги маъноси эса пояси билан терилган бошок; *тимтиқ* (нишхўрл), шевадаги маъноси тамоман, бутунлай; *йутақмақ* (ўта очикиш) шевадаги маъноси ўта чанқаш, сувсамоқ ва бошқалар.

Айрим сўзлар шевада адабий тилда англаган маъноларидан кўра кўпроқ маънода ишлатилади, яъни шеваларга хос сўзларнинг маънолари адабий тилдагидан кенгрок бўлади: Қорл. *қадоқ* // ад. *қадоқ* [оғирлик ўлчов бирлиги; кўл ва оёқда бўладиган қаттиқ шиш (рус.мозоль); синган идишни улаган сим, чега]. Бу сўз шеваларда ернинг қаттиқ жойи маъносида ҳам ишлатилади. Шунингдек, Қорл. *нарда* сўзи адабий тилдаги маъноларидан ташқари шевада дерзанинг қаноти маъносига ҳам эга. *Ўлик* – адабий тилдаги маъноларидан ташқари, Фарғона шеваларида оқайтган сувни боғлаш учун ариққа ташланган шох; кирғокни сув ювиб, ўпириб кетмаслиги учун сим тўр тортиб, орасини тош, шағал билан тўлдириб қўйилган тўсик маъноларида ишлатилади. Қорл. *туморча* [1] сандик бурчакларига қоқилган учбурчак тунука; 2) трактор киролмай ҳайдалмай қолган қаттиқ ер; 3) уйнинг синчи, устунни тагига қўйиладиган ёғоч ёстик], *қалак* 1) тегирмон парраги ўрнатилган чуқурча; 2) балиқ овлайдиган тўрни сувга ташлаганда оқзиб кетмаслиги учун боғлаб қўйиладиган, кирғокқа қоқиладиган қозик; 3) арава ғилдирагида кегай ўрнатиладиган чуқурча; қорл. *камар* (тегирмон тош атрофида ун тўпланиб қоладиган жой, қорл. *ҳаштийак* [1] ошхона мўриси, 2) ўлган киши меросининг ўлимлик учун ажратилган бир қисми]; қорл. *дахана* [1] ҳовузга сув кирадиган ариқча; 2) ариқдан ариққа сув очилган жой; 3) сувнинг экинзорга кирадиган жойи; 4) хумдоннинг тешиклари; 5) трактор билан олинган марзанинг уланмай очик қолган жойи], *навқан* [1] мавсум; 2) ердан олинган ортиқча даромад]; *келгинди* (кўчиб келган), қиёс қилинг ўғуз. Тшв. навхан (ипак кўрти), қорл. *иримоқ* (кўнгилсиз бўлмок) ва бошқалар.

Юқорида қайд этганимиздек, ўзбек шеваларида мавжуд бўлган, адабий тилда мукобили бўлмаган, яъни адабий тилда учрамайдиган сўзларни адабий тилга киритиш ўзбек тилини бойитади. Халқ хазинаси бўлмиш шевага хос сўзларни йиғиш учун келажақда комплекс шевалар луғатини тузиш мақсадга мувофиқдир.

Г.РАСУЛОВА, аспирант (ЎЗМУ)

## “ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК”ДА ИДИШНИ ИФОДАЛОВЧИ ЛЕКСИК БИРЛИКЛАР

Эски туркий тил обидалари маиший лексикаси туркологияда етарлича гадкк қилинган эмас. Улар ҳақида баъзи изланишлар, чоп этилган этимологик луғатларда фикр-мулоҳазалар билдирилган (1).

Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”ида маиший лексиканинг лексик-семантик гуруҳларидан бири – идиш номларини англатувчи сўзлар ҳам акс этган. Маълумки, турли нарсалар солиб

куйиладиган уй-рўзғор ёки хўжалик буюми семемаси ҳозирги ўзбек адабий тилида *идиш* (ЎТИЛ, I, 314) сўзи билан ифодаланади. “Овкат тайёрлаш ва ейиш-ичиш учун керакли асбоблар, уй-рўзғор буюмлари” маъноси *идиш-оёқ* ва унинг маънодоши *идиш-товоқ* жуфт сўзлари билан ифодаланади. (ЎТИЛ, I, 314).

«Идиш» умумий маъноси доирасида 45 та сўзнинг қўлланишда бўлганлигини ДЛТдаги фактик материаллардан билиб оламиз. Ушбу мақолада шуларнинг баъзилари хусусида тўхталамиз. Умуман турли нарсалар солиш учун мўлажалланган уй-рўзғор буюми маъноси эски туркий тилда бир канча лексемалар ёрдамида очилган. Чунончи, *изиш* лексемаси ДЛТда “идиш” маъносида ишлатилган: *толу изиш* “тўла идиш” (Ш, 251). Маҳмуд Қошғарий ушбу сўзнинг яғма, тухси, ямак, ўғуз ва аргулар тилида ишлатилишига алоҳида диққатни қаратган. Лексик бирликнинг *идиш* фонетик шакли дастлаб X аср қадимги туркий тил обидаси “Олтун ёрук” матнида кўчма “това, коса,” маъносида қайд этилган (ДТС, 203). Ушбу фонетик шаклда сўз “Қутадғу билиг” тилида “идиш, коса, қадах” маъносини касб этган: *Идишин көзәсә өтәсә ҳақын Қадахларни сақласа, ўз вазифасини утаса* (2866).

XV аср Хоразм обидалари тилида тахлил этилаётган лексик бирлик қайд этилмайди. Уни “Таржумон”да ҳам учратмаймиз. “Қисаси Рабғузий” тилида *идиш* фаол қўлланишда бўлган (8v17). Алишер Навоийнинг “Ҳазойинул-маоний” асарида *идиш* “коса, идиш” маъносида ишлатилган (АНАТИЛ, II, 14). *Идиш-айақ* жуфт сўзи умуман “идиш” маъносини англатиб, илк бор “Ирқ битиг”да қўлланган: узун тонлуғ идишин айақын кодулан бармыш “аёл идишин қўйди ва кетди” (ДТС, 203). Рабғузий ушбу жуфт сўзни бир марта ишлаган (148 ч 18). “Девон” ва “Қутадғу билиг” матнида мазкур жуфт сўз мавжуд эмас.

*Идиш* сўзи англатган семема “Девон” матнида, шунингдек, *айақ, сағрақ*, қа лексик бирликлари билан ҳам ифодаланган.

*Айақ* “идиш, коса” маъносида илк бор тиббиёт мазмунли қадимги туркий тил обидасида кўзга ташланади (ДТС, 27). “Девон” тилида “идиш”ни англатган: *қашуғлуғ айақ* “қошиқли идиш” (I, 457).

“Қутадғу билиг” тилида *айақ* “дастурхон” маъносидаги (ДЛТ, I, 403) *тэрги* (< *тэр*- “ийғмоқ, тўламоқ”) деривати билан синтагматик муносабатга киришиб, жуфт сўз сифатида реаллашган: *Айақ тэрги башилар бу аш башичысы* “Идиш – дастурхон мутасаддиси, ош (ноз-неъматлар) бошлиғи” (2784). Шу ўринда *айақ* билан жуфт сўз ҳосил қилган сўзнинг “Девон”да шунингдек, *тэргу* фонетик шакли ҳам кўрсатиб ўтилганини (I, 403) таъкидлаш лозим. Ушбу фонетик шаклда бу сўз “Таржумон” (14 б 10)да акс этган. Рабғузий *адақ // айақ // айағ* сўзини “қадах, коса, идиш” маъносида қўллаган (88 ч 14). “Таржумон”да *айақ* мавжуд эмас. XIV аср Хоразм манбаларида *айақ* “қадах, май косаси”ни англатган (СУЯ, I, 35). Эски ўзбек адабий тили обидалари тилида мазкур кўхна сўз “қадах, коса” маъносида фаол қўлланган. Ҳозирги ўзбек адабий тилида лексема юқорида тилга олинган *идиш-оёқ* жуфт сўзи таркибида сақланиб қолган.



Сағрақ сўзи “идиш, коса, қадах” маъносида илк бор айнан “Девон”да ишлатилгани билан характерлидир: *ырық башы қазлайу сағрақ толу көзләйү “кўзанинг бурни (жўмраги) гоз бўйнидек, қадах ғўздай лиммо-лим”* (I, 125). Ўрта Осийё тафсири, Абу Ҳайённинг “Китобул-идрок ли-лисонун-атроқ” асарига лексема “қадах, коса”ни билдирса, XIV аср Хоразм обидаларида, шунингдек, “данак” маъносини ҳам ифодалаган (СУЯ, I, 269). “Қисаси Рабғузий” тилида *сағрақ* “қадах” маъносида қўлланган (94 ч 11). Эски ўзбек адабий тили обидаларида қайд этилмайди.

Қа сўзи “идиш” маъносида XI асрдан эътиборан қўлланишда бўлган. Маҳмуд Кошғарий уни бир неча ўринда изоҳлаган (Ш, 128; I, 386). “Қутадғу билиг”нинг Қоҳира нусхасида бу сўз “идиш”ни ифодаланган: *қа тэгүгтү кәрәк бу ашығ, қуруғ қодтаса віг ичиг ҳам ташығ* “(у) қанча идишни овқат билан келтиришни билиши керак, зеро на ичкари, на ташқаридагилардан ҳеч ким оч қолмасин” (ДТС, 399). Маҳмуд Кошғарий *қа* сўзининг қоп, халта маъносидаги *қача* лексик бирлиги билан бирикиб, *қа қача* жуфт сўзини шаклантиришини ва “идиш” маъносини ифодалашини айтиб ўтган (Ш, 255). Ўзга эски туркий тил ёдгорликлари тилида *қача* сўзи учрамайди.

Идишлар қандай материалдан тайёрланганлиги ва бажарадиган вазифасига кўра ҳам номланишда фарқланган. Хусусан, идишларнинг муайян қисми сопол бўлган. “Сопол” маъноси уч қабилида ва уларнинг юқорисида турувчилар тилида *сасық* деривати билан ифодаланган (I, 363). Сопол идишлар махсус лойдан ясалган. Бундай лой “Девон”да *той* (Ш, 155) ва *титик* сўзлари билан ифодаланган: *көзүчлүк титик* “хурмача қилиш учун тайёрланган лой” (I, 464). “Лойдан ясалган кўза” маъноси луғатда *көзәч* сўзи билан ифодаланган. Маҳмуд Кошғарий ушбу сўзни арабчага ўхшашини, лекин “д” харфи “ч”га алмашганини таъкидлайди ва лексеманинг аргулар тилига оидлигини қайд этади (I, 341). Мазкур лексема илк марта турфон текстларида *көзәч/күзәч* фонетик шаклида қўлланган (ДТС, 331). Юқоридагилардан қорахонийлар даври эски туркий тилда “кўза, хурмача” маъноси *көзәч/күзәч* ҳамда *көзүч/күзүч* сўзлари билан ифодаланган деган мулоҳазага келиш мумкин. Ҳозирги ўзбек тилида “сув солиш, ташиш учун ишлатиладиган қорни кенг, бўғзи ингички, бир томонида дастаси бор идиш”семемасини англатувчи *кўза* сўзи форс-тожик тилидан ўзлашган деб ҳисобланади (ЎТИЛ, I, 411). “Сопол идиш” маъносининг *сарк* сўзи билан ифодаланишини луғат муаллифи эътироф этган (I, 335). Ушбу сўзни ўзга эски туркий тил манбаларида учратмадик.

Лойдан тайёрланадиган йирик идиш *күб//күп* сўзи билан номланган. Бундай идиш тури асосан шароб, май, сув сингари ичимликлар сақлаш учун мўлжалланган: *ол күп ол сучигни ачытган* “у идиш ширин майнинг ачишига боис бўлди” (I, 169); *эр күпкә сув қуйди* (Ш, 264). Кейинги давр эски туркий тил обидаларида *күпнинг* қўлланиши фаоллашган.

“Хукмдор овқати ёки ичимлиги солинадиган кичик кўзача” семемаси луғатда *тамғалық* мотивланган сўзи билан англашилган. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, *тамғолық* муҳри демакдир. Одатда хукмдор ўзига хос дастурхонг ва кўзичани муҳраб қўйган, унда бир кишига лойик шароб ва

овқат бўлган. Сўнра ҳар бир кичик кўзага ва дастурхонни نخالىқ деб аташган. Бунинг маъноси подшоҳдан бошқа одам ундан овқат емаслиги учун тамға урилган дастурхон демакдир (I, 479–480).

Лугатда ўгузлар тилида “сув ичиладиган идиш”нинг *барт* сўзи билан ифодаланиши таъкидланган. Ушбу сўзнинг шаклдоши *барт* лексик бирлиги “май ва шу каби суюк нарсалар ўлчови” тарзида изоҳланган (I, 327). Ш.Усманованинг фикрича, идиш маъносидаги сўздан кейинчалик “сув ва бошқа ичимликлар ичиш учун қўлланадиган шиша идиш” ва “сопол кўза” маъноларини ифодаловчи *бардак* лексемаси ўсиб чиққан. Кейинги сўз татар тилида “кўза, қувача”, озарбайжон тилида “кўза”, турк тилида “сув, шарбат каби ичимликлар ичиладиган, шиша, биллур, металдан ясалган дастали ёки дастасиз идиш, кўза” маъноларида қўлланади. Шу ўринда *бардак* сўзининг “идиш” маъносида “Таржумон” матнида қайд этилганини (18 а 9) урғулаш мақсадга мувофиқ.

Лугатда таъкидланган лексик birlikлардан ташқари *челак, тоғора, коса, товоқ, тузлак* каби уй-рўзғор буюмлари номларини ифодаловчи сўзлар ҳам жой олган бўлиб, улар ҳақида бошқа бир мақолада фикр юритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

#### Адабиёт:

Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. I–III. –Тошкент. 1960–1963.

### Ш. АБДУРАЗОҚОВА, М. МАМАТОВА, Н. ЮСУПОВА (ГулДУ)

#### М. ЮСУФ ШЕЪРИЯТИНИНГ ТИЛИ ХУСУСИДА

Жонли халқ тили кишилар ўртасидаги жонли алоқа тили, оддий, кундалик муомала – муносабат тилидир. Кишилар ўртасидаги муносабат эса деярли нейтрал бўлмайди. У ёки бу даражада ижобий ёки салбий бўлиш бу муносабатнинг шартидир. Шу боис жонли халқ тилида ижобий ёки салбий бўёқли сўзлар, мурожаат формалари, кўчма маъноли сўзлар, мақол ва маталлар кўплаб ишлатилади.

Шу ўринда шоирнинг “Лаганбардорлар” шеъридаги куйидаги мисирларга диққатимизни қаратамиз:

*Улар иблис бшан тили бир ўртоқ,  
Улар азрошлга содиқ чопарлар,  
Аввал Усмонларни сотиб, кейинроқ,  
Фарёд кўтарган ҳам –лаганбардорлар*

Ёки:

*Улар устозига қулдайин кимса,  
Меҳрибон ҳомийси шогирдларининг.  
Ўзи ўлдириб, сўнг мазоригача  
Кўтариб боришар тобутларини...*

Шеърин матидаги *лаганбардор, иблис, азрош, кимса* каби сўзлар бир қадар вульгардир, мазкур матнда маълум тарихий шахсларнинг характерини очишда, воқеа-ҳодисани баҳолашда услубий восита сифатида фойдаланилган.

М.Юсуф услубининг ўзига хос томонларидан бири шундаки, унинг асарларида халқ оғзаки ижоди намуналари уфуриб туради. Шунинг учун ҳам биз унинг шеърларини ўқир эканмиз, бир томондан кўз олдимизда шу шеър ёзилган давр намён бўлса, иккинчи томондан, халқ дostonларининг кўплари ва халқ қахрамонларининг сўзлари, кискаси, жонли халқ тили ва халқ иборалари қулоғимизда жаранглагандек бўлади:

*Таъмағирни тортқилаб,  
Нафси қўймас дейдилар.  
Нокас ўзи тўйса ҳам,  
Кўзи тўймас дейдилар.*

Маълумки, жонли халқ тилида мақоллар, маталлар кўп ишлатилади. Мақоллар ихчамлиги, лўндалиги, таъсирчанлиги ҳамда бой мазмуни билан мумтоз адабиётда ҳам кенг қўлланиб келинади. Шоир юқоридаги парчада усталик билан халқ мақолини қўллаган.

Халқ орасида бу ёруғ дунёнинг ёлғончи дунё эканлиги, ўткинчи эканлиги, молу дунёнинг ҳам дўст эмаслиги, бу борада шоҳ Искандарнинг ўлими олдидан айтган васиятлари тез-тез эсга олинади, бу васият тарбия воситаси сифатида кўрсатилади. Шоир бу ҳикматлардан шеърый мисралар тузиб, ўз асарларининг халқ кўнглига яқинлигини таъминлайди, халқнинг ҳис-туйғуларини ифодалай оладиган бўлишига интилади:

*Киприқдан ҳам қисқадир  
Молу дунё йўллари.  
Ибрат бўлсин Искандар  
Очиқ кетган қўллари!..*

М.Юсуф шеърятда кўп маъноли сўзлардан ҳам унумли фойдаланганлигининг гувоҳи боламиз:

*Ширин –ширин қарашларинг менга жаннат,  
Менинг учун сени яратганга раҳмат.  
Юрагингни менга қаратганга раҳмат.  
Балки менинг бахтим сенсан, қайдан билай,  
Сен арзанда, мен арзанда, нима қилай.*

Ушбу шеърый парчада *ширин*, *жаннат*, *юрақ* сўзлари кўчма маънода қўлланган. Одатда *ширин* лексемаси бирор нарса-предметга хос бўлиб, маза-таъм билдиришга хизмат қилади. Лекин юқоридаги мисрада бутунлай бошқа маънода қўлланган бўлиб, ёр қарашларининг ниҳоятда роҳатижон, ёқимли эканлигига ишора қилмоқда. Шоир юқоридаги маъно товланишларига сўз ва ибораларни синекдоха усулларига қўллаш орқали эришган.

Шоир кўп холларда тургун бирикмалар – фраземалардан ўз бадний мақсадига уйғун ҳолатда маҳорат билан фойдаланади, тасвирда ўзига хос халқчилликка эришади:

*Қон йиғлатди қайси бағритош,  
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?  
Оёгинга қўйиб ётай бош,  
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?*

Шоир айрим ҳолларда тўлик қофиялар яратиш учун халқ тилининг турли формаларидан ҳамда эски ўзбек адабий тилининг айрим шаклларида ҳам унумли фойдаланади.

М.Юсуф новатор шоир сифатида янги иборалар ҳам ярагади, шоир “Ватаним” шеърида қорачиги оловларга сакраган тарзидаги иборани ясаганки, у бадий тасвир учун бетакрор восита сифатида хизмат қилган:

*Сен Хўжандсан,  
Чингизларга  
Дарбозасин очмаган,  
Темур Малик орқасидан  
Сирдарёга сакраган,  
Муҳаннамсан қорачиги  
Оловларга сакраган,  
Широқларни кўрган чўпон  
Чўлигимсан, Ватаним,*

Хулоса қилиб айтганда, М.Юсуф ўзининг поэтик асарларида турли хил бадий санъатлар, тил воситалари, хусусан, жонли халқ тили имкониятларини кенг намойиш қила олган.

**Г.ШОЙМОВА, Д.КАМОЛОВА,  
Қ. АБДУҚОДИРОВА (ГулДУ)**

### **М.ЮСУФ ШЕЪРИЯТИДА ТАКРОРИЙ СЎЗЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Муҳаммад Юсуф ижодида миллий рухнинг халқона йўлда намоён бўлиши шоирнинг фикрлаши, турмуш тарзи, дунёқараши билан чамбарчас боғлиқдир. Сўзларни такрор ишлатиш ҳар доим нутқни безайвермайди. Аммо меъёрни билиб ишлатилганда, такрор фикрни лўнда ва ихчам ифодалаш, ургули ҳолатларни таъкидлаш воситасига айланади. Санъаткор шоир ҳаётни ҳаққоний акс эттириш, тасвирда табиийликни таъминлаш учун халқ тили бойлигини, унинг сўз хазинасини чуқур ўрганadi. Ана шунда каламнинг мўъжизакорлиги, шоирнинг кашфиёти, оддий сўзларда товланган оҳор, шеърий тасвирдан қуйилган ёғду борлигини забт этади (1):

*Дунёга боқ, қадди сендек ким бор яна,  
Довруғи ҳам дарди сендек ким бор яна.  
Халқ бўлишга худди сендек ким бор яна,  
Мозийни ёд этай десанг – халқ бўл, элим*

Шоир қўллаган сўзлар мисраларга муқим ўрнашган, улар мазмунни очишда ниҳоятда аниқ ва ёрқин ифодаланаяпти. Ҳар бир сўз тасвирда ўзаро киришиб кетиб, бир-бирини қувватлаяпти, тўлдирияпти. Шу тарика улар тасвир манбаини турли томондан ёритаётир. Мазкур парчадаги такрорий бирикмалар маънони кучайтиришга, диққатни тортишга хизмат қилмоқда. Бадий асарда фонетик, лексик ва грамматик бирикларнинг турли мақсадларда такрорланиши бадий такрор сифатида муайян услубий вазифани бажаради. Такрор маънони кучайтирувчи, бадий асарнинг экспрессивлиги, тасвирийлигини таъминловчи омиллардан биридир. Шоир бадий такрорларнинг ўзига хос индивидуал шаклларида кенг фойдаланган:

*Булар элнинг болалари бир-бирин дер,  
Бўлмас элнинг болалари бир-бирин ер.  
Бир бўл энди, қадри баланд қаддингни кер,  
Халқ бўл, элим, Халқ бўл, элим, Халқ бўл, элим,*

Юқоридаги парчада шоир ўз ғоясини ҳар бандда ҳар хил йўллар билан ифодалаб, шеърнинг ўйноқчилиги ва мусикийлигини таъминлай олган.

М.Юсуф шеърятни учун такрорнинг, айниқса, куйидаги кўринишлари характерлидир:

Фонетик такрор:

*Бир қиз йиғлар булоқ бошида,  
Маънос мажнунтоллар қошида.  
Кўнгил зори қўзин ёшида:  
Бевафо кўп экан дунёда.*

Ундалма такрори:

*Севгилим, севгилим, огрийди дилим.  
Жоним огрийверар сизни ўйласам...*

Лексик такрор:

*Қалбга зардоб бўлиб тўлганинг алам  
Гоҳи очилмасдан сўлганинг алам.  
Муҳаббат, муҳаббат, ҳаммасидан ҳам,  
Сочга оқ тушиганда келганинг алам.*

Бирикмалар такрори:

*Юлдузларни ютиб юборди бу тун.  
Ютдию унутиб юборди бу тун.  
Шундай тунда агар йиглагинг келса,  
Сен одам экансан, одам экансан.*

Гаплар такрори:

*Ёлгончи ёр, ёлгонларинг тугар қачон,  
Ёлгон йиглаб, куйганларинг тугар қачон,  
Қачон менга бир илтифот айлагайсан,  
Қачон тугар ситамларинг карвон-карвон.  
Ёлгончи ёр, ёлгонларинг тугар қачон?...*

Хулоса қилиб айтганда, Муҳаммад Юсуф бадийи такрорларнинг ўзига хос индивидуал шаклларида тасвирий восита сифатида унумли фойдаланган.

Адабиёт:

Самадов Қ. Сўз ва шеърини ифода. – Гулистон, 1994, 5-б.

**Б.РАХМОНОВА, Д.ФАЙЗИЕВА,  
А.ЖАББОРҚУЛОВА (ГулДУ)**

### **НАСРИЙ МАТНДА МЕТАФОРАНИНГ ЎРНИ**

Ҳозирги ўзбек тили луғат бойлигини ташкил этувчи луғавий бирикларнинг қарийб ярми полисемантик эканлиги тегишли адабиётларда қайд этилган. Бадийи асар тилида лексемаларнинг кўп маъноли бўлиб

келишига олиб келган асосий ҳодиса метафорадир. Метафора кўчма маъно ҳосил қилишнинг энг кенг тарқалган усули сифатида бадий услубнинг, нутқ бадийлигининг энг муҳим омилларидан ҳисобланади. Семема таркибидаги семалар асосида нутқда кўчма маъно ҳосил қилиш атама табиатиغا эга бўлмаган деярли барча сўзлар учун ҳослдир. Ҳатто ёрдамчи сўзлар ҳам вазифа семаларини кескин ўзгартириб, кўчма маънолар ҳосил қилиши мумкин: “Агар”ни “магар”га қуёв қилсалар, тугилган бир ўғил, оти “қошки”. (Ғ.Ғулом, «Шум бола»). Мазкур гапда ёрдамчи сўзлар ҳам кўчма маънода қўлланилган.

“Шум бола” асарининг тили кўздан кечирилар экан, унда инсон танаси аъзолари билан боғлиқ лексемалар кўчма маъно касб этганлигининг гувоҳи бўламан. Айрим мисолларга муурожаат қилайлик: *Маҳкама бозорининг бошига, Ҳасти Уккоша деган мачит рўпарасига чиқдим* (230-бет); *Шу пайт узоқда икки олов кўзлари ёниб, поезд кўруниб қолди* (205-бет); *Қизил мағиз, лола ранг бўлиб тишган нонларнинг юзи офтобдан ҳам иссиқ эди* (231-бет); *Қани энди, жилдираб оқайтган шу ариқнинг лабига ўтириб олсанг-у, шу нондан бир саватини олдингга қўйиб қўйсалар, сувга ботириб еяверсанг, еяверсанг* (231-бет). Келтирилган мисолларда бир предмет, нарсанинг номи бошқа бир нарсага шаклий ўхшашлик асосида кўчирилган. Бундай кўчириш натижасида баъзан қарама-қарши маъно ҳам туғилиши мумкин. Масалан, *бош* лексемасининг биринчи маъносидан метафора йўли билан кўчириш асосида “ибтидо”, “муқаддима” маъноси ҳосил бўлган. Бундан ташқари, “охир”, “хотима” маъноси ҳам ўсиб чиққан: *боши берк кўча*. Лекин мазкур асарда шундай жумлага дуч келинди: *Арқондан ушлаб, ўликни сувга шўнгитдик. Ҳовузнинг у бошидан бу бошига судраб чайқата бошладик* (167-бет). Бунда *бош* лексемаси умуман “томон” маъносига эга бўлиб қолади. Бир лексеманинг бундай қарама-қарши маъно англатиш ҳодисаси тилшуносликда «энантиосемия» дейилади.

Бундан ташқари, асарда *этак, ёқа, ширин, аччиқ, енгил, очиқ, оқ, сариқ, хом, қора, иссиқ, яши, совуқ, узун, бурмоқ, кўр, қалин* каби лексемалар ҳам кўчма маъноларда ишлатилган. Айрим мисоллар келтираман: *Темирийўл этагидаги сойдан яна икки қўйни топдик* (207-бет); *Азонга яқин ширин уйқуда эканман, оч биқинимга тумшуги қайрилиб кетган баланд пошнали сағри қавушининг берган аччиқ тепкисидан чўчиб уйғондим* (173-бет); *Совуқ дийдорининг қиёматда ҳам кўрмай, деди-да, келган йўлига қараб қайтиб кета бошлади* (224-бет).

Шу ўринда *оқ* лексемасининг айрим маъно-хусусиятларига тўхтаб ўтиш лозимдир. Одатда *оқ* лексемаси якка ҳолда ҳам, бирикма ҳолида ҳам яхшилик, эзгулик, тинчлик, тилак каби маъноларда, умуман, ижобийлик аҳамият касб этиб келган: *оқ йўл, оқ тонг, оқ байроқ, оқ кўнгли, оқ фотиҳа, оқланмоқ, озги оқариб қолди* каби.

Лекин ўзбек тилида *оқ* лексемаси салбий кўчма маънода ҳам ишлатилади. Ёзувчи асарда бундай усуллардан ҳам усталик билан фойдаланган: *Агар бир воқеа билан эшон мени оқ қилмаганида эди, келаси ҳафтадан бошлаб, чорбозорларга қатнаб, “нақдина”нинг-қиссанинг пайдан*

*бўлмоқчи эдим* (190-бет). Одатда, ўзбек халкида ота ўз фарзандини ок қилиши, яъни ундан воз кечиши, лаънатлаши бор нарса. Бу ерда эшон шум болани муқаддас китобни қўлга олиб, берган ваъдаларининг устидан чиқмаганлиги учун “ок” қилмоқда.

Хуллас, ёзувчи бадий асарининг етуқлигини таъминлаш учун она тилимизнинг барча имкониятларидан самарали ва ўринли фойдаланишга ҳаракат қилган.

**М.УММАТОВА,  
М.ХЎЖАНОВА (ГулДУ)**

## **ШЕЪРИЙ МАТНДА ФОНОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Фонетик-фонологик ва грамматик унсурларнинг услубий товланиши стилистика илмининг ўрганиш доирасига мансубдир. Чунки маънони бутун кўлами билан, бутун нозиклиги билан юзага чиқариш фақат сўзларга тегишли бўлиб қолмасдан, унинг қисмларига ҳам, ҳатто айрим товушларга ҳам хосдир.

Мухаммад Юсуф асарларининг ўзига хос услубий жиҳатларини ўрганиш муҳимдир. Унинг асарларида фонологик воситаларнинг услубий вазифа бажариб, матннинг ҳиссий таъсирчанлигини ошириши ўзига хос тарзда намоён бўлади. Товушларни чўзиб талаффуз қилиш, бири ўрнида иккинчисини қўллаш орқали маъно кучайиши, таъкид, ажабланиш, ҳаяжон, киноя каби турли маъно нозикликлари ифодаланиши мумкин:

*Ё – о-о- таман...*

*Карнай йиғлар,*

*Сурнай йиғлар.*

Қофия шеърнинг бадийлигини таъминловчи, мисрага оро, хусн бахш этувчи лисоний ва таъб санъатининг назмий намунаси. Қофияда шеър жанрлари талабидан келиб чиқиб, икки ва ундан ортик сўзлар, сўз шакллари, бирикмалар оҳангдошлик касб этади. Тилда оҳангдош сўзлар кўп: *кўз, сўз, бўз, тўз, ёр, бор, қор* ёки *қулмоқ, юлмоқ, бўлмоқ, сўлмоқ, тўлмоқ* каби.

Шаклий, фонологик таркибий ўхшашлик, яқинлик оддий оҳангдошликни ҳосил қилиши бор гап. Шеърятда шакл эмас, мазмун бирламчилиги боис мисраларда фонологик таркиби бир, икки, баъзан бир нечта товуши билан фаркланадиган сўзлар бадийликни таъминлаши мумкин: *садо – гадо – адо; фидо – видо – нидо.*

Шоирнинг “Машраб хиргойиси” шеърига назар ташлар эканмиз, худди шундай ҳолатни кўрамиз:

*Ким ҳам ишонар нозингга,*

*Баҳоринг ўхшар ёзингга.*

*Куйларинг тушмас созингга,*

*Қўшиғи ёлгон дунёсан!*

Қофияланиш тартиби: а-а-а-б. *Нозингга-ёзингга-созингга* қофиявий қаторларида фақат биринчи товушларгина сўз маъноларини фарқлаб турибди, *о+з+и+н+г+а* фонологик таркиб айнан такрорланган. Бу жуфтликларда *н - й - с* фонемалари сўзларнинг маъноларидаги тафовутни

юзгага чиқариш вазифасини бажариш билан бирга шу фонологик фарк сўзларнинг маъновий ва бадий таъсир кучини оширган. Куйидаги шеъринг парчада ҳам мисралар охиридаги бир товуши билан фарқланувчи лексемалар ўзига хос услубий вазифа бажарган:

*Оқ рўмол ўраб отиндай,  
Товланма менга олтиндай.  
Бола кўрмаган хотиндай-  
Алласи ёлгон дунёсан!*

Бу парчада қофия вазифасидаги сўзларнинг биринчиси - *отиндай* сўзи умумлаштирувчи, хотималовчи мазмун ифодаси учун хизмат қилган. Бу маъно *рўмол ўраб* бирикмаси билан жозибадорликка эга бўлган. Бола кўрмаган хотин ким? Бола кўрмаган хотин алла айтолмайди, айтса-да, у она алласи эмас. Дунёнинг нима эканлигини *бола кўрмаган хотиндай* ибораси ойдинлаштириб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Мухаммад Юсуф ўз асарларининг тилини уларнинг мазмунига мос ҳолда таъсирли ва ифодали қилиб бериш, гўзал бадий таъсирли воситалар яратиш билан бирга, тилдаги барча имкониятлардан унумли фойдаланганлигининг гувоҳи бўламиз.

### Ш. АБДУЛЛАЕВ (ҚҚДУ) ТАРЖИМА ВА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР

Ҳар бир тилнинг фразеологик воситалари ўша тил эгаларининг асрлар мобайнидаги маданияти, маънавияти, тарихи, турмуш тарзи билан чамбарчас боғлиқ. Маълум тилда яратилган ижодий ишларни бошқа тил вакиллариغا етказишда ўгирилаётган тил эгаларига мослаб таржима қилинмоғи даркор. Таржима жараёнида фразеологизмларнинг муқобилини қўллаш асарни таъсирли, ширали, тушунарли қилишда асосий роль ўйнайди. Акс ҳолда, матн мазмунига путур етади. Лекин таржима жараёнида фразеологизмларни тушириб қолдириш ҳолатларини ҳам кузатиш мумкин.

Таржимон баъзи сабабларга кўра таржимода айрим фразеологизмларни тушириб қолдиради. Бу эса асар бадий савиясига салбий таъсир қилади. Энг муҳими, ёзувчининг образли фикрлари, асосий ғоялари ўқувчига тўлалигича етиб бормади. Шу боис уни салбий ҳодиса сифатида баҳолашади. Бундай ҳолатни ёзувчи Т.Қайипбергенов асарларининг ўзбекча таржимасида кузатишимиз мумкин.

Фразеологизмлар образли тил воситалари бўлганлиги боис уларни ўгириш жараёнида тушириб қолдириш асар бадий савиясини пасайтиради. Мисолларга мурожаат этайлик. Қорақалпоқ тилида «жуда қиска фурсатда, тезда» маъноларида *қирпик қаққанша* фразеологик бирикмаси ишлатилади: «*Ол да Маманларга араласа келип жетип, қирпик қаққанша болган жоқ, атынан гарғып түшти*» (Т.Қайипбергенов. Маманбий эпсанасы. 385-бет) (Кейинчалик Маман бий эпсанасы қорақалпоқча Мб.эл., ўзбекча Мб.аф. шаклида қисқартилиб берилади).

*Қирпик қаққанша* ибораси қорақалпоқ тили фразеологик луғатларида қайд этилмаган. Қорақалпоқ тилининг изоҳли луғатида бу ибора худди шу



шаклда берилган: *кирпик қаққанша* – «тез, илдам, бирдан, шу пайтнинг ўзида». (1)

Таржимон ўзбекчада бу фразеологизмни тушириб қолдирган: «*У ҳам етиб келиб, сакраб отидан тушди*» (Т.Қ. Мб. аф. 431-бет). Таржимон унинг ўзбекча эквивалентини кидирмасдан, осон йўл тутган. Кўриниб турибдики, ёзувчининг фразеологизмни қўллаш маҳорати, образлилик ўзбекчада умуман акс этмаган. Бу эса фикрнинг саёзлашишига, таъсирчанликнинг сусайишига, матннинг бадиий савиясига салбий таъсир кўрсатган.

Куйидаги мисолда иккита фразеологик бирлик қўлланган. Қорақалпоқ тилида *қизыл кегирдек болуё* фразеологик бирикмаси «уришмоқ, ёкалашмоқ, кекирдакка осилиб уришмоқ» маъносида қўлланилади. Ёзувчи асарида унинг янги вариантини ишлатган: *болуё-тарысыу*; *қизыл кегирдек болуё* - *қизыл кегирдек тарысыу*. Лекин бу ўзгариш фразеологизм маъносига таъсир этмаган.

Энди фразеологизмнинг матнда қўлланишига эътибор берамиз: «Екеу ара, ўшеу ара, топ-топ, шок-шок **бас қосқанлардың** ишинде эллеким билгишсинсе, эллекимлер оған қарсы **қизыл кегирдек тарысып** атырганы» (Т.Қ. Бахтислар (кейинчалик Бтс.) 127-бет). Кўринадики, ибора матн маъносини таъсирли, образли қилишда ёрдам берган. *Бас қосқан* фразеологизми «жамланмоқ, бир жойга тўпланмоқ» маъносини билдиради.

Таржимон иккита фразеологизмни ҳам таржимада тушириб қолдирган. Натижада фразеологизмдан қўзланган мақсад амалга ошмай қолган: «*Икки-уч киши бўлиб, ё тўп-тўп бўлиб кетаётганларнинг ҳаммасининг оғзида шу гап*» (Т.Қ. Бтс. 161-бет). Ўзбекча матнда асл нусхадаги гоё, мазмун саёз бўлиб қолган. Қорақалпоқча *бас қосыу* ибораси ўрнида ўзбекча *бош(лари)ни бириктирмоқ*, *бош(лари)ни қўшмоқ* ҳамда *қизыл кегирдек тарысыу* фразеологизми ўрнида *ёқасидан олмоқ*, *қўл кўтармоқ* қўлланганда фикр образли, ширали тарзда ифодаланган бўларди.

Қорақалпоқ тилида яна «бўйсунмоқ, кўнмоқ» маъносига *бас ийу* соматик ибораси қўлланилади. Иборадан ёзувчи услубий-бўёқдорликни ошириш, образли ифодалаш мақсадида фойдаланган: «*Биз бугинги тэгдиримиз ушын бир тэгдирлес халықларымыздың дослық босагасына мәңги бас ийемиз!*» (Т.Қ.Қма. 48-бет). Қорақалпоқча *бас ийу* иборасининг ўзбекча айнан *бош эгмоқ* эквиваленти мавжуд. Кўринадики, ўзбекчада ҳам, қорақалпоқчада ҳам ибора айнан бир хил шакл ва мазмунга эга. Таржимада таржимон фразеологизмни номаълум сабабларга кўра ўзбекча эквиваленти билан бериш ўрнига, уни тушириб қолдирган.

Худди шундай ҳолатлар «Қарақалпақнама» асарида *жутыл кетпеу* (90-бет); *қол жабыу* (112-бет); *магызын шагыу* (140-бет); *тил тийгизбеу* (233-бет); *атына батпақ таслау* (255-бет); *көз қарашығы қылып* (303-бет) каби нутқ таъсирчанлигини оширувчи иборалар таржимада акс этмаган. Бу эса ёзувчи айтмоқчи бўлган фикрнинг, асар гоёсининг тўла очилмай қолишига олиб келган. Фразеологизмларни тушириш ҳолатлари «Қарақалпақ дэстаны» трилогиясининг таржимасида ҳам кузатилади. Жумладан, «Маман бий эпсанасы» да *маңлайына шаң тийдирмеу* (59-бет); *оң көзи менен қарамау*

(150-бет); *тисиниң суўын сорыў* (259-бет); *табаны сытқанаў* (298-бет); *киртик қаққанша* (332-бет) каби иборалар ўзбекча таржимада акс этмаган.

Демак, таржимоннинг айрим ибораларни таржима қилмасдан тушириб қолдириши нафақат матн мазмунининг саз бўлиши, балки иборадан кўзланган турли мақсадлар, жумладан, нутқнинг таъсирчанлиги, эмоционал-экспрессивлигининг сусайиши олиб келади. Бундай таржима асарнинг бадий савиясига путур еткази, ёзувчининг махоратини кўрсатмайди, услубини сақламайди.

Адабиёт:

Қарақалпақ тилиниң түсиндирме сөзлиги. –Нөкис, 1987, Т. 2, 353-б.

**М.ХОЛБЕКОВА,  
З.ТҶҲИЕВА (ГулДУ)**

### **Ҳ.ОЛИМЖОН АСАРЛАРИДА МАҚОЛ ВА ИБОРАЛАР**

Ҳ.Олимжон шеърятдаги ўзига хослик, таъсирчанлик ва халқчиллик шоир томонидан халқона ибораларнинг қўлланилиши орқали юзага келган. Шуни таъкидлаш лозимки, бадий асарнинг қиммати унда халқ ибораларининг қанча кўп қўлланилганлиги билан эмас, қай даражада ўринли қўлланилгани билан белгиланади. Ҳ.Олимжон қўллаган ҳар бир мақол ва ибора воқелик руҳига монанд тарзда қўлланилганлиги билан ажралиб туради. Бу ўринда унинг Иккинчи жаҳон уруши йилларида жанг майдонида жон олиб-жон бераётган ватандошларимизга бағишлаб ёзган шеърлари алоҳида ўрин тутди. Мисол учун “Бўл омон” шеъриси она ва ўғилнинг бир-бирига дил изхори тасвирланган: Она:

*Бор, ўғил, бор, жангга борил,  
Сен йигитлар боши бўл.  
Халқнинг ёвларга отган  
Бош ёрар бир тоши бўл!*

Ўғил:

*Она, мендан хавф қилма ҳеч,  
Дадил бўл, айла бардош.  
Ватан учун жанг қилувчи  
Морд ўғилнинг боши тош.*

Ёки “Хат” шеъриси назар ташлайлик:

*Дахшат билан бир ўтаман  
Тепасидан бургутдай.  
Ёмғир каби ўқ ёғдирсам,  
Тўқилади у тутдай.  
Яшин каби юрагини  
Доим ёриб ўтаман.  
Дарё бўлиб тошаману  
Ўз қаъримга ютаман.*

Бу ўринда, айниқса, *тутдай тўқилмоқ* ибораси жуда ўринли қўлланган. Халқ нутқида бу ибора моддий аҳволнинг танглигига нисбатан қўлланилади. Шоир эса бу ўринда фашистларни яқсон этишга нисбатан қўллайди. Ибора шу даража ўринли қўлланганки, жанг тасвирига сингиб,

қўйма мисрага айланган. Ёки шу шеърдаги *юрагини ёрмоқ* иборасини олиб кўрадиган бўлсак, у ҳам матнга сингиб, *яшиндек сўзи билан кўшилиб*, бадий киммати яна ҳам ортган.

Шоирнинг “Галаба кўшиғи” шеърда:  
*Ҳозир бўлсин фашизм ер тагида чиришига,  
Мана биз кўкда учдик теппасидан қиришига.  
Одамзод гувоҳимиз: қойил қолсин бу ишга,  
Душманларни ер билан яксон қилар чоғ келди.*

*Кундузни тун деб ўйлаб, сарҳадга келди ўзри,  
Кўришпалак охири оташга келди тўзри.*

*Тушар доим эсимга ўзбек мақолидир бу:*

*Қим аввал мушт кўтарса, албатта, кўрқоқ келди.*

Халқимизнинг *Кўрққан олдин мушт кўтаради* мақолини шеър бандларига сингиб кетганлигини кўриб, шоирнинг сўз қўллаш маҳоратига, халқ макол ва ибораларини ўринли қўллаш маҳоратига тан бермай иложимиз йўқ.

Х.Олимжоннинг фақат уруш мавзундаги шеърларидагина эмас, ижодининг бошқа қирраларида ҳам халқона макол ва иборалардан ўринли фойдаланиш маҳоратини кўриш мумкин. Масалан, болалар учун ёзилган “Ойгул билан Бахтиёр” шеърини эртагида ҳам бу ҳолни учратиш мумкин.

Шоир Ойгулнинг рухий азобини *қон ютди* ибораси оркали тасвирлайди. Золим хон Ойгулни тенгдошларидан, отасидан жудо қилади, уларни ўлдиради. Бу қайғули ҳолатни шоир *қаноти қайрилди* ибораси оркали *Қанотимни қайрдинг* деб ифодалайди. Ёки хон қулларнинг исёнидан хаддан ташқари ғазабланган ҳолатини олиб кўрайлик. Шоир хоннинг кифасини *Кўзлари қонга тўлди, Тани заҳарга тўлди* иборалари оркали ифода этган. Бундай мисолларни шоир ижодидан кўплаб келтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида биз тилга олган халқона макол ва ибораларнинг ўринли қўлланилиб, матнга сингиб кетиши шоирнинг юксак исътедоди ва бетакрор маҳоратининг нишонасидир.

**Ш.ХУДОЙҚУЛОВА (ГулДУ)**

## **А.ҚОДИРИЙНИНГ «ЎТГАН КУНЛАР» АСАРИДА ҚЎЛЛАНГАН -ЛАР ҚЎШИМЧАСИНИНГ УСЛУБИЙ ҚИРРАЛАРИ**

Ўзбек тилида кўплик жуда кенг маънони ўз ичига олади. Тилга оид адабиётлардан маълумки, *-лар* қўшимчасининг биз билган маънолардан ташқари, бошқа маъноларни ҳам ифодалашни, бошқа хусусиятларга ҳам эга бўлиши мумкин. Ана шу аффиксларнинг ўзига хос бошқа хусусиятларини А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романидан олинган мисоллар асосида ёритишга ҳаракат қиламиз.

Унинг *кўзлари мулоимгина сув устига овдилар, ариқнинг мусоффо тиниқ суви ёввошигина оқиб келар, Қумушбизбининг қаршисига етганда гўёки унинг таъзими учун секингина бир чарх уриб кўяр, ўз устида ўтирган соҳиранинг сеҳрига мусаххар бўлган каби оҳиштагина кўприк остига оқиб кетар эди; Ёшли кўзлар ариқ бўйига тушиб, нозик оёқлар ариқ бўйи томонга*

*ҳаракатландилар*. Келтирилган мисолларнинг биринчисида –лар кўшимчаси кўз ва оғди сўзларига кўшилиб келган. Биринчи сўздаги –лар аффикси киши аъзоси бўлган кўз сўзига кўшилар экан, А.Қодирий ундан тасвирийликни ифодалаш учун фойдаланган. Тўғри, биринчи қарашда –лар аффикси гўё кўпликни ифодалаётгандай туюлади. Чунки –лар аффикси аниқ предметларни ифодаловчи сўзларга кўшилиб келганда, одатда предметнинг кўплигини билдиради. Агар бадиий асарда кўз сўзига –лар аффикси кўшилиб келар экан, у деярли ҳолатда тасвирийлик учун қўлланади. Ёзувчининг ўз кўнглидаги баҳони, ҳурмат ва эътиборни, бу кўзлардан ҳаяжонланганлигини, аввало, ана у *кўзлари* сўзида –лар аффиксини ишлатиш орқали ифодалаган. Қолаверса, бунинг аниқ ифодасини кейинги *оғдилар* сўзида тўла кўриш мумкин. *Оғдилар* сўзида –лар аффиксининг ишлатилиши: а) эга-кесим мослигини таъминлаш учун, насрий ритмикасини таъминлаш учун қўлланган; б) ўша кўзларнинг баҳосини кучайтириш учун, янада аниқ, бўрттирилган ҳолда тасвириллаш ва тасдиқлаш учун ишлатилган. Худди шу гапда А.Қодирий Кумушнинг кўзларига *оғди* сўзини ишлатиши мумкин эмас эди. Матидаги *оғдилар* сўзида алоҳида эҳтиром ва эҳтирос ўз ифодасини топган. Айнан худди шу нарсани кейинги мисолдаги *ёшли кўзлар*, *нозик оёқлар*, *ҳаракатландилар* иборасида кузатиш мумкин. Бирок, *нозик оёқлар* бирикмаси таркибида *нозик* сўзи иштирок этиб, бу нарса *оёқларга* баҳони янада бўрттирилганлигини сезамиз. Чунки *оёқлар* сўзидаги –лар аффикси ҳам *кўзлари* сўзидаги –лар аффикси каби тасвириллаш маъносини ифодалаб турибди. *Нозик* сўзи эса ўша маънони янада бўрттирган, хусусиятни аниқлаштирган.

Юқорида кўрганамиздек, А.Қодирий жонсиз нарсаларга нисбатан –лар кўшимчасини ишлатади. Бу эса асар қийматини заррача камайтирмайди. Аксинча, унинг таъсирчанлигини оширади, жозибали қилади. Бундай жумлалар китобхонларда ширин, илиқ таассурот қолдиради. Асарни ҳозиргача қўлдан тушмаётганлигининг асл сабаби ҳам ана шундадир.

Д.ҚОЛДАШЕВА (ТДПУ)

### АДАБИЙ-ДИАЛЕКТАЛ ОМОНИМЛАР

Адабий тилнинг тарихий такомиллашув жараёнларини, тилнинг тараққий этиш ва ривожланиш қонуниятларини ўрганишда унинг асосий луғат хазинаси ҳисобланувчи шеваларни чуқурроқ ўрганиш, муҳим аҳамиятга эга. Ўзбек тилининг луғат таркиби хилма-хил лексик қатламлардан иборат.

Ўзбек адабий тилидаги айрим сўзларнинг асосий қисмини кўпчилик аҳоли бир хил маънода қўлласа, баъзиларини маълум бир территорияда яшайдиган кишилар бошқа маъноларда ишлатади. Яъни адабий тилдаги сўзлар билан бир хил ёзиладиган ва маъно жиҳатидан фарқ қилувчи диалектал сўзлар адабий-диалектал омонимлар қаторини ташкил этади.

Биз Навоий ва Бухоро шеваларини тадқиқот объекти сифатида кўриб чиққанамизда, бундай сўзлар уй-рўзгор буюмлари номлари доирасида кўпроқ учрашининг гувоҳи бўлдик. Чунки Ўзбекистон худудида яшовчи турли шева вакиллари хонадониди рўзгор юритиш тартиби, уй-рўзгор

буюмларининг номланиши кўпинча бир хилликка эга бўлиши билан бирга ўзига хослиги билан ҳам ажралиб туради. Бу бир хиллик ўзбек адабий тили ҳамда шевалар учун умумий бўлган уй-рўзгор буюмлари номларининг таркиб топишига олиб келса, ўзига хослик турли шевалар ўртасида ҳамда ўзбек адабий тили билан шевалар ўртасида омонимлик, синонимлик ҳолатларини келтириб чиқаради. Масалан, *зўғота*, *зугата* сўзининг ўзбек тилининг изохли лугатида икки маъноси изохланган: «кетмон, теша ёки болтанинг соп ўрнатиладиган тешиги» ҳамда «маккажўхорининг донсиз ўзаги сўта» маъноларида. Навоий ва Бухоро шеваларида, хусусан, Навбахор, Хатирчи туман шеваларида айнан *зўғота*, Шибирғон, Рўзи биён, Деҳибаланд, Патта кишлоқларида маълум фонетик ўзгаришлар (*зўзата*, *зағота*, *заўта*) билан қўлланувчи бу сўз фақат бир маънода, яъни «қўлда ва тикув машинасида тикиш учун ишлатиладиган ғалтак ип» маъносида истеъмолдадир.

*Кўтлик* сўзи адабий тилимизда «ёш болалар остига тўшаладиган мато» маъносида изохланади. Навоий ва Бухоро шеваларида бу сўз худди шу маънода қўлланилиши билан бирга айрим жойларда (Шибирғон, Патта) «қозон ўрнатадиган гардиш» маъносида истеъмолда.

*Сурпача* сўзи Шибирғон, Патта кишлоқларида «сабзи тўғраладиган тахтача» маъносида истеъмолда бўлса, адабий тилда бу «хамир ёйиш, нон яшаш учун мўлжалланган дастурхонсимон кичик рўзгор буюми» маъносида тушунилади.

*Чорпоя* сўзи адабий тилимизда «очик ҳавода ўтиришга, ётишга мўлжалланган тўрт оёқли ва панжарали катта кенг ёғоч қаравот, сўри» маъносида қўлланади. Биз тадқиқ этаётган ҳудудлар шеваларининг кўпчилик жойларида бу сўз худди шундай маънода истеъмолда, бироқ Ширини, Шавгон, Чашма Айюб, Ғиждувон ҳудудлари шевасида бу сўз «сандик остига қўйиладиган ёғочдан ясалган тўрт оёқли таглик» маъносида ишлатилса, Бухоро шахрининг кўпгина маҳалаларида бу сўз худди шу маъно билан биргаликда *хонтахта* сўзи ўрнида ҳам ишлатилади.

*Чигириқ* сўзи «пахтани чигитдан ажратиш учун ишлатиладиган қадимги қўл асбоби» дея изохланади. Бу қадимий туркий сўз (1) Бухоро ва Навоий вилоят шеваларида «ер ости паст бўлган қудуқлардан сув чиқариш учун ўрнатиладиган металл ёки ёғоч мослама» маъносида қўлланади.

Навоий ва Бухоро вилоятлари шеваларида бундай сўзлар анчагина. Биз фақат уларнинг айримлари ҳақида тўхталдик, холос. Адабий-диалектал омоним сўзларни шеваларда аниқлаш, бу сўзларни адабий тил ва бошқа шевалар лексикаси билан қиёслаб ўрганиш ўзбек тили лексикасининг имконият қирраларини янада кенгрок ўрганиш ҳамда ўзбек шеваларининг нечоғлик бой ва ранг-баранг эканлигини кўрсатиш учун асос бўлади.

#### А д а б и ё т :

1. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик лугати. -Тошкент, Университет. 2000, 432-б.

## ДЕҲҚОНЧИЛИК ЛЕКСИКАСИДА РУС ТИЛИДАН ЎЗЛАШГАН ҚАТЛАМ

Қорақалпоғистон ўзбек шевалари қишлоқ хўжалик (деҳқончилик) лексикаси кўп асрлар давомида шаклланган. Унинг шаклланиши ўзбек тили тарихи ва халқ тарихи, унинг моддий маданияти ривож билан узвий боғлиқ. Чунки Қорақалпоғистон ҳудудида деҳқончиликнинг лалми деҳқончилик ва лалми суғориш тизими қадимдан мавжуд бўлиб, унинг шаклланининг мунтазам такомиллашуви, деҳқон меҳнати жараёнларининг табақаланиши каби ҳодисалар деҳқончилик лексикасида акс этган.

Бугунда ўзбек тили лексикаси тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Русча, шунингдек, байналмилал лексиканинг рус тили орқали ўтиш жараёни XIX аср иккинчи ярмидан бошланди. Бу даврда русча сўзларнинг ўзбек тилига кириб келиши тасодифий кўринишга эга бўлиб, бу, асосан, бир неча қам сонли соҳаларда юз берди: маъмурий бошқарув, савдо муносабатлари ва маиший турмуш каби.

Деҳқончиликда руслардан кириб келган экинлар билан бирга уларнинг номлари ҳам ўзлаштирилган: *помидор, картошка* ва ҳ.к. Бу номлар оғзаки нутқда ўзбек тили фонетик қонуниятларига мос тарзда ҳам талаффуз қилина бошлади: *помидор/помодыр, памилдори. картошка:картоп* ва ҳ.к.

Ўзбек тилидаги ўзлаштирилган (рус тилидан ёки рус тили орқали) ва калькалаштирилган сўзларни қуйидагича мавзу гуруҳларига ажратиш мумкин: 1) қишлоқ хўжалигини бошқариш ва агрономия тадбирларига тегишли сўз ва атамалар: *карта, контракция, селекция, агроном, агротехника, вегетация даври*; 2) ирригация атамалари: *гидротехника, ирригатор, водокачка, мелиорация, лоток, дренаж, коллектор, шлюз*; 3) қишлоқ хўжалик ўсимликлари касалликлари ва улар қўзғатувчилари номлари: *виит, вирус, бактериоз, бактерия, гуммоз, карадина*; 4) қишлоқ хўжалик техникасига оид атамалар: *плуг, борона, культиватор, лемех*.

Ўзбек тилининг ички ресурслари ҳисобига, рус-байналмилал сўзлар таъсирида ҳосил бўлган янги сўзлар ҳам кенг қўлланмоқда: *газайақ* «гусиня лапка», *авул ходжалыгы* «хўжалик», *авул ходжалык қурултай*, *хасьлы қатлам* «ҳосилли қатлам», *хасьлынң йитгиси* «ҳосил йўқотиш» каби. Шундай қилиб, Қорақалпоғистон ўзбек шеваларининг деҳқончилик лексикаси (бутун қишлоқ хўжалик лексикаси) ўзига хос хусусиятларга эга.

М.АБЗАЛОВА (ТДПУ)

## АРАБЧА КОНСТРУКЦИЯЛАРНИНГ КЕСИМ ВАЗИФАСИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Алишер Навоийнинг «Насойимул муҳаббат» асарида қўлланган арабий бирикмалар жумлалар (арабий изофий бирикмалар, қуръон суралари ёки ҳадисларида турли гап бўлақлари вазифасида қўлланган. Биз ушбу мақолада арабизмларнинг гапнинг марказий бўлаги – кесим (араб тилида «хабар») вазифасида қўлланиши ҳақида баҳс юритамиз. Биз мисоллар танлашда Алишер Навоийнинг «Насойимул муҳаббат» асарининг илмий танқидий матнини яритишда асос бўлиб хизмат қилган қўлёзма манбадан

фойдаландик. Мазкур асар Алишер Навоийнинг тўла асарлар тўпламининг 17-жилдида арабий конструкцияларнинг таржималари билан чоп этилгани учун уларнинг маъноси ва изоҳига ўрин ажратмадик. Уларнинг лисоний хусусиятларигагина тўхталдик, холос.

Маълумки, ўзбек тилига оид адабиётларда кесимга гапнинг бош бўлаги – гапнинг марказий бўлаги сифатида таъриф берилади. Кесим – хабар гап мазмунининг характери билан белгиланганда катта роль ўйнайди, бундай гапларда эга темани билдирса, кесим эса шу ҳақда хабарни билдиради.(1)

Алишер Навоийнинг «Насойимул муҳаббат» асарида арабий конструкцияларнинг кесим вазифасида қўллангани, оз бўлса-да, учрайди. Уларнинг аксарияти сўз бирикмалари қолипиди бўлиб, яхлит ҳолда таркибли от кесимни ёки боғламани от кесимни ташкил қилган. Кесим позициясида келган арабий конструкциялар махсус боғлама: *дур/тур, эркан/эрмиш* шакллари билан қўлланган. Бундай конструкцияларни биз ҳам анъанага мувофиқ от кесимли бирикмалар деб атадик.

Арабий конструкция таркибли от-кесим амалида келган: Масалан, *Бизнинг тариқимиз* *عروة وثقى* *дур* (62<sup>б</sup>-14с). Арабий конструкция [урватуни вуска]нинг таржимаси *мустаҳкам «ришта»*. Бу ерда гапнинг эгаси туркий тилдаги *бизнинг тариқатимиз* бўлса, от-кесим амалида *عروة وثقى* *дур* қўлланган.

Кесим амалида келган арабий конструкция составли от-кесим бўлиб, унинг таркиби от+сифатдан иборатдир. От-кесим вазифасида келаётган от *عروة* ўзининг мослашган аниқловчиси – сифат *وثقى* билан бирга мослашган аниқловчили бирикмани ҳосил қилган. От-кесим амалида келаётган *عروة وثقى* туркий матнда эътиборни қаратадиган бўлак саналади, яъни *Бизнинг тариқимиз мустаҳкам «йўл»дир*. Демак, арабий конструкция бу ерда синтактик амалда муҳим коммуникатив вазифа бажарган. Шунинг билан бирга у семантик аҳамият касб этиб, гап мазмунини кучайтириб, бўрттириб, жумланинг таъсирчан чиқишига имкон берган.

Яна бир мисол. *Муҳаммад Али Термизий била Муҳаммад Фазл Балхий била суҳбат тутубдур ва аларга* *دور سلا بيرة* *дур*. Арабий конструкция [қарийбус синн] сифатловчи+сифатланмиш шаклидаги от кесим сифат+от бирикувидан тузилган.

Юқоридаги мисолларимизда от-кесим амалида келган арабий конструкция [қарийбус синн] икки компонентли бўлиб, сифат+отнинг бирикувидан ҳосил бўлган ва сўз бирикмаси қолипиди қўлланган. Нутқнинг аҳамиятли бўлаги *دور سلا بيرة* *дур*, яъни *Балхий била суҳбат тутубдур ва аларга ёши яқиндур*.

2.Арабий конструкциялар тўлиқсиз феъл билан келиб кесим амалида қўлланган. Масалан: *Шайх Суллами дебдурки, машойиҳ орасида андин тамом ҳолроқ ва ширинзабонроқ илиқсўзроқ кўрмадим.* *هذا زمان الوقت* *эди ва машойиҳ яғонаси* (37<sup>б</sup>-22с).

Мисолдаги арабий конструкция [лисанул вақт эди] тўлиқсиз феъл билан қўлланиб кесим вазифасида келган арабий конструкциянинг таркиби

от+отдан иборат бўлиб, у сўз бирикмаси қолипида қўлланган. Араб тилида бу каби бирикмалар “изофий бирикма” деб юритилади.

Яна бир мисол: *مستجاب الدعوة* эрди (24с). Бу мисолда ҳам арабий конструкция [муस्ताжабуд даъва] тўлиқсиз феъл билан қўлланиб кесим вазифасида келган. Арабий конструкция [مستجاب الدعوة] қолипида келган бўлиб, юқоридаги мисол каби от ва отнинг бирикувидан ташкил топган арабий изофий бирикмадир.

Юқоридаги икки мисолимизда, яъни *لسان الوقت* эрди ва *مستجاب الدعوة* эрди гапларида эга яширинган (имплицит) қўлланган бўлиб, у контекст орқали билиниб туради.

Хуллас, Алишер Навоийнинг «Насойимул муҳаббат» асарида қўлланган арабий конструкциялар бошқа гап бўлаклари қатори кесим вазифасида ҳам келган. Улар, яъни кесим вазифасидаги арабизмлар аксарият ҳолларда сўз бирикмаси қолипида келган.

#### Адабиётлар:

1. Нурмонов А., Махмудов Н. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1995, 44-45-б.; Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI-XII вв. –Тошкент: Фан, 1976. – 80 с.; Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси / Нурмонов А., Махмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. – Тошкент: Фан, 1992, 55-б.; Курбонова М. Ўзбек тилшунослигида формал-функционал йўналиш ва содда гап қурилишининг талкини: Филол. фанлари д-ри... дис. автореф. –Тошкент, 2001, 30-42-б.

**Б. АБДУШУКУРОВ, ф.ф.н. (ТДПУ)**

#### «ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ» ДАГИ АРАБЧА ЎЗЛАШМАЛАР

Ўзбек тилига араб тилидан сўз олиш, асосан, ўзбек-араб билингвизми даврида (VII-IX асрларда) кучли бўлди. Кейинги даврларда ўзбек тилига янги сўзлар сезиларли даражада қабул қилинмаган, кейинчалик эса ўзбек тилига кирган арабча унсурлардан бир қисмининг эскириши ва ўзбек тилидан чиқиш жараёни юз берди. Алишер Навоий тилида ишлатилган кўпгина арабча сўз ва иборалар XIX аср ўзбек тилида, шунингдек, ҳозирги ўзбек адабий тилида учрамайди. Араб тилининг ўзидан бевосита сўз олиш XI асрдаёқ деярли тўхтаган эди. Аммо турли даврларда арабча манбаларда, шунингдек, эски ўзбек тили ёзма ёдгорликларида сақланган арабча сўз гуруҳлари у ёки бу даврларда фаоллашиб турди. Масалан, XX аср бошларида ўзбек тилида илмий терминлар сифатида фаол истифода этилган арабча сўзлар ана шу кейинги манбалардан олинган. (1)

Юқорида кайд этилганидек, турли муносабатлар орқали араб сўзлари туркий тилларга ўзлашгани каби ўз навбатида туркий лексемалар ҳам араб тили луғат таркибидан ўрин эгаллаган. Масалан, *қовурма*, *ётоқ сингари*. Ҳатто *-чи*, *-лик*, *-сиз* аффикслари сўз таркибида ўтиб, арабча лексемаларга қўшилиб, янги сўзлар ясаган. (2)

XIV аср обидаси саналган «Қисаси Рабғузий» асари пайғамбарлар ҳаёти ва фаолиятига бағишланганлиги, Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф ҳамда бошқа диний манбалар асосида яратилганлиги боис, унда талайгина арабий сўзлар учрайди. Ёднома луғат бойлигида 2156 та арабча истилоҳ қўлланилган



бўлиб, улар сони жихатдан туркий лексемалардан кейин иккинчи ўринда туради.

Тадқиқот объекти қилиб олинган ёдгорликда жамиятнинг турли соҳаларига оид арабча сўзлар мавжуд. Хусусан, **аввал** лексемаси «биринчи»: *Авал улким оғри турур, икинч айбй қачгақ турур* (73г10); «бошида»: *Қысқа болмасун тэб қач ҳарф файдалари қысса аввалинда йад қылынды* (65v21); «дастлабки, илгариги»: *камуғи қарарды аввалги ҳалынга дөрүлди* (177г10) маъноларини англатган. Ўзлашма илк бор «Ҳибатул=ҳақойиқ» асарида «биринчи навбатда», «олдин» семаларида келтирилган: *Ары захри татку асалдын аввал* – асал ейишдан олдин ари захрини тотиб кўриш керак (ДТС, 76). XIV аср Хоразм манбаларида қуйидаги маъноларда ифодаланган: «биринчи, дастлаб»: *Авал көрушкәнің айтур* (Мн, 291а11); «бошида»: *Тәкмә фасл аввалинда бир ҳадис кәлтүрдүк* (НФ, 2а12); «бошқатдан, қайтадан»: *Шарбатны ул ҳабиб илдиндән алыб ичтым дағы умрни аввалдән ҳисаб этдим* (Г, 121611). Бу арабча сўз *avvalu* шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига фатҳали ҳамзани а товушига алмаштириб, сўз охиридаги и унлисини ташлаб қабул қилинган: *avvalu* → **аввал** (ЎТЭЛ, II, 9).

**Балā** (Мн, 303а2) истилоҳи «бирор воқеа-ҳодиса, ҳаракат туфайли юзага келган офат, фалокат» маъносини ифодалаган: *Онынчы күн балā кәлгәй тэб малш қатыдын чықты* (153v14). Ушбу ўзлашма биринчи марта Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадуғу билиг» достонида учрайди: *Қолса андын балāны йыга* – илтижо қилса, Худо ундан балони йироқ қилар (ДТС, 90). Аини пайтда, лексема ўрганилаётган ёдномада туркийча -сыз/-сиз кўшимчаси ёрдамида сифат ясашда ҳам қатнашган: *Бәлгүлүк балā турур, балāсыз кимәрсәгә балā йоқ* (83v19). *Valā* → **балā** асли *balā* феълининг «азоб берди», «қийнади» маъносидан ҳосил қилинган масдар бўлиб, араб тилида «қийноқ», «бахтсизлик» каби маънони, ўзбек тилида эса «кулфат», «офат», «фалокат» сингари маънони англатади (ЎТЭЛ, II, 65). Қиссада терминнинг арабча **афат** синоними ҳам қўлланилган: *Эй Расулнің қумартғусы силāхни қозғыл, санчышмағыл, кәрәкмәз ким бир афат тәгәсә сэндин йимә маҳрум қысамиз* (242v18).

**Вақт** сўзи «пайт», «замон, давр» маъноларини билдирган: *Ҳақ айғу вақт кәлди* (90v20); *Мустафā алайҳиссалāmның улуг атасы Абдул Мутталиб вақтында заман қудуғи қурыды*(50г1). Лексема дастлаб Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадуғу билиг» достонида қайд этилган: *Бу Буғрахан вақти ичрә аны/йәмә хан тилинчә айтмыш муны* (ДТС, 632). Мазкур арабча сўз *vaqt* (уп) шаклига эга; «муддат белгилади» маъносини англатувчи *vaqata* феълининг I боб масдари бўлиб, «замон», «фурсат», «пайт» каби маъноларни умумлаштирган ҳолда англатади (ЎТЭЛ, II, 91). Аини пайтда асарда ўзлашманинг туркийча **оғур**, арабча **заман** синонимлари ҳам учрайди: *Ул оғурда Лут алахиссалām Мақдис йәриндә қош уй алыб ашлық тарийур эрды* (57v18); *Давуд ул заман табы заҳидларга бармыш эрди* (134г6).

**Давлат** ўзлашмасы «бахт, омад», «бойлик, мол-мулк» маъноларида қўлланилган: *Йана сорды: давлат кимдә болды? Айды: Расулга болды кәфир чәризи сынды* (222г13); *Али уругының давлати кәтти, бу күн давлат бизгә*

болды (242r21). XIV аср Хоразм ёдгорликларида мазкур сўзнинг ҳар икки семасини кўриш мумкин: *Куйайштэк давлатиң, тибанда болсун* (Мн, 29462); *Сэн ушбу давлатынга болма мағрур* (ХШ, 106616). Лексема дастлаб «бахт, омад» маъносида «Қутадғу билиг» достонида кўзга ташланади: *Йа Раб ўстаи давлат тўқдл қыл тилдк* – эй Худо, бахти ва тилагини бутун қилгин (ДТС, 159). Айни пайтда, ушбу ўзлашманинг сўз ясаш жараёнида иштирок этганлигини куйидаги мисолдан билса бўлади: *Кисраның бир чэриг бэги бар эрди, Шāхбазād атлыг, давлатлыг (бадавлат) эрди, қайу элгә йўз урса аур эрди* (231r6). Маълум бўладики, текширилаётган истилохнинг ҳозирги «мамлакат» (ЎТИЛ, I, 537) маъноси кейинги давр махсули ҳисобланади.

Рабғузий «сўз» маъносини очишда арабча **калима** истилохидан фойдаланган: *Тўрт булуңда тўрт қалима айтыб ташини қозды* (52v19). Ўзлашма «Нахжул=фародис»да ҳам айни семада ишлатилган: *Бир кўн нāгāх азгыдын бисмиллāх калимаси чықты* (8365). Шу билан бирга, лексема изофали бирикмалар таркибида келиб, «қисқа нутқ» маъносини берган ҳолатлар ҳам мавжуд: *Расул қалима=и тавҳид қылды* (197r4).

Kalimat → калима кўп маъноли kalama феълининг «сўзлади» маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари kalim(un) сўзининг -at(un) кўшимчаси кўшилган шакли бўлиб, араб тилида «сўз», «сўзлар», «қисқа нутқ» маъноларини англатади. Ўзбек тилида асосан “сўз” семасини бийдириш учун қўлланади (ЎТЭЛ, II, 193). Тадқиқ қилинаётган манбада истилохнинг туркийча **сбз**, **сав**, арабча **қалām**, **қавл**, **луғат**, **ибāрат** синонимлари ҳам қайд этилган: *Андаг қылоьылар, сөз эшиттиләр хушландьылар* (120v4); *Ибрāхым алайҳиссалām бир кэчә тўш корди Лутнуң бир кимэрсә бирлә сөзи саеы болды тэб*(59r16); *Айгыл: улуғларын сэниң бирлә исэсүнләр қалām эшитсүнләр* (120r13); *Бу қавлы хатә тэмшиләр* (146r12); *Ибрāхым ва Абрахам ва Ибрахам бу қамуг луғатлар дуруст турур*(37v18); *Зулайхāның пардасин ачмады ибāрат бирлә аймады, ишāрат бирлә айды...*(84 v2).

**Малик** термини куйидагича маъноларни касб этган: 1) «хукмдор, подшоҳ»: *Малик сорды: бу огланны қайдын алдың?* (33r19); 2) «Аллоҳ»: *Нийāзын бэнийāз малика арза қылды, айды: Илāхий, Йусуфниң олўкин-тирикин мэңә билдүргил* (79v9). Биринчи маъно илк бор «Қутадғу билиг» достонида иккинчиси эса, «Ҳибатул=ҳакойик» асарида ўз ифодасини топган: *Машрық малики* (ҚБ, 5); *Қазалар йўрүткән йаратқан малик* – тақдирларни йаратган Аллоҳ (ДТС, 339). Шунингдек, ўрганилаётган лексема туркийча -лык/-лик, -сыз/-сиз аффикслари орқали от ва сифат сўз туркумларига доир сўзлар ясаган: *Йалавачлык тақы маликлик бу он ики сибт арасыда өврүлүр эрди* (131v8); *Бани Иерāшл ҳаргиз маликсиз йалавачсыз қалмас эрдиләр* (131v10). Термин баъзи антропонимлар таркибида ҳам кўзга ташланади: *Акуз Малик бин Мāрхгә хабар болды* (142r6). Профессор Ш.Раҳматуллаев **малик** сўзининг этимологияси хусусида шундай фикр юритади: malik→малик malaка феълининг «хукмронлик қилди» маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб, подшоҳ маъносини англатади; бу сўз хозирги ўзбек тилида антропоним сифатида ишлатилади (ЎТЭЛ, II, 230). Қисса тилида мазкур терминнинг **форс-тожикча пādшāх**, арабча **султāн**, туркийча **хан**

синонимлари ҳам истифода этилган: *Қуртқа айды: бу иш битса Райън пādишāх ългāндиң соң Румдиң чэрик кэлгāй (88г7); Ул султāн ългāндиң соң ъзгā султāн олтурды (164v11); Кѡп чэригни басты ханлар, ишк чэригин ким басар (77v4).*

Келтирилган фикр-мулохазалардан шу нарса аён бўладики, эски туркий адабий тилининг бойиши, тараккий этишида ички имкониятлар билан бирга, ташқи манба ҳам муҳим роль ўйнаган.

**Адабиётлар:**

- 1.Боровков А. О языке узбекской поэзии//Общественные науки в Узбекистане. – Тошкент, 1961, №10, с. 42-43.
- 2.Захиди А. Слова тюркского происхождения в современном арабском языке. АКД. - Баку, 1967, с.7.

**Д. САИДОВА (ТДПУ)**


**ФОРС ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

Талабаларнинг маънавий, мустақил камолоти кўп жиҳатдан сўз ва нутқ бойлигини ошириш билан боғлиқдир. Дарсларда ўқитувчи эмас, балки талаба кўпроқ иштирок этиб, билимини ошириши педагогик технологияда муҳим роль ўйнайди.

Дарсларни замон талабларига жавоб берадиган ҳолда ўтказишда бир қанча инновацион педагогик технологиялар усулларидан фойдаланиш самарали натижа беради. Ҳозирда дарсларнинг янги турлари ва шакллари ҳақида бир неча илмий-методик ишлар яратилмоқда.


Форс тили дарсида ўтган замон давом феълини тушунтиришда “Вен” диаграммаси, яъни “таққослаш” методидан фойдаландик. Бу метод орқали ўзбек ва форс тилларидаги феъл негизларининг бир биридан фарқи, уларнинг ясалиши ва тусланишидаги фарқини солиштириб, таққослаб ўрганиш мумкин.

“Вен” диаграммасида ҳар бир катакка алоҳида қилиб ўзбек ва форс тилларидаги тусланаётган феълнинг ўтган замон негизи ёзилади. Кейин уларнинг тагига ҳар иккала тилда кўплик ва бирликда, шахс-сонларга кўйиб тусланади. Шу тарзда форс ва ўзбек тилларидаги тусланаётган феълнинг фарқларини таққослаб кўра бўлади. Масалан: - **گفتن** *ғўфтан* - «айтмоқ, демоқ» феълининг ўтган замон негизи **گفت** бўлади унинг тусланиши куйидагича:



Юқоридаги диаграммадан кўриниб турибдики, форс тилидаги گفتن феъли негизи گفت бўлади. Ўтган замон феъл негизи олдига (می) олд кўшимча ва охирига шахс-сон кўшимчаси кўшиб орқали ўтган замон давом феъли ясалди. Препфиксли ва кўшма феълларда (می) олд кўшимчаси феъл негизининг ўзига кўшиб тусланади. Феълнинг бўлишсиз шакли ҳам шу табица ёрдамида тушунтирилади. Фақат نه (на-) инкор юкламаси می (-ми) олд кўшимчасидан олдин кўйилади.

Энди мавзунни талабалар қанчалик тушуниб, ўзлаштирганини карточка ёрдамида текшириш мумкин бўлади. Бунда ҳар бир талаба учун карточка берилди. Карточкада тарқок ҳолда, сочма сўзлар берилди. Талабанинг вазифаси берилган сўзларни доирачаларга грамматик тўғри жойлаши керак бўлади. Масалан:



بىزبان درس را ازبىكى ترجمه ميكرد متن ميخواند و دانشجو  
(دانشجو متن درس را ميخواند و بىزبان ازبىكى ترجمه ميكرد.)

*Талаба матнни ўқир эди ва ўзбек тилига таржима қилар эди.*

Талабалар бу методлар ёрдамида ўзи эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини шакллантиради, ўтилган мавзуларни мустаҳкамлайди.

**Ф.ИБРАГИМОВА,**  
аспирант, (ЖДПИ)

### **ЭЛЛИПСИС НУТҚНИНГ ТЕЖАМҚОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ВОСИТА**

Бугунги ўзбек тилшунослигида матн яратиш ва уни таҳлил қилиш муаммоси борасида диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Чунки тилнинг ҳар қандай бирлиги матндагина ўзининг мазмун-моҳиятини, тилдаги ўрнини тўла кўрсата олади.

Матн турли кўринишларда бўлиши мумкин: тузилиши жиҳатидан: макро ва микро матнлар; услубий жиҳатдан: илмий, расмий-идоравий, публицистик, бадиий ва х.(1) Булар ичида инсонларга ўзига хос эстетик таъсир ўтказиш қудратига эга бўлган бадиий матннинг ўзига хос ўрни ва аҳамияти бор. «Бу соҳир нутқнинг синоатларини тилшунослик, адабиётшунослик, эстетика, тарих каби фанлар таъбир жоиз бўлса, қўлни қўлга бериб, биргаликда, ҳамкорликда тадқиқ этади» (2)

Адабиёт сўз санъати эканлигини, унинг бирламчи унсури тил эканлигини таъкидлаган ҳолда ушбу мақоламизда бадиий нутқнинг таъсирчанлигини оширадиган услубий воситалардан бири эллипсис ва унинг

бадий нуткни гўзллаштиришдаги аҳамияти, нутқнинг ихчамликка эришувидаги «хизматлари» тўғрисида фикр юритмоқчимиз.

Бадий нутқ расмий, илмий нутқ шаклларига қараганда инсонларга эстетик таъсир, завқ-шавқ берувчи хис-туйғуларга, турли кўчимларга, тасвирийликка бойлиги билан аҳамиятлидир.

Демак, бадий нутқнинг бирламчи мақсади инсонларга у ёки бу даражада эстетик таъсир ўтказишдан иборат. Бу мақсад эса ўз навбатида маълум услубий воситалар ёрдамида юзага келади. Бадий нутқнинг таъсирчанликка эришиши учун у ихчам шаклга, лекин бой мазмунга эга бўлиши лозим.

Эллипсисда тилдаги тежаш тамойилига мувофиқ сўзловчи узатаётган маълумотдаги ортикча лексик, грамматик воситалар баргараф этилади, нутқ ҳаракатларидаги тежамкорлик таъминланади. Эллипсисни тилнинг барча: фонетик, лексик, синтактик сатҳларида кузатишимиз мумкин. Лекин бу сатҳлардаги туширилиш натижасида ифода этилаётган фикр «кемтик», «тўмтоқ» бўлиб қолмайди, чунки туширилган бирликларнинг мазмуни контекст орқали ифодаланиб туради. Бадий нутқ талаби билан ном, белги, санок, микдор билдирувчи сўзларнинг ўрни уларга ишора қилувчи бирликлар олмошлар билан алмашинади. Олмошлар эса нутқда улар бажарган синтактик вазифаларда кела олади.

Гапнинг турли бўлаклари қаторида олмош билан ифодаланган тўлдирувчилар ҳам туширилиши мумкин. Гапнинг грамматик тузилишида тўлдирувчининг жойи тўлдирилмайди, аммо унинг лексик маъносини тиклаш мумкин, бунда гапнинг мазмуни ўзгармайди. Демак, бу ерда тўлмаганлик облигатор бўлак (тўлдирувчи)нинг эллипсиси деб тушунилади. Бу ҳолат сўзлашув ва бадий матндаги диалогик нутққа хос ифодалаш услубидир. Бунда маълум даражада қисқаликка, лўндаликка эришиш мумкин.

Ўзбек тилида олмошли тўлдирувчини тушириб қолдирсак, қуйидаги ўринлар тўлдирилмайди:

Тушум келишигидаги олмош билан ифодаланган тўлдирувчи:

«... Бунни кўрган Фаррух ич-ичидан эзилиб кетди.

- Қўйиб юборинглар уни! – деди титраб-қалтираб.

- Нималар деясан?! – деди новча иржайиб. – Озгиндан қандайдир гап чиққандай бўлдим? Ёки менинг қулогимга шундай эшитилдими?

- Қўйиб юоринглар! – деди муштилари маҳкам тугилган Фаррух. Раши Моҳирўйни бўшатиб, унга яқинлашиб борди-да:

- Қўйиб юормасак нима қиласан? – деди майна қилиб» (Н.Исмоилов)

Ушбу диалогик нутқда савол-жавобларнинг ихчам, тезлик билан амалга оширилиши учун *Қўйиб юборинглар уни!* гапида қўлланган олмош билан ифодаланган воситасиз тўлдирувчи кейинги гапларда умуман қўлланилмайди. Лекин ўқувчи фикр *Моҳирўй* ҳақида бораётганлигини осонгина билиб олиши мумкин. Сабаби шаклий жиҳатдан тўлдирилмаган, қўлланилмаган бўлак мантиқий жиҳатдан бордир. Унинг мантиқий жиҳатдан мавжудлигини биз контекстдан билиб оламиз. Зеро, матн бир яхлит фикрни баён этувчи бирикдир.

Жўналиш келишигидаги олмош билан ифодаланган тўлдирувчи:

*«Дўхтир Моҳирўйнинг жароҳатини тезроқ тузатадиган дори-дармонлардан ёзиб берганидан кейин битта укол қилди-да, чиқиб кетди».* Ушбу бадий парча бир гапдан иборат, лекин шу бир гапнинг ичида қахрамоннинг номини иккита марта тилга олишдан сақланиш учун кўрсатиш олмоши ишлатилиши лозим эди (*...унга битта укол қилди-да, чиқиб кетди*), ammo янада ихчамликка эришмоқ, шу орқали таъсирчанликка эришмоқ мақсадида ушбу бўлакни тушириб қолдирган.

Қаратқич келишигидаги олмошнинг туширилиши:

*Комиссия билан бирга юрадиган биздан бошқа одам қуриб кетган экан-да, - деди у салом-алиқдан кейин дарров мақсадга кўчиб. - Шу ердаям ишларимиз тиқилиб ётган эди.* Бу бадий бадий нутқда эса қахрамоннинг жажли чикқанлигини, асабийлашганини ифодалаш мақсадида қаратқич келишигидаги олмош ифодаланмаган. Аслида *Бизнинг шу ердаям ишларимиз тиқилиб ётган эди* бўлиши керак. Аксарият ҳолларда кишилар жажли чикқанда қисқарок гапиришга интиладилар. Бу ҳолат юқоридаги мисолда ҳам ўз аксини топган.

Жой ёки ўрин маъносини билдирувчи равишлар (олмошлар ёрдамида ҳосил қилинган):

*-Босс тузужмилар?*

*-Ҳа, яхши. Мен у кишининг гапини келганимданоқ сизга етказмоқчи эдим. Лекин имкони бўлмади. Бирдан фалончи ким деб сўраш ноқулай бўлди.* Бу парчада турмага, камерага сўзларининг ўрнига бу ерга равиши ишлатилиши лозим эди, яъни бу ерга келганимданоқ сизга етказмоқчи эдим тарзида ифодаланиши лозим бўлган гапдаги бўлак эллипсисга учраган.

Демак, тилдаги бирор сўз ёки тил бирлиги берорга туширилиб қолдирилмас ёки аксинча ортиқча ҳам қўлланмас экан. Албатта, бундай ҳолатларда ёзувчининг бадий-эстетик мақсади биринчи ўринда туради. Чунки сўзни орттириб қўллашда ҳам, тушириб қолдиришда ҳам қахрамоннинг қандайдир ҳолати, унинг вазияти, характери ифодаланади.

**Алабиётлар:**

1. Ўринбоев Б. ва б. Бадий текстнинг лингвистик таҳлили. –Тошкент: Ўқитувчи, 1990, 26-б.

2. Йўллошев М. Бадий магн лингвопоэтикаси. –Тошкент: Фан, 2008.

**О.МЎМИНОВА,**  
ф.ф.н. (ЎзДЖТУ)

## **ШАЙБОНИЙЛАР ҚАБРТОШЛАРИДА БИТИЛГАН УНВОН НОМЛАРИ**

Шайбонийлар даври маданиятининг барча соҳалари ичида эпиграфик ёдгорликлар энг кам ўрганилган соҳалардан биридир. Самарқанд, Тошкент, Туркистон шаҳарларида дафн этилган Шайбонийлар қабрларига ўрнатилган ёдгорлик матилари қимматли ҳужжатлар саналади. Мазкур эпиграфик битиклар асрлар давомида юз берган сиёсий, этно-лингвистик ва бошқа тарихий жараёнларни акс эттиради ҳамда уларни ўрганиш учун ноёб

манбадир. Шу жумладан, мансаб ва унвон номларини ҳам ўрганишга ёрдам берувчи манба ҳисобланади.

Маълумки, Шайбонийхон Мовароуннаҳрни эгаллаб олгандан сўн “имом аз-замон, халифат ар-Раҳмон” (замонанинг имоми ва раҳмдил Аллоҳнинг халифаси) унвонини қабул қилди. Самарқанддаги Шайбонийхонлар қабртошларидаги битиклар (эпитафия) айнан шу унвон билан бошланади. 2-қабртошнинг шимолий томонида “муаззам хон, мукаррам қоон, туркийлар, араблар, форсийлар подшоҳларининг шоҳи, ...ғозий, малик, имом аз-замон, халифат ар-Раҳмон Абулфатҳ Муҳаммад Шайбоний хон ... (1) сўзлари битилган. Мазкур унвон халифа унвонининг тўлиқ шакли бўлиб, у фақат Шайбонийхонга нисбатан қўлланган. Айни пайтда битикларда албатта “... меросхўрлик асосида хоқон бўлган” ибораси қўлланилиб, у мархумларнинг Чингизхон авлодига мансублигини кўрсатган. Маълумки, Шайбонийлар харбий-сиёсий таркибини ташкил этувчи туркий (туркий-мўғул) қабилалар назарида хон ҳукумати қонунийлигининг асосий манбаи Чингизхон қавмига мансуб бўлиш ҳисобланарди. Бошқа томондан эса шаҳар аҳолиси ва диндорлар орасида олий ҳокимият масаласида ислом дини ғоялари кўпроқ обрўга эга эди. Шайбонийлар учун бу ғоялар қабилавий сепаратизм аънаналари кучли бўлган бир шароитда бирлаштирувчи омил сифатида анча мақбул бўлиб кўринган.

Хоқон (туркча - қаған; мўғулча - қоон) лексемаси олий ҳукмдор унвони маъносини ифодалайди. Чингизхон ўлимидан кейин хоқон энг юқори унвон ҳисобланган, хон унвони эса улус бошлиқларига берилган.(2) Ислом нумизматикаси бўйича мутахассис Б.Д.Кочнев(3) фикрига кўра, Қорахонийлар даврида хоқон, хон, қоон унвонлари бир хил маънони билдирган. Аввалги ва кейинги сулолаларда ҳам бу унвонлар ўртасида катта фарқ бўлмаган. Бизнингча, Қорахонийлар даврида мазкур унвонлар ўртасида муайян фарқ бўлган. Бу фарқ Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғот ит-турк” асарида қайд этилган.(4) Шайбонийхонлар даврида эса хоқон, хон, қоон унвонлари бир хил маънони англатган. Шайбонийхоннинг зарб қилган тангаларида ўз аксини топган юқоридаги унвонлари,(5) биринчидан, унинг ўз шахсида диний раҳбарлик ва дунёвий ҳокимиятни бирлаштиришга бўлган уринишларини акс эттирса, иккинчи томондан, бу унвонлар Шайбонийхон истилоларига қонуний тус беришга хизмат қилган.

Қабртошларидаги матнларда султон лексемаси Шайбонийхон фарзандларига, яъни хонзодаларга нисбатан қўлланган. Чунончи, 8-қабртошнинг шимолий томонида “...Аллоҳнинг марҳамати билан мабрур бўлган йиғит – Муҳаммад Султоннинг фарзанди Боқи Дўст Муҳаммад султон марқади (6-б.); Абу-н-Наср Поянда Муҳаммад султон ... мукаррам хоқон Жонибек султоннинг ўғлидир”(8б.) матни Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида султон лексемаси ҳукмдор фарзандларига нисбатан қўлланилганлигидан далолат беради. 3-қабртошнинг шимолий томонида Бу – султонлар асл авлоди ва хоқонлар султोजиси, Соҳиб ас-сайф ва-л-алам (Қилич ва туг соҳиби) Султон Абулхайр ибн Ҳамза Султон баҳодур. (3-б.) жумласидаги – Соҳиб ас-сайф ва-л-алам унвони катта ёшдаги аслзодалар

номига қўшиб айтилган. Эпитафиядаги маълумот бўйича ҳам у катга ёшдаги киши эканлиги маълум бўлди.

Туркистондаги шайбонийлар қабртошларидаги матнга “Бу – шарифа, маффура, марҳума, мабура Рубиа Султон Бегим – шаҳид, буюк, муаззам султон Улузбек Кўрагон қизи марқади. Ва у муаззам, мукаррам хоқон Амр Темур Кўрагон ўғли энг саховатли султон Шохруҳ мирзонинг фарзандидир. (33-б.) эътибор қаратсак, мазкур матндаги Шохруҳ мирзо ва Улуғбек мирзога нисбатан қўлланилган султон унвони олий ҳукмдор, подшоҳ маъноларини англаган, мирзо эса фақат temuрийзоларга нисбатан қўлланилган. Мирзо сўзи амирзоданинг қисқартирилган шакли бўлиб, исмдан кейин қўшиб айтилсагина, подшо хонадонига мансубликни англаган. Кейинчалик исмдан олдин айрилиб, амалдор, котибларнинг мансаб ва унвонларини ифодалаган.

Шайбонийлар қабртошларида битилган мансаб ва унвон номларини ўрганиш шу кунга қадар маълум бўлган ёзма манбаларда келтирилган маълумотларни тўлдирди, уларга аниқлик киритади, баъзи ҳолларда бу сулола тарихига оид янги маълумотларни беради.

#### Адабиётлар:

1. Шайбонийлар қабртошларидаги битиклар. Б.Бобононов, А.Муминов, Ю.Пауль. Висбаден: Док.Л.Райхерт нашр., 1997. 2-6.
2. Doerfer V. TMEN. 3 vols. Wiesbaden: Franz Steiner Verlag, 1963-1975.
3. Шайбонийлар қабртошларидаги битиклар. Б.Бобононов, А.Муминов, Ю.Пауль. Висбаден: Док.Л.Райхерт нашр., 1997. 13-6.
4. О.Мўминова. Мансаб ва унвон номлари//Ўзбек тили ва адабиёти. 2002. №5. 69-б.
5. Давидович Е.А. Реформа// Труды. Вуп.1.-Сталинабад, 1954, -с.88.
6. А.Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Т.1.-Т: Фан. 239-б.

## Г. РАҲИМОВА (ЎЗДЖТУ)

### ЎЗБЕК ТИЛИДА ҚАРИНДОШЛИК НОМЛАРИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Ўзбек тилида қариндошлик номларининг асосий қисмини туркий қатламга оид сўзлар ташкил қилиб, бу хил сўзларнинг ясалиш хусусияти ва грамматик жиҳатдан бошқа соҳага оид номлардан маълум даражада фарқланиб туради. Қариндошлик номларида баъзи ясовчи аффиксларининг ишлатилиш даражаси, шунингдек аффикслар билан қўлланишида ўзига хос тамойилларини кўриш мумкин .

Маълумки, аффиксоидлар айрим мустақил сўз туркумлари жумладан, қариндошлик номлари билан қўлланиб, белги, хурмат, эркалаш-суйиш каби турли модал маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади. Аффиксларни қўлланиш доирасига кўра икки турга ажратиш мумкин. Биринчи турдаги аффикслар атоқли отларга қўшилиб, тарихан турли тоифаларга оидликни билдиради: *хон, хўжа, бек, жон, пошиша, бой* кабилар.

*Хон* сўзи тарихан юқори табақага оид шахс номини билдирган бўлса ҳам, ҳозирги ўзбек тилда атоқли отларга қўшилиб, қисман тоифаланиш ва кўпинча хурмат маъносини ифодалаш учун ишлатилади. Қариндошлар номларига қўшилганда, тоифалаш маъносидан четлашиб хурмат маъносини



ифодалайди: *Хурматли отахонлар, онахонлар, бугунги тадбир сизларга бағишланади.*

*Хон сўзи ота, она, дада, бобо каби қариндошлик номларига кўшилиб, атоқли от ясайди: Отахонов, Дадахон Ҳасанов, Бобохонов, Онахон ота каби.*

*Бек сўзи қариндошлик номларига кўшилиб келиб, тоифаланиш маъносидан четлашиб, аффиксоид маъносида қўлланиладиган атоқли от ясайди. Масалан: Отабек, Дадабек, Нурбек, Шербек каби. Бу аффиксоид асосан, эркаклар жинсига оид атоқли от ясаса ҳам, айрим ҳолларда аёллар жинсидаги қариндошлик номларидан атоқли от яшаш учун ишлатилади: Ойшабегим, Хосиятбегим.*

*Қайни сўзи аслида мустақил маъно ифодаловчи сўз бўлса ҳам қариндошлик номларига кўшилиб келиб аффиксоид вазифасини бажаради. Бу аффиксоид никоҳдан кейинги қариндошликни ифодаловчи сўзлар билан ишлатилади.*

*Пошиа сўзи хурмат рамзи сифатида келин, куда, қиз каби қариндошлик номларига кўшилиб, аффиксоид маъносида қўлланилади: келинпошиа, қудопошиа, қизпошиа, холапошиа каби.*

*Жон сўзи атоқли отлар билан бирга қўлланилишидан ташқари қариндошлик номлари таркибида аффиксоид вазифасида келади ва хурмат, илтимос, эркалаш-суйиш, ялиниш каби маъноларни ифодалаш учун ишлатилади: Опажон, тез-тез хат ёзиб туринг.*

*Бой сўзи шахс ифодаловчи атоқли отлар билан бирга келиб, эркаклар жинсига мансуб ота, дада каби айрим сўзларга кўшилиб, аффиксоид вазифасида ишлатилади: отабой, дадабой.*

*Демак, бу хил аффиксоидлар шахс ифодаловчи атоқли отлар таркибида қўлланишидан ташқари қариндошлик номлари билан бирга ҳам ишлатилади. Шунингдек, аффиксоидларнинг қўлланиш доираси ҳар хил бўлиб, айримлари фақат эркаклар жинсини ифодаловчи қариндошлик номлари таркибида, айримлари аёллар жинсини ифодаловчи қариндошлик номлари таркибида, айримлари эса ҳар икки жинсга оид номлар билан бирга қўлланилади.*

**О.ТУРСУНОВА,**  
аспирант (АДУ)

### **ШАРҚ ПОЭЗИЯСИДА ҲИЖОНИНГ ЎРНИ**

Туркий тилда асосан бармоқ ва аруз тизими кенг тарқалган бўлиб, бармоқ вазнидан фарқли равишда аруз вазнидаги шеърларда катъий вазн талабига асосланиши шарт. Арузнинг муҳим унсури ҳисобланган ҳижо ҳам фонетик бирликдир. Ҳижо товушлар билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Ҳижода товушларнинг чўзик-қисқалиги, бўғиннинг очик-ёпиқлиги, баъзи чўзик унлидан кейин келган ундошнинг алоҳида ҳижо тарзида келиши, ундош кўчиши, кўш ундошдан бири(кейингиси мисра ичида келса) нинг якка ҳолда ҳижо бўла олиши каби ҳолатларни кузатамиз.

Ҳижо юзасидан кўп адабиётшуносларимизнинг асарларидан маълумот олишимиз мумкин. Бироқ тилшунослиқда ахлит монографик тадқиқот юзига келган эмас. Ҳижо тилшунослиқда бўғин атамаси билан юритилса

хам, аруз тизимидаги хижо (ҳижонинг сифат белгиси) билан, бармоқ тизимидаги бўғин миқдори (миқдор белгиси) айрим хусусиятлари билан фарқланади.

Бармоқда бўғинларнинг миқдори ва ритм, паузанинг бир хилдаги меъёрийлиги ҳисобга олинса, аруз тизимида хиждоларнинг чўзик-қисқалиги, очик-ёпиқлиги ҳисобга олинади. У ҳолда баъзан бир бўғин хижо билан фарқли ҳолатда келиши кузатилади:

*Салом –алик / талаб қилманг / ҳўқиздан, 4+4+3*

*Илиқликни /умид / сиз муздан, 4+4+3*

*Асалари, /ари, лекин /бол берур, 4+4+3*

*Бол чиқмайди /гул ҳидлаган /кўнгиздан 4+4+3 (Чустий)*

Бу мисолда хижонинг узун-қисқалик белгисининг аҳамиятидан кўра оҳангнинг ритмик меъёрийлиги, тўхтамнинг айнан бўғинлар миқдорига мослашиши биринчи даражага чиққан.

Куйидаги байтда эса вазн талабига мувофиқ ундош кўчиши кузатилади.

*Хал қи ни шо/ дай ла моқ ақ/ ли ра со лар/ нинг и ши,*

--- v --- --- v --- --- -- v --- --- v ---

*Эл ни ран жит /моқ ҳа ми ша /бе ҳа ё лар /нинг и ши.*

--- v --- --- v --- -- v --- --- v --- (Чустий)

Мисолимиз саккизта рукндан (яъни қисқа паузалар билан ажратилган устулар, интонацион бўлақлардан) ташкил топганлиги ва охири сўзи фоилун бўлиб, зихоф (ўзгариш)га учрагани учун рамали мусаммани маҳзуф тарзида қабул қилинади. Бунда хиждоларнинг сифати муҳим саналиб, “хиждолар унлиларнинг турлича талаффуз этилиши, шунингдек, ажратилиши билан бўғинлардан фарқланади. Агар бўғинлар ёзилишига кўра ажратилса, хиждолар вазнга мувофиқ бўлишига кўра ажратилади.”

Шунингдек, аруз вази талабига кўра баъзи ҳолларда икки сўз, (асосан биринчиси ундош билан тугаган, иккинчиси унли билан бошланган ёки аксинча), бир-бирига қўшиб ўқилади. Бироқ таркибида “ъ” (айн)и бор ўзлашган (аслий ҳолда “ъ”-айн билан бошланувчи) сўзлар бошида товуш ўқилмайди.

Бир товуш ҳам хижо тарзида қабул қилинади, қисқа унли билан тугаган очик бўғин ёки бир ундош бир хижо бўлиб келганда – қисқа хижо, ёпиқ бўғин ёки чўзик унли билан тугаган хиждолар эса чўзик хижо бўлади (албатта истисно ҳолати ҳам кузатилади). Демак бир бўғинли сўзлар аруз вази талабига биноан икки хиждоли бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, шарқ шеърятининг фонетик хусусиятлари, хусусан, аруз тизимидаги фонетик хусусиятлар тилшуносликнинг ҳам муҳим тадқиқот объекти.

## МУНДАРИЖА

Ҳожиёв А.	Ўзбек тилшунослигида морфем парадигма масаласи.....	3
Абдурахмонов Ғ.	Услуб раёнлиги учун.....	9
Нурмонов А.	Тилнинг асосий бирликлари ҳақида мулоҳазалар...	10
Маҳмудов Н.	Шайхзода сўзининг лингвопозитикасига қизгилар...	12
Аширбоев С.	Муҳаммад Каримхожанинг «Туркча қонда» асарига синтактик категориялар.....	17
Дадабоев Ҳ.	Оғаҳий тарихий асарларидаги ижтимоий - сиёсий терминлар хусусида.....	21
Лутфуллаева Д.	Ўзбек тилида сонларнинг дейктик хусусиятлари..	24
Йўлдошев И.	Китобатчиликка оид баъзи сўзлар семантикаси....	26
Азимов И.	Алишер Навоийнинг насрий асарларида сабаб-натига мазмунидаги қўшма гаплар.....	28
Йўлдошев Б.	“Компьютер лингвистикаси”фанини ўқитишда педагогик технологияларнинг ўрни.....	31
Муҳамедова Д.	Умумлаштирувчи шакллар ҳақида мулоҳазалар.....	33
Нафасов Т.	Ўзбек этнопонимлари.....	35
Жамолхонов Ҳ.	Копенгаген структурализмида фонетика ва фонологияга оид қарашлар.....	37
Юнусов Р.	Лексик маъно ва контекстуал қуршов.....	39
Йўлдошев М.	Феъл лингвопозитикаси.....	42
Муҳамедова С., Жўраева А.	Ўзбек тилидаги “бозор” архисемали лексик бирликлар хусусида.....	44
Сапарниёзова М.	Ўзбек тилида конъюнктив ва дизъюнктив гаплар...	46
Набиева Д.	Моделлаштириш босқичлари ва муаммолари.....	47
Нурмонова Д.	Синтактик сатҳда нейтраллизация ҳодисаси.....	49
Юсупова Ш. Тўйчиева И.	Шахс онги тараққийида ўзбек адабий тили.....	50
Холманова З.	“Бобурнома”даги айрим қадимги туркий сўзлар семантикаси.....	52
Саидхонов М.	Паралингвизмларнинг бадий матндаги интерпретацияси.....	55

Ҳакимова М.	Абстракт сўзларга доир айрим мулоҳазалар.....	57
Йўлдошев Б., Рашидова У.	Э.Воҳидовнинг фразеологизмлардан фойдаланиш маҳорати.....	59
Раҳматов М.	Эски ўзбек тилида чун боғловчиси.....	61
Шукуров Р.	Сўз вариантларидан янги маъноли сўз ҳосил бўлиши.....	63
Жабборов Х.	Бадий тилда дехқончилик терминларининг кўлланиши.....	65
Жабборов Э.	Курматаёқ – ўйин номи.....	66
Ахмедова Ҳ.	Нотик ва нутк.....	67
Раҳимова У	А.Қаҳҳор ҳикояларида такрорий воситалар.....	69
Шукуров А.	Антонимларнинг услубий кўлланиши.....	71
Муродов Н.	“Санглоҳ”даги баъзи феълларга доир.....	72
Нормуродов Р.	Ҳайвонларни номловчи перифразалар.....	74
Хусайнова Ф	Шеърят тилида диалектизмлар.....	75
Боймирзаева С.	Бадий матнда муаллиф нуткининг модал-темпорал хусусиятлари.....	77
Усмонова Д.	Ўзбек тилида пропозициянинг имплицит ва эксплицит ифодаси.....	81
Жумаев Ф.	Феълларнинг тадқиқи ва когнитив-прагматик талқини муаммоси .....	83
Давлатова Р.	Пропозициянинг дейктик бирликлар орқали ифодаланиши.....	85
Ҳамроев М.	Моносубъектив полипредикатив гапларда тобе муносабатнинг ифодаланиши .....	86
Ахмедова Н.	Мурожаат бирликлари ва пресуппозиция.....	88
Пардаев Б.	Бошланғич синф она тили таълимида узвийлик муаммоси.....	90
Муродуллаева О.	Сўрок олмошларида зидланиш белгисининг йўқолиши ва мўътадиллашуви.....	92
Бобохонов Л.	Модал сўзларнинг прагматик хусусиятлари.....	94
Кўлбоева Д.	Истак гаплар хусусида.....	95

Носирова Д.	Ёрдамчисиз кўшма гапларда қиёс мазмуни.....	96
Абдуллаева Д.	Кўшма сўзларда антисемия.....	98
Курбонов Б.	Бадий матнда тилакларнинг лисоний хусусияти..	100
Жамолиддинова Д.	Парантез бирликлар турлари.....	101
Умурзоқова М.	“Лолазор” романида график ифодалилик .....	103
Жамолхонова М.	А. Навоийнинг фоностилистикага оид фикрлари...	105
Файзуллаев Б.	Халқ дostonлари тилида туячиликка оид	
Хидиров О.	лексика.....	106
Файзуллаев Б.	“Холдорхон” дostonида кийим-кечак	
Урдушева Д.	номлари .....	107
Файзуллаев Б.	Халқ дostonларида йилкичилик	
Ядгаров Қ.	атамалари .....	109
Мавлонова К	Она тили дарсида адабий материаллардан	
	фойдаланиш.....	111
Раҳимов М.	«Ҳибатул ҳақойиқ»да халқ мақоллари.....	113
Тўйчиев А.		
Муратова Н.	Бадий матнда антонимия.....	114
Турсунпўлатов М.		
Файзуллаев Б.	Нутқнинг ифодавийлиги.....	115
Ҳамдамова Х.	А.Ғуломовнинг “Ўзбек тилида кўплик	
	категорияси” асари ҳақида .....	116
Алмаматов Т.		
Ядгаров Қ.	Тўрт сонинг семантик хусусиятлари .....	117
Абдуллаев Ж.	Урғу ва унинг турлари ҳақида .....	119
Муродкулов О.	«Навоий» романида арабча синик кўплик	
Дехқонова Л.	ифодаланган сўзлар.....	120
Муродкулов О.	Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романида кўплик	
	шакли .....	121
Муродкулов О.	А. Қодирий асарларида арабча сўзлар .....	121
Ёдгоров Х	Халқ мақолларида интеграл ва дифференциал	
Бозорова Ҳ.	семалар муносабати.....	122
Зокирова Ҳ.	Гипотактик муносабатни юзага чиқарувчи воситалар...	123

Жалолова Л.	Она тили таълимида морфем таҳлил.....	124
Неъматова Д.	Чўлпон публицистикасининг айрим услубий хусусиятлари.....	126
Хайдаров Ш.	Диалогик нутқда парцелляция .....	127
Хусанов А.	Нутқ маданияти дарсларида халқ мақоллари .....	129
Райимбердиева З. Раҳмонова З.	И. Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асаарида эмоционал-экспрессивликнинг ифодаланиши .....	130
Шарипова Ў.	Семиотика ҳақида қарашлар.....	132
Нормаматова Д. Қодирова Л. Хамдамов У.	Халқ оғзаки ижоди ва нутқ маданияти.....	133
Қобулов И. Душаева С. Мухиддинова С.	Дарс жараёнида талабаларнинг нутқий кўникмаларини назорат қилиш.....	135
Ёдгоров Ҳ. Холбекова М.	Ўзбек тилидаги айрим қариндошлик терминлари... Маънолар хазинаси .....	136 137
Муродқулов О. Тўйчиева З.	Ўзбек тилидаги антропонимлар .....	138
Нормаматов С.	Авлоний шеърятида мақол ва иборалар.....	139
Пардаева И.	Ҳ. Олимжон шеърятида сўз кўллаш .....	141
Пардаева Х. Латипов М.	Тил ва шахс социологияси.....	141
Н.Шоимова	Адабий тил ва шевага хос сўзлар.....	142
Расулова Г.	“Девону луғотит турк”да идишни ифодаловчи лексик бирликлар.....	143
Абдуразоқова Ш. Маматова М. Юсупова Н.	Муҳаммад Юсуф шеърятининг тили хусусида....	146
Шоимова Г. Камолова А. Абдуқодирова Д.	Муҳаммад Юсуф шеърятида такрорий сўзларнинг услубий хусусиятлари.....	148

Рахмонова Б, Файзиёва Д, Жабборкулова А	Насрий матнда метафоранинг ўрни.....	149
Умратова М. Хўжанова М.	Шеърлий матнда фонологик бирликларнинг услубий хусусиятлари.....	151
Абдуллаев Ш. Холбекова М. Тўйчиева З.	Таржима ва фразеологизмлар.....	152
Худойкулова Ш.	Ҳамид Олимжон асарларида мақол ва иборалар....	154
Юлдашева Д. Ибрагимова З.	А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” асарида қўлланган –лар кўшимчасининг услубий қирралари.....	155
Абзалова М.	Адабий диалектал омонимлар.....	156
Абдушукуров Б. Саидова Д. Ибрагимова Ф.	Дехқончилик лексикасида рус тилидан ўзлашган қатлам .....	158
Мўминова О.	Арабча конструкцияларнинг кесим вазифасида қўлланиши .....	158
Раҳимова Г.	«Қисаси Рабғузий» даги арабча ўзлашмалар.....	160
Турсунова О.	Форс тилини ўқитишда замонавий технологиялар.	163
	Эллипсис нутқнинг тежамкорлигини таъминловчи восита.....	164
	Шайбонийлар қабртошларида битилган унвон номлари.....	166
	Ўзбек тилида қариндошлик номларининг ифодаланиши.....	168
	Шарқ поэзиясида ҳижонинг ўрни .....	169

40 – буюртма. 200 нусха. Ҳажми 11 б.т.  
2009 йил 17 апрелда босишга рухсат этилди.  
Низомий номидаги ТДПУ Ризографида  
нашр қилинди.